

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ:
ГЕНЕЗИСИ, ШАКЛЛАНИШИ
ВА РИВОЖЛАНИШИ

Муқимжон Қирғизбоев

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ГЕНЕЗИСИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

TOJKEHT = «O'ZBEKISTON» — 2010

60.5
K47

Тақризчилар:

Р.З. Жумаев, сиёсий фанлар доктори, профессор,
И. Эргашев, сиёсий фанлар доктори, профессор.

Қирғизбоев, Мұқимжон.
Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши
ва ривожланиши / М. Қирғизбоев. — Т.: Ўзбекистон, 2010.
256-б.

Мазкур китобда фуқаролик жамиятига доир умумий тушунчалар, бу жамият унсурларининг қадимги даврдан бошлаб янги давр-гача бўлган назарий талқинлари таҳдил этилади. Шунингдек, унда янги даврда фуқаролик жамияти назариясига асос солиниши, XX аср-га келиб уни ривожланган мамлакатлар амалиёти асосида янада такомиллаштиришга доир турли назарий қарашлар, талқинлар ва жамиятни ўрганишининг илмий-услубий ёндашувлари тадқиқ этилади.

Китобда Ўзбекистонда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамоили асосида жамиятни янгилаш ва янада демократлаштириш ислоҳотлари, мамлакатда фуқаролик жамиятининг институтлари — сиёсий партиялар, надавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, демократик сайловлар, оммавий ахборот воситалари кабиларнинг хорижий тажрибалар, халқаро тамоилилар ва миллий анъаналар уйғунлиги асосидаги ва миллий манфаатларни ифода этган ҳолдаги ривожланиши таҳдил этилади. Мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари хорижий тажрибалар билан қўёсий таҳлиллар ва бу соҳада истиқболдаги концептуал мақсадлар уйғунлиги асосида талкин этилади.

Китоб мамлакатда янги жамият қуриш ва уни модернизациялаш масалаларига кизиккан барча китобхонлар учун мүлжалланган.

ББК 60.5

ISBN 978-9943-01-535-7

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2010

КИРИШ /

КИРИШ

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллиги эълон қилиниши билан жаҳон ҳамжамияти қаторида Ўзбекистон мустақил давлати вужудга келди. Узоқ мустамлакачилик давридаги яккаҳоқум коммунистик диктатура остида яшаган ўзбек халқи эркинликка эришди.

Мустақилликнинг илк даврида мамлакат раҳбарияти олдида мамлакат ва давлат келажагини белгилашнинг ўнлаб йўллари ва моделлари мавжуд эди. Лекин, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бошчилигида давлат демократик тамойиллар асосида ривожланиш ўйлени танлади. Янги миллий давлатчиликни барпо этиш арафасида ёқ Президент И.А. Каримов Миллий Мустақилликни ривожлантириш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносаб ўринни эгаллашига эришиши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларини мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда деб билди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнларида миллий анъаналар ва қадриятларга муҳим эътибор бериш, уларни демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш на-тижасида барча соҳадаги ислоҳотларнинг миллий манфаат-лар асосида рўй беришини таъминлади. Шу билан бирга, Президент И.А. Каримов мамлакатнинг ривожланиш стратегиясида хорижий тажрибалар аҳамиятини қўйидагича кўрсатиб беради: «...Биз давлатимиз келажагини ўз қоби-ғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чукур ўзлаштирган ҳолда тасав-вур этамиз. Биз умуминсоний тамойиллар ва меъёларни, истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибаси-

дан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз»¹.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ислоҳотлари Президент И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида (2005 йил 27 январь) ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги (2008 йил 5 декабрь) маърузаларида эълон қилинган жамиятнинг сиёсий соҳаси ва давлат қурилишини эркинлаштиришнинг концептуал дастурини амалий ҳаётта жорий этиш натижасида янада чукурлашди. Фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадларида эркинлаштириш мағкурасини миллий қадриятлар ва анъаналар билан уйғулаштириш асосида ислоҳотларни чукурлаштиришнинг "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал тамойилига асос солинди. Мамлакатдаги ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг устувор йўналиши сифатида "...давлатнинг ролини изчил равишда камайтириб бориш ва айни пайтда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалланинг фаолият кўлами ҳамда ваколатларини кенгайтириш, аҳоли турли қатлам ва гурухларининг туб манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиласидаган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат, ноҳукумат тузилмалар ролини кучайтириш"² йўли танланди.

Зеро, Президент И.А. Каримов қуйидаги фикрни билдирганлиги дикқатга сазовор: "Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалтича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва

¹ И.А. Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008.114-бет.

² Қаранг: И.А. Каримов. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъзуза. 2008 йил 5 декабрь. — Т.: Ўзбекистон, 2008. 6-бет.

бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш, одамлар онгига демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришdir"¹.

XXI аср бўсағасида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Ислоҳотларнинг мазкур босқичида асосий устуворлик фуқаролик жамиятини қуришга қаратилмоқда. Шу мақсадларда давлат ҳокимиятининг аксарият ваколатларини фуқаролик жамияти институтлари — сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш асосида ислоҳотлар тобора чукурлашиб бормоқда.

Умуман олганда, ҳозирги даврга келиб мамлакатда янги жамият қуришга доир ислоҳотлар тобора авж олиб бораётганлиги, бу жараёнларни сиёсий фанлар нуқтаи назаридан тадқиқ этишга зарурият пайдо бўлганлиги фуқаролик жамиятини келиб чиқиши, амал қилиши ва истиқболларини ўрганишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Фуқаролик жамияти назарий жиҳатларига доир масалалар ҳали сиёсий фанлар нуқтаи назаридан чукур тадқиқ этилмаганлигидан келиб чиқиб, мазкур китобда ривожланган мамлакатлар сиёсатшунос олимлари томонидан амалга оширилган фуқаролик жамиятининг назарий ва амалий жиҳатлари тўғрисидаги илмий тадқиқотлар натижалари, уларнинг илмий таҳлили, шунингдек, бу соҳадаги хорижий тажриба, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларига доир ислоҳотлар бир бутун ва жамулжам ҳолда илмий тадқиқ этилди.

¹ И.А. Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари маъзуаси. 2005 йил 27 январь. — Т.: Ўзбекистон, 2005. 34-бет.

I боб

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАНБАЛАРИ

1.1. Жамиятни тадқиқ этишга доир дастлабки илмий ёндашувлар

Фуқаролик жамияти назарияси инсоният томонидан яратилган сиёсий қараашлар тарихи — жамият ва инсон, сиёсат ва давлат тўғрисидаги назарий қараашлар, шунингдек, илк жамоалардан то ҳозирги давргача бўлган жамиятлар ривожланишининг тажрибаси асосида такомиллашиб борди. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти унсурларининг назарий жиҳатлари бундан бир неча минг йил олдин кашф этилганлигига эътибор берилса, бу жамият инсоният яратган цивилизацияларнинг энг сўнгти ҳосиласи ўлароқ шаклланганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Шарқ мамлакатлари ўртасидаги маданий, иктиносидий ва сиёсий соҳалардаги ўзаро муносабатлар қадимги даврлардан бошлаб ривожланган эди. Буюк Ипак йўли ва бошқа иктиносидий-маданий алоқалар шаклларининг пайдо бўлиши натижасида қадимги Хитойда шаклланган адолатли жамият барпо этиш, фуқаролар учун инсоний шарт-шароитларни яратиш тажрибаси нафақат Марказий Осиё, балки қадимги Юнонистон ва Римдаги сиёсий қараашларга ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Қадимги Хитойда адолатли жамиятга доир дастлабки изланишлар мутафаккир Конфуций (Кун-цзи, эр. ав. 551—479 й.и.) томонидан амалга оширилди. Ўша пайтда Конфуцийга замондош бўлган жамият ўз инқирозини бошидан кечирмоқда эди. Шу билан бирга, бу даврда кенг ёйилаётган ўзаро феодал урушлар, ҳокимият учун курашлар илгари ҳукм сурган ахлоқий ва маънавий қадриятларни ҳам емироқда эди. Шу боис Конфуций инсоний қадриятлар меъёрларини қайта тиклаш мақсадларида ўзидан аввалги тарихга мурожаат қилган эди.

Жамият ўз-ўзидан ва барқарор равишда анъанавий тажрибалар асосида яшовчи меъерий шартлашувларнинг умум-эътироф этган, пухта ташкиллашган ва тартибга солинган бир бутун тизим эканлигини чуқур англаган Конфуций бу тизимни мустаҳкамлаш, қайта тиклаш, ислоҳ этиш, жамиятнинг янги, изчил тизилмаларини барпо этиш жараёнига беқиёс таъсир кўрсатишга асосланган ахлоқий меъёрлар қоидаларини тузишга интилди. Конфуций ўтмишдаги қадриятларга таяниб, ахлоқизлашиб, чириб бораётган жамиятни қайта тиклашга кўмаклашадиган ақидалар мажмуасини яратишга киришиб, қадимги Чжоу-гун этикавий қоидалари меросини чуқур ўрганди. Бу ҳақда Конфуций шундай деб ёзган эди: "Мен яратадёттаним йўқ, мен (ўтмишдаги меросни) сизларга етказмоқдаман. Қадимни севаман ва унга ишонаман"¹. Лекин, бу Конфуцийнинг фақат ёндашув усули эди, холос. Конфуций нафақат қадимги Чжоу-гун тълимотини тарғиб қилди, балки, унинг ўзи ҳам жамият, давлат ва ахлоқий қадриятларга доир ўзининг янги таълимотини ҳам яратди.

Ўша даврда инқирозга юз тутган жамиятни қайта тиклаш асосан ҳукмдорлар ва мансабдорларнинг давлатни бошқаришда адолат мезонларига амал қилишларига боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, Конфуций олий ахлоқ меъёрлари намунасини шакллантиришга, комил инсон тимсолини яратишга интилди. Бу тимсол — "цзюнь-цзы" ("цзюнь"—жаноб, ҳукмдор; "цзы" — ўғил) унинг трактатида "олийжаноб" тушунчасига яқинроқ маънони англатган эди. Конфуций фикрича, "цзюнь-цзы" мажбурий ва муттасил равишда рўй бериб турадиган маросимлар (ли) меъёрларига мос ҳаётий тамойилларга эга бўлган, ўзини доимо такомиллаштириб турувчи, комилликка (дэ) эришган, инсонларга муҳаббат билан қаровчи, яъни, инсоний (жэнь) бурч ва адолатни ҳис этувчи (и) инсондир. У билимга (чжи) интигувчан, ёши улуғларни ҳурмат этувчи (сю ва ди), ўз садоқатини (чжун) намойиш этиб туришга мойил, шу билан бирга, ён беришни ҳам биладиган юмшоқ (жан), обрўли (цзин) бўлиши лозим.

¹ Қаранг: Конфуций. Лунь Юй//Древнекитайская философия. В 2-х т. Т.1. — М.: 1972—1973 гг. 164—165-бетлар.

Шунингдек, Конфуций жамиятда ҳамма нарса мустаҳкам ва барқарор бўлиши учун ижтимоий тартиботларни амалга оширишга қобил, ахлоқий намуна даражасидаги ўз ҳуқуқлари ва бурчларини чукур англаган инсон тимсоли моҳиятини изоҳлаб берди. У бу билан инқирозга юз тутаётган жамиятни ҳалокатдан сақлаб қолишга интилди. У "Ҳукмдор ҳукмдор бўлиши, фўқаро — фўқаро, ота — ота, ўғил эса ўғил бўлиб қолиши лозим", деган шиорни илгари сурди.

Конфуций жамиятни инсонлар ўртасидаги аниқ ижтимоий чегараланишлар воситасида барқарорлаштириш мумкин, деб ҳисоблаган эди. Мутафаккир дунёқарашининг сиёсий қисми марказида бирламчи ўринда ҳалқ фаровонлиги гояси ётар эди. Конфуций асаридаги мазкур мулоқот фикримизнинг яқъол далилидир:

"Ай-гун Ю Жодан сўради: "Йил ҳосилсиз келди, маблағ, озиқаларимиз етмайди. Нима қилиш керак?".

— Ю Жо жавоб берди: "Ўндан бир — чэ солиқлариниundiiring".

— "Менга иккита ўндан бир ҳам етмайди. Қандай қилиб чэ билан бошқара оламан?".

— "Агар ҳалқقا етса, ҳукмдор мұхтожликда қолмайди; агар одамларга етмаса, ҳукмдор фаровонликдан лаззатланиши мүмкінми?".

Конфуций асарларининг руҳи ҳукмдорларни ҳалқ ва жамият ривожи учун фидойи бўлишга даъват этиш билан сугорилган. Унинг учун "дао" ("ҳақ ўйл") инсонлар ва уларнинг фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш, улар меҳнатидан фойдаланишда адолатга амал қилишдир. Мутафаккир фикрича, мансабдор учун мукаммал санъат, бу — "одамлар олдилда юриш, улар учун меҳнат қилиш"dir. Донишманд мансабдор "кишиларни нимани яхши кўришини (бойлик ва обрў), нимани ёмон кўришини (қашшоқлик ва назар-писанд қилмаслик) билиши лозим; у доимо яхшилик ва эзгу ишлар учун интилиши лозим. Ана шундагина одамлар унинг орқасидан эргашади: шамол қайси томонга эсса, майсалар ўша томонга қараб этилади".

¹ Қаранг: История политических и правовых учений. Древний мир. — М.: Наука, 1985. 167-бет.

Конфуций фикрича, "бошқариш — тўғри йўл тутмоқлик демакдир". Хусусан, у Чу подшолиги мансабдорига шундай деган эди: "Қачонки, яқинларингни сендан кўнгли тўлса, шунда узоқдагилар ҳам сенга яқинлашишга интилади, сени истайди". Шунингдек, у ўзининг шогирди Цизунга қуйидаги сўзларни айтган эди: "Энг муҳими, одамларни озиқ-овқат, курол-яроғ билан таъминлаш ва улар ишончини қозонишдир. Куролдан воз кечиш, ҳаттоқи, озиқ-овқатдан ҳам юз ўгириш мумкин (охир-оқибатда эрта ёки кеч ҳамма ҳаётдан кўз юмади). Лекин, ишончга эга бўлмаган давлатнинг асоси йўқдир". Мутафаккир яхши мансабдорнинг бурчи ўз ҳукмдорига, ҳаттоқи, унинг таъбига тўғри келмаса ҳам доно маслаҳатлар беришдир, деб кўрсатган эди. Мансабдорларга мурожаат қилиб, шундай дейди: "Уни (ҳукмдорни, демоқчи) алдаманглар! Унга эътиroz ҳам билдинглар!"¹.

Конфуций жамиятнинг барқарор ишлашини ташкил этишда, давлат бошқарувида маънавият ва ахлоқнинг ўрнини юксаклика кўтаради. У шундай деб ёзган эди: "Агар қонунлар ёрдамида бошқарилса, тартибот жазолашлар воситасида таъминланса, одамлар жазолашлардан ўзларини олиб қочишига интилади. Лекин улар ор-номусни ўзларидан ҳис қилмайдилар; агар дэ (маънавий-ахлоқий воситалар) ёрдамида бошқарилса, тартибот қадриятлар ёрдамида таъминланса, одамлар ор-номусни ҳис қиладилар, ҳалол ва соғдил бўладилар"². Албатта, қадимти Хитой жамияти билан давлат ўртасида чегара ўтказиш қийин бўлса ҳам, Конфуций таълимоти асосан, инсоният учун идеал жамиятни шакллантириш руҳияти билан сугорилган эди. Шунинг учун ҳам ҳозирга қадар фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ тадқиқотларда олимлар қайта-қайта Конфуций ижодий меросига мурожаат қилишлари бежиз эмас.

Конфуцийнинг жамиятни такомиллаштириш, инсоний ахлоқ меъёрларини маънавий қадриятлар билан бойитиш каби таълимотлари жаҳондаги барча жамиятшунос ва сиёсий фанлар олимлари учун дастлабки манбалар сифатида

¹ Қаранг: История политических и правовых учений. Древний мир. — М.: Наука, 1985. 170-бет.

² Ўша жойда, 170-бет.

хизмат қилмоқда. Ҳозирги Хитойда конфуцийлик бутун бир халқнинг диний қадрияти даражасига күтарилиган. Шунингдек, бу таълимог жамиятни ўрганиш услубиётини такомишилашуви учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бунинг асосий сабаби шундаки, мутафаккирнинг ўйтлари, у қолдирган маънавий ва илмий меросга бўлган эҳтиёж абадий аҳамият касб этганилигидир. Шунингдек, конфуцийлик қайси мамлакатда бўлмасин, жамиятда умуминсоний қадриятларнинг амал қилишини асрар ва янада ривожлантириш омили ва маибай сифатида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Ҳозирги фуқаролик жамияти назариясида фуқаро — жамият — давлат ўзаро муносабатларини мувозанатга келтириш ва инсонийлаштириш ислоҳотларила Конфуций қолдирган меросни ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

Фуқаролик жамияти унсурларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ёнг машҳур юони мутафаккири Сукротидир (эр.ав. 469—399 йй.). Ахлоқий фалсафага асос солинини ҳам унинг поими билан боғлиқ. Манбаида ёзилишича, Сукротнинг фалсафага қизиқишига Дельфийдаги Аполлон ибодатхонаси деворига битилган "Ўзингни ўзинг англа!" шиори сабаб бўлган. Бу шиор етти юони дошишмандинан бири — спарталик Хилонга тегишли эди.

Сукротнинг фикрича, полис (шаҳар — давлат) ҳаётини қонунларсиз фақат ахлоқий қадриятлар асосида ташкил этиш мумкин эмас. Шунингдек, полисдан ташқарида қонунлар мавжуд бўлмайди; қонунлар — полиснинг пойдевори. Сукрот табиаттан адолатли бўлган қонунлар ҳукмрон бўлган полиснинг ашаддий тарафдори сифатида танилди.

Сукрот ахлоқий фалсафасининг асосий тамоийлига биноан илмли одамларгина қонун чиқариш ва бошқарув билан шуғулланишлари лозим. Унинг фикрича, "халқ иродаси ва давлат қонунларига асосланувчи ҳокимият подшоликдир; халқ иродасига қарши, қонунларга эмас, балки, ҳукмдорнинг ўзбошимчалигига асосланган ҳокимият мустабиддир. Агар идора этиши қонунлари уларнинг ижросини таъминловчилар томонидан амалга оширилса, бу аристократиядир; агар идора этиши бойликтан келиб чиқса, унда шулоткратия, хаяқ оммаси иродасидан келиб чиқса, демократия дейилади".

Платоннинг "Критон" асаридан келиб чиқилса, Сукрот Европа сиёсий-хукуқий фикрлари тарихида биринчи марта давлат билан унинг аъзолари (фуқаролари) ўртасида шартномавий муносабатлар бўлиши лозимлиги масаласини кўргарсан мутафаккирдир. Сукротнинг ўзига хос ривожланиб борган патерналистик қарашларига мувофиқ фуқаро ва давлатнинг шартномавий алоқалари, Ватан ва Қонунлар ота ва онадан-да юксакликка кўйилган; худди ана шулар фуқаролар учун олий мақомли ота-она, тарбиячи ва ҳокимидир¹. Унинг фикрича, ҳар қандай аффинатик, агар унга давлатнинг тартиб-қоидалари ёқмаса, балоғат ёшига етганидан кейин қонунларга мувофиқ ҳолла ҳеч қандай тўсиқларсиз ўзининг барча мол-мулки билан уни ташлаб чиқиб кетиши мумкин; у хоҳлаган жойига — шу давлатнинг мустамлакасига ёки бонича бирон-бир давлатга бориб яшаши мумкин. Фуқароликка қабул қизиш ҳам ихтиёрийдир. Шунинг учун ҳам ислидда унинг аъзоси сифатида яшаётган фуқаролар аввалин ва унинг органлари амру фармонларини бажаришга розилик билдирадилар. Даъват фуқаросига қўйидагилардан онрини ташлаш хукуқи берилади: қонуний полис органлари ва мансабдор шахсларнинг адолатсиз қарорлари ва тадбирларини у ишонтириши ва бошқа куч ишлатишмайдиган воғизлар ёрдамида бажармаслиги ёки уларни бажариши мумкин.

Сукрот оқилюна ва адолатли қонунлар ҳукмронлиги билан сиёсий эркинлик имкониятини бир-бирига боғлади. У индивиднинг полис олдидағи бурчлари ҳақида сўзлар жан, бунда оқилюна ва адолатли тарзда тартибга солинган полисдаги эркин ва ўзаро тенг фуқароларнинг қонунлаштирилган бурчларини назарда тутади. Унинг фикрича, мана шу йўлдаги эркинлик — "инсон учун ҳам, давлат учун ҳам ҳажоиб ва улуғвор бойлиқдир"². Албатта, Сукрот томонидан илгари сурнгланғоялар ва унинг таълимоти давлат ўзмийлигига фуқаролик жамияти унсурларини шакълантириши ислоҳотларини амалга оширишининг ўзига хос услубиётни даражасига кўтарилиди.

¹ Қаранг: Платон. Собр. соч. в 4-х т. Т.1.: М.: Мысль, 1990.107-бет.

² Қаранг: История политических и правовых учений. Древний мир. М.: Наука, 1985. 237-бет.

Фуқаролик жамияти унсурларининг шаклланишига кагта ҳисса қўшган мутафаккирлардан яна бири — Платондир (эр.ав. 427—347 йй.). Платоннинг давлат қурилиши, сиёсий муносабатларга доир изланишлари ва таълимоти унинг "Давлат", "Критий" ва "Қонунлар" номли асарларида мукаммал равишда ифодаланган. Лекин, антик даврда жамият билан давлат ўргасидаги фарқланишлар ҳали унчалик аниқ сезилмаган бўлса ҳам унинг асарларида жамият унсурлари ва фуқароларга доир кенг қамровли илмий изланишларни учрагиши мумкин. Масалан, у "Давлат" асарида полисни умумий эҳтиёжларга мослашган биргаликда яшаш бирзиги сифатида характерлаб, бу эҳтиёжларни қондиришининг энг яхши йўли сифатида давлат фуқаролари ўргасидаги меҳнат таҳсимотини амалга ошириш гоясини илгари суради.

Платоннинг фуқаролик жамияти унсурларига доир қарашлари кўпроқ унинг "Қонунлар" асарида кўзга ташланади. Унинг "давлати" тенасида кўп погонали сайловлар йўли билан сайланган 37 та идора этувчи мансаблор туради. Уларни сайланашда барча фуқаролар интирок қилимайтилар. Фақат куролга эга ёки урунларда қатнашган фуқароларниң сайлов ҳуқуқларига эга бўладилар. Идора этувчиларининг ёшлиари 50 билан 70 ёш ўргасида бўлишига ўтибор берилади. Идора этувчиларининг ваколатлари кенг бўлиб, аввалимбор, улар "қонун" қўриқчиларилир. Ҳокимиятнинг муҳим бир қисми сайланадиган 360 аъзолдан иборат (ҳар бир ижтимоий синфдан 90 тадан) кениншта тегишилдири. Биринчи ва иккинчи синфга мансуб фуқаролар халқ мажлисида иштирок этишига мажбурдирлар. Учинчи ва тўртичи синфга мансуб фуқароларниң эса бу мажлисида иштирок этиши шарт эмас. Юқорида келтирилган давлатнинг олий органларидан ташқари Платон яна бир идора тузишни таклиф этади. Бу идора ўз моҳиятига кўра давлат устида турувчи маҳсус орган бўлиб, "Тунги йигин" деб номланади ва у 10 та обрўли доиниманд ва кекса арбоблардин иборат бўлади, уларга давлат тақдирли топилирилади¹.

¹ Афлотун. Қонунлар. Рус тилидан Урфон Отажон тарж. — Т.: Янги аср изоҳоти, 2002. 122-бет.

Платон "Қонунлар" асарида икки хил давлат тузумини бир-бирига қиёслайди: "Мен қонун кучга эга бўлмаган, кимнингдир ҳокимияти остида бўлган давлатнинг ҳалоатини кўраман. Қаердаким, қонун ҳукмдорлар устидан ҳукмрон, ҳукмдорлар қонуннинг қуллари бўлиша, бундай давлатнинг истиқболини порлоқ, ҳалқини фаровон кўраман. Алҳол, бундай давлат фақатгина худолар томонидан инъом этилиши мумкин"².

Баъзи адабиётларда Платон демократияга муглақо қарши олим сифатида талқин этилади. Лекин, унинг асарлари синичкалаб ўрганилса, у ўз давридаги объектив воқеилидан келиб чиқиб ижод этганинг гувоҳи бўламиз. Шу билан бирга, у демократияни ҳам ўзига муносиб равишда таҳдил этганингини тан олишимиз лозим. Жумладан, Платон "Қонунлар" асарида шундай деб ёзган ёди: "Давлат қурилишининг ҳам бамисли онадек икки тури бор. Қолганлари ҳуқуқий нуқтани назардан айтганда, улардан туғилганларлар. Биринчисини муглақ ҳукмдорлик, иккинчисини демократия, деб кўрсатсан экато қилмаймиз. Муглақ ҳукмдорлик (монархия) форсларда олий мақомта етиб борди, демократия эса бизда. Даъмат қурилишининг барча қолган турчари, айтиб ўттанимиздек, шу иккисининг рангин, омухта оирлашибидан иборатдир. Озодлик ва дўстлик онглилик билан қўшилган ҳолда (биргаликда) мавжуд бўлмоғи (яшани) учун, албатта у ҳамда бу турга тааллуқли бўлиши зарур. Уларга тааллуқли бўлмаган давлат яхши тартибот (қурилиши)га эга бўлмайди, деб тасдиқ этувчи муроҳазаларимиз шуну талаб этади"².

Албатта, Платоннинг асл мақсади давлат ва ҳукмдорларни қонунларга бўйсундириш ва шу йўл билан давлатни жамиятга ҳамда фуқароларга хизмат қилдириш бўлганлигини тушуниш унча қийин эмас. Шунингдек, Платоннинг фикрича, фақат қонунларга амал қилган давлат ва жамият баракарор бўлиши мумкин. Ундай жамиятда фаровонликка ва тинчликка эришиш имкониятлари туғилади. Платоннинг бу тақлифлари давлатни қонунга бўйсундириш воситасида

¹ Ўша жойда. 122-бет.

² Афлотун. Қонунлар. Рус тилидан Урфон Отажон тарж. — Т.: Янги аср изоҳоти, 2002. 95-бет.

фуқаролар жамиятини қуриш йўлидаги умид ва истаклари тажаллиси эди.

Шунингдек, Платон адолатли жамиятнинг барқарор яшаши учун энг муҳим бўлган, фуқаролик жамиятининг асосий унсурларидан бири — эркинлик қадриятиниң аҳамиятини юксак поғонага кўтарди. Бу жиҳатдан, у ҳозирги давр мутафаккирларидан ҳам теранроқ тарзда инсон эркинлигининг аниқ фойдаларини барча учун тушунарли ҳолатда талқин этди: "Форслар Кир даврида қуллик ва озодлик (эрк) орасидаги ўрта ҳолда турганлар ва аввал ўзлари эркин-озод, сўнгра эса — кўпгина бошқалар устидан хожа бўлиб оладилар. Аммо, ҳукмрон бўла туриб, улар қўл остидагиларга (тобеларга) эрк улушларини ажратардилар ва уларга ўз тенгларидай муюмалада бўлардилар. Шундан, жангчилар қўмондоnlар билан қалин дўст эдилар ва хавф-хатарга қарши камоли хоҳини билан борар эдилар. Агар кимдир оқия бўлса ва маслаҳат бера олса, подшоҳ ҳасад қўлмасди, фикрини очиқ айтишига имкон берарди ва масалаҳаттўй бўлиши мумкин бўлганиларни қадрларди. У уларга ўзларининг оқил (онзи) эканликларини кўнгичлик халқ олдида намоён этишига имкон берарди. Шунинг учун ўша пайтларда форслар ҳамма нарсага муваффақ бўлганилар — озодлик (эрк), дўстлик ва фикр алмашишлар орқали".¹

Платоннинг фикрича, жамиятни ташкил этишига доир қонун ва қондалар шахс ҳуқуқларини ҳимоя қила олиш кучига эга бўлиши лозим. Инсонларнинг жамиятга уюшиши, жамият ишида иштирок этишларидан асосий мақсади фаровонлик ва барқарорликка эришишdir. У нафақат жамият ҳаётини, балки инсон хусусий ҳаётини ҳам қонунлар асосида ташкил этиш ғоясини илгари сурган эди: "фуқаролар, ўзларининг хусусий ҳаётлари қонунлаштирилмаганига қарамай, жамият ва умумхалқ ҳаётида қонунларга мос яшайдилар, деб ҳисобласа, у нотўғри мулоҳаза юритган бўлади".²

¹ Афлогун. Қонунлар. Рус тилидан Урғон Отажон тарж. — Т.: Янги аср ашмоли, 2002. 95—96-бетлар.

² Ўша жойда. 197-бет.

Умуман, Платон асарлари ҳозирга қадар жамиятни ўрганиш услубиёти сифатида қадрланиб келинмоқда.

Фуқаролик жамияти унсурлари тўғрисида илк тасаввурчарнинг шаклланишида Аристотель (Эр. ав. 384—322 йй.) асарлари муҳим аҳамиятта эгadir. У ўзининг "Сиёsat", "Афина политияси", "Этика", "Риторика" каби асарларида жамиятни такомиллаштириш ғояларини илгари сурди. Аристотелнинг сиёsat ва ҳуқуқ соҳаларида тенглик ва адолатни барашлаштириш тамойилларини ривожлантиришга доир тадқиқотлари ҳозирга қадар ўз қадр-қимматини йўқотмай кетаётгир. Мутафаккирнинг фикрича, сиёсий адолат ўзини ўзи қондириш мақсадларида ягона бирликка эришган эркин ва ўзаро тенг одамлар ўртасидагина яшаши мумкин. Шу тарриқа, сиёсий адолатли ҳокимият юритишнинг тамойили сифатида (жанобнинг қул, отанинг фарзандлари устидан юритадиган ҳокимиятидан фарқли ўлароқ) намоён бўлади.

Аристотель таълимотига биноан, давлат инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиий йўл бичалик иайдо бўлади, аммо унинг яшашдан мақсади — инсончарига (жамиятга) фаровонлик келтиришdir. Давлат (оила ва қишлоқ кабилаларга таққослаганда) ўзаро муносабатларнинг олий шакли бўлиб, у туфайли бошқа барча инсоний муносабатлар шакллари ўз мақсадларига ва ўз ниҳоясига эришади. Мутафаккирнинг фикрича, "давлат табиатан индивиднинг ўтмишдоши" бўлиб, у ўз табиатига биноан оила ва индивид табиати қаршисида туради: чунки, "бир бутун-лик қисмларнинг издоши бўлиши заруратидир".¹

Аристотель фикрича, давлат мураккаб тушунча. У ўз шаклини биноан маълум бир ташкилот тасаввурини бериб, фуқароларнинг маълум бир қисмини бирлаштиради. Бу ерда сўз давлатнинг бошланғич унсурлари бўлган индивид, оила кабилалар тўғрисида эмас, балки фуқаролар тўғрисида кетмоқда. Давлат шаклини аниқлаш кимни фуқаро деб ҳисобланшига боғлиқдир. Бошқача айтганда, у "фуқаро" тушунчаси оиласи чамбарчас боғлиқ. Аристотелнинг қарашича, агар ким-чи-ким мазкур давлатнинг қонунчилик мажлиси ёки суд ҳокимиятида иштирок этса, ўша фуқародир. Давлат барча

¹ Аристотель. Политика. Соч. в 4-х т. Т.4. — М.: Мысль, 1984. 379-бет.

фуқароларнинг ўз эҳтиёжларини етари даражада қондириш қобилиятита эга бўлган ҳоядаги яшашидир.

Мутафаккир энг тўғри давлат шакли сифатида политияни кўрсатади. Бу билан у умуман давлат тузумини белгилаш тушунчасидан фойдаланади. Политияда кўпчилик умумий фойда манфаатларидан келиб чиқиб идора этади. Полития олигархия билан демократиянинг аралашмаси бўлиб, у ўзида олигархия ва демократиянинг энг яхши томонларини ўйғулаштиради, уларнинг камчиликлари ва заиф томонларидан воз кечади.

Аристотелнинг демократияга доир қўйидаги қарашлари унинг моҳиятини очиб беради: "Демократиянинг биринчи кўринишининг характерли белгиси тенгликдир. Тенглик демократиянинг асосий қонунига мувофиқ шуидан иборагки, мулксизлар ҳам, мулкдорлар ҳам ҳеч нарсада бирон-бир имтиёзларга эга эмаслар; олий ҳокимият униси ёки бунисининг кўлида тўйланмаган. Шу билан бирга, ҳар иккаласи — улар ҳам, бошқалар ҳам ўзаро тенгдирлар. Агар баязилар эркинлик ва тенглик демократиянинг муҳим белгилари, деб билсалар, бу ҳолат, албатта, ўз амалиётини асосан ҳамманинг давлат бошқарувида интирок этишида ифодалайди. Демократияда халқ кўпчилик сифатида акс этиши сабабли, кўпчиликнинг қарори ҳал қилувчи аҳамиятта эгадир. Бу каби давлат тузилиши демократик деб аталади"¹.

Шунингдек, мутафаккир демократиянинг олий ҳокимият қонунга эмас, балки оддий халққа тегишли бўлган шаклини қўйидагича таърифлайди: "Бу ҳолат қонун эмас, балки халқ мажлиси қарорлари ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлган пайтда рўй беради. Бунга демагоглар воситасида эришилади. Қонун ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлган демократик давлатларда демагоглар учун ўрин йўқ. Бунда яхши фуқаролар биринчи ўринда туради"². Кўриниб турибдики, Аристотель 23 асрдан кўпроқ вақт аввал тоталитар социалистик жамият ва фуқаролик жамияти учун характерли бўлган унсурларни қиёсий ўрганиб, хулосалар чиқарган, уларга аниқ ва равшан таърифлар берган.

¹ Аристотель. Политика. Соч. в 4-х т. Т. 4. — М.: Мысль, 1984. 496-бет.

² Ўша жойда. 496-бет.

Демократиянинг барча шакллари орасидан Аристотель бойлар ва камбағаллар тотувлиги ва қонун устуворлигига асосланган мўътадил цеизли демократияни юқори баҳолайди. Аристотель барча норозиллар ва давлат тўйнаришларининг асосий сабабларини тенгликнинг йўқлигидан изайди.¹

Мутафаккир фикрича, қонунчилик — сиёсатнинг бир қисмидир. Шунинг учун ҳам қонун чиқарувчilar мазкур давлат тузумининг ўзига хослигини ва шу асосда мавжуд мунисабатлар тизими барқарорлигини моҳирона ва ҳаётга мос тарзда қонунларда ифодалашлари лозим. "Зеро, тартибот — бу қонунлариди"². Аристотелнинг кўрсатишicha, сиёсий бошқарув — одамларнинг эмас, балки, бу қонунларининг бошқарувидир. "Шундай қилиб, агарда кимда-ким қонун ҳокимият юритсан, деб талаб қиласа, бу гўёки, факат тафаккур ва илоҳиёт бошқарувини талаб қиласац бўлади. Агар кимда-ким инсон ҳокимият юритсан, деб талаб қиласа, бунига у ўз талаби билан ҳайвоний унсурни олиб киришга уринган бўлади. Чунки, ҳис-туйгуларга берилини ҳайвонийликни бошқа нареа эмас. Шунингдек, ҳукмдорларни (агар улар ни яхни оламлардан иборат бўяса ҳам) газаб тўғри йўлдан отириади; аксинча, қонун — ватмин идрокдир"³. Мутафаккирнинг фикрича, инсон ҳукмрошлиги (идрок ва қонун уринига) ҳокимиятни сунистеммол қилишга, мустабидликга одиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, "фуқаролик жамияти" тушунчанинг илдизлари асосан Аристотель изланишларига бориб тақдади. Бу жамиятни Аристотель "*politike koinonia*", яъни, "сиёсий бирлик/ҳамжамият", деб атаган эди. Бу тушунчанинг лотин тилидаги ифодаси "*societas civilis*" ("фуқаролик жамияти") қабилида қабул қилинди. Бу тушунча полисни аниқланти учун хизмат қилиб, унинг замирида "*zoon politikon*" — "сиёсий мавжудот" сифатидаги инсон "тело"си, яъни мақсади (юнонча) маъноси тушунилган. Аристотель томонидан

¹ Аристотель. Политика. Соч. в 4-х т. Т. 4. — М.: Мысль, 1984. 528-бет.

² Ўша жойда. 481-бет.

³ Аристотель. Политика. Соч. в 4-х т. Т. 4. М.: Мысль, 1984. 481-бет.

"Politike koinonia" ("фуқаролик жамияти") тушунчаси "сиёсий жамият"нинг муқобили (синоними) сифатида ҳам ишлатилган. Зоро, қадим юон ўлкасида оила, эътиқод, маърифат, маданият, санъат, умумалий ҳаётнинг барча-барча қирралари сиёсатлаштирилган эди. Бунинг устига, алоҳида олинганд шахс ўзини жамиятдан айрим ҳолда ҳис қила олмас эди¹.

Қадимги Рим мутафаккири Цицерон (эр.ав.106—43 йй.) антик юон сиёсий фикрлари таъсирида ўзининг давлат ва жамият ривожланишига доир ўз таълимотини яратди. Цицерон фикрича, давлат (*res publica*) ҳалқининг (res populi) бойлигидир. Шунингдек, у "халқ" тушунчаси тўғрисида қуйидаги фикрларни билдиради: "халқ қандайдир тарзда биргаликда тўплансан ҳар қандай одамларнинг бирлашмаси эмас, балки, ҳуқуқ ва манфаатлар умумийлиги масалаларида ўзаро бир-бирлари билан, келишиш билан боғлиқ бўлган кўпчилик одамларнинг қўшилмасидир"².

Шунингдек, мутафаккир барқарор ва адолатли жамият куришини орзу қиласар экан, унинг марказини идеал фуқаролар ташкили этишини чукур англааб етади. Идеал фуқаро бурчлари сифатида Цицерон ҳақиқатни, адолатни англаган, рухияти улугвор ва одоб-алюқ доирасида бўялган, ўз интилишларини факат эзгуликларга қаратган инсонни тушунади. Фуқаро нафақат бошқаларга зарар келтирмаслиги, балки, бошқалар мулкига кўз олайтирмаслиги, ундан ташқари, алолатсизликка учраган инсонларга кўмаклашиши, умумий фаровонлик йўлида меҳнат қилиши зарур. Фуқаролар фаолигини доимо қўллаб-қувватлаб келган Цицерон фикрига кўра "фуқаролар эркинлитетини ҳимоя қилишда хусусий шахслар бўлмайди"³. Мутафаккир фуқароларнинг яна бир муҳим бурчи — уларнинг давлат олдиаги, жумладан, аскар сифатида Ватанни ҳимоя қилиш мажбуриятларини бажариш муҳимлигини алоҳида қайд этади. Цицерон томонидан илгари сурилган бу гоялар фуқаролик жамиятининг асосий унсурлари эди.

¹ Карапт: Коғи Л.Ж., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. — М.: Весь Мир, 2003. 134-бет.

² Цицерон. Диалоги о государстве, о законах. — М., 1966. 39-бет.

³ Цицерон. Диалоги о государстве, о законах. — М., 1966. 46-бет.

Қадимги Хитой, Юнонистон ва Рим мутафаккирлари Конфуций, Сукрот, Платон, Аристотель, Цицерон кабиларнинг давлат ва жамият, сиёсий муносабатларга доир таълимотлари фуқаролик жамияти унсурларига доир илк тасвурларни шакллантириди. Уларнинг бой илмий мероси кейинги авлод олимлари учун жамият ва давлатни тадқиқ этиш услубиёти вазифасини бажарди. Улар астойдил равиша фуқаролик жамиятининг асосий унсурларини чукур тадқиқ үдилар. Шу билан бирга, мазкур мутафаккирларнинг жамиятни ривожлантиришга доир илмий мероси ўрта асрлардаги Ислом фалсафасининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида, Европа фалсафий ва сиёсий қарашларига кучли таъсир кўрсатди. Хуласа қилиб айтганда, "Европа илк бор айнан араб-мусулмонлар орқали қадимги ва эллин фалсафий таълимотлари билан танишдидар. Бу ҳодиса Европанинг маданий ривожланишига улкан имконият яратди, Европада Ўғониш даврининг нишиб етишида муҳим роль ўйнади"⁴. Европада фуқаролик жамиятга доир илк изланишлар араб тилида ижод этган мутафаккирлари яшаган Шарқ Ўғониши даври — X—XV асрлардан кейингина бошланганилиги фикримизнинг далилидир.

1.2. Шарқ алломаларининг фозил жамиятта доир таълимоти

Фуқаролик жамияти унсурлари, шунингдек, фозил жамият куришга доир назарий изланишлар дастлаб Шарқ Ўғониши даври мутафаккирлари томонидан амалга оширилган. Ҳозирги даврга келиб, Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти куриш ислоҳотларининг чукурлашиб бориши миллий меросимизни ўрганишга бўялган эҳтиёжларни янада кучайтириди. Бунинг сабаби шундаки, биз қурмоқчи бўлган фуқаролик жамияти бошқа мамлакатлар тажрибасидан антоға сифагида кўр-кўрона кўчириб олинмайди, балки, бир неча минг йиллик миллий мерос ва тарихий тажрибаларига миглан озиқланади.

⁴ Фильгинский И.М., Шидфар Б.Я. Очерк арабо-мусульманской культуры. — М., 1971. 201-бет.

Президент И.А. Каримов томонидан Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куришнинг "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётта татбиқ этилиши буюк аждодларимиз яратган фозил жамият барпо этишга доир миллий фалсафий меросни замонавий тажрибалар билан ўйнунлаштириши, ислоҳотларни эса халқ фаровонлитига эришишни мақсад қилиб олган ҳолда амалга оширишини тақозо этади.

Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Ҳусайн Вониз Кошифий каби мутафаккирларнинг фозил жамият қуришга бағишиланган илмий талқиқотларини батағсия ўрганиши, уларнинг натижалари ва хулосаларини ҳозирги даврдаги кучли жамият қуриш ислоҳотларига ишебатан татбиқ этилишига муҳим аҳамият берини — фуқаролик жамиятининг ўзига хое миллийлик асосида ривожланишини белгилаб беради.

Ўзбекистонда кучли жамият қуришнинг миллий жиҳатлари ва илмий манбаларини Президент И.А. Каримов қўйидагича ифодалаб берди: "Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият найдо бўлдики, биз босиб ўтган ўйлимизни тақиҷиди баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданияттимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қуришнинг татбиқ этмоғимиз керак...".¹

Адолатли жамият барпо этиши, фуқаролик жамияти унсурларининг шаклланишиниго доир улкан илмий мерос қолдирган буюк мутафаккирлардан энг машҳури Абу Наср Форобийdir (873—950 йй.). Унинг фикрича, мукаммат жамиятда ҳар бир табака, яхлит ижтимоий организмнинг ажralmas қисми сифатида, ўзининг муайян функцияларига эга бўлиб, гўёки шу вазифаларни бажариш учун ихтисослашганлар². Фозиллар жамиятининг адолатли бўлишида ва табакалар ўртасидаги ҷавофутларнинг сақланишида адолат хукуқий категория вазифасини бажаради. Ана шу жиҳатдан

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-пхтимоний ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. // Ватан сажлагоҳ каби мұқалдашылар. Т. 3. — Т.: Ўзбекистон, 1966. 7-бет.

² Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. — Т.: А. Қодирий помидори халқ мероси шашр., 1993. 186-бет.

ёнишганда, Форобийнинг адоят войсига ишебатан ишчантан таърифлари Платон талқинларига яқинидир.

Форобий орзу қилиган фозил ва адолатли жамоанинг жоҳил жамоалардан фарқи шундаки, унда одамлар энг тўузад ва яхши мақсадларга ҳамда умумий манфаатларга эришиш пўлида бир-бирларига яқиндан ёрдам берадилар. Кўриниб турибдики, Форобий фозил жамоа қуриш учун инсонларнинг маънавий ўксалиши, фуқаровий фазилатларга эга бўлиши талабларни илгари суради.

Форобий жамият ("инсон жамоаси") нинг келиб чиқиши ҳақида шундай леб ёзган: "Хар бир инсон ўз табиатига кўра шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етуклика эришмоқ учун кўн нарсаларга муҳтожлик сезади, унинг бир ўзи эса бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Шу боис уларга эга бўлишига кишилик жамоасига эҳриёж тунилаци... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлиши, кишиларни бир-бирига етказиб берувин ва ўзаро ёрдамланувин кўн киншиларнинг бирлашуви орқалигини одам ўз табиати бўйича иштиланг етуклика эришуви мумкин".

Форобий жамоани катта-кичиклигига кўра уч турға бўлаш: буюк жамоа — дунёдаги барча халқларнинг бирлашуви; урга жамоа — бир халқ ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа; кичик жамоа — алоҳида бир шаҳар -- давлат (полис)ни оғрлантирувчи жамоа. Албатта, бундаги ўрга жамоа бутун ўнр мамлакат миқёсидаиги илк фозил жамиятни англатадиган тунунчадир³.

Форобий инсонининг ўзини "сиёсий мавжудот" сифатидағи ўрнига қуйидаги таърифни берган эди: "Одамларга ишебатни уларни бирлаштирувчи бошланғич асос "инсонийлик"-ни. Шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганиликлари туфайли ўзаро тиңчиликда яшамоқларни лозим".

Форобий Х асрнинг бошларидә ёк адолатли фуқаролик жамиятининг содда ва оддий модели лойиҳасини қуйидагича таърифлаган: "Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки шиммакат) шундай бўладини, шу мамлакатнинг ахолиси-

¹ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. — Т.: А. Қодирий помидори халқ мероси шашр., 1993. 186-бет.

² Қаранг.: Ўна жойда. 186-бет.

³ Қаранг.: Ўна жойда. 186-бет.

дан бўлган ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма бабаробар бўлади, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шугулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига ҳалақит берувчи сulton (яни, подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади”¹.

Кўриниб турибдики, мутафаккир илгари сурган “маданий жамият”нинг асосий белгиси фуқаролик жамиятининг энг асосий унсурларидан бири — инсон эркинилиги бўлганлиги билан ҳам аҳамиятлайдир. Шу билан бирга, “маданий жамият” ва “маданий шаҳар” (булида “шаҳар” давлат маъносида ишлатилмоқда — К.М.) ҳалқининг эркин равишда ўzlари хоҳлаган касб-хунар билан шугуллана олиш ҳукуқларига эга бўлиши фуқаролик жамиятининг муҳим унсурларидан биридир.

Матъумки, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири — фуқароларнинг эркинлик ҳукуқи асосида ўтказиладиган сайловлардир. Сайловлар даврида фуқаролар ўз хоҳиши-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рӯёбга чиқариш ва муҳофаза қилишда ҳақиқий шарт-шароит, ҳукуқий заминга эга бўладилар. Бу каби жамиятда инсон ҳукуқлари ва эркинликлари ҳар томонлама ҳимоя қилинади. Ҳозирги давр вакиллик демократиясининг ана шу муҳим унсури ҳам Форобий ёзигоридан четда қўлмаган. Мутафаккир шуңдай деб ёзган: “Уларнинг ўzlаридан (“фуқаролардан” — К.М.) сайланған раҳбар ёки бошилиqlар ҳокими мутлақ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилиган, синарган, энг олийжаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташки душмандан муҳофаза қиласилар. Бундай раҳбарлар ҳаммага баробар муносабатда бўладилар, ҳатто ҳамманинг манфаатини ўzlарининг манфаатларидан ортиқ кўрадилар, умумнинг манфати учун ўzlарининг шахсий манфаатларидан воз кечадилар, ҳалқ манфаати учун ўzларидаги куч-гайрат ва бойликларни аямайдилар”².

¹ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. — Т.: А. Қодирийномидаги ҳалқ мероси наимр., 1993. 190-бет.

² Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. — Т.: А. Қодирийномидаги Адабиёт ва саннагат наимр., 1993. 190-бет.

Форобий ижтимоий-сиёсий таълимотининг энг муҳим қисми жамият, унинг таркиби тузилиши, пайдо бўлиши, шакланиши ва ривожланишининг асосий сабаблари ҳамда шарт-шароитлари, шунингдек, амал қилишининг ижтимоий-ҳукуқий меъёрларини тадқиқ қилишга бағищланган. Форобийнинг адолатли фозил жамият ҳақидаги таълимоти унинг фалсафий ва сиёсий қарашлари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу таълимотининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, у жамият, давлатчилик ва ҳукуқий масалаларининг очимларини тошишда муҳим ўрин тутади, бу соҳага доир иямий тадқиқотлар учун умумий услубий тамойинлар вазифасини баҳарди.

Форобий ўз давридаги турли мамлакатлар ҳаётий фаошлагита, уларни бошқарув усусларига баҳо берар экан, у ўз исаввуридаги мукаммал жамият ва давлатининг олий мақсади — инсонларнинг том маънода баҳт-саодатта эришуви юйлидаги мақсадларидан келиб чиқади. Албатта, ҳозирги таврида давлат ва жамиятининг бош мақсади — ҳалқ фароншилиги эквалийтигига ётибор берсак, бу масалани ҳал қилиш юйли бундан салқам минг йил илгари мутафаккир томонидан кашф этилиганингига гувоҳ бўламиз.

Юқоридаги таҳлийлар умумлаштирилганида, Абу Наср Форобийнинг фозил жамиятта доир таълимотининг асосий юйналиши комил инсонни шакллантиришга, инсоннинг маънавиятли ва ахлоқли бўлишига йўғрилиганини аниқ севалиб туради. Шунингдек, у фозил ва адолатли жамият қуриш учун ҳукмдор ва давлат мансабдорларининг маънавий дунёси юксак бўлиши лозимлигини ўз назарий изланишларида ҳар томонлама исботлаб берган.

Фуқаролик жамияти унсурлари шаклланишига муҳим ҳисса қўшган машҳур Шарқ мутафаккирларидан бири Абу Райхон Берунийдир (970 — 1048 й.и.). Унинг асосий идеали фозил жамиятда яшовчи — комил инсон, ўз ор-номусини очиған ва қадр-қимматини сақлаган, олийжаноб, муруватласидир: “Олийжаноб одам ўзининг жони ва ўзининг мулкотиги бошқа ҳеч нарсага эгалик қиласайди, қонунан ўзига течинши мулкни бошқаради. Агар бундай одам бошқаларини оғир ишини ўз елкасига олиб, улар учун ўзи машақи торгиг, Олдоҳ унга ишом этгани нарсаларини муҳтож

одамларга берса, ундаи одам жавонмад (фатиёт) деб аталади. Жавонмад ўзининг олий жаноблиги ва хайр-саҳовати билан машхур бўлган одам. Айни вақтда жавонмад ўзининг хушмуомалалиги, меҳр-шафқати, сабог-матонати, сабр-тоқати, обрў-иззати билан ҳам ном чиқарган одамдир¹.

Беруний адолатли жамиятни барно этиш учун комил инсонни шакллантиришга муҳим аҳамият беради. Фозил жамиятни куришга тўсик бўлиб турган иллатларни йўқотиш учун уларнинг илдизини қуритини кераклигини куйидагича уқдиргани. Ёвузликдан қутилиш учун инсон икки табиий куч — очкўзликка ҳирс ва газаб устидан ҳукмронлик қилиши керак. Булар инсон учун ёнг кучини ва ҳаффи душманлардир. Мана шу очкўзлик ва газаб устидан ақе ва тафаккур кучлари ғалаба қозониши керак. Шундагина инсон шайтоний тафсанан қутилиб, Ҳудога яқинлашади; бу оламнинг ташвишларидан ҳалос бўлиб, маънавий юксалининг иштилади. Аммо инсон бу иллатлардан қутянишини учун уларни келтириб чиқарган сабаблар — бошқаарларни устунликка, шон-шуҳратга ҳире қўйини ва интишини каби иллатларини тарқ этмоғи керак.

Абу Райхон Берунийнинг эвтироф этишича, фуқаровий жамиятнинг инсонийлик даражаси кишилар кундаклик эҳтиёжларининг қўниматик қонирилиши билан белгиланни. Жамиятда фуқароарнинг фарновоилигини таъминлановчи ёнг муҳим омил ижтимоий адолат қондакарига амал қилишдир².

Фуқаролик жамияти унсурларини тадқиқ этган мутафаккирлардан яна бири Абу Али ибн Синоидир (980—1037 йй). Мутафаккир адолатли жамиятнинг яшани шарти сифатида биринчи ўринига инсонлар ўртасидаги ахлоқий муносабатларни қўяди. Юксак ахлоқ соҳиби бўлининг эса маърифат ёрдамида эришилди. Олимнинг фикрича, ахлоқий муносабатларнинг юксалинин жамиятнинг маънавий-ахлоқий согломлиги ва событияни таъминлайди. Инсонларнинг маънавий-маърифий комилликка эришуви жамиятнинг янада тақомиляшувини, унда адолат тамоийларининг барқарорлигини таъминлайди.

¹ Беруни А.Р. Минералогия: собрание сведений для познания драгоценностей. — М., 1963. 14-бет.

² Қаранг: Беруни А.Р. Ҳиндустон // Асарлар. Т. II. — Т.: Фан. 1965. 70-, 125-, 161-бетлар; Минералогия: собрание сведений для познания драгоценностей. — М., 1963. 104-бет.

Фуқароларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлиги нағисасида жамият маънавий-ахлоқий жиҳатдан согломлашади, инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-муҳаббат ва ишонч түйгулари шаклланади, одамлар ўзаро жислашади, бу билан ёвузлик ва адолатсизлик йўлига гов қўйилади. Ибн Синонинг фикрича, ўз ақлий фаолиятидан қониқиши ҳосил қилиш — ёнг олий даражали лаззат багишлайди. Разил табиатчи одамнинг ҳатти-ҳаракатларини бошқариш унинг ҳайвоний нафси ихтиёрида бўлади. Бундай инсон бутунлай маърифатсиз инсондир.

Хулоса қилиб айтганда, Абу Али ибн Синонинг комил инсонни шакллантиришга доир қарашларида илк Уйғонини зири мутафаккирлари каби маънавий қадриятларнинг моддий ҳаёт қадриятларидан устун қўйишга мойиллик кучлини сезилиб туради¹. Албатта, ҳозирги даврда келиб, умуминсоний ва маънавий қадриятлар фуқаролик жамиятини тақомиляштириши омилларидан бири сифатида ўзини намоён қилганилиги мугафаккир илгари сурған гояларнинг нечозиқ аҳамиятга молик эканлигини аниглатади.

Фуқаролик жамияти унсурларини шакллантиришга катта дисса қўшган Шарқ мутафаккирларидан яна бири — Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий — Низомулмулкдир (1018—1092 йй.). У ўзининг "Сиёсатнома" асарида давлат ҳокимиятни адолатли жамият куришдаги ўринин атрофлича очиб берди. Албатта, Низомулмулк яшаган даврда давлат билан жамият ўртасида чегара ўтказиш мунисул иш бўлса ҳам, тоинишманд мутафаккир жамиятни салтанатдан айри ҳолда тасаввурлай олди. Лекин, у шунга қарамай, адолатли жамият бўлишини сиёсий элитага — ҳукмдорга, сарой мансабдорларига, ҳокимларга боғлиқдир, деб билди. Албатта, урга асрлардаги феодал муносабатларга асосланган монархия гузумида жамият фаолиятини ташкил этиш вазифаси, исосан, давлат ҳокимиятининг қўлида эди.

Низомулмулк адолатли жамият барно этиш масаласида уларидан бир неча асрлар илгарилаб кетган эди. У инсонларнинг фарнови ҳаёт кечириши ва ўз мағбаатларини қон-

¹ Қаранг: Жакбаров М. Комил инсон гояси: тарихий-фалсафий таҳсил. — Г.: Абу Али ибн Сино напр., 2000. 106—108-бетлар.

диришлари учун жамият қуришта эхтиёж сезишлиарини чукур ва тераң аңглаган әди¹.

Низомулмұлкнинг жамияттың ташкил этиш билан бөглиқ давлат бошқарувы түғрисидеги фикрларидан шундай холосалар чиқарып мүмкін: сиёсат ва давлат бошқарувидағы, шунингдек, инсон ҳәетидеги барча икір-чикирларни билиш ва улардаги ўзаро мұносабатларни англаш фақат амалдор ёки ھукмдорғагина тегиши әмас. Улар барча инсоният зотига (яны, бутун жамият аъзоларига) мансубдир. Шунинг учун ҳам тажрибали, оқыл, фозия кишилар билан кенгашшлар ва маслахатшлар асосида сиёсий ва бошқаруvin қарорлари қабул қылыш воситасидеги буғын бир жамияттар барқарорларини тәтминлаш ва адолаттың үрналиш, фаровон ҳаёт қуриш мүмкін.

Низомулмұлкнинг фикрича, "бирор ишни маслахатсиз амалта ошириш ғиқрнинг заиғлигидан дақолат беради, бундайларни ўзбілармен дейділар. Машварат ва кеңгашсиз амалга оширилған ишнинг нағијасы яхши бўлмайди"². У бу ўринда ھукмдорларни Пайғамбар саллюлоҳу алайҳи вас-салламдан ибрат олишта чақиради, у Яраттаганинг набииси бўлса-да, оддий инсонлардан маслаҳат олиши, улар билан кеңгаш ва машварат этиш асосида бошқаришини ағзали кўрганигини таъкидлайди. Бу билан Низомулмұлк ҳар қандай ақыли ва доно ھукмдор машварат ва кеңгашсиз мамлакат бошқарулишининг охири яхши бўлмаслигига ишора қилаади. Мутафаккирнинг ушбу маслахатлари ва қоидлари минг йиллардан бўён ўз аҳамияти ва мавқенини йўқотмай келмоқда. Улар фуқаролик жамияттинг асосий унсурлари сифатида яшаб келмоқда.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий (1441—1501 й.) ўз асарларыда фозия жамият қуришта доир бой илмий мерос қолдирди. Алишер Навоий ҳам фозия жамият ташкил этиш учун адолатли ھукмдор, яны, "аҳли маъни"га мансуб бўлган ھукмдорларни улуглайди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз беради юхақликлар, адолатсизликларни эса қоралайди.

¹ Низомулмұлк. Сиёсатнома ёки Сиyr ул-мұлук. — Т.: Адолат, 1997. 17—18-бетлар.

² Низомулмұлк. Сиёсатнома ёки Сиyr ул-мұлук. — Т.: Адолат, 1997. 98-бет.

Ҳақиқий инсоний фазилатлар — адолат, меҳру муруват, меҳнатсеварлик, тұғрысузлик, ватаншарварлик, ҳалоллик, инсоншарварлик, қаҳрамонлик кәбі фазилатларнинг ижобий жиһатларини көнг ва чукур очиб беради.

Алишер Навоийнинг қарашича, адолатли жамиятни юксак фазилатли, маънавиятли инсонларгина барно этишлари мүмкін. Шунинг учун ҳам мутафаккир инсон маънавиятни юксалтириш асосида фозия жамият қуриш ғояларини шыгары суради. У инсониятни иккига — "аҳли маъни" ва "аҳли суврат"га бўлиб, уларнинг ҳар бирини чукур таърифлаб беради¹.

"Аҳли суврат" — бу тоифага мансуб кишилар инсоний мұносабатларнинг фақат шаклу шамойиллига мұхим эътибор берадилар. Уларга викорли бўлиш, кибланиш, зеб-зийната берилиш, ўзгаларга зулм ўтказишдан ҳузурланиш мансубдир. "Суврат аҳли" учун дунёни қалбан англаш, озгулик ҳис-туйгулари бутунлай ётдир. Улар инсоний мұносабатларнинг фақат ташки кўришишларини таан оладилар, моҳият ва мазмунга кириб бора олмайдилар. Уларнинг асосий ҳусусиятларидан бири таққидчиликдир. Бу тоифадаги кишилар кучлилар олдида қул, оқизилар учун зулмкор. Улар маслак-сизликлари туғайли фақат буғунги кун ҳузур-ҳаловати билан яшайдилар, бу билан у дунёларини күйдирашилар. "Суврат аҳли" диний амалларни ҳам фақат кўркув ва у дунёдаги маддий яззатланиш илинижда бажаралилар. Бундай инсонлар фақат жоҳил жамиятни хуш кўрадилар.

"Аҳли маъни" — юксак тафаккур соҳибларидир. Уларнинг маънилиги шундаки, бу тоифа инсонлар учун ақлшароқли бўлиш, турли мұносабатларнинг моҳият ва мазмунини англаш хөсдир. Бу каби инсонлар ўз эхтиёж ва манфаатларини ўзгаларники билан уйғунашган ҳолда идрок қўладилар. Жамият ва халқ учун хизмат қылыш ва яшашдан тағатланадилар. Улар ҳар бир хатти-ҳаракат ва воқеликшинг өқибатини ўйлаб иш тутадилар, бу дунёнинг қисқа ва утқитчи эканлигини чукур ҳис қиласидилар. "Аҳли маъни" Яраттаганинг ато эттаг тафаккурлаш фазилати воситасида

¹ Қаранг: Алишер Навоий. Ҳайратула-аббор. (Яхшилар ҳайрати). — Алабиёт жа салынат панэр., 1974. 35—38-бетлар.

дүнөни аңғашта, бу йўлда илм-ғашни эгағлашта ва маъриғатли бўлишга интиладилар. Уларнинг бош мақсади Яратганга етишиш. Бу тоифага мансуб бўлиш учун инсон эркин, довюорак, ҳақиқатпарвар, бурч ва масъулиятни ҳис этувчи, камтар, куч ва тазийиқ ишлатишдан ҳоли, халқ ва дин учун фидойи, имонли, ҳаёли, ўзга инсонлар учун ҳамларл, ҳар қандай зулмга қарши бора оладиган, адолат олидилар ҳар қандай бойлик, иззат-нафс ва манфаатлардан возкечада оладиган, ўз фикрига эга бўлиши лозим¹.

Кўриниб турибдики, "аҳни маъни"га мансуб бўлиш, яъни юксак маънавият соҳиби бўлиш инсоннинг энг олий орзу-силир. Алишер Навоийнинг бу таъкинини аңглаган, чукур ҳис этган ҳар бир киши учун маънавият — бу инсон мазмумни ва моҳиятини ташкил этувчи ҳолисадир. Дунёдаги барча инсониятнинг жамият сифатида яшаб туришини таъминловчи қудратли тутқилилар ҳам, инсоний ривожланиш ёки умуман цивилизацияга оришув, уни барқарор ушлаб турувчи ва янада такомиллантирувчи бекиёс ва ҳалсиз куч ҳам маънавиятдир.

Алишер Навоийнинг замонидони, Ҳиротда яшаган манихур олим Ҳусайн Вониз Кошифий (1440--1505 йй.) ўзининг "Ахлоқи Муҳсений" номли асарида флеренциялик Никколо Макиавеллидан деярли чорак аср олдин сиёсат тушунчалигининг таърифини ишлаб чиққан эди. У мазкур асарининг бир бобини сиёсат таърифига бағишилайди. Шунингдек, у Н. Макиавелли таърифи бўлган сиёсатда "мақсад воситани оқладай", деган қондага бутунлай қарама-қарши бўлган — адолатли, ахлоқ ва маънавиятга таянган сиёсатни қўллашни илгари суради.

Мутафаккир жамият ва давлатнинг инқирози сабабини ҳокимиият зулмининг кутайишидан излайди: "Золим ҳокимиким, жавру ситам бирла раиятта озор берур ва ўз қўли бирла давлат илдизини кесмиш бўлгой ва бу иш бирла ўзини афтодаҳоя ва парниён аҳвол қолмиш бўлгой". У "халқка зулм қилиш -- давлат илдизини кесин", деган фикри ёзар экан, бу билан давлатнинг мустаҳкамлигини жамиятнинг

¹ Қаранг: Ҳакқулов И. «Қамол эт қасбким...» -- Г.: Чўлпон, 1990. 80--81-бетлар.

барқарорлигига, деб билади. Кошифий "Мамлакат заволи неча нимарсацир?" деган саволни қўйиб, унга шундай жавоб беради: "Уч нимарсацир. 1-подиоҳларга хабар пушидা (маҳфий) бўлмоқда. 2-азазил (шайтон) ва сифлат (тубанлик) тарбият тоимоқда. 3-амалдорлар раиятта зулм қилмоқда!"

Кўриниб турибдики, Ҳусайн Вониз Кошифий ўз давридаги жамият ва давлат тизимини таҳлия қиласа экан, жамият барқарорлигини, унинг аъзолари ўртасида адолат ва инсонийлик қадриятлари юксалишини ҳукмдор ва давлат мансабдорларининг маънавий бойлиги билан боғлайди. Шу билан бирга, у жамиятнинг кучли бўлиши давлатнинг кучли бўлишини таъминлашини чукур аংглайди. Бу қарашилар ҳозирги давр учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хуноса қилиб айтганда, Ватанимизда яшаган буюк мутафаккирларининг илмий мероси ва амалий фаолиятлари нафакат миълий қарашларимизнинг тарихий-назарий илмизларини ташкил этиади, балки уларнинг илмий мероси ҳозирги даврда фуқаролик жамияти қуриш соҳасидаги ислоҳотларда тайёр бўлаётган кўплаб муаммоларни бартараф ишига хизмат қиласи. Шунингдек, Шарқ мутафаккирлари қоғодирган бой мерос мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий жараёпларни ташкил этишининг маънавий-ахлоқий манбаарини ташкил этиади. Колаверса, Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси жамиятни ўрганиш ва уни такомиллантиришишнинг услубиёти ҳамдир.

Шарқ мутафаккирларининг фозил жамият ва адолатли тавлат барнио этишга оид ғоялари Фарбга ҳам кучли таъсир қиласи. Фарбнинг илғор олимлари Шарқ мутафаккирлари тарларини ўрганиш, уларни Европа тилларига таржима қилиш асосида ўзларининг давлат ва жамиятни такомиллантиришга доир қарашларини аңга бойитдилар. Айниқса, Европа олимлари фуқаролик жамияти билан боғлиқ назарияларни яратишда Шарқ мутафаккирларининг илмий меросларидан унумли фойдаландилар.

¹ Қаранг: Маҳмудов Р. Дегонимни улуска марғуб өг... -- Т.: Ўзбекистон, 1992. 18--20-бетлар.

1.3. Фуқаролик жамиятниң ўрганишнинг дастлабки методологик манбаларининг шаклланиши

Фуқаролик жамиятига хос илк қарапшлар ва илмий ўрганишга доир услугбий ёндашувлар бир неча асрлар давомида вужудга келди. Жон Локк ва Иммануил Кант каби файласуфлар ҳам "фуқаролик жамияти" деганда, аввало, "давлат"ни тушунишга мойил бўлдилар. Аммо, бора-бора фуқаролик жамияти билан мутлақ давлат институтлари ўртасидаги тафовут кўзга яққолроқ ташланаверди. Томас Гоббс, Жон Локк, Шарль де Монтескье каби олимлар жон-жаҳдлари билан ҳимоя қиласан индивидуализм концепцияси эса кун тартибига жамиятнинг ёрkin фуқароси, шунингдек, шахс ёркинлиги масаласини қўйди. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги мавжуд концепциялар ўзига кўпраб мураккаб муаммолар тизимини қамраб олди. Бу назарияларни, уларнинг методологик манбалари ва тарихий йўналишини тадқиқот жараёнидагина англаш мумкин.

Европада фуқаролик жамияти тўғрисидаги илк ғоялар XVII аср ўргаларида Томас Гоббенинг "Табиий ва сиёсий қонунлар унсурлари", "Фуқаро ҳақида", шунингдек, бошқа давлат ва ҳокимиятга доир ("Левиафан") асарларида ўз ифодасини тонганидан кейин шаклланди. Шу даврдан бошлаб фуқаролик жамияти долгзарб ижтимоий-сиёсий тасаввур ва тушунча сифатида такомиллашиб борди¹. Томас Гоббс даставал иенсондаги табиийликни унинг ижтимоий сифатларига қарамана-қарши қўйди. Бу даврдаги қарапшларда бошқарилиб бўлмайдиган, носиёсий, шу сабабли ҳам ижтимоийлашмаган, яъни жамият ва давлат қонунларига ёки ҳокимиятга, шунингдек, сиёсатга бўйсунувчи ижтимоий борлиқда айрим кенгликлар ҳам мавжудлигига доир тасаввурлар шаклланди.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги янги қарапшларнинг дастлабки муаммоларидан бири — унинг келиб чиқишидаги табиийлик билан ижтимоий-сиёсий жиҳатларини асослаб бериш эди. Бу даврда иенсонни ўзини икки хил — табиий ва ижтимоий келиб чиқиши тўғрисидаги қарапшлар пайдо бўлган

¹ Қаранг: История политических и правовых учений XVII—XVIII вв. — М.: Наука, 1989. 60—61-бетлар.

эди. Унга биноан, жамият, давлат ва унинг сиёсати табиийлик касб этиши лозим. Жамиятнинг ана шундай табиий бошланишини цивилизацияга эришганлик, деб баҳолаш расм бўлди. Натижада *civitas* (цивитас) — шаҳар тушунчасидан *civilitas* (цивилитас) — бошқарув, фуқаролик, давлат, сиёсат, фуқаролик жамияти (қадимги Римдагидек) тушунчасига ўтиш бошланди².

Томас Гоббс жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни, фуқаролик муносабатлари билан сиёсий муносабатларни уйгуналластириш мақсадлари ҳуқуқий давлат қуриш муаммоларини кун тартибига қўйинини ёзган эди. Унинг фикрича, албатта, ҳуқуқий давлатни барпо этмай туриб, фуқаролик жамияти қуришни тасаввур қилиб бўлмайди³.

Демократик жамият қуриш масалалари соҳасида бой илмий мерос ва тадқиқот услуглари шаклланишига кагта ҳисса қўшган мутафаккиялардан бири Жан Жак Руссо (1712—1778 й.). Руссо ўрга — "учинчи табақа" мафкураси асосчилари жумласига киради.

Руссонинг ёзишича, "табиий ҳолатда озгина бўлган хотентиллик бизнинг қобилиятларимиз ривожланиши ва инсон тафаккурилаги мубаффақиятлар ҳисобига ўсиб боради ва ниҳоят, мулқчилик ва қонунларнинг ўриятилиши натижасида янада мустаҳкамланади ва қонунлашиди"⁴. Натижада шахелар ўртасидаги хотентиллик ҳуқуқи табиийлик ҳуқуқи билан зиддиятта киришади. Шундан келиб чиқиб, Руссо илгари сурган ижтимоий шартномага мувофиқ ҳолда ҳалқнинг суворенлик ҳуқуқи асослаб берилди: шартнома фақат ҳалқ ва ҳукumat ўртасида эмас, балки миллатнинг барча яъзолари ўртасида тузилади. Бу шартнома ижтимоий атомлар қоришмаси ёки индивидумлар йигиндиси эмас, балки ҳамюртлар-ватанпарварлар ҳамжамиятидир. Ҳамюртлар иродаюари механик ёки арифметик жиҳатлардан бирлашмайди,

¹ Қаранг: Кравченко И.И. Концепция гражданского общества в философском развитии. — Политические исследования, 1991. 128—130-бетлар.

² Қаранг: Гоббс Т. Избр. произведения: В 2 т. Т. 1. — М., 1965. 59-бет. Т.2. 114—115-бетлар.

³ Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре. Трактаты. — М.: «Канон-пресс», «Кучкого поле», 1998. 139-бет.

бу "барчанинг иродаси" эмас, балки ҳакиқий ҳамюрглар умумий манфаатларини ифодалайтиган умумий иродадир. Бу умумий ирова "хар вақт доимий, ўзгармас ва шаффоффидир"¹. У ўзида бўлинмас ва ажралмас ҳалқ суверенитетини ифодалайди, ҳукумат ҳалқнинг қўлидан ҳалқ иродасига мувофиқ бажарадиган ижроия ҳокимиятни топшириқ сифатида олади ва у бу иродани бузишга ҳаққи йўқ.

Шу билан бирга, йиллар ўтган сайнин Руссо назарий қарашларида ўзгаришлар ҳам рўй бера бошлади. У ўзининг "Тенгизликтининг келиб чиқиши ва сабаблари тўғрисида мулоҳазалар" асарида ёзишича, гёёки жамият ривожланишининг ўзи ички зарурият бўлиб, нировард натижада деспотизмга барҳам беради. "Ижтимоий шартнома" асарида эса бу каби заруриятта эҳтиёжлар кўзга ташланмайди: ички зарурият эмас, балки фақат ҳукуматтининг ўз ҳокимиятини сунистемол қилиши ҳалқнинг дастлабки эркинликларини ҳаиф остига қўяди. Ўз ҳокимиятни сунистемол қилиш натижасида ҳукумат олий ҳокимиятни эгаллаган даврдан бошлаб "ижтимоий шартнома" бузилади ва оддий фуқаролар ўзларининг дастлабки табиий эркинлик ҳуқуқларига эга бўлган ҳолатта қайтадилар, бугуда фуқароларни фақат зўрлик билан итоат этириш мумкин, лекин ёди улар итоат этиши мажбуриятини ўтаридан соқит қилидилар"².

Умуман, Руссонинг назарий қарашлари, айниқса, ҳалқ суверенитетига доир илмий мероси ҳозирги даврдаги фуқаролик жамиятига онц назарий қарашларни ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. Унинг ахлоқ меъёрлари ва ижтимоий шартнома асосида жамият барнио этишга доир илмий изла-нишлари инсон эркинлиги ва ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги бирламчи манба сифатида яшаб келмоқда. Шунингдек, жамиятни ўрганишнинг Руссо асослаб берган услубий ёндашувлари ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Фуқаролик жамиятига доир назарий ва методологик манбаларнинг ривожланишида Иммануил Кантнинг (1724—1804 йй.) муносиб ҳиссаси бор. Кант фуқаролик жамиятни

¹ Қаранг: Руссо Ж.Ж. Трактаты. — М., 1969. 160—162, 171, 193-бетлар.

² Қаранг: Алемус В.Ф. Историко-философские отходы. — М.: Мысль, 1984. 119-бет.

барпо этишни инсониятнинг энгасосий вазифаси, деб билди: "Инсон зотини ўз муаммоларининг ечимиши топишга интилиши натижаси, бу — умумий ҳуқуқий фуқаролик жамиятига эришишидир. Ўз аъзоларига буюк эркинликлар берадиган жамиятгина ўзида тўла антагонизм мавжуд бўлишига қарамасдан, бошқаларнинг эркинликлари билан келища олади, бу эркинликларни аниқ ва белгилаб беради. Фақат шундай жамиятдагина табиатнинг олий мақсади амалга ошиши мумкин: инсониятга ато этилган барча қобилият нишоналари ривожланади; шу билан бирга, унга нисбатан белгиланган бошқа мақсадлар қаторида ана шу мақсад ҳам ўзўзидан амалга ошиши табиатнинг хоҳишидир". Инсоннинг фуқаро сифатидаги муҳим ҳуқуқий белгиси эркинлик, тенглик ва мустақиликдир¹.

Шубҳасиз, фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларини мукаммал ишлаб чиқкан мутафаккирлардан яна бири Георг Гегелдир (1770—1831 йй.). Фуқаролик жамияти, деб таъриф беради Гегель, фаолияти қонун билан бошқариладиган шахслар, синивлар, турӯҳлар ва бошқа институтларнинг мажмуаси бўлиб, бу мажмуя тўғридан-тўғри сиёсий давлат бошқарувига боғлиқ эмас. Шунингдек, Гегель бу ҳақда қўйидаги фикрни билдирган: "Фуқаролик жамиятининг табиати шундайки, унда ҳар бир алоҳида инсоннинг ҳуқуқи давлатнинг шахсий ҳуқуқига айланишга улгурган бўлиб, унда давлат "ўзининг зиммасига" менинг ҳуқуқларимни худди ўзининг ҳуқуқларидек ҳимоя қилиш ва қарор тонтириш мажбуриятини олади"².

Гегель биринчилардан бўлиб "давлат" ва "фуқаролик жамияти" ўртасида ҳам тафовутлар, ҳам ўзаро боғлиқликлар борлигини таъкидлаб, фуқаролик жамиятини инсон меҳнатининг роҳатини топадиган жой, деб қарайди. Шу билан бирга, мутафаккир давлат инсонга бундай жамият қуриш имкониятини очиб беради, деган фикрни билдиради³.

¹ Кант И. Идея всеобщей истории во всемирно-гражданском плане. Соч. в 6-и т. Т. 6. — М., 1966. 13—14-бетлар.

² Гегель Г.В.Ф. Философия права. — М.: Мысль, 1990. 418-бет.

³ Гегель Г.В.Ф. Философия права. — М.: Мысль, 1990. 279 ва 286-бетлар.

Еарбий Европа мамлакатлари жамниятларидаги ўрга мулкдорлар табақасининг мустаҳкамланиб бориши, саноат ва савдонинг ривожланиши, бозор муносабатларининг кенгайиб бориши билан эркинлаштириш (либерализм) мафкураси ҳам шаклланиб борди. XIX асрда келиб бу мафкура таъсирли сиёсий ва интеллектуал оқимга айланди. Бу мафкуранинг тарафдорлари бошқа турлича ижтимоий табақаларда ҳам мавжуд эди. Лекин, либерализмнинг асосий ижтимоий таянчи, аввало, саноат ва савдо соҳасидаги ўрга тадбиркорлар, шунингдек, майда мансабдорларнинг баъзи вакиллари, эркин қасб эталари ва университетлар олимларидан иборат эди.

Ўрга ижтимоий қатлам, яъни "учинчи табақа"нинг либерал мафкурасини яратишга Иеремия Бентам (1748—1832 й.) катта хисса қўши. У Томас Гоббс, Жон Локк, Давид Юм фалсафий гоялари, XVIII асрдаги француз маърифатпарварлари Клод Андиаш Гельвеций, Анри Гольбах қарашларини чукур ўрганиш асосида утилитаризм¹ назариясига асос солди. Унга мувофиқ тўртта қоида асос қилиб олинди: қониқишиш олиш ва азобланишнинг барҳам топиши инсоний фаолиятнинг моҳиятини ташкил этади; фойдали бўлиш, қандайдир масалани ечиш воситаси бўлиш имконияти — барча ҳодисаларни баҳолашнинг энг аҳамиятли мезони ҳисобланади; маънавият одамларга баҳт-фаровонлик келтириш мақсадида кўпчилик томонидан яратилади; индивидуал ва умумий манфаатларни уйғунаштириш йўли билан умумий фойдани кўпайтириш инсониятнинг энг муҳим ривожланиш гоясиdir².

Бентам XIX асрдаги либерализмга асос солган мутафаккирлардан биридир. Лекин Бентам либерализмининг бетакор томонлари ҳам бор. Маълумки, либерализмнинг негизи, деб шахс эркинлиги тўғрисидаги қоида, индивиднинг хусусий мулк ва сиёсий-хуқуқий тизим томонидан таъминланадиган фаолиятнинг автоном кенглиги ва индивиднинг

¹ Утилитаризм — лот. «угила» — «фойда»; фойда ёки паф кўриш ахлоқ асосий гоясини ишари сурған этикадаги йўналишилардан бири.

² История политических и правовых учений. — М.: НОРМА, 2003. 250—251-бетлар.

ўзини ўзи ифодалай олиши кабилар тушуништан. Лекин Бентам алоҳида олинган инсон ҳақидагина фикр юритмайди, балки у кўпроқ шахснинг хавфсизлиги ва манфаатлари нуқтани назаридан баҳо беради. Инсон ўзининг ғамини ўзи ейини, ўз фаровонлигини ўзи таъминлаши, ташқи ёрдамга камроқ муҳтож бўлиши лозим. Фақат инсоннинг ўзигина шахсий манфаат ва фойда нима эканлигини белгилай олади. Бентам индивидларга эркинлик бериш билан жамиятга кўпроқ фойда келтириш мумкинлигини айтган эди¹. Шу билан бирга, Бентам фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиси бўлган инсон эркинлиги ва унинг мезонларини таҳчили этишининг услугий асосларини ҳам ривожланишига катта хисса қўши.

Либерализм асосчиларининг ичida Жон Стюарт Милль (1806—1873 й.) алоҳида ажralиб туради. Милльнинг фикрича, ахлоқийликнинг олий даражада ифодаланиши, бу идеял инсонийлик бўлиб, бу фазилат бошқаларнинг баҳту саолати учун жамиятга фидойилик билан хизмат қилиш демакдир. Буларнинг ҳаммаси фақат эркин инсон учун таалуқлидир. Индивид эркинлиги шундай "фармонбардор юксакликка", уни Милль сиёсий ва хуқуқий муаммоларни ҳам этини кафолати, деб қабул қиласди. Эркинлик либерализм учун анъанавий бўлиб, улар қуйидагилардир: инсоний шахс эркинлигини сақлаш ва унинг учун шарт-шароит яратиш, эркинлик, тартиб ва тараққиёт, оптимал сиёсий тузум, давлатнинг таъсир қилиш даражасининг чегараланишиги ва ҳоказо².

Мутафаккир талқинига биноан, индивидуал эркинлик инсонининг фақат ўзига тегишли бўлган хатти-ҳаракатларига мутлақ мустақилликдир; бу шуни ифодалайдики, инсоннинг бу соҳада ўзига ўзи жаноб бўлиш имконияти ва унда ўзининг шахсий фикри асосида хатти-ҳаракат қилишидир. Милль индивидуал эркинлик доираси сифатида, хусусан, қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: фикрлаш ва фикр очидириш эркинлиги, бошқа индивидлар билан ўзаро ҳара-

¹ Қаранг: Антология мировой политической мысли. В 5 т. Т.1. — М.: Мисъ, 1997. 558—559-бетлар.

² Қаранг: История политических и правовых учений. — М.: ИНФРА — М., 1996. 470—471-бетлар.

катдаги эркинлик, ҳәёттүй мақсадларни танлашы ва улардан ги эркинлик, шахсий тақдирни мустақил белгилаш. Буларнинг ҳаммаси индивиднинг ривожланиши, фаолиятини ўзи амалга ошириши, шу билан бирга, ташқаридан автоном шахсга ўтказиладиган тазийикларга түсиқлар кўйилишидир.

Миллнинг фикрича, шахс автономлигига таҳдид фақат "хукуматнинг мустабидлигидан" эмас, балки жамиятдаги фикрлар мустабидлигидан, кўпчиликнинг фикри озчилик эркинликларини чеклаш натижасида ҳам рўй бериши мумкин¹.

Индивид эркинлиги хусусий шахс сифатида сиёсий тизим ва унинг фаолиятига нисбатан бирламчидир. Бундай муҳим ҳолат давлатнинг кишиларни рисоладагидай инсоний ҳаёт куриш, уни яхшилаштига доир иродаси ва қобилиятiga боғлиқ эканлигини очиб беради: жамият қандай бўлса, давлат ҳам шунчайлир; жамият давлатнинг адолатли фаолият юритишни учун масъудидир. Муносиб давлатнинг асосий яшааш шарти, бу -- ҳалқнинг ўзини ўзи такомиллаштириши ва инсонларнинг давлатни адолатли сиёсат юритишига доир ўзлари мўлжаллаган юксак сифатга интилиши дараҷасига мувофиқ бўлган натижадир.

Милль фуқаролик жамиятнинг асл моҳиятини кўйида-гича ифодалайди: "Қандай бошқарилишидан қатъи назар, индивидум фикрлаш ва сўз эркинлигига, шунингдек, уюшмалар тузиш эркинлигига эга бўлмаган жамиятнинг ўзи эркин эмас, фақат шундай жамиятни эркин дейиш мумкин: унда индивидуал эркинликнинг барча турлари кимлигидан қатъи назар, мазкур жамиятнинг барча аъзоларининг ҳаммаси учун бир хилда мутлақ равищда мавжуд бўлади. ...Агар жамият ҳар бир инсоннинг қандай яшашини бошқалар томонидан мажбурий белгилаб беришига эмас, балки, ҳар бир инсонга ўзи энг яхши деб танлаган ҳаёт тарзини кечиришига имкон яратиб берса, у фақат ютуққа эришади"².

¹ Мидль Ж.С. О свободе. // Антология мировой политической мысли. В 5 т. Т. I. -- М.: Мысль. 1997. 738, 743--744-беллар.

² Мидль Ж.С. О свободе. // Антология мировой политической мысли. В 5 т. Т. I. -- М.: Мысль. 1997. 738, 742--743-беллар.

Миллнинг либерализм мафкураси тоялари нафақат индивидуал эркинлик, балки давлат ва жамиятни ташкил этиш механизмини демократик ва хукуқий асосларда ташкил этишга йўргирлантлиги билан эътиборлидир. Худлас, фуқаролик жамияти ва хукуқий давлат концепцияси либерал сиёсий фикрларнинг бош мақсадларидан биридир. Ҳатто-ки, либерализм асосчилари жамиятнинг кули бўлиши учун давлат ҳокимиюти бошқаруви фаолияти чегараси ва йўналишларни аниқ белгилаш, уларнинг бажарадиган функциялари ҳажми кўпайиб кетмаслигининг тарафдори бўлиб чиқлилар. Масаланинг ана шундай тарзда қўйилиши эса тарихий зарурият эди. Милль илмий мероси фуқаролик жамиятнинг энг муҳим жиҳатларини ўрганиш услубиёти сифатида ҳам ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

XIX асрининг биринчи ярмида Францияда янги шакланган ўрта қатламлар мафкураси асосчиларидан бирни Бенжамен Констанининг (1767--1830 йй.) фуқаролик жамиятни шакллантириш, жамият съязлари эркинликларини таъминланти билан боғлиқ ҳозча хукуқий давлат куришга доир нақрий қарашлари ҳозирги давр либерализмни тояларини шакллантишига катта ҳисса қўйди. Аксарият олимлар асосли разинида Бенжамен Констан томонидан умранинг сўнгти оливарида ёзган асарларидан келиб чиқсан ҳолда, уни "Европа либерализмининг руҳий отаси", деб ҳам атайдилар.

Констан утун давлат ва жамият ҳаётини ташкил этишининг шундай тартиботи табиийлик касб этини зарурки, унга биноан давлат институтлари индивидуал эркинлик, шахс хукуқининг бегоналашмаслиги каби асосларга таяниб тарувчи пирамидани ташкил этсин; ана шу ҳолатдагина давлатнинг ўзи бир сиёсий бутулик сифатида мамлакатда шакланган кишиларнинг турли жамоалари (ёки жамият ичидаги итифоқлари) тизимини ифодалайди.

Констан инсон хукуқлари ва эркинлиги таъминланмасли, у жамиятда мустақил шахс сифатиди ва эркин тафкорлари асосида ўзини ўзи намоён қила олишига ишонмайти. Киншилар ўзларининг индивидуал ҳатти-ҳаракатлари оғизига ўзларидан юқори турадиган қандайдир шахсларнинг хуқуқонлигисиз ҳам муносиб ҳаёт кечира олишга қобилтар. Ана шу қарашларга амал қилиган Констан Жан Жак

Руссонинг халқ суверенитети улугвөрлигига эришиш тұғри-
сидеги тезисларға тұзатышлар киригади. Бу суверенитет
чегараси "хуссий шахс ва шахсий ҳәёт мустақилдиги" бош-
ланған жойда тугаши лозим. Ана шундай доиранинг мав-
жудлиги ҳокимиятни күчайиб кетмасылгини тиішиб турған
ва унинг устидан назорат этишини жамият сиёсий-институ-
ционал түзилишининг муҳым принципига айлантиради.

Лекин, Констан "давлат умуман күчсиз бўлиши лозим",
деган либераллар сирасига кирмайди. Бу соҳада унинг та-
блари бошқача: ҳокимият институтларининг ижтимоий
фойдалы томонларини мустаҳкам механизмлар билан аниқ
равинда кепнайтириши ва белгилаш лозим. Жамияттундаги давлат
ҳокимияти ҳажмига қаңчалик зарурият туғилса, давлатга
шунчалик ҳукуқлар бериш керак бўлади. Шунингдек, ку-
йидаги кўреатилган вазифалар асосидеги давлатнинг күч-
сизланишига йўл қўймаслик зарур: "ҳукумат ўз соҳаси дои-
расидан четта чиқиши керак эмас, аммо унинг ҳокимияти
ўз соҳаси йўналинишида ҳеч бир чекланмаслиги шарғ"!

Жамият ва жамоатчилик фикри томонидан назорат этила-
диган давлат ҳокимияти институтлари билан бир қаторда мат-
буот эркинлiği, шахсий эркинлик кафолати сингари мезон-
лар таянидиган ҳукуқ ҳам юқори дарожага кўтарилиши лозим.
Констан ҳукуқининг жамиятни ташкил этишдаги ўргига юқ-
сак баҳо бераб, ҳукуқ ҳар қандай кўринишлардаги ўзбошим-
чалика қарши туришини очиб беради. Ҳукуқий шакллар "ин-
соний жамиятнинг гёёки фаришга-сакловчилари", ташкилий
моҳияти, "инсонлар ўргасидеги муносабатлар учун шарт-ша-
роитлар яратувчи бирдан-бир имконият асоси"дир¹.

Фуқаролик жамияти шароитида шахсий эркинликни
барча ҳукуқий асослар воситалари билан таъминлаш ва уни
қаттиқ ҳимоя қилишга киришган мутафаккирлардан бири —
Бенжамен Констаннинг ватандоши — Алексис де Токвиль
(1805—1859 й.). Уни дунёга машҳур қылган асарлар —
"Америкадаги демократия тұғрисида" ва "Эски режим ва
инқилоб" номлар китобларидир.

¹ Қаранг: История политических и правовых учений. М.: ИНФРА — М., 1996. 477—478-бетлар. Қаранг: История политических и право-
вых учений. — М.: ИНФРА — М., 1996. 477.. 478-бетлар.

² Қаранг: История политических и правовых учений. — М.: НОРМА,
254 -- 256-бетлар.

Токвиль, асосан демократиянинг назарий ва амалий жи-
хатларига кўпроқ қизиқди. Бу соҳани у ўз даврининг энг
аҳамиятли воқелиги, деб қаради. Шунингдек, Токвиль де-
мократияни кең талқин қилди. У феодал тузумга қарама-
қарши бўлган, шунингдек, олий ҳамда қуий табакалар ўрта-
сидеги (табакавий ёки анъаналар асосида шаклланган) чега-
рани тан олмайдиган ижтимоий тузумга ўтиш гояси билан
яшади. Бу юя мазкур ижтимоий тузумни ифодалайдиган сиё-
сий шахс фаолияти билан ҳам узвий боғлиқ эди. Демократия-
нинг негизи — тарихда қарор топиши кутилган тенглик прин-
ципларидир. "Тенгликнинг аста-секинлик билан қарор топи-
ши юқоридан ҳукм этилган ва четлаб ўтиб бўймайдиган за-
руриятдир. Бу жараби қуйидаги асосий белгилар билан аниқ-
ланади: у бутун дунёвийлик ва узоқ муддатлилик характеристи-
ни касб этади ва ҳар бир кун оз-оздан ривожланиб боради,
унга оришиш кинилар иродасига боғлиқдир..."².

Шунингдек, Токвиль демократик институтлар қаторига
матбуот эркинлiği, маслаҳатчилар суди, суднинг муста-
қилити кабиуарни ҳам киритади. Токвиль стук демократия
назариечеси, бир вақтнинг ўзиди изтил либерал сифатида
ана шу ҳақиқатни чукур анилаб етди ва уларни либерализм-
нинг асосий қафриятлари сифатида ифода этди. Дарҳақиқат,
ана шу қадриятлар хашқанинг ижтимоий-сиёсий жарайёларда
фаол иштирок этган даврида, яъни, тенглик олий мақом
чаражасига кўтарилигандагина олий қафрият — эркинликни
тўлиқ, бекаму кўст таъминлаш имкониятлари туғилади³.

XIX асрининг биринчи ярмида фуқаролик жамияттага доир
назарий қараашларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган
немис олимларидан либерализм мафкурасининг йирик на-
мояндадари қаторига — Фридрих Даљман, Роберт фон
Моль, Керл Ротtek, Карл Велькер, Юлиус Фрёбелъ каби-
уарни киритиш мумкин. Уларнинг қараашлари ва фаолияти
шша даврдаги Германия сиёсий ва руҳий иқлимига кучли
тасир кўрсатди. Лекин, уларнинг ичиде умумевропа аҳами-
ятнинг ога, либерал ғоялари ва асарлари билан танилгани —
Вильгельм фон Гумбольдтдир.

¹ Токвиль А. Демократия в Америке. — М., 1992. 133--134-бетлар.
² Қаранг: Токвиль А. Старый порядок и революция. — М., 1991.
³ 28-бетлар.

Вильгельм фон Гумбольдт (1767—1835 йй.) Иммануил Кант билан илк немис либерализми даврининг машхур на-мояндаси сифатида шуҳрат қозонган эди. Гумбольдтнинг давлатта нисбатан умумий нуқтаи назари — инсоний инди-видуализм тоғасидир. Унга мувофиқ, индивидуализмни давлат қанчалик эгаллашида эмас, балки, давлат билан бўлган нисбатда уни инсон нақадар эгаллаши бош демократик мезон мақомида қабул қилинганилигидир. Гумбольдтга биноан, асосий вазифа "давлатда инсон учун кўпроқ қулагай бўлган ҳолатларни топиш"dir. Инсонлар ўртасидаги турлича ва мустаҳкам муносабатларда ҳар томонлама ривожланган инди-видуаллик ва ўзига хослик инсон "Мен"ининг яққол на-моён бўлишига имконият яратади.

Гумбольдт ижтимоий фанлар томонидан XVIII асрда бошланган жамият ва давлатни дифференциялаш ("фуқаролик жамияти") тарафдори эди. Бу дифференциялаш чегаралари эса қўйидагича ўзиро фарқланишлардан иборат бўяди: 1) мил-лий мусассасалар тизими (ташкилотлар, иттифоқлар, инди-видлар томонидан, қўйидан шакъирандиган ҳар қанчай уюни-малар) билан давлат институтлари ва хизмати ўртасидаги фарқланиши; 2) "табиий ва умумий ҳукуқ" билан бевосита давлат томонидан тузиладиган позитив ҳукуқ ўртасидаги фарқланишлар; 3) "инсон" билан "фуқаро" ўргасидаги фарқ-ланишлар.

Давлат ва жамият ўртасида чегаралар ўтказар экан, Гум-больдт уларга тенг қимматга эга бўлган ўлчовлар сифатида қарайди. Унинг нуқтаи назарича, жамият давлатдан аҳамиятлироқдир, инсон эса сиёсий иттифоқ ("давлат") аъзоси (шахс) — фуқарога нисбатан анча каттароқ ва аҳамиятлироқдир. Ана шу сабабларга биноан, "табиий ва умумий ҳукуқ" позитив ҳукуқнинг ягона асоси сифатида давлат қонунла-рини ишлаб чиқиши ва қабул қилишида амал этиши лозим бўлган боштангич кўрсатмадир.

Давлатнинг яшаш мақсади — жамиятга хизмат қилиши-дир: "давлат ҳокимиятиниң ҳақиқий ҳажми жамият фаро-вонлиги учун барча имконият даражасида қизиши керак бўлган ишлардир". Гумбольдт мавхум "жамият" тушунчаси-да жамиятни алоҳида-алоҳида ташкил этувчи индивидуи-анилашга интилади. Ундан шунгайдай тезис келиб чиқади: "дав-

лат тузуми ягона мақсад эмас, балки у инсоннинг ривож-ланиши учун бир воситадир"¹, холос.

Гумбольдт Еврона илк буржуа либерализми учун хос бўлган "минимал давлат" концепцияси тарафдори эди. У фуқароларнинг ижобий фаровонлиги учун давлат мураб-бийлиги тоғасига бутунлай қарши эди. Яъни, у давлатнинг уларнинг ахлоқи, соғлиғи, турмуш тарзи, шахсий баҳтига аралашшини маъқуя кўрмас эди.

Гумбольдтга биноан давлат функцияларининг фаоллиги доираси кескин қисқарган эди. Унинг сабабини у қуидатча изоҳлади: кишиларни ягона ижтимоний уюшмага бирлаштириш чексиз ва турли-туман инсоний куч ва фаолиятларни яратади. Ана шундай шароитларда бой қиёфалар, тўла-қонли характерлар ривожланади; унда ўз қадр-қимматига явалигидан фахрланадиган ички турурга ва эркинликка до-чили инсонлар шаклланадилар. Даъмат эса ўз табнати ва ўтми-шидан келиб чиқиб, бетакрорлик, турли-туманлик, ҳар қандай зиддиятлар ва можароларга бетоқатлик билан муносабатдаги олий ҳокимиятини ўзида мужассамлаштиради. Чун-ки, у ижтимоий уюништа хос, индивидуалликлар, магфа-тлар, иродалар, турлича фикрлар, хатти-ҳаракатларининг чексиз турли-туманилигини ноxуш қабул қиласи.

Давлат индивид ва милиат учун кишиларга оталарча гам-хўрлик ва ҳомийлик қилиш, патерналистик вазифаларни ўзиммасига олган пайтидан бошлаб жиҳдий хавфга айланади. Гумбольдт шунга ишонадики, ҳукмдорларнинг (ҳукумате, мансабдорлар) гамхўрлиги ва ҳомийлиги ҳисобига тар-бияланёттган фуқароларнинг индивид сифатидаги иродаси ва энергияси бушашади, уларнинг ўз ҳаётларида пайдо бўлган муаммоларни мустақил ҳал этиши қобилиятлари пасаяди, қийинчиликларни ўз кучи билан енгишини гумон остига кўяди.

Давлат томонидан доимий ёрдам кутиб туриш оқибати-ти инсоннинг фаолиятсизлик даражаси ошиб боради, у эса ўз ўрнида қашшоқликка олиб келади. Фуқаролик руҳи ҳам суннуб боради. "Агар ҳар бир одам ўзига нисбатан давлатни гамхўрлиги ва ёрдамига умид билан яшаса, унда у,

¹ Карапин: История политических и правовых учений. — М.: ИНФРА-М, 1996. 483—484-бетлар.

албатта, ўзининг ҳамфуқаролари тақдиди түрнисида камроқ ўйлайдиган бўлиб қолиши шубҳасизdir. Бундай ҳолат инсоннинг ўз яқинларига бўлган ҳамдардлигини йўқотади, кишиларни ўзаро бир-бирига ёрдамлашишга тайёр туриш кайфиятини ҳам смиради. Ақалли, шуни айтиш мумкинчи, инсонда барча нарса ўзига боилиқ эканлигини сеза оладиган онг юксалган жамиятда ўзаро ижтимоий кўмак унумли даражага кўтарилади¹.

Немис мугафаккири Гумбольдтнинг ғоялари ҳозирга қадар ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Гумбольдт томонидан жамиятни илмий таҳдил қилиш, фуқаролик жамиятининг мезонларини белгилашта доир услубий ёндашувлар сиёсий фанларини тадқиқ этиши воситаси сифагида яшаб келмоқда.

1.4. Фуқаролик жамиятини тадқиқ этишда замонавий услубий ёндашувлар ва талқинлар

ХХ асрнинг иккинчи ярмилан бошлиб "фуқаролик жамияти" тушунчаси ер юзи бўйлаб кениг тарқалди. Ҳозирги даврда ҳам бу тушунча кўшилаб мунозараларга мавзу бўлмоқда. Баъзилар бу тушунчани "фуқаролик жамияти" ва "сиёсий жамият" ўргасидаги фарқни кўрсатиб бериш учун кўлласалар, бошқалар кениг матьнода "фуқаролик жамияти"ни давлатта қарама-қарши ҳодиса сифатида талқин қиласидилар. Ҳукуқий давлат назариётчилари эса тегелчилар анъаналарига асосланган ҳолда давлатни "фуқаролик жамияти"ни барни этиш учун шарт-шаронт яратиши зарур эканлигини таъкидлайдилар.

Таниқли АҚШ олими Эндрю Арато жамиятни уч соҳага ёки учта тизимларга — фуқаролик жамияти, сиёсий жамият ва иқтисодий жамиятларга бўлади. Албатта, бу фуқаролик жамияти классик концепцияси асосчилари бўлган Гегель ва бошқа олимларнинг "давлат ва жамиятнинг анъанавий дуализми" (иккига бўлниши)га нисбатан зид қарашлар шаклида кўринеа ҳам, аслида уни жамият ва давлатнинг

¹ Гумбольдт В. Опыт установления пределов государственной деятельности. // Аккодология мировой политической мысли. В 5 т. Т.1. -- М.: Мысль. 1997. 631 -632-бетлар.

такомиллашуви ва ривожланиши натижаси ўлароқ пайдо бўлган назарий натижалар сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Э. Арато фуқаролик жамиятини ҳам ҳаракат, ҳам институтлар мажмуи, ҳам ижтимоий бирлик сифатида талқин этади. "Институтлашган фуқаролик жамияти" таркибига у турли уошмалар, нопартиявий характерга эга бўлган бирлашмалар, бошқача айтганда, ҳозирги даврда "манфаатлар турӯҳлари" деб аталувчи бирликларни киритади. Унинг шарҳлашига кўра, фуқаролик жамиятига фуқаролар фаоллигининг жамоавий шакллари бўлган ихтиёрий бирлашмалар ва турли ташабbus турӯҳлари таалуқидир².

Э. Арато жамиятнинг турли соҳаларга бўлининини асослаб, куйидаги фикрларни биширашиб: "Ўтиш жараёшларига доир ақабиётиарининг кўпчилигидан фарқ қилиб, бизнисигча, ҳозирги даврда режимлар ўзарини жараёшларида фуқаролик жамиятидан сиёсийланиши томонига қараб юриши сўхиз равишда фуқаролик соҳалариги тўла фаолсизликка ва атомлашиб қолининга олиб келади. Биз ишонамизки, демократияни барқарор-заптириш, шунингдек, унинг келажак истиқболлари жамиятдаги фуқаролик ва сиёсий жиҳозларининг ўзаро алоқандорлигига ҳамда уларнинг ўзаро ўйнун гарзда ривожланишига боғиҳидир. Худди шу тарпиقا, мулкчилик шаклларига мансуб бўлган соғи иқтисодий уошмалар асосида ажралиб турадиган иқтисодий жамиятни, шунингдек, сайлов ҳукуқлари ва сиёсий партиялар асосида ажралиб турадиган сиёсий жамиятни, коммуникация соҳасида ҳукуқлар, фуқаролик уошмалари ва ҳаракатлар асосида ажралиб турадиган фуқаролик жамиятини бир-бираидан фарқлаш зарур. Бу фарқлаш натижасида, беш қисмдан иборат бўлган қурилма пайдо бўлади ва биз уни анилат ва жамият дуализми билан алмаштиридик"³.

Агар либерал моделдаги фуқаролик жамиятнинг бош актори⁴ — ҳукуқлар билан таъминланган истеъмолчи бўлса, унинг коммунитар моделига биноан, кимда-ким ўзини гу-

¹ Карапан: Перегудов С.П. Гражданское общество: «трехслепная» или «сознательная» модель? — Политические исследования, №3, 1995, с. 59-бетлар.

² Арато А. Концепция гражданского общества: восхождение, упадок и исследование — и направление для дальнейших исследований. Политические исследования, №3, 1995, 50—51-бетлар.

³ Автор — жамият субъекти; (инш. «актер» сўйидан олинган).

рухий бирлик билан бир хилдаги негиз ва анъанааларга мансуб равишда келиб чиқышга алоқадор, деб ҳис этганилиги учун ҳам у — қандайдир гурух аъзосидир. Бу ҳолатдан фуқаролик ўз маданиятини "бошқага" ва "бегонага" қарши қўйиш воситасида ифодалайди ва ўзининг "бетакрорлигини" на мойниш қилишта интилади. Шунингдек, либерализм фуқаролик бирлашмаларини иқтисодий корпорацияларнинг ўзгарувчан ҳаракати мажмуи, деб қараса, коммунитаризм (жамоачилик тарафдори) уларни табиий ижтимоий бирликлар фаолиятлари уйғунлиги, деб билади.

Таникли сиёсаншунос олим Бенжамин Барбер ҳам ижтимоий көнтликларни уч қисмга — ижтимоий, хусусий ва фуқаролик қисмларига бўлади. Унга биноан, "фуқаролик қисми ўзига бир вақтнинг ўзида ихтиёрий, эгалитар ва аъзолик (яъни, исарархия) асосида қурилган ижтимоий бирликларни қамраб олади. Бу учинчи сектор ижтимоий сектордан ўзига эгалитаризм (тenglashтириши) ва ўзаро айнанлик тамоийларини, хусусий сектордан эса — ихтиёрийлик ва шахс сувренитети тамоийларини ташлаб олади. Учинчи сектор уларнинг ҳаммасини бир виқтнинг ўзида намоён этган ҳомига амалга оширади. Худди аниа шу ҳолат мен жиддий демократик истиқболлар, деб атаган тамоийларни ўзида ифодалайди".¹

Хулоса қилиб айтганида, "фуқаролик жамияти" тушунчаси, авваламбор, ўз аъзоларининг турли-туман манфаатлари ва ҳукуқларини химоя қилини мақсадларидаги ўзини ўзи ташкилантиришини аңглатади.

Немис олими Ванфред Деттлинг фикрича, фуқаролик жамияти юяси бозор ва давлатга кўшимча бўлган турушунчадан бошқа нарса эмас. Фуқаролик жамияти ва фуқаровийлик концепцияси бозор ва давлатга мансуб назарий қарашларга нисбатан катта манбага эга бўлиб, унга доир асосий назариялар бозор ва давлат тараққиётни юяларидан илгари пайдо бўлган. Фуқаролик жамияти юяси янги радикал сиёсий концепциянинг ифодаланиши сифатига муплақо давлат ва бозор томонидан ўринатилган көнтликларни инкор этиласа-да, лекин у бу көнтликлар доирасидан ташқарига чиқади.

¹ Barber B.R. Civil Society: Getting Beyond the Rhetoric. A Framework for Political Understanding // Civic Engagement in the Atlantic Community. Bertelsmann Foundation Publishes Gutersloh, 1999. 5 - 6-бетлар.

Агар фуқаролик жамияти юяси кўпроқ маънавий характер касб этса, у жамиятнинг ўзгаришиларга мойил бўлган концепциялардан бирига айланади. Бу юя, асосан фаровонлик давлатини ўзгаришлар қилишга ундайди. Унинг қуидаги муҳим учта жиҳати мавжуд:

— расмий ҳукумат ўзининг муҳимлигини йўқотмайди — у ҳар қачонгидан ҳам янада муҳимроқ бўлиши мумкин — лекин, у ўзининг жамиятдаги ролини қайтадан белгилаб олиши тақозо этилади. Сиёsatчилар фуқароларнинг ижтимоий фаолликларини инкор қўлмасликлари, аксинча, уларни ҳар томонлама кўллаб-куватлашлари ва рагбатлантиришлари лозим;

— ижтимоий соҳада мусобақадошлик унсурлари ҳам заруритдир (масалан, жамиятнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш кабилар учун). Бу маънода ижтимоий алмашувлар анча самарали радиша амалга ошиши мумкин;

— саноат ва корпоратив ҳаёт ижтимоийлапуви даркор.

Фуқаролик жамияти ҳаёт, жамият ва меҳнат тизимларини қайтадан ўзгаришини тезлаштиришга мойиллиги билан ажралиб турали. Замонавий меҳнат маданиятини иқтисодий жиҳатлар билан бойитиш, шунингдек, меҳнат соҳасидаги муваффақиятлар умуман бутун жамият ҳаётидаги муваффақиятларга олиб келади¹.

Лекин, ҳозирги даврда ҳам турли олимлар ўртасида фуқаролик жамиятини Шарқда ёки Фарбда, Шимолда ёки Жанубда, шунингдек, унинг турли мамлакатларда ҳар хил шартнаройларда шакланишига доир баҳслар давом этмоқда. Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг ривожланишида демократик қадриятлар муҳим ўрин тутадими ёки либерал мағкура самаралироқми, қабилидаги саволларга бериладиган жавобларнинг ҳам бир-биридан фарқланиши кузатилмоқда. Кейинги ўн йилинда "икки хил талқинлар авж олди: замонавий фуқаролик жамияти ва дискурсив (воқеликни ўзаро юлиқликда ва кетма-кетликда идрок этишга асосланган)

¹ Қаранг: Dettling W. The «Bürgergesellschaft» Scope for Reforming the Welfare State? // Civic Engagement in the Atlantic Community. Bertelsmann Foundation Publishes Gutersloh, 1999. 3-5-безлар.

эттика нүктәи назариян бахолашлар. Улардан биринчиси классик либерализм мавзуси билан бөглиқ бўлиб, улар "фуқаролик жамияти" тушунчаси ҳозирги даврда шахсий ҳёт дахлисизлиги ҳуқуқи, ижтимоий ҳёт эркинлиги (сўз ва уюшмалар эркинлиги), қонун олдида тенглик, мулкка бўлган ҳуқуқларни эслашга мажбур этади. Иккинчиси эса баҳс та-лаб меъёrlарни очик муҳокама қилишда барчанинг тенг иштирок этишига алоҳида ургу беради, шунингдек, уларнинг ечимини демократия қоидаларига ҳавола қиласди.

Ҳозирги давр сиёсий назарияларида либерализм ва демократия асосларини бир-бирларига қарама-қарши кўювчи (қайтадан пайдо бўлган) қарашлар ҳам мавжуд¹. Классик либерализм асосчилари ҳимоячилари "агар демократияга хос бўлган кўпчиликнинг бошқаруви ва умумий иштирок этиш жараёнларида старли дарражадаги назоратни амалга ошириш ва ҳокимият фаолиягини чеклашлар етишмай қолса, у ҳолда мавжуд эркинликларга ҳавф туғилади, шунинг учун ҳам, бу — ёхуд сароб, ёки унданда ёмон бўлган ҳолатдир", деган фикрга мойиллик кучайди. Тўғридан-тўғри ёки раликал демократия тараффорлари эса ўз ўрнида, "либерал анъаналар кўпчиликнинг иштирокига асосланган демократик жамиятни барпо этиш йўлидаги бош тўгоноқ", деб биладилар.

Машхур сиёсатшунослардан Жин Коэн ва Эндрю Аратолар эса юқорида кўрсатилган ҳар иккала (либерал ва демократик) қарашларни бирлаштиришга ҳаракат қилиб, уларнинг тўғрилнги бу назарий қарашларни концептуал ва меъёрий жиҳатлардан ўзаро мустаҳкам алоқадорлигига бөглиқ, деган фикрга келдилар.

Фуқаролик жамияти демократиялаштиришнинг зарурий унсури эканлиги борасида ҳам кенг тадқиқотлар олиб борилди. Таниқли олим Роберт Патнэм Италияда XX асрнинг 70-йилларида амалга оширилган демократик ислоҳотларнинг Италия шимолий минтақаларида муваффақият билан амалга ошганлиги, унинг жанубий худудларида эса ислоҳотлар мағлубиятга учраганлиги хусусида тадқиқотлар олиб бориб, қуйидаги хуносага келган эли: "Демократиялаштиришнинг ҳал қиylувчи омиллари "фуқаровийлик маданияти", ўзаро ҳал қиylувчи омиллари

¹ Коэн Дж. Л., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. Пер. с англ. — М.: Весь Мир, 2003. 457—458-бетлар.

ишонч ва бирдамликнинг мавжудлиги ёки йўқлиги билан бөглиқдир. Бу омиллар жамиятни мустаҳкамлайди. Қайси ерда тўлақонни ижтимоий ҳёт бўлса, ўша ерда улар қўллаб-кувватланади. Шунингдек, демократик ислоҳотлар бой фуқаровийлик анъаналар сақланиб қолган худудларда кўпроқ муваффақият қозонади".

Фуқаролик жамияти юясида капитализм ва демократиялаштириш жараёни ўртасидаги ўзига хос алоқадорликнинг мавжудлиги сезилади. Бу алоқадорлик миллий бойликини яратиш ва уни тақсимлашда ўз ифодасини топди. Бошқача айтганда, иқтисоднинг ривожланиши демократиянинг яшави учун ижтимоий кенгликларни яратади.

Сиёсатшунос Роберт Даунинг илмий тадқиқотларида жамиятни турли соҳаларга бўлиш учрамайди. У кўпинча фуқаролик жамияти билан "етук плюралистик жамият", "плюралистик фуқаролик жамияти" тушунчаларининг бир хил маннога эта эканлигини таъкидлаш билан бирга², фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболларини демократик принципларни кенг қўллаш билан боелашибга интилади.

Р. Даунинг куйидаги муюҳазалари фуқаролик жамиятини такомиллаштириши ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун мухим аҳамият қасб этади: "Ҳар қандай бошқарув органи, у мамлакат ҳукумати, унинг "жойлардаги" куйи ташкилоти ёки мустақил уюшма фаолиятларида бирон-бир нодемократик фаолият плюралистик фуқаролик жамиятида дикъат-ъитибордан четда қўлмаслиги керак. Демократик принциплар ҳар қандай ҳамжамиятни бошқаришда қатор саволларга жавоб беришни талаб этади:

— уюшманинг бошқарувчи аъзоларининг тўла ва узил-кесил ҳокимият юритишларига ишониш учун улар мазкур уюшманинг бошқа аъзоларини бошқаришга қай даражада тайёргарлик кўрганлар? Агар бундай тайёргарлик етишма-

¹ Мирекий Н. Демократическая политика и культура демократии. // Чемократия 1990-х. — Вена: Информ. агенства США, 1993. 8—10-бетлар.

² Даунинг Р. О демократии. Пер. с англ. — М.: АСПЕКТ ПРЕСС, 2000. 116-бет.

са, унда биз унинг ҳамма аъзоларини сиёсий тенглилка эга, деб айта оламизми?

-- агар унинг барча аъзолари сиёсий тенглилка эга бўлсалар, унда бу ўюнма бошқарув тизими демократия мезонларига жавоб бера оладими? Агар жавоб бера олса, унда мазкур ўюнма ўз аъзоларига бошқарувда иштирок этишлари, тенг сайлов ҳуқуқига, билимлар ахборотига эга бўлишлари ва раҳбарият фаолияти устидан назоратни амалга оширишлари учун қай даражада имкониятлар яратиб бера олади?"¹.

Венгриялик олим Ференц Кондороши фикрича, фуқаролик жамияти — қўп қиррали тушунча. Унинг руҳий отаси Жон Локк учун фуқаролик жамияти шундай бир цивилизацияга эришганки, у ҳукмдор билан ҳалқ ўртасидаги ижтимоий шарғномада ўзининг яшащ қобилиятини намоён этади. Шу билан бирга, Жон Локк фуқаролик жамияти билан сиёсий жамиятни синонимлар сифатида ишлатади. Унга кўра, фуқаролик жамияти дастиаб давлатдаги таџикиллашган бирликни ифодалаган. Лекин, Гегель биринчи бўлиб фуқаролик жамиятини давлатдан ажратиб, икки хил шаклларга бўлиб, бу аньянани будзи.

Таникли файласуф З.Пельцинскининг ёзишича, ўз навбатида, Гегель концепциясидаги фуқаролик жамияти — бу замонавий инсон ўз эҳтиёжларини ўзи қондиришига қаратилган мэъёрларгина эмас, балки, у (инсон) ўз шахсий фаровонлигини бошқаларнинг фаровонлигига боғлиқ эканлигини англашта мажбур эканлиги учун ҳам жамоавий ҳамкорлик ва ҳамҳаракатни эътироф этадиган жамиятдир. Фуқаролик жамиятини бу тарзда тушуниш ўзига шундай барқарор таркибий қисмларини қамраб олганки, улар конституциявий эркинлик, ихтиёрий ўюшмаларга бирлашиш ва коммуникация автономияси кабилардан иборатdir².

Немис сиёсатшуноси К. Хол ҳам ҳозирги даврдаги фуқаролик жамияти назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Унинг ёзишича, "ҳозирги давр ва истиқбоядаги ри-

¹ Даль Р. О демократии. Пер. с англ. — М.: АСПЕКТ ПРЕСС, 2000. 116—117-бетлар.

² Карапиг: Кондороши Ф. Гражданское общество на защите прав человека. // Гражданское общество и право. — М., Бюллетень №1(47) 2003. 17-бет.

вожланишни фақат фуқаролар ёрдамидагина таъминлаш мумкин. Фуқаролик жамияти, аникроғи, Европа минтақавий фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги энг асосий хулоса ана шундан иборатдир. Ҳозирги давр характери қўйидагилардан иборат: глобаллашув (ёки транснационализация), индустрисал меҳнатдан меҳнат фаолиятининг янги шаклларига ўтиш, ахборот жамиятини шакллантириш. Келажак жамияти фақат миллий белгилар бўйича ифодаланмайди. Янги "глобал" даврда кишиларнинг ижтимоий, илмий ва иқтисодий алоқалари миллий чегаралар ташқарисида рўй бера бошлайди. Келажак транснационалилк характерига эгадир. Баъзи бир тадқиқотчилар фикрича, глобаллашув "глобализация"га, яъни минтақавий, муниципијал ва локал сиёсатни кучайининг олиб келади³.

АҚШдаги Форд жамғармасининг давлат ва фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази директори, сиёсатшунос М. Эдвардс ва Сассекс университети олими Дж. Гавенга фикрича, фуқаролик жамияти ўта зиддиятли характерига эгадир. Ҳозирга қадар унинг моҳиятини умумий тарзда ифодалаш шаклланмаган. Улар "фуқаролик жамияти" тушучасини кенг жиҳатларга эгалитига ўз эътиборларини қаратиб, бу "жамият кеңликларида кишилар ўзларининг фойда олиш ёки сиёсий ҳокимият билан боғлиқ бўлмаган умумий манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлашадилар". Фуқаролик жамиятининг ташкилотлари — булар мазкур жамият кеңликларида ҳаракат қўйувчи барча гурӯҳлардир: уюшмалар, сиёсий партиялар, ҳамжамиятлар, ноҳукумат ташкилотлар. Фуқаролик жамиятининг ташкилотлари батъян муаммоларнинг ечимларини излаш, шунингдек, ўзаро турли-туман ихтилофларга киришиш асосида фаолият юритадилар⁴.

Шунингдек, Германия Бундестаги "Келажак фуқаролик жамияти" комиссияси аъзоси, сиёсатшунос олими Г. Якоб "жамият фаровонлиги учун ихтиёрий меҳнат қилиш фуқаролик жамиятининг таркибий қисмларидан бири", деб қарайди.

¹ Гол К. Гражданское общество — политическая перспектива. // Гражданское общество и право. — М., Рефератив. бюлл. №1(47) 2003. 39—49-бетлар.

² Эдвард М., Гавенга Дж. Глобализация гражданская инициатива. // Гражданское общество и право. — М., Рефератив. бюлл., №1(47). 2003. — М.: РАГС, 2003. 50—53-бетлар.

У "фуқаролик жамияти" деганда, демократик жамият доирасида кафолатланган, шунингдек, ўз хукуқлари асосида ўзларининг ташкилотларини тузётган фуқаролар ҳамжамиятини тушунади. "Фуқаролар ўзларининг жамоатчилик ишларида иштирок этиш имкониятларини амалга оширишига қаратилган ихтиёрий бирлашмалар фаол фуқаролик жамиятини мужассамлаштиради. Илмий ва сиёсий доиралар турли фуқаролик жамияти концепцияларини муҳокама қиладилар. Уларнинг барчасини берилган хукуқлар ва қўйилган бурчлардан келиб чиқсан ҳолда алоҳида фуқароларнинг сиёсий ҳамжамияти аъзоси нуқтаи назаридан талқин этиш асосида фуқаролик мақомини умумий ифодалаш бирлаштириб туради.

Фаол фуқаролик жамияти фуқароларнинг ўз зиммалари га ижтимоий масъулликни олишлари, жамият фаровонлиги учун ихтиёрий фаолият юритишлари билан характерланади. Фуқаролар ўз зиммаларига масъулликни олишлари билан ҳамжамият ишларида иштирок этиш ва сиёсий қарорлар қабул қилиш хукуқини кўлга киритадилар. Бу фуқаролар фаолиғи учун зарур бўлган шарт-шароитлар доирасини яратадиган ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қиладиган ижтимоий институтлар ва ташкилотларнинг мавжудлигини таъминлайди¹.

Таҳдиллардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар жамиятларининг учга бўлиниши замонавий демократик мамлакатлар учун хосдир. Бу мамлакатлар жамиятида иқтисодий кенгликларда шахсий секторнинг бекёёс даражада юксалиши, уларни йирик транснационал корпорациялар билан ҳар томонлама алоқаларининг кенгайтириши натижасида иқтисодий жамият мустақил равишда шакланиши мумкин. Бу мамлакатларда иқтисодий ва фуқаролик жамиятларининг ривожланиши сиёсий жамиятни ҳам алоҳида фаолият кўрсатиши учун имкониятлар ва шарт-шароитлар яратади.

Хозирги даврда кўпчилик сиёсатшунос ва социологлар "фуқаролик жамияти" деганда, давлат ва иқтисоддан фарқ

¹ Якоб Д. Добровольный труд в гражданском обществе://http://zluka/ist/Lviv.ua/Files/SCI_66.HTM. 38—39-бетлар.

қиладиган ва қўйидаги ўзини ташкил этувчилардан таркиб топган социетал соҳанинг меъёрий моделини тушунадилар: (1) *плюрализм*: оила, норасмий гурухлар ва ихтиёрий уюшмалар, ҳаёт шаклларининг турли-туманлигини таъминлаб турувчи институтларнинг плюрализмга берилганлиги ва автономлиги; (2) *ижтимоий ҳаёт эркинлиги*: маданият ва коммуникациялар институтлари; (3) *шахсий ҳаёт дахлизлиги*: индивидуал ўзини ўзи ривожлантириш ва ахлоқий танлаш соҳалари; (4) *қонунийлик*: плюрализмни чегаралаб олиш учун умумий қонун чиқаришга, шахсий ҳаёт ва ижтимоий соҳаларида иложи борича давлатга, ҳаётий интилишларда эса иқтисодга нисбатан дахлизлик. Ана шу тизилмаларнинг барчаси биргаликда замонавий фуқаролик жамиятининг институционал мавжудлигини таъминлайди².

Машҳур сиёсатшунос олим Филипп Шмиттернинг фикрича, "фуқаролик жамияти" қўйидаги "ўзини ўзи ташкиллаштирувчи медиатор (воситачилик қилувчи) гурухлар"дан иборатидир:

- давлат ҳокимияти органларига нисбатан, шунингдек, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш нодавлат бирликлари, яъни, фирма, оила кабилардан мустақил;
- ўз манфатлари ва интилишларини ҳимоялаш (уларга ёришиш мақсадларида жамоавий акцияларни режалаштириш ва амалга ошириш қобилиятига эга бўлган);
- давлат тизилмалари, хусусий ишлаб чиқариш соҳаси ўрнини босмайдиган, ўзига умуман сиёсатни бошқариш функциясини олмаган;
- лекин, шаклланиб бўлган "фуқаролик" ёки хукуқий меъёrlар доирасида фаолият юритишига рози бўлган².

Шу билан бирга, Ф. Шмиттер фуқаролик жамиятини алоҳида олинган шахс билан боғлади ва фуқаролик институтларини шахс манфаатлари ифодачиси ва ҳимоячиси ёкилигини таъкидлайди. Бинобарин, у замонавий фуқаролик жамиятининг Farb тажрибаси асосида шаклланган қуйилаги муҳим сифатларини алоҳида ажратиб кўрсатган эди:

¹ Коэн Дж. Л., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. Пер. с англ. — М.: Весь Мир, 2003. 458-бет.

² Шмиттер Ф. Размышления о гражданском обществе и консолидации демократии. — Политические исследования. 1996. №5. 16-бет.

- шахс, унинг аҳолининг алоҳида турархалини ва давлатдан мустақилиги;
- ташкилий яхлитлик, бир бугунлик;
- давлат томонидан ҳимоя қилинадиган ҳукуқларга асосланган "корпоративлик";
- либераллашиш билан боғлиқ жараён ёки ҳодиса;
- автократиянинг деспотик куч сифатида (демократик натижалар асосида) заифлашуви¹.

Юқоридаги таҳлиллардан хulosса чиқарилса, фуқаролик жамияти энг олий инсоний бирлик шакли ҳисобланниб, у ўз ичига турли "уюшмалар"нинг таркибий қисмлари (оила, корпорация кабилар)ни қамраб олади. Улар ўз моҳиятига кўра жамиятдаги адолатлилик тамойилига асосланган ҳамжамият бўлишини ифода этади. Бу жамиятда ҳар бир киши ўзи учун олий фаровонлик тониши мумкин.

Умумани, ҳозирги замон ривожланган мамлакатлар сиёсатишунос олимларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарий қараашлари бир тизимга келтирилса, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

- биринчидан, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошлангич подавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирлиқдир;
- иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оиласвий, миляй, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва подавлат муносабатлар мажмуасидир;
- учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларининг турли органлар тазииклари, аралашишлари ёки бир қолига солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўлацилар.

Шу билан бир қаторда, ривожланган мамлакатларининг XX аср иккинчи ярмидаги тажрибалари умумлаштирилганида, ҳозирги замонавий фуқаролик жамиятининг асосий

¹ Schmitter Ph. C. «Society» in National Research Council, The Transition to Democracy: Proceedings of a Workshop (Washington D.S. National Academz. Press, 1991) 16–25-бетлар.

белгиларига доир тасаввур намоён бўлади. Улар, асосан, қўйидагилардан иборатdir:

Иқтисодий соҳада: подавлат ташкилотлар; кооператив-ширкатлар; ижара жамоалари; акциядорлик жамиятлари; уюшмалар; корпорацияларнинг мавжудлиги.

Ижтимоий соҳада: оила; партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар; иш ва яшаш жойларилаги ўз-ўзини бошқариш органлари; подавлат оммавий ахборот воситалари; жамоагирилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода ятишининг маданийлаштан тартиботлари; ижтимоий ихтилофларни куч ишлатгасдан, тазинксиз, қопунар доирасида ҳал қилиш амалийтигинг мавжудлигидир.

Маънавий соҳада: сўз, вижлон ва фикрлар эркинлиги; ўз фикрини очиқ билдира олишининг реал имкониятлари; ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатлардан таъминлашалиги.

Шунингдек, фуқаролик жамиятининг барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитлар ҳам борки, уларенг жамиятнинг институтлари ривожланмайди. Булар жумласига жамиятларни ижтимоий қатламларининг турнича майдаатларини ифода нутири ривожланган ижтимоий тизимларнинг мавжуд бўлиши куруялиги киради. Қолаверса, жамият аъзоларининг тўғза мусакқислик билан фаолият кўрсата олиш қобишияти, уларнинг ўз ривожланган даражадаги ижтимоий, интеллектуал, руҳий жиҳатлардан юксалиши содир бўлиши ҳам тақозо қилинади.

Сўнгти шарт-шароит эса ҳар бир фуқаронинг ўз шахсий мулкига эга бўлиши, бу мулкни ўзи истаган тарзда тасарруф қила олиши учун унинг бу мулкка нисбатан шахсий ёки жамоавий ҳуқуқининг таъминланган бўлишидир.

Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини тасаввур қила олган ҳар бир кишига кўриниб турбидики, бундай жамиятнинг асосини фуқаролик жамиятининг институтлари — сиёсий партиялар, фуқароларининг ўзини ўзи боизқариш органдарни, подавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари мажмуаси ташкил нади.

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматининг алоҳида ўз функциялари, фуқаролик жамияти институтларининг эса

алоҳида ўз функциялари бўладики, улар бир-бирларини тўлдириб, юксак ривожланган жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди. Давлатнинг ҳам, нодавлат ташкилотларнинг ҳам ўз ҳаракат доираси ёхуд белгиланган фаолиятлари у ёки бу томонга озигина ўзгариши натижасида ижтимоий-сиёсий мувозанатлар бузилиб, демократик меъёрдан чекиниши, четга чиқиб кетиш ҳоллари рўй бериши мумкинигини асримизнинг сўнгти даврдаги тараққиёт амалиёти кўрсатиб берди.

Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўзини ўзи англаш, уларнинг объектив равишда масъуллик ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равища шаклланиб боради. Бу каби жамиятда шаклланган фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлари даражасининг юқорилиги билан ажralиб туради.

Фуқаролик жамияти шаклланган мамлакатларда нафакат инсон эркинлиги, давлатнинг жамият учун хизмат қилиш масъулиятининг юксаклиги, ўзини ўзи бошқаришнинг авж олиши каби қадриятларга амал қилинади, бу жамиятларда инсон фаровонлигини ҳар томонлама таъминлаш соҳасида ҳам мислесиз натижаларга эришилади. Жаҳондаги мамлакатлар ўргасида ялли миллий маҳсулотнинг ўргача киши бошига тақсимланишида ҳам фуқаролик жамияти ривожланган мамлакатлар пешқадамлик қилимокда. Бунинг асосий сабаби шундаки, инсон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эркинликлар бағридагина ўзининг яратувчанлик қобилиятини тўлиқ намоён қила олади.

Фуқаролик жамияти инсоннинг ўзини ўзи ҳаётда намоён қила олиши учун нисбатан кенг шарт-шароитлар яратиб бериши билан алоҳида ажralиб туриши ўз исботини топди. Шу боис ҳам жаҳондаги барча халиқлар ва давлатларнинг фуқаролик жамиятини қуришга бўлган қизиқишлари тобора кучайиб бормоқда.

XX асрда фуқаролик жамиятини илмий ўрганишнинг муҳим хусусияти шундан иборат бўлдики, авваллари жамиятни тадқиқ этишнинг назарий ва методологик асослари анча чекланган бўлса, бу даврга келиб фуқаролик жамиятини илмий жиҳатлардан ўрганишнинг янги йўналишлари пайдо бўлди. Фуқаролик жамиятини тадқиқ этишнинг услубиёти такомиллашди, унинг услубий асослари янада кенгайди. Турли

услубий ёндашувлар ичida фуқаролик жамиятини илмий тадқиқ этишнинг либерал мактаби муҳим аҳамият касб эта бошлади. Чунки, XX асрда кўплаб мамлакатларда фуқаролик жамияти қуриш жараёшлирининг авж олиши бу олимлар назарий қарашларини амалиёт тажрибалари билан уйғунлашувига шарт-шароитлар яратди. Бу даврга келиб фуқаролик жамиятининг янгидан-янги белгилари ва ривожланиши таъмийлари пайдо бўлиши натижасида улар билан беғлиқ ҳолда илмий тадқиқотлар янада чукурлашиб борди.

II бөб

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

2.1. Мустақиллик даврида жамият тизимидағи институционал ўзгаришлар

Ўзбекистон сабиқ иттифоқ даврида ҳам миелүй, ҳам яккахоким мағкура зулми остида янади. Коммунистик мағкура ўз табиатига билоан тоталитар руҳдати мағкура бўлиб, у асосан ҳаётининг барча жабҳасарини эгаллантига, ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётини ҳам бутунлай назорат қилинтига даъвогар эди. Тоталитар мағкура ўз табиати ва характеристидан келиб чиқиб "буюк келажак" учун ўтмиши ҳам, бошқа ҳар қандай мағкураларни ҳам инкор этган эди.

Коммунизм тоғаси нафақат ўтмишларни қадриятларни ўйқ қилишта, балки ўзига хос янги қадриятлар жорий қилинтига даъват этди. Коммунизм тоғасига асосланган коммунистик партия зўрлик билан, куч ишлатини воситасидан, мажбурлаш йўли билан тоталитар жамиятни қуришга ҳам эришиди.

Рус олими М. Восленский сабиқ иттифоқ даврида ҳукм сурған тоталитаризмнинг бош белгисининг характеристи ҳуcusияти тўғрисида куйидаги фикри билдирави: "Бу жамиятда янги ҳукмрон синфишинг шаклланиши, номенклатура, янын сиёсий бюрократиянинг ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги ҳокимиятни монополия қилиб олди. Бу синф нафақат ўз тузишмалари ва имтиёзларини яширин сақлашга интилди, балки ўзининг мавжудлигини ҳам сир сақлашга уринар эди. Номенклатуранинг ташқи белгисига эса янги тицидаги партиянинг тузишганини мисол бўла олади: номенклатуранинг ўзаги ана шу партиянинг сиёсий аппарати шаклида намоён бўлар эди".¹

¹ Восленский М. Феодалый сопиализм. Место номенклатуры в истории. -- М.: Новый мир, 1991. 197-бет.

Жамиятнинг барча соҳасидаги ҳокимият бутунлай партияга тегишли бўлиб, коммунистик партия ва давлат аппарати бир-бiri билан чирмашиб ва қўшилиб кетган эди. Шунингдек, жамиятни давлатлаштириш даражаси ҳам ўзининг энг юксак чўққисига чиқиб, давлатдан мустақил бўлган ижтимоий ҳаёт ва жамиятнинг демократик институтлари бутунлай йўқ қилинди: коммунистик партиядан бошқа барча партиялар тор-мор қилинди, барча жамоат ташкилотлари ва подавлат бирликлар ҳукмрон партияга бўйсундирилди. Ҳукуқ ва қонуниларнинг жамиятдаги ўрни пасайиб, коммунистик партия қонун билан чекланмаган ва қонунга бўйсунмаган чексиз ваколатларга эга бўлди. Партия аппарати иқтисодиётнинг барча соҳаларини монополия қилиб олган ҳолда маъмурний буйруқбозлик усулида раҳбарлик қила бошилади.

Шунингдек, коммунистик партия барча оммавий ахборот воситаарини ҳам бутунлай монополия қилиб олган эди. Ана шундай шароитларда бутун бир улкан сиёсий тизимни сақлаш зўрлик ва куч ишлатишсиз амалга ошиши қийин эди. Коммунистик партия шахс ҳаётни, онла, дин, санъат, фан, маданий анибаналар каби ижтимоий ҳаёт соҳаларини ҳам ўз назорати остига олиб, бу соҳалардаги қадрият ва мезъёларни белгилаб беришга ҳам даъвогарлик қила бошилади.

Жамият аъзоларининг эркни фикрлаш, меҳнат қилиш ва ўз шахсини интеллектуал ва маънавий жиҳатлардан юксалтириш, яратувчилик ижодий қобилиятини такомиллаштириш каби сифатларини ривожлантириш имкониятилари тоталитар режим томонидан сиқиб кўйилганлиги учун ҳам сабиқ шўро жамияти ўзини ўзи ривожлантириш ва янгилаш имкониятларидан десярги маҳрум бўлган эди. Шунинг учун ҳам бу жамият тез ўзгараётган дунёга нисбатан мослаша олмади. Коммунистик партия ва давлатнинг ишлаб чиқариш ва моддий-маънавий бойликларни тақсимлашдаги ўрнининг бекиёслиги, уларнинг ҳусусий мулкчилик ва бозор рақобатчилигини тақиқлаш сиссати, шунингдек, ортиқча ижтимоий дифференциацияга йўл қўймаслиги оқибатларида жамият ва давлат ривожланишидаги барча мақсадлар мажбурлаш воситааридан амалига оширила бошланди. Бонқаша айтганда, бошқарув ноиқтисодий усувларда, яъни

иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини ҳеч бир ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилди. Шунинг учун ҳам жамиятда демократия унсурларининг шунчаки бир яшаши учун бирон-бир имконият ҳам йўқ эди.

Давлат ҳокимиятининг барча жабҳаси фақат коммунистик партияга тегишли эди. Бу ҳолатни таниқли сиёсаншунос Ханна Арендт ўзининг "Тоталитаризм вируси" номли асарида қўйидагича ифодалайди: "Партия доимо жамиятнинг тизилмалашуви билан боғлиқ бўлиб, унинг маълум қатламлари манфаатларини ифода этди. Оломон учун тизилмавийликнинг этишмаслиги янги тигдаги партияга бўлган заруритни шакллантириди. Бутун бир жамият манфаатларини ифода этишга даъвогарлик қилаётган партия фуқаролик жамиятини оломон гуруҳларга айлантириди, партияниң ўзи эса партиявий-бюрократик давлат тизимиға ўсиб ўтди".

Мамлакатда яккаҳокум партия ва мағкуранинг тазиқи оқибатларида шахснинг эркин фикрлаши, ўз атрофидаги воқеликни эркин ва ҳалол таҳлил этиши, ўз ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятини тўлиқ намоён қилиши, шунингдек, ўзи хоҳлаган тарзда ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиши учун ҳеч бир шарт-шароитлар қолмаган эди. Шунинг учун ҳам жамият аъзолари ўргасила ижтимоий пассивлик ва бўқимандалик кайфиятлари мислсиз тарзда кучайди.

Рус олим А.А. Кара Мурза собиқ совет давридаги партияниң ҳукмрон мавқенини қўйидагича ифодалайди: "Партияга унинг сафидан чиқариш имконияти мавжуд бўлганлиги учун ҳам қабул қиласидилар. Мамлакатдаги барча лавозимларга партия аъзолари бошқалардан истеъододли, аъло, адолатли бўлганликлари учун эмас, балки улар нисбатан кўпроқ итоатгўй бўлганликлари учун қўйиладилар — уларни салгина итоатсизликлари учун ҳеч бир судсиз қатл этиш ёки қамоққа тиқиш мумкин. Партия ва ҳокимиятнинг кучи партиявий "таъсир"нинг (шундай атаганилар) ҳамма ерда мавжуд бўлганлигидадир. Партиядан ҳайдалган одам беспоён

¹ Арендт Х. Вирус тоталитаризма // Изучая прошлое во имя будущего (круглый стол). — Политические исследования. №6, 1991. 165—166-бетлар.

мамлакатнинг бирон-бир бурчагида ҳам тазиқдан паноҳ топиш учун жой топа олмас эди".

Партия ва совет давлатининг бараварлаштириш сиёсати кишилардаги шахсий ташаббус, ижодий фикрлаш, сиёсий ёки ишлаб чиқаришдаги муаммоларни мустақил тарзда ечиш каби қобилиятларининг ривожланишига имкон бермади.

Собиқ коммунистик партия "қардош республикалар" компартияларига нисбатан ҳам империячилик ва тоталитар усуслар воситасидаги бошқарувни қўллади. Масалан, иттифоқ республикалари компартияларининг низомий-хукуқий мақоми РСФСР вилоятлари ва ўлкалари партия ташкилотлари билан бир хилда белгиланган эди. Лекин, амалда Россиядаги шаҳар ва вилоятлар партия ташкилотларининг сиёсий мақоми даражаси республикалар компартияларидан юқори эди. Масалан, Москва ва Ленинград шаҳарлари партия ташкилотларининг иерархия даражаси КПСС Марказий Кўмитаси билан республикалар компартиялари ўртасидаги ногонада белгиланган эди (мазкур партия ташкилотларининг биринчи котиблари КПСС Марказий Кўмитаси сиёсий бюроси аъзоси этиб тайинланарди).

Республикалар компартиялари ўртасида ҳам ўзаро тенгичк йўқ эди. Бунда ҳам уларнинг раҳбарларини славян халқарининг вакили эканлиги ёки бош котибга қанчалар яқинлигига эътибор берилар эди: XX асрнинг 60 — 90-йиларида Украина, Белорусия ва Қозогистон компартиялари марказий кўмитаси биринчи котиблари партия марказий кўмитаси сиёсий бюроси аъзоси ёки унга номзод бўлиши қоидага кирди (кейинги даврларда Ўзбекистон компартияси марказий Кўмитаси биринчи котибининг сиёсий бюро аъзолигига номзод сифатида кириши ҳам одат тусини олди). Лекин қолган республикалар компартиялари раҳбарлари олий элита

сиёсий бюро — таркибига киритилмас, уларга фақат марказий қўмита аъзоси бўлишдек қўйироқ партиявий ногоналан жой ажратилар эди.

КПСС иттифоқдош республикалар компартияларини мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситасига айлантирган эди. СССР конституциясининг 6-

¹ Кара Мурза А.А. Тоталитаризм — феномен XX в.?//Тоталитаризм как исторический феномен. — М., 1989. 23-бет.

моддасида КПССнинг "совет жамиятиниң ядроси ва уни йўналириб турувчи" куч эканлиги қонунлаштирилганлигига эътибор берилса, партияниң тоталитар жамиятни зўрлик ва зулм воситасида бир маромда ишлашини таъминлашга қаратилган асосий сиёсий ҳокимият эканлиги яққол кўрилади¹.

Иттифоқдош республикаларни марказ томонидан итоатда ушлаб туришнинг яна бир шакли, бу — республикалар марказий, вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилоти қўмиталари иккинчи котибларининг асосан рус ва славян мильлати вакилларидан қўйилишидир. Иккинчи котиблар туман, шаҳар, вилоят ва республикадаги халқ хўжалигининг барча тармоқларига раҳбар кадрларни танилаб қўйиш ёки уларни лавозимларидан бўшатиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига бош мутасади әдилар. Шунингдек, иккинчи котиблар партияниң барча кадрлар ва ташкилий ишлари — партияга қабул қилини ёки ундан чиқариш, партия раҳбар органларининг мажислари, бюро пленумлари, конференциялари, курултойларини, шунингдек, партия органлари сайловларини ўтказишни амалга ошириш фаолиятига бошчиллик қиласар, шу билан бирга, бу соҳаларни ўзининг қаттиқ назорати остига олган әдилар.

КПСС келажакда "фаровон ҳаёт" қуриш каби ҳаёлий жозибадор ақиласлар билан ўз шакшини қанчалик безамасин, унинг асосий мақсади тоталитар жамиятни, шунингдек, амалда рус бўймаган халқларни марказининг мустамлакачилик сиёсати остида зўрлик билан ушлаб туришни таъминлаб турувчи мукаммал империячилликни амалга ошириш эди. Файласуф Н.А. Бердяев 1940 йилда шундай деб ёзган эди: "Совет Россиясига бўлган муносабатларимда бирон-бир муҳим ўзгаришлар бўлмади. Мен Совет ҳокимиятини бирдан-бир рус миллий ҳокимияти, деб ҳисобладим. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. У фақат Россиянинг халқаро муносабатлардаги вакилидир"².

¹ Карап: Крюков Г.К. Политический авантгард общества: его место и роль в перестройке //Страницы истории советского общества: Факты, проблемы, мнение. — М.: Политиздат, 1989. 408—409-бетлар.

² Бердяев Н.А. Самоиздание. (Опыт философской автобиографии). — М.: Книга, 1991. 340-бет.

КПССнинг биргина Ўзбекистонга нисбатан муносабати, шунингдек, бу ерда олиб борган сиёсатини ўрганиш шуни кўрсатадики, собиқ партияниң империячилк сиёсаги рус подшоларининг мустамлака ўлкаларда олиб борган сиёсатига нисбатан ҳам ўта аянчли ва ўта даҳшатли тарзда амалга оширилган.

Коммунистик партия томонидан Ўзбекистон улкан мамлакатнинг пахта хом ашёсини етказиб берувчи базасига айлантирилди. Етиштирилган пахта ҳосилига марказ әгалик қила бошлади. Республиканинг хом ашё ўлқасига айлантирилиши унинг аграр мигаҳа бўлишини тақозо этди. Оқибатда республика иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ҳамма соҳаларида бошқа иттифоқдош республикалардан бир неча марта орқала қолиб кетди. Марказининг кўзга қўриимас, ниқбланган мустамлакачилик сиёсати партия фаолиятининг барча соҳаларида сезилар эди.

Деярли барча экин майдонларини пахтага мослаштириш, муттасил бир хил экин өкилишидан чарчаган дараларга тоғура кўпроқ кимёвий ва заҳарли ўтилар солиш мисли кўрилмаган даражада авж олди. Бунинг натижасида ҳаво, сув, озиқ-овқат, мева ва полиз маҳсулотларининг зарарланиши шисон саломатлигига хавф сошиб, кўнгаб янгидан-янги қасалларни келтириб чиқарди. Болалар ўлимни ниҳоятда кўнайди. Сувдан истиқболесиз, ўринсиз фойдаланиши Орол фожиасини келтириб чиқарди.

Турғунлик даврида ҳам ана шу эски сиёсат маданийроқ ва пухта ниқбланган равинида давом этди. Иттифоқнинг Ёвропа қисмидаги тўхтовсиз равишда кучайиб бораётган хомлиёга бўлган талабни қондириш мақсадида Ўзбекистонда пахта етиштиришнинг энг охирги имкониятлари ҳам ишга солинди. Натижада экологик ҳолат янада ёмонлашди, пахтакор меҳнати жуда оғирлашди. Халқнинг турмуш кечириш тарражаси қийинлашиб, иқтисодий-ижтимоий муаммолар янида кескинлашди.

Қайта қуриш даврида қисман берилган демократик эркинликлар, ошкоралик, халқни ўзини ўзи бошқариш кафозатлари халқ аҳволини тубдан яхшилай олмади. Чунки, бошқариш, ишлаб чиқариш ва мулкчиликнинг эски усуллари бекор қилиниб, янгиси барпо қилинмаганилиги, итти-

фоқдош республикалар ўргасидаги иқтисодий алоқалар бузилғанлиги, марказнинг яна яккаҳокимлик қилиш сиёсатидан қайтмаганлиги, ўзаро ички сиёсий курашлар, РСФСР билан иттифоқ ва унинг тузилмалари ўргасидаги ҳокимият учун ўзаро курашлар ва унинг иқтисодий оқибатлари халқнинг моддий аҳволини кескин ёмонлаштириди. Халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги кучайиб борди. Нарх-наво ҳам тўхтовсиз ошиб борди.

1989 йилда Президент Ислом Каримов республика раҳбари бўлган даврда мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ана шундай оғир вазият ва бўхронлар мавжуд эди. Бир томондан, марказнинг иттифоқни сақлаб қолиш умидидаги тазийиклари, иккинчи томондан, ўзини мухолифатчи деб атаган турли гурӯҳ ва оқимлар бошлиқларининг хурружлари республика ҳукумати барқарор сиёсат олиб боришини ҳавф остига кўйди. Ана шу даврдаги вазиятда, марказ билан республика ўртасидаги кучлар нисбатидан келиб чиқиб, Ислом Каримов миллий мустақиллик учун ҳаракатни дастлаб Ўзбекистон компартиясининг КПССдан мустақил бўлиши учун курашдан бошлади. Чунки, ўша даврдаги марказда барча сиёсий ҳокимиятни ўзига монополия қилиб олган КПССдан бошқа курдатли куч йўқ эди. КПСС Ўзбекистоннинг миллий мустақил давлат бўлишига асосий тўсиқ бўлмоқда эди. Ўша даврда "КПССдан мустақил бўлиш", деган сўз миллий мустақилликка эришиш ва мустақил давлат бўлиш маъносини берар эди.

Ана шундай қийинчилеклар даврида марказдағи олий ҳокимият – КПСС раҳбарларидан бир гурухининг 1991 йил 19–21 август кунлари давлат тұнтарап шының қилишга уринишлари ва уннан оқыбатлары шуны күрсатдикі, энді Ўзбекистон марказыннан вассали бўлиб қола олмайди. Марказда ғалаба қылған сиёсий күчларининг баъзи бир ҳаралатлари, иттифоқнинг бошқариш тизилмаларини бошқа республикалар билан ҳеч бир келишмай туриб ишғол қилишга уринишлар, КПСС олий раҳбарияти бир қисми-нинг давлат тұнтарап шының иштирок этиши, КПСС фаолиетини расман тұхтатиб қўйилиши каби воқеалар Ўзбекис-

тонни иттифоқ таркибида ривожланишини шубҳа остига қўйган эди¹.

Ана шундай қийин, таҳликали ва мураккаб шароитларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилинди, шу билан бирга, Президент Ислом Каримов Ўзбекистон компартиясини тугатиш йўлини тутди. Албатта, Президент И.А. Каримовнинг бундай қарорга келишининг мантиқий сабаблари бор эди: партия етмиш йилдан ортиқроқ Ўзбекистонни истиблодда ушлаб турди; ана шу даврда тогалитар жамият қуриш гояси ва мағкураси ҳам партия томонидан ишлаб чиқилди, бундай жамият қуриш амалиёти ҳам партия томонидан ҳаётга татбиқ этилди; партия доимий ва мунтазам равища ўзбек халқининг мустақиллигига, миллий, маънавий, маданий меросига, миллий тарихи ва айъаналарига қарши кескин сиёсат ўтказиб келди; партия қандайдир "тентлик" жамиятини тарғибот-ташвиқот қилинани билан амалда ва яширип равища марказининг Ўзбекистонга нисбатан империячилик сиёсатини ўтказиб келди; партия ўз табиати ва гоясидан келиб чиқиб ҳар қандай демократик қадриятлар ва фуқаролик жамияти шаклнанишига қарши тиш-тирниги билан қаршилик кўрсатиб келди; партия жаҳонда коммунистик жамият қуриш мақсадидан келиб чиқиб, ҳеч қачон Ўзбекистонни миллий мустақил давлат бўлишига йўл бермаслиги аниқ эди; Президент Ислом Каримов мақсад қилиб қўйган фуқаролик жамияти ва ҳукукий давлат қуриш гояси партия гоясига бутунлай тўғри келмасди; коммунистик партиянинг манбаатлари ҳам бутунлай миллий манбаатларга қарама-қарши рухда эди.

Умуман, XX асрнинг 90-йиллари бошидаги Ўзбекистон учун "коммунистик партиядан халос бўлиш", деган сўз миллий мустақилликка эришишнинг асосий шарти бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам 1991 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Компартиясининг XXIII навбатдан ташқари съезди чакирилиб, унда республика партия ташкилоти ўзини ўзи тугатишга қарор қилди.

Лекин бу жараёнлар ҳам сиылғы кечганийдік. Бу пайтда ҳаның күпілаб раҳбарлар, партия альянсарыннан аксарайт қис-

⁴ Қаранг: Киргизбоеев М. Фуқаролик жамниятін сиёсий националар, мағындарлар, маданияттар. — Т.: Шарқ, 1998. 110—111-бетлар.

міда эски жамиятнинг кучли таъсири сезилиб турмоқда эди. Улар миллий мустақиллик гоясими англишга етилмаган, янги демократик жамият қуришини эса ўз тасаввурларида капитализмга — "энг ёмон жамиятга қайтиш", деб тушунар ва талқин этар эдилар. Шунинг учун ҳам партия құрultой қарори билан янғы партия тузиш, бу партияга компартияның мол-мұлкдарини мерос қилиб қолдириш, компартия аязоларининг эса янғы партияга бевосита ва түғридан-түғері кириши мүмкілігі, бунда коммунистларни олдинги партия стажлари сақланиши түғрисіде баёнот берилди. Бу, албатта, Йүлбошчи томонидан ишлаб чиқылған эски партияни тұгатиш ійүндегі стратегик мақсадлардан келиб чиқып, партияни тадрижий йүл билан тұгатыш эди. Бундан өнг асосий мақсад — жамият бирлигини сақлаш, уни бошқа мамлакаттарда бўлган каби ўзаро қарама-қарши бўлган "коммунистлар" ва "демократлар"га бўлинмаслик чора-таабирларини кўрини эди. Умуман, Ўзбекистонда компартияни Миллий мустақиллик арафасидаёт тұгатишга эршилди. Бошқа собық иттифоқ давлатларида эса аҳвол бошқача эди.

МДХнинг аксарият мамлакатларидаги коммунистик партиялар ўттан асрнинг 90-йиллари давомида парламентта, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органдарига бўлган сайловларда йирик галабаларга эришиб келдилар. Жумладан, Россия коммунистик партияси то 2001 йилнинг апрель ойигача Давлат Думасыда устуворлик қилиб келди. Бу ҳақда Россия Федерациясининг собық Президенти Б. Ельцин шундай деб ёзған эди: "Премьер Черномирдин партияси ҳам 1993 йилдаги Гайдар партияси каби парламентда озчиликни ташкил этди. Бу ҳолат ҳокимият обрўси учун ҳам, иқтисодиёт учун ҳам, фуқаролик жамиятининг барча тизими учун ҳам яхши эмас эди. Барча ўтган йилларда биз сиёсий мулоқотлар ўрнига қизил Дума билан Президент ўргасидаги шиддатли курашларга эга бўлдик. ... Ўтган даврга қараб ўйланиб қоламан, ўша кунлардаги бу мұваффақият-сизликларда аниқ бир лидер ёки шаклланған сиёсий ҳолатлар айбдор эмас эди. Аникроги, фақат бугина эмас. Лекин, масала менда ва менинг Думага бўлган мүносабатимда эди. Мен назарий жиҳаздан шуну тушунар эдимки, парламент —

демократиянинг мұхим инструменти хисобланади. Аммо амалда эса ўша Горбачевтінг 1989 йилдаги ҳалқ депутатлари съездидан бошлаб барча охирі кўринмас мажлисларда мен ўзимнинг ёнимда муттасил равишда ислоҳотлар ва ўзгаришларга нисбатан ўз нафратини яширмаган (ҳеч бўлмаса одоб юзасидан) коммунистларга кўзим тушар, яна ўша дилга оғриқ берувчи таниш башараларни кўрадим!".

Умуман, Миллий мустақилликнинг дастлабки даврида собық тогалитар жамият қолдириган мерос мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳәётининг барча соҳаларини ўзига қамраб олған эди. Мамлакатда, ҳаттоқи, фуқаролик жамиятининг унсурлари ҳам ҳали шаклланмаганинги, бу соҳада тажрибаларининг етишмаслиги, демократик қадриятлар ҳалқ менталитетига сингмаганинги, янғы жамиятнинг иқтисодий асослари шаклланмаганинги каби юзлаб долзарб мұаммолар ўз ечимини кутмоқда эди.

1990 йил 24 марта Ўзбекистон Олий Кенгаши И.А. Каримовни республиканинг биринчى Президенти этиб сайлаши — миллий мустақиллик сари бошланған ҳаракатнинг илк ғалабаси эди. Чунки, бундай сиёсий институттинг киритилиши марказ ва иттифоқдаги бошқа республикалар учун кутилмаган янтилик эди.

Мустақиллик учун ҳаракат янада көнг кўламда давом этди. Олий Кенгаш 1990 йил 21 июлда Мустақиллик Декларациясини қабул қилди. Мазкур Декларация республикамизда миллий мустақил давлат ўрнатилиши жараёни учун мұхим аҳамият касб этди. Шунингдек, 1991 йил август ойида республикада маҳаллий давлат органларида ҳокимлик лавозимларининг таъсие этилиши, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда миллий рухиятга яқин бошқарув тизимларини тузилиши каби воқеликларнинг рўй бериши Ўзбекистон раҳбариятининг миллий истиқдол сари ҳеч бир иккиланишсиз, дадил ҳаракат қилаёттандырылғаннинг самараси эди. Ўша даврдаги кучли ижтимоий сиёсат юритиш, оқибатда аҳолининг ижтимоий барқарорлыгини таъминлаш йўли ҳам факт ўзбекистон учун хос эди.

¹ Ельцин Б.Н. Президентский марафон. Размышления, воспоминания, впечатления. — М.: 000 «Издательство АСТ», 2000. 385-бет.

Ўзбекистон ҳали иттифоқ таркибида бўла туриб, бошқа республикалар раҳбарлари ўз мамлакатларини конфедератив иттифоққа киришига кўз тутиб турган бир пайтда, Президент И.А. Каримов 1991 йил 31 августда Олий Кенгаш сессияси минбаридан Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилди. Шу куни Олий Кенгаш "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидағи Баёноти"ни эълон қилди.

Ўзбекистонда Миллий мустақиллик учун ҳаракат бир томондан коммунистик тоталитар тузум асосатларидан холос бўлиш, покланиш жараёнлари билан уйғун равишда кечган бўлса, иккинчи томондан, жаҳондаги илғор мамлакатлар тажрибаси асосидаги маҳаллий ҳалқ менталитетидан келиб чиқиб жамиятни демократлаштириш билан ҳамоҳанг борди. Миллий мустақиллик арафасидаёқ кўп partiya-viyyilik tizimini жорий этиш, давлат ва ҳукуматдан айрим жамоат бирлашмалари тузулмаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга интилиш республика раҳбариятининг XX асрнинг 90-йиллари бошидаги стратегик сиёсий ислоҳотларининг бош мақсадларидан бири эди.

Собиқ иттифоқда М.С. Горбачёв бошчилигига эълон қилинган "қайта қуриш" сиёсати натижасида кўплаб турли туман ижтимоий гуруҳларининг манфаатларини ифода этувчи жамоат бирлашмалари пайдо бўлди. Жумладан, 1989 йил 28 майда Ўзбекистонда ҳам "Бирлик" ҳалқ ҳаракати жамоат ташкилоти сифатида ташкил топди.

Бу ҳаракат мамлакатда қайта қуриш даврида тузилган илк жамоат ташкилотларидан бири бўлғанлиги сабабли ҳам кўплаб хатоликлар ва камчиликлардан ҳоли бўлмади. Ҳаракат кўп ҳолатларда жамоат ташкилоти сифатида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтган бўлса-да, у сиёсий партияга хос фаолият юрита бошлади. Ҳаракатнинг дастури ҳам унинг аъзоларини сиёсий жараёнларда иштирок этишга кенгроқ жалб қилишга қаратилган эди. Ҳаракат дастуридаги қўйидаги жумлалар фикримизнинг далилидир: "...Ўзбекистон келажаги учун буюк тарихий маъсулиятни ўз бўйнига олишга қурби етадиган ташкилотларнинг шаклланишини тезлаштириш обьектив заруриятдир. "Бирлик" ҳаракати ўзи ёки

бошқа демократик кучлар билан бирга шундай маъсулиятни ўз зиммасига олишга тайёр эканлигини баён қиласди".

"Бирлик" ҳаракати раҳбариятининг назарий қарапашлари, ижтимоий-сиёсий фаолияти эски тузум бағрида шаклланганлиги, ишнинг тажрибаларини марказ ва Болтиқбўйи республикалари сиёсий ҳаётидан "нусха кўчириш" билан чеклаганини учун ҳам ҳаракатнинг фаолияти ўта сўл ва радикал бўлди. Ҳаракат ўз низомида эски большевистик "Бутун ҳокимиёт — Советларга!" шиорини тўла амалга ошириш"ни мақсад қилиб қўйганини фикримизнинг далилидир².

Ҳаракатнинг энг асосий хатоларидан бири, бу — улар томонидан ҳалқимизнинг, миллатнинг туб манфаатларини англамасликлари, эски тузум парчаланиши оқибатида пайло бўлган турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар иродасини ўзида ифодалай олмаганлиги, шунингдек, ўзбек ҳалқининг менталитети, миллий хусусиятларини чукур ўрганмай туриб кениг кўламда ҳаракат қилишга интилган уриниш эди. Шунинг учун ҳам "Бирлик" ҳаракати ҳалқ ичидаги ўз ижтимоий илдизига эга бўла олмади.

"Бирлик" ҳаракати фаолларининг бир гурухи сиёсий партия тузиш учун ҳаракат бошладилар. 1990 йил 30 апрелла "Эрк" демократик партиясининг таъсис қурултоида унинг дастур ва низоми қабул қилилди. "Эрк" партиясининг дастури, асосан, иттифоқ парчаланганидан кейинги сиёсий-ижтимоий муҳитда инқилобий ўзгаришлар қилишга қаралгилган бўлиб, унда эски жамиятда яшаган ўзбек ҳалқининг руҳияти, ижтимоий-сиёсий қараашларининг аста-секинлик билан тадрижий равишида ўзгариб бориш жараёнлари ҳисобга олинмаган эди³.

"Эрк" партияси жамиятдаги бирон-бир ижтимоий қатлам партияси сифатида эмас, балки тор доирадаги гуруҳлар партияси сифатида фаолият олиб боришга уринганлиги учун ҳам радикал ва ўта қутблашган ташкилот бўлиб қолаверди. Қолаверса, партия ўтмиш мероси, жамиятнинг ижтимоий

¹ Ўзбекистон «Бирлик» ҳалқ ҳаракати. Дастур ва низом. — Т.: 1990. 5-6-бетлар.

² Ўша жойда. 17-бет.

³ Қаранг! Кирғизбоеv M. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, маданиятлар. — Т.: Шарқ, 1998. 116—117-бетлар.

холати, ўтиш давридаги мураккаб сиёсий жараёнлар ва тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни чуқур англаш учун етарли тажрибага эга бўймаганлиги учун ҳам 1993 йил охиридан бошлаб расмий равишдаги ўз фаолиятини тўхтатди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмига келиб ҳам МДҲ мамлакатларида, хусусан Россияда коммунистлар ва бошқа "сўл" кучларнинг парламент ҳамда давлат ҳокимиятининг бошқа тузилмаларида кучли сиёсий таъсири кучига эга бўлинининг сабаблари кўп жиҳатлардан сўл кучларга нисбатан ўта қутблаштан сиёсат юритилганини, қолаверса, жамиятнинг ҳали эски мафкура таъсирида бўлган миллионлаб фуқароларининг янги ҳукумат органлари ва демократлар томонидан кучли мафкуравий тазиикقا утраганини оқибати эди.

Ўзбекистонда Миллий мустақиллик арафасида жамият сиёсий соҳасидаги ўзгаришлар мамлакатнинг конституциявий тизимида туб ислоҳотлар қўшинига заруринг сезмоқда эди. Янги жамият ва давлат куриш ислоҳотларини амалга оширишининг муҳим кафолати — ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришиш, бу жараёнларда турли ижтимоий қатламлар ва турұхлар ҳам жиҳатлигини таъминлаши учун демократик қадриялар асосидаги ҳуқуқий асосларни шакллантириш масалалари мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳәстининг долзарб қазифуларидан бирита айланди. Собиқ иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган ҳуқуқий асослар мамлакатдаги янги интилишлар ва ислоҳотлар жараёнларини янана чуқурлаштириш, келажак стратегик мақсадларни белгилашга тўсиқ бўлаётган эди.

Умуман, миллий мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон жамиятининг барча соҳаларида чуқур институционал ўзгаришлар амалга оширилди: эски яккапартиявий давлатга барҳам берилиб, демократик тамойиллар асосидаги миллий давлат шаклланди; жамиятда кўппартиявийлик тизими шаклланди; партия ва давлатдан холи бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими шаклланди; ўзини ўзи бошқариш органлари партиядан ва давлатдан ажратилди; коммунистик мафкура ўрнига мафкуралар тюорализмiga ўрин берилди; миллий қадриялар ва миллий маънавият мамлакат ҳалқининг асосий дунёқарашига айланниши

учун барча ҳуқуқий асослар яратилди; барча қонуиларни демократик тамойиллар асосида қабул қилиш тажрибаси шаклланди. Натижада мамлакатда фуқаролик жамиятининг шаклланини учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий шарз-шароитлар яратилди.

2.2. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал тамойил ва унинг можияти

Ўтган асрнинг 80-йиллар охири — 90-йиллар бошида тоталитар тузумдан эндиғина ҳалоे бўлган, ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда янги жамият ва давлатни бунёд ўтиш ислоҳотларини жаҳон тажрибасининг қонилай йўлидан борини ҳали аниқ ва равшан эмас эди. Лекин, мамлакат ривожининг бош йўли ташланди. Мустақилликнинг дастлабки куннарида ёқ Президент И.А. Каримов қуйилаги мақсадини илгари сурди: "Республикада сабитқадамлик билан ҳалқни адолатли жамиятни бунёд ётни — бош вазифадир... Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши иносона унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини ёркин ташлаб олишини кафолатлаши қерак".

Ҳалқимиз тарихи, дунёқараши, маънавияти, миллий манфаатлари ва миллий анъаналарини чуқур англаган мамлакат Президенти И.А. Каримов Мустақил Ўзбекистон ҳалқининг манфаатлари ва орзу-истакларидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти ва демократик принципларни узида мұжассам этган сиёсий тизимни ташкил этишига қодир очиган Конституция қабул қилишга бошчилик қилди.

Республикада фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куришнинг сиёсий ва ҳуқуқий кафолатлари қисқа муддат сарча янги Конституция ва бошқа қонуиларда ўз ифодасини топди. Натижада фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳуқуқий асослар түғилди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат сарно этиш ислоҳотлари ёнг мураккаб ва машақатли си-

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 44-45-бетлар.

новларни кутмоқда эди. Чунки, мамлакатда эскидан мерос бўлиб қолган давлатчилик анъаналари ва тоталитар жамият асоратлари ҳали сақланмоқда эди. Шунингдек, ҳалқнинг ҳам ҳали янги жамият қуриш ва уни ташкил этишга доир тажрибаси кам, руҳияти ва сиёсий маданияти эса фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлардан анча узоқ эди. Ана шундай шароитда Президент И.А. Каримов томонидан Ўзбекистонда фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатларига ўтиш даврининг назарий асослари ишлаб чиқилди. Албатта, улар мамлакат тарихий ривожланиш анъаналари, демократик принциплар ва ҳалқ дунёқараси, қолаверса, мамлакат миллий манфаатларини ўзида ифода этар эди.

XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, Ўзбекистон ҳали ўз Миллий Мустақиллигини ўйлон қўлмаган бир пайтда фуқаролик жамиятини қуриш билан боғлиқ ўзгаришлар рўй берга бошлаган эди. Республика раҳбариятининг жамиятда кўпнартгиявийлик тизимини жорий этиш, давлат ва ҳукуматдан мустақил бўлган жамоат бирлашмалари тузулмаларининг эркин фаолият кўрсагиши учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга бўлган интилиши кучайган эди.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришининг асосий кафолати, яъни уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадларида 1991 йилнинг 15 февралида Ўзбекистон Олий Кенгаши "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ти қонунни қабул қилиди. Мазкур қонун республикада фаолият юритиб келётган жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга, уларни собиқ як-каҳоким мафкурадан покланишига, шунингдек, жамоат бирлашмалари тизилмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратишга ҳуқуқий щарт-шароитлар яратиб берди. Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида биринчи марта мазкур қонунда жамоат бирлашмаларининг мақсадлари ҳалқаро ва демократик мезонлар асосида таърифлаб берилиди: "Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқий ҳамда эркинилларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиши, фуқароларниң фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамоат ишларини бошқариша

уларнинг иштирок этишини ривожлантириш..."¹ мақсадларида тузилади.

Мамлакат тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари — жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларнинг давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди. Бу ҳолат фуқаролик жамиятига хос белгилардан бири эди. Қонунда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашниш, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашшишига йўл кўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Бу даврдаги муҳим воқеиликлардан бири — Президент И.А. Каримов томонидан Ўзбекистонда ўтиш даври учун давлат қурилиши, бозор иқтисодийтини шакллантириш, умуми, жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёниларини бешта асосий қоидалар асосида амалга ошириш концепциясининг ишлаб чиқилиши бўлди. Бу бешта асосий қоидаларининг моҳияти қўйидагича ифодаланди:

бирачидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат орнида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундиришини мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устуни туриши керак. Ҳам ички, ҳам тацқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиши зарур;

иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ёнгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатнарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт;

учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиши устувор бўлини лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч исписносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиши. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ти Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 4-сон. — Т.: Аюлат, 1993. 155-бет.

химоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги "инқилюйи сакрашлар" сиз, яъни эволюцион йўл билан, тухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимига асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади¹.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги фуқаролик жамиятни барпо этишга доир ислоҳотларни ривожланган демократик мамлакатлар ва ҳалқаро ҳамжамиятлар тажрибасидаги демократик қадриятлар асосида амалга оширишига муҳим аҳамият берилди. Чунки, демократик қадриятлар нафақат ҳалқаро тажриба ва синовлардан ўтганлиги, балки ўзбек ҳалқининг миллӣ манфаатларига мос келганилиги учун ҳам ислоҳотлар жараёнларига татбиқ этила бошланди. Мамлакатда фуқаролик жамиятни учун муҳим бўлган демократик қадриятларни Президент И.А. Каримов қўйидагичча баҳолаган ёди: "Матгуумки, демократик жамияттининг ҳалқаро миқёсла ётироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз хоҳиш-ироласини ёркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқароларининг тенг ҳукуқлизиги, давлат ва жамият бошқарувидаги қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайловини, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлари йўли билан шакланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидағи жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради"².

Шу билан бирга, Президент И.А.Каримовнинг қарашича, фуқаролик жамиятни назарияси ва амалиёти ҳар бир мамлакат миллӣ қадриятлари, ҳалқининг миллӣ ментали-

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабаларига ўтишининг ўзига хос йўли. // Ўзбекистон: миллӣ истиқлол, иқтиёд, сиёсат, мағфура. Т.1. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 300—301-бетлар.

² И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқబолининг асосий тамойиллари. // Ватан саждагоҳ каби мұқалладе-дир. Т. 3. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 8-бет.

тети ва миллӣ ағъаналарини ўзида ифодалаши зарур. Бу шунинг учун ҳам зарурки, фуқаролик жамиятни барпо этишда ҳар бир ҳалқ ўз миллӣ манфаатларини ифода этилишини ҳам англаши лозим. Бу каби ҳолатга эга бўниш учун миллӣлик янги жамият мазмуни ва шаклу шамойили билан ўйғуналашиши лозим. Ўзбекистон эса бошқа мамлакатларга нисбатан адолатли ва ҳалқчил жамият барпо этишга доир миллӣ мерос ва қадриятларга бойлиги билан ажralиб турди.

Шунингдек, мамлакатда янги жамият қуриш ислоҳотлари инқилюйи йўлни ҳам қабул қўймайди. Чунки, бу йўл ўзининг вайронагарчилиги, миллиоплаб ахолининг иқтимоий аҳволи пасайиб кетини, жамиятни қутблашган томонларга бўлинниб кетини кабин салбий ҳолатларни көлтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам давлат гомонидан фуқаролик жамиятининг Ўзбекистон мамлакати учун ўзига хос қўйидаги жиҳати илгари сурилди: "Шарқда демократик жараёнларининг қадимдан шакланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Янын, Шарқда демократик жараёнлар ўзвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилюйи ўзгаришлар ясашига уринишилар ёоят похуш, ҳатто фожиали патижаларга олиб келаади. Инқилюйни Farb олимлари ҳам "ижтимоий тараққиётининг ибтидоий ва ёввойи шакли" леб атаганилар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди..."³.

Шу билан бирга, Юрбошимизнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шаклантиришга доир назарий қарашларни ривожланган мамлакатларда амалга оширилган демократик тамойиллар асосидаги тажрибаларга ҳамоҳанг тарзда ривожланди. У фуқаролик жамиятининг асосини ўзини ўзи бошқариш органларини ўзига муносаб ваколатлар билан таъминлашда, деб билди.

Шунингдек, Президент И.А. Каримов Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг яшашини таъминлайдиган асосий шарт-шароитлардан бири, бу — давлат ҳокимиётини ваколатларини чегаралаш, фуқаролик жамиятни институтларига жа-

³ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг спесий-ижтимоий ва иқтисодий истиқబолинин асосий тамойиллари. // Ватан саждагоҳ каби мұқалладе-дир. Т. 3. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 9-бет.

миятда ўзини ўзи бошқариш учун қанчалик зарур бўлса, шунчалик етарни ваколатлар бериш эканлиги масаласини илгари сурди. Президент фуқаролик жамиятининг яшаш қобилияти фуқароларнинг сиёсий жараёнларда нечоёлиқ иштирок этишлари билан узвий бөғлиқ эканлигини ҳам чукур аңглаб етган эди.

Президент И.А. Каримов давлат ваколатларини жамият институтларига бериш асосида ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадида қуйидаги вазифани кўйди: "Аммо ҳақиқий миљий равнаққа биз фақат давлат ҳокимияти вазифаларини қатъй ва мукаммал белгилаб ва шу билан бирга чеклануб қўйилган фуқаролик жамияти шароитидагина эришмогимиз мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади... Ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, ҳақиқий демократик қадрияларни вужудга келтириш — бизнинг бош концепциямиз ва миљий равнақимиз асосидир" ¹.

Мамлакат Президенти И.А. Каримовининг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барни этишга доир назарий қарашлари унинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфисзликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида ўз тақомилига етганини кузатиш мумкин. Бу асарда фуқаролик жамиятининг энг асосий институтлари Ўзбекистон мамлакати шарт-шароитлари, миллий менталитетини ҳисобга олган ҳолда таъкин этилади. Шунингдек, бу асарда янги жамият қуриш муаммолари "шахс — жамият — давлат" ўзаро уйғулуги асосида таҳлил этилади. Мухими, давлатнинг шахс ва жамият манфаатлари асосида фаолият юритадиган сиёсий институт эканлиги, бу институтнинг доимо жамиятнинг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан фаровон бўлиши ҳамда барқарорлиги учун масъудлигини ошириб бориш зарурлиги асосланади. ²

Шунингдек, асарда фуқаролик жамиятини ишон эркинлиги ва ҳукуқларининг энг асосий ҳимоячиси эканлигига

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тарбиялари. // Ватан саждагоҳ каби мұқаддас. Г. З. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 12-бет.

ҳам мұхим эътибор берилади. Асардаги қуйидаги фикрлар фуқаролик жамиятининг янги қирраларини очиб беради: "Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол тоғтиришга монелик қўлмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳукуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг ҳукуқ ва эркинликлари каментилишига йўл қўйилмайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қиласади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айттада, давлатнинг қонувлари ишон ва фуқаро ҳукуқларини каментаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонувларга сўзсиз риоя қилишлари шарғи" ³.

Шу билан бирга, Юргбоши фуқаролик жамиятининг давлат органлари, фуқароларнинг мансабдор шахслар устидан назорат ўрнатишилари, уларнинг фуқаролар олдиғаги масульиятини ошириш масалаларига мұхим эътибор қаратади. Айнича, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, уларнинг давлат органлари фаолиятидан хабардорлиги, шунингдек, фуқароларнинг сиёсий жараёнындағы кенг иштироки фуқаролик жамиятининг энг мұхим белгиларидағы бири эканлиги каби қоидалар ишлари сурйиди. Албатта, бу назарий қарашлардаги илмий таъкийлар нафақат жамиятнинг, балки давлатнинг кучли ва самарали фаолият кўрсатса олини қобилятини ошириш билан уйгунилкда амалга оширилағи. ундаги асосий ғоялар ишон эркинлигини таъминлаш мәқсадларида унинг ўзини фаол ва омилкор бўлишга ундаиди: "Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этишини масаласи қанчалик ҳал қилингандиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳукуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиши, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳакида маълумот олиш ҳукуқини англай

² И.А. Каримов. Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфисзликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфисзлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998, 151-бет.

бошлашига ва бу хуқуқдан фойдалана олдиған бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдиғаги ўз масъуллиятларини ҳис қиласидар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаолигини ошириш зарур”¹.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокини амалга ошириш билан узвий равишда боғлиқ ҳолда кеча бошлади. Айниқса, янги жамият ҳалқ томонидан демократик қадриятларни ўз сиёсий маданиятига сингдириб боришига ҳамоҳанг тарзда ривожланиб боришни эътироф этгани ҳолда қўйидаги фикрларни билдиради: “Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камидаги учга мезон бор. Булар — ҳалқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қаницалик хабардорлигидир. Хукумат қарорлари ҳалқ томонидан қаницалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришида қаницалик иштирок этишидир”².

Шунингдек, Ўрбобиши фуқаролик жамиятининг ривожланишида ва унинг барқарорлигини таъминланда мухолифатнинг ўрни масаласига ҳам катта эътибор беради. Малъумки, демократик мамлакатларда мухолифат ўз жамиятлари ва давлатларининг бонқарув усусларини демократизирниша, шунингдек, инсон хуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашда муҳим аҳамият қасб этади.

Сиёсий мухолифат жамиятда ишоралистик фикрларни дунёқарашни шакллантиради. Турли хил сиёсий усуслар, ёндашувлар ва қарашлар асосида келажакни яратиш учун интилиш жамиятт оъзодарининг тобора кўпроқ манфаатлари ва сиёсий иродаларини қамраб боради. Натижада, жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий барқарорлигини таъминлаш онгли равишда изга тушибди. Шунингдек, мухолифатнинг бўлиши давлат ва хукуматни шакллантириш жараёнларидан фуқароларнинг устидан кимлар бошқаришини танлаш хуқуқига

эга бўлишини таъминлайди, уларнинг сиёсий иродаси ва истак-хоҳини тобора кўпроқ ошкора намоён бўлиб боради. Farb мамлакатларидаги мухолифатнинг яратувчилик ўрнидан келиб чиқиб, Президент И.А. Каримов кўйидаги фикрларни билдиради: “Жамиятда барқарорликни сақлаш зарурлиги ҳақида гапирав эканмиз, сиёсий институт сифатида мухолифат масаласини тилга олмаслик мумкин эмас. Бундай институтнинг мавжуд бўлиши демократик жамият учун шарт бўлган ва нормал ҳолдир. Айни маҳалда шуниси ҳам муҳимки, у ташкилий жиҳатдан расмийлашган, тегишли юридик мақомга эга бўлиши, конституция ва қонун нормаларини ҳурмат қилиши, ўз ҳаракатлари билан мамлакатдаги давлат ва ижтимоий тузумнинг қатъий, барқарор ҳолати учун масъул бўлиши, давлат қурилишининг муқобил лойиҳаларига эга бўлиши лозим”³.

Умуман олганда, Президент И.А. Каримов томонидан илгари сурилган “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили илгор демократик қадриятлар билан адолатли жамият қуришга доир миллий қадриятлар ва анъаналарни ўйтушаштириш асосида ривожланиб борди.

Ўрбобиши Ўзбекистонда фуқаролик жамиятни қуриш ислочотларини янада чукурлаштириш, унга муганосиб равишида хуқуқий давлат қуриш мақсадларидан келиб чиқиб жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш (либераллаштириш) концепциясини ишлаб чиқди ва унинг қўйидаги йўналышларини белгилаб берди:

- мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;
- мамлакат сиёсий ҳаётидаги ҳақиқий маънодаги кўп паргиявийлик мұхитини қарор топтириш;
- нодавлат нотижорат тузилмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминташ;

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфесизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфесизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 151-152-бетлар.

² Ўна жойда. 156-157-бетлар.

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамлар онгида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Юртбоши иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясида ўз маърузасида фуқаролик жамияти қуришнинг янги босқичи ва тамойилларини илгари сурди: "Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб вазифа у ҳам бўлса, "Кучли давлатдан — кучли жамиятга ўтиш" деган широрни амалда рӯёбга чиқаришидир. Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қўйи тизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади. Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз. Иккинчидан — жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаолигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор"!¹.

Дарҳақиқат, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилидан келиб чиқиб иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясида қабул қилинган "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этишининг асосий принциплари тўғрисида"ти Конституциявий Конуни келгусида қабул қилиниши зарур бўлган ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги қонунларнинг қабул қилиниши учун пригипиал қоидаларни белгилаб бериши кўзда тутилган эди.

Мамлакатда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг демократик тамойилларини ривожлантириш масалалари Президент И.А. Каримовнинг биринчи ва иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг сессияларидаги (1995 — 2004 йиллар), шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005, 28 январь) маърузалари "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал сиёсий дастурнинг асосини ташкил этди.

¹ И.А. Каримов. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараённи орта қайтмайди. // Ханфисзинк ва тинчлик узун курашмоқ керак. Т. II. — Т.: Ўзбекистон, 2002. 325-бет.

Президент И.А. Каримовнинг асрларида адолатли демократик жамият қуришнинг концептуал назарий асослари янада бойитилди. Президентнинг қуйидаги фикри мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий йўналишларини белгилаб берди: "Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириши ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади. Бунинг учун, аввалимбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим... Ҳётимизни эркинлаштириш йўналишларининг янада мухим йўли — марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қўйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир".

Мамлакатда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти қуриш мақсадларида давлат ҳокимиятининг аксарият ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш жараёнлари бошланди. Марказий давлат ҳокимияти тасарруфида эса, асосан, фақат конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби ваколатларни қолдириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари, пул ва валюта муюмаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумレスпублика транспорт ва муҳандислик ком-

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари.//Биз ташлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дүлт билан ҳамкорлик йўли. Т. II. — Т.: Ўзбекистон, 2003, 27—29-бетлар.

муниципиаларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқариши барпо этиш масалалари марказий давлат миқёсида ҳал этилиши, давлатнинг бошқа барча вазифалари эса маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига бериш учун ҳукуқий асослар ва сиёсий шарт-шароитлар яратишга доир ислоҳотлар чуқурлашиб бормоқда. Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятини назорат қилиш ваколатлари ҳам асосан ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига ўтказиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) мъарузасида мамлакат жамиятини демократлаштириш ва янгилаш концепциясининг, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича асосий вазифаларининг дастурий концептуал йўналишлари белгилаб берилди. Мазкур мъарузада мамлакатни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари", деган тамойилга асосланган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришининг барча йўналишларида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар аниқ ва равшан ифода этилди. Мамлакатда марказий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини номарказлаштириш асосида кучли жамиятнинг шакланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадларида "ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳукуқий хужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ицлаб чиқиш"¹ вазифаси белгиланди. Шу билан бирга, "ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш"² муҳим вазифалар сирасига киритилди.

¹ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. — Т.: Ўзбекистон, 2005. 181-бет.

² Ўша жойда. 181-бет.

Юргбоши ўзининг мазкур қўшма мажлисидаги мъарузасида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш масалаларини илгари сурар экан, бу билан "ахолитининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шакланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган нохукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор" беришга даъват этди. Шу билан бирга, "одамлар онгиди демократик қадрияларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй берабётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти бекёс"¹ эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Юргбоши томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал дастурни амалга ошириш янги босқичга кирди. Бу босқичда мамлакат Йўлбошчисининг назарий қараашларини ҳаётга татбиқ этиш даврига ўтилди. Ривожланган мамлакатларда фуқароларга эркинлик бағишилаган, шахснинг эркин камол топиши учун барча шарт-шароитларни яратиган, жамиятнинг ҳамма жабҳаларини демократлаштиришга қобил бўлган фуқаролик жамиятни барпо этиш йўлидаги ислоҳотларининг янги босқичи бошланди.

Мамлакатда икки палатали парламент ислоҳотлари билан узвий боелиқликда нодавлат ташкилотларни ижтимоий қатламлар, гуруҳлар манфаатлари ҳамда иродаларини ифодаловчи ташкилотлар даражасига кўтариш, жамиятдаги турли-туман ижтимоий қатламларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш, жамиятни доимий барқарор бўлишига замин яратиш, шунингдек, фуқароларнинг жамият ва давлат органларини бошқаришдаги иштироқини кенгайиши учун кенг шарт-шароитлар ва ижтимоий-сиёсий кенгликлар яратилиди. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг давлат ва қонунлар томонидан кафолатлаши ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун имкониятлар яратди.

¹ И.А. Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. — Т.: Ўзбекистон, 2005. 181—182-бетлар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон жамияти сиёсий тизимида икки палатали парламент ислоҳотларининг бошланиши ҳам давлат ҳокимияти тизими ва жамият институтларини ҳар томонлама модернизациялаштириш ва ислоҳ этиш учун шарт-шароитлар ва имкониятларни янада кенгайтирди. Авваламбор, парламент ислоҳотлари натижасида жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг манфаатлари ва иродаларини ифодаловчи янги институтлар — парламентнинг Конунчилик палатаси ва Сенатнинг шаклланиши натижасида бу турли-туман манфаатларни қонунилар ва сиёсий қарорларда ифодалана олиш имкониятлари яратилди. Албатта, бу ўзгаришлар фуқаролик жамиятига хос бўлган қадриятлардин бири — фуқаролар истаклари ва манфаатларини фуқаролик институтлари воситасида давлат иродаси ҳамда давлат вазифаси даражасига кўтариш амалиётига эришилди. Шунингдек, фуқаролик жамиятига хос бўлган қонунилар қабул қилишининг ўзига хос имкониятлари яратилди.

Президент И.А. Каримовнинг қўйидаги сўзлари ҳалқнинг, бутун бир мамлакатнинг дастур аъмолига айланди: "Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барто этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборатdir"¹.

Шуниси дикқатга сазоворки, Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги давлат ва жамият қуриш масаласида ривожланган мамлакатларининг илгор тарихий тажрибасини чукур ўрганиш натижасида фуқаролик жамиятини барто этишдаги "Ўзбек модели"нинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Унинг назарий қараашлари "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал дастурда ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш амалиётida ўз ифодасини топиб бормоқда. Бу соҳани ривожлантириш мақсадларида қонунчиликни ислоҳ этиш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга имконият яратадиган ҳуқуқий асослар яратишга муҳим аҳамият берила бошланди.

¹ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — нироварлар максадимиз //Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — нироварлар максалимиз. Т. 8. — Т.: Ўзбекистон, 2000. 331-бет.

2.3. Фуқаролик жамиятини шакллантирища давлатнинг бош ислоҳотчилик ўрни

Ўзбекистон давлати ва ҳалқи мамлакатда ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлади. Чунки, дунёning ривожланган давлатларида шаклланган ҳуқуқий давлат шароитидагина фуқаролик жамиятини шаклланиши учун имкониятлар яратилади, жамиятда доимий барқарорлик ва ҳалқ фаронлиги таъминланади. Умуман, ҳуқуқий давлат тарих тажрибаси ва имтиҳонидан муваффақиятли ўтди. Шунингдек, ҳуқуқий давлат ҳалққа нисбатан кучли ижтимоий сиёсат юритиши билан ҳам ажralиб туради.

Ривожланган мамлакатларда ҳуқуқий давлатнинг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти тушунчаларини талқин этишга ҳам кучли таъсир этди. Жумладан, фуқаролик жамияти тушунчасини кенг ва тор маъноларда ишлатиш русумга кирди. Кенг маънодаги фуқаролик жамияти — давлат ва унинг тизилмалари томонидан жамиятни эгалтаб олмаган қисми, бошқача айтганда, давлатнинг қўли етмаган қисмидир. Бу каби жамият давлатта нисбатан автоном, бевосита унга қарам бўлмаган қатлам сифатида ривожланади. Шунингдек, фуқаролик жамияти кенг маънода фақат демократик қадриятлари муҳитидагина эмас, балки авторитаризм режимида ҳам яшай олади. Лекин, тоголитаризмнинг пайдо бўлиши билан фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимият томонидан бутунлай "ютиб" юборида.

Фуқаролик жамияти тушунчаси тор маънода талқин этилганда, у ҳуқуқий давлатнинг иккинчи томони бўлиб, унга бир-бирларисиз яшай олмайди. Фуқаролик жамияти союзкор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитида давлат тасарруфида бўлмаган эркин ва тенг ҳуқуқди инцивидларнинг ўзаро муносабатларидаги плюрализмдан ташкил топади. Бундай шароитларда жамият соҳаларига ҳусусий манфаатлар ва индивидуализмнинг эркин муносабатлари қамраб олинади. Бу каби жамиятнинг шаклланиши, унинг ривожланиши индивидларнинг эркинликга иштилиши, уларнинг давлатта тобе бўлган фуқароликларни эркин мулкдор фуқароларга айланиши, ўз шахсий ҳур-

мат-обрүснини ҳис қила бориши, хўжалик ва сиёсий масъулликни ўз зиммасига олишга тайёр бўлиши билан боғлиқдир.

Кейинги ўн йилликлардаги тарихий ривожланиш тажрибалари шунни кўрсатдики, ҳукуқий давлат унсурлари шаклланмасдан илгари фуқаролик жамиятини барпо этиш учун имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилмайди. Сиёсий тизимда ҳукуқий давлат куришга эҳтиёжлар пайдо бўлиши билан бир вақтнинг ўзида фуқаролик жамияти қуришга кучли табиий эҳтиёжлар сезилади. Чунки, ҳукуқий давлат барно энди жараёнлари фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш билан ўйгун ҳолда кечмас экан, бу соҳадаги ислоҳотлар ҳам ўз ўрнида десениниб туравериши, ҳаттотки, орқага қараб кетишни ҳалқаро тажрибаларда бир неча марта ўзини кўрсанган. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳукуқий давлат куриш ислоҳотлари фуқаролик жамияти мухитидан озиқданади, давлат иродаси ҳам жамиятдаги турли-туман манифестлар ва эҳтиёжлар ифодаланингя боялиқ ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳондаги фуқаролик жамиятлари ҳукуқий давлатнинг ривожланишига ҳамоҳанг тарзда егуклик сари такомиллашимоқдалар.

Ривожланган мамлакатларда турли шакллардаги ҳукуқий давлатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш усуслари ва ривожланиши тажрибаари умумлаштирилганда, бу каби давлат қуйидаги белгиларга эга эканлиги кўзга ташланади:

- фуқаролик жамиятининг давлатдан мустақил эканлиги;
- шахс эркинлиги ва ҳукуқларининг амалда таъминланганлиги;
- давлат ваколатларини конституциявий жиҳатлардан чекланиши, давлатнинг фақат қонунлар доирасидагина фолијат юритиши;
- фуқароларда шахсий фаровонликка эришиш учун ўз масъулликларини ҳис қила олиш қобилиятининг шаклланганлиги;
- фуқароларнинг қонунлар олдида ҳукуқий тенглиги, шунингдек, қонунларга нисбатан илсон ҳукуқларининг устувор эканлиги;

— ҳукуқнинг умумийлиги — ҳукуқнинг жамиятдаги барча фуқаролар, давлат ҳокимияти, мансабдорлар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқаларга нисбатан тенг тарзда амал қилиши;

— ҳалқ суверенитети, шунингдек, давлат суверенитетининг конституциявий ва ҳукуқий жиҳатдан мувофиқлашганлиги;

— ҳалқпинг амалда ҳокимият манбай эканлиги;

— қонун чиқарувчи, ижроя ва суд ҳокимиятларининг аниқ бўлинганлиги, уларнинг ҳалқ фаровонлиги йўлида ҳамкорлик ва бирлик асосида фаолият юритиш қобилиятининг шаклланганлиги;

— шахс оркинлиги, унинг фақат бошқа шахслар эркинлиги ва ҳукуқларига ўзди келган тақдирдагина чеклашларга нўй қўйини мумкинлиги.

Шунингдек, ҳукуқий давлат шароитидаги эркин ракоғатбарлошлик натижасидан ина ўрга қатлам — мулқдорлар қатламини шаклланши учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Ҳукуқий давлатларнинг ривожланиши тажрибаси шунни кўрсатдики, фақат шахсларининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш билан умумий фаровонликка эришиб бўлмайди. Чунки, жамиятдаги ҳамма шахсларда ҳам мулқзор бўлиш, ташаббускорлик кўрсатиш қобилияти бўлашермайди. Шу туфайли ҳам ижтимоий тенгизлилик сақлашиб қолаверади. Шунинг учун ҳам ҳётда ижтимоий давлат натхаряси ва амалиёти ("умумий фаровонлик давлати") шаклланшига зарурат туғилди¹.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг илк давридан боштоб ижтимоий ҳукуқий давлат қуриш асосий стратегик мақсад даражасига кўтарилди. Юргобон ўтган асрнинг 90-йилари бошида ёқ қуйидаги вазифаларни беътилашган эди: "Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти Ўзбекистоннинг сиёсат суверенитетининг иқтисодий асоси сифатида олинади, у республика ижтимоий тараққиётининг ҳозирги бос-

¹ Едраги: Основы политической науки. Часть I. Под ред. В.П. Пугачева. М.: МГУ им. М.В.Ломоносова, 1996. 219–221 бетлар.

қичига ҳамда ўзига хос шаронтларига энг кўп даражада мувофиқ келади”¹.

Мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ислоҳотларнинг босқичма-босқич ривожланиб боришининг асосий сабабларидан бири ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллашга муҳим аҳамият берилганligидир. Шу туфайли ҳам жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланиб, давлатнинг ислоҳотларни изчиллик билан ўтказиши учун шарт-шаронтлар туғилиши. Кейинги даврларда МДҲ давлатлари раҳбарларининг кўпчилиги Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибасидан кенг фойдаланмоқдалар, шунингдек, улар ҳам кучли ижтимоий сиёсат юритиш аҳамиятини чукур ангулаб стилилар.

Ўзбекистонда амалга оширилётган ислоҳотларнинг нироварл мақсади ҳам ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришdir. Ҳозирги даврда бундай давлат ва жамият барпо этишининг конституцион ва қонуний асослари яратилди. Демократик тиқдаги миллый давлатчилик шакллантиришга доир конституциявий асослар ва унга доир барча қонунияр ижтимоий ҳукуқий давлат қуриш мақсадлари асосида яратилди. Чунки, давлат қуришининг умумий йўлини аниқламай туриб, унинг қуий органлари ва жамиятни ислоҳ қилиши мумкин эмас эди. Маҳаллий ҳокимият тизимини жорий этишда ҳам стратегик мақсаднинг ҳукуқий давлат қуриш эканлигидан келиб чиқилди, миллый меросимиздаги ҳукуқий давлатга хос бўлган батзи унсурлар тикланди.

Ўзбекистонда Миллый мустақилик даврига келиб миллый анъаналар ҳамда демократик қадриятларга асосланган янги тиқдаги давлат ҳокимиятини шакллантириш имкониятлари туғилди. Янги ўзбек миллый давлатчилиги соҳасидаги ислоҳотлар Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган фуқаролик жамияти ва ҳукуқий давлат барпо этишининг беш тамойили асосида амалга оширилди. Давлат ҳокимиятини янгидан шакллантириш учун, аввало, етук ва ривожланган давлатлардаги сиёсий тизимнинг тузилиши ва

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон -- бозор муносабатларига ўтишини ўнга хос йўли. // Биздан озод ва обод Ватан қолсан. -- Т.: Ўзбекистон, 1994. 31 -32-бетлар.

амал қилиш принципларини шаклланиш тажрибаси ва тарихий миллый анъаналар асос қилиб олинди.

Миллый мустақиликнинг дастлабки даврида шаклланган янги давлатчиликни Президент И.А. Каримов шундай ифодалаб берган эди: “Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалиги тоталитар тузумдан мутглақо фарқ қиласиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципига асосланган тизими яратилди. Уларнинг ҳар бири фаолиятида ҳукуқий асосда авторитаризм ва тоталитаризмниш хуружларини истисно өладиган чинакам демократик меъёрлар ва йўл-йўриқлар қарор толтирилди. Таشكىл этилган ижро этувчи ҳокимият органлари олдингиларидан тубдан фарқ қиласиди. Улар режалиш-тақсимлаш вазифаларидан ҳоли бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солини ролини бажармоқда”¹.

Шунингдек, Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг “Ўзбек модели”га хос давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти асосида амалга оширилган туб ўзгаришларнинг нироварл мақсади, асосан ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга қаратилди. Давлат ҳокимияти органларининг турли йўналларуда амалга оширилган ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари натижаси ўлароқ ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишининг конституциявий ва ҳукуқий асослари яратилиши.

Мамлакатда бозор муносабатларига ўтишининг қийин жараёнлари, айниқса, мулк муносабатларининг вужудга келиши, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, хўжалик юритишнинг янги усусларининг шаклланиши билан бутунлай янги тиқдаги давлат ҳокимияти органларига эҳтиёж сезилган эди.

Қуриниб турибдики, Ўзбекистон давлати миллый мустақиликнинг дастлабки давридан бошлаб мамлакатда ижтимоий ҳукуқий давлатта хос бўлган давлат ҳокимияти органларини шакллантириш йўлини тутди. Лекин, шу би-

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ханфензиятика таҳшил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Ханфензиятика ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. -- Г.: Ўзбекистон, 1998. 138-139-бетлар.

лан бирга, демократик ислоҳотлар жараёнларида авлод-аждодларимиз мерос қолдирган давлатчилик анъаналари, демократик қадриятлар унсурларини замонавий демократик тамойиллар билан уйғунаштирилиб боришга аҳамият берилди. Шу мақсадда давлат қурилишида соф миљий характерга эга бўлган, шу билан бирга, демократик қадриятлар билан уйғунашиш натижасида янги мазмун касб этган ҳокимият органларини шакллантириш ислоҳотлари амалга ошириди.

Умуман, жаҳондаги демократик давлатлар тарихий тажрибаси ва конституцион тузуми амалиётини ётиборга олган ҳолда, шунингдек, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат ҳокимиятига доир қонунларга биноан марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маҳаллий бошқарув ва бошқа барча масалаларни аҳонлийтган манфаатларини ётиборга олган ҳолда қонунлар, шунингдек, тегиншли мөддий ва молиявий ресурслар асосида бевосита ёки бывосита ҳал қилиш мақсадидан келиб чиқиб ташкил этилди.

Ўзбекистонда туб ўзгаришилар жараёнларида давлатининг бош ислоҳотчилик ўрни, асосан фуқаролик жамиятининг ҳукуқий асосларини шакллантириш жараёнларида намоён бўлди. Президент И.А. Каримов ташаббуси билан Миљий мустақилик арафасидаёқ кўпнартиявийлик тизимини жорий этиш, давлат ва ҳукumatдан холи бўлган жамоат бирлашмалари тузилмаларини эркин фаoliyatiга кўрсатиши учун ҳукуқий шарғ-шароитлар яратиш мақсадларида Миљий мустақилик арафасида Олий Конғаш Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонунини (1991 йил 15 февраль) қабул қиласган эди.

Мустақил Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакланишида 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим аҳамият касб этди. Конституциянинг гоёллари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қоидаси "Инсон ҳукуқлари умумжаҳон Декларацияси", бир неча асрлар мобайнида илгор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик қадриятлар, миљий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг

йиллардан бўён авлоддан-авлодга мерос бўлиб келётган миллӣ ва шарқона давлатни адолатли идора этиш ҳамда ҳалқ билан бамаслаҳат сиёсат олиб бориш анъаналарини ҳам ўзида мужассамлаштириди.

Мамлакат тарихида биринчи марта Конституциянинг 2-моддасида қўйидаги ҳалқ суверенитетига хос тамойил ёзлон қилиди: "Давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар". Конституциянинг мазкур мөддасида илк бор фуқаролик жамияти амал қилиши мумкин ҳукуқий асос мужассамлашди. Мазкур ҳукуқий қоидани Конституциянинг 7-моддаси қўйидаги талиқатларда янада ривожлаштириди: "Ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ҳалқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади"¹. Албаттга, Конституциянинг бу мөддаси "Инсон ҳукуқлари умумжаҳон Декларацияси"нинг 21-моддасига "Ҳалқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим"², деган демократик тамойилнинг Ўзбекистонда ҳар томонидама рўёбга чиқиши учун шарғ-шароитлар ва имкониятлар яратиб берди. Шунингдек, Конституциянинг 9-моддасида давлат ҳокимияти сиёсатининг ҳалқ манфаатлари, истаклари асосида амалга оширишининг ҳукуқий асоси ифодаланди: "Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари ҳалқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланиади"³.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳар қандай давлатда ҳам рўй беравермайди. Бу жамиятининг шаклланиши

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2003. 4-бет.

² Ўша жойда.

³ Инсон ҳукуқлари умумжаҳон Декларацияси. – Т.: 1998. 30-бет.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2003. 5-бет.

учун факат ҳуқуқий давлатгина ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бериши мумкин. Ҳуқуқий давлат амал қилишининг энг асосий шарти эса давлат ҳокимиятининг учга бўлиниш принципини ҳётда амалга оширишdir. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддаси мамлакат сиёсий тизимида унинг амал қилиши мақсадларида мазкур принципни кўйидаги мазмунла ифодалаб берди: "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади"¹. Албатта, мазкур модда мамлакат парламенти -- қонун чиқарувчи ҳокимиятида фуқаролик жамиятгининг ҳуқуқий асосларини мукаммал тарзда ишлаб чиқиш имкониятларини яратиб берди.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти институтлари билан мувозанат сақлаши, жамият институтларини давлат органларидан мустақил фаoliyatiq кўрсатишда жамият ва давлатни ривожлантириш омнивияридан энг асосийси, бу -- сиёсий плорализмдир. Жамиятда плорализмнинг стилемаслиги оқибатида фуқаролик жамияти институтларини давлат тизими "ютиб" юборишини тарих ўз вақтида исботлаб берган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасиning Конституциясида сиёсий плорализмни давлат ва жамиятнинг яшани принципи сифатида ётироф этилиши фуқаролик жамияти институтларини ривожланишига ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб берди. Хусусан, Конституциянинг 12-моддаси қўйидагича талқин қилинади: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас"².

Шунингдек, Конституциянинг 13-моддасида фуқаролик жамиятининг яшашин учун муҳим бўлган шарт-шароитлардан яна бири -- инсон эркинлиги ва ҳуқуқини таъминлашга қобил бўлган демократик принципларни давлат ҳокимияти ва жамият ҳаётини ташкил этишининг асоси ва олий қадрият сифатида ётироф этилди: "Ўзбекистон Республикасида

демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлесиз ҳуқуқлари олий қадрият хисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади".

Шунингдек, Конституциянинг 29-моддасидаги "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга..."³, 32-моддасидаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эладирлар. Бундай иштирок этиш ўз-ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади"⁴, 43-моддасидаги "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаяди"⁵ каби демократик принципларнинг ифодаланиши -- фуқаролик жамияти қуришининг конституцияий ҳуқуқий асосларини ташкил этиди.

Конституциянинг еттига моддадан иборат "Жамоат бирлашмалари боби" республикада фуқаролик жамияти институтларини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий жиҳатдан зарур шарт-шароитлар яратиб берди. Унда "жамоат бирлашмаси", "касаба уюшмалари" "сиёсий партиялар" каби тушунчаларга ҳуқуқий аниқликлар киритилиб, улар эндиликда демократик таъқинлар асосида таърифланади. Айниқса, Конституциянинг 58-моддасидаги "Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларига риоя этилишини таъминлаяди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва маисабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаoliyatiq аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва маисабдор шахслар фаoliyatiq аралашишига йўл қўйилмайди"⁶, каби демократик принципларнинг Асосий қонунда ифодади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -- Т.: Ўзбекистон, 2003. 8-бет.

² Ўзла жойда. 8-бет.

³ Ўзла жойда. 10-бет.

⁴ Ўзла жойда. 12 бет.

ланиши мустақија республика давлати ва халқининг инсоният ҳәтила бир неча асрлик тажриба ва синовлардан ўтган фуқаролик жамияти сари интилаётганинги англатар эди.

Мамлакатда халқ манфатлари ва сиёсий иродаларини эркин билдириш ва уларни эркин ифода этиш учун ҳуқуқий асослар ва эркин сиёсий муҳит яратилиши билан ҳамоҳанг тарзда сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат жамоат бирлашмалари ҳам тузила бошланди. Собиқ итифоқ тузуми даврида фаолият кўрсатган нодавлат жамоат бирлашмаларини демократик ҳуқуқий асослар ва талаблар асосида қайтадан ташкия этиш жараёнилари авж олди. Шунингдек, давлат органлари мамлакатда фуқаролик жамиятининг институтлари фаолиятини молиявий ва ижтимоий жиҳатлардан кафолатлашга ҳам муҳим аҳамият берди. Сиёсий партиялар, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда уларнинг барча қўйи ташкилотларини давлат бюджети томонидан молиялаштиришига доир ҳуқуқий асослари қабул қилини ва ҳётта жорий этилди.

Республикада Миллий мустақијилик асосларини яратишга доир ислоҳотлар жаҳондаги ишор ривожлантирилган мамлакатлар тажрибаси ва ўзбек халқи менталитетига хос бўлган анъаналарни уйғунлаштириш асосида кечга бошлади. Мамлакатда давлатнинг бони ислоҳотчи сифатида янги жамият куришнинг миллий ва демократик қадриятларга доир ҳуқуқий асосларини яратиш соҳасидаги фаолияти муҳим стратегик мақсадга -- фуқаролик жамияти институтларини шакллантириши ва ривожлантиришига қаратилди.

2.4. Фуқаролар эркинлиги ва фаоллигини ошириш жараёнилари

Инсон, умуман мавжуд зотнинг йигиқ образи сифатида биосоциал мавжудот бўлиб, у бир вактнинг ўзида ҳам табигатта, ҳам ижтимоий ҳётга мансубdir. Индивид -- инсон зотнинг алоҳида олигиган намунаси, унинг вакилларидан бири. Шахс эса инсон сифатида намоён бўлиб, мавъум ва бетакрор индивидуалликка эгадир. Ижтимоий муносабатлар натижасида индивид жамиятлари қадриятлар ва мөъёларни

ўзлаштириб боради. Шу жиҳатдан ёндашилганда, инсон ижтимоий таъсир обьектидир. Шунингдек, индивиддинг ижтимоийлашуви оқибатида жамиятдаги турли муносабатлар фаоллашади ва у ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида ҳаракатланувчи шахсга айланади.

Аристотель "инсоннинг табиати (моҳиятан) ижтимоий"¹ эканлигини таъкидлаш билан бирга, фуқаролик мақомининг турли жиҳатларини ҳам очиб берган эди: "умумий маънода, кимда-ким ҳокимиёт юритиш ва бўйсуннинг таълукли бўлса, ўша фуқародир; ҳар бир давлат тузумида фуқаронинг моҳияти ўзгариб боради. Давлат тузумининг ёни яхши турнида кимда-ким маънавий қадриятлар ташабларига мос ҳётни назарда тутган ҳолда бўйсуниш ва ҳокимиёт юритишни ҳоҳласа ва унга қобил бўлса, ана ўша фуқародир".

Инсоннинг жамиятга уюшиши ёки унинг жамият аъзосига айланисиши ва фаоллашуви учун у мавъум даражада ташки таъсирга ва ҳётдаги ижтимоийлашувга эҳтиёж сезади. Инсоннинг муҳим хусусиятида бири -- унинг ижтимоий мавжудот эканлигидир. Инсон ўзининг эҳтиёжларини қондириш мақсадларида ўзи каби инсонлар билан бирлашнишга иштилади. Инсоннинг ижтимоийлашуви сунъий характер қасб этиб, у шахе сифатида бошқа инсонлар ўтрасидаги муҳитдагина вакилана олади. Агар у инсоний муносабатлардан ҳоли бўлса, унда у ўзидаги ёвузлик ёки ҳайвоний табиатидан ҳолос бўла олмайди.

Анъанавий жамиятларда инсоннинг яратувчилик ижодий қобилияти анча чегараланган эди. Шунингдек, бу жамиятларда шахслараро муносабатларнинг ўта табақалашганилиги, ўзаро ҳаракатлар ва муносабатларнинг норасмий мувофиқлаштирилиши, жамият аъзоларининг бир-бирига тобелик, уруғчилик ва қон-қариндошлик муносабатлари билан боғлиқлиги натижасида шахс эркинлигини таъминлаш анча мушкул иш эди. Бошқарувнинг примитив тизимлари имтиёзиз жамият аъзоларининг фаоллигини сусайтириб, бу ҳолат шахснинг ижодий фаолият кўрсатиш ва фикрлаш

¹ Аристотель. Никомахова этика. // Соч. в 4-х т. Т. 4. — М.: Мысль, 1984. 63-бет.

² Ўша жойда. 471-бет.

қобилиятини ривожланишига имкон бермас, натижада шахслараро муносабатлар биқиқлик ва маҳдудлик тарзиде кечар эди.

Фуқаролик жамиятининг пайдо бўлиши билан инсоннинг ижтимоий ва сиёсий муносабатлардаги ўрни юксалиб борди. Бу жамиятда ўзаро муносабатларнинг бир-бирига таъсир этиш даражаси ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви рўй берди. Бу жараёнларнинг секинлик билан юксак таълим ва тажрибага, шунингдек, юқори қасбий малакага асосланиши, ижтимоий муносабатларнинг қонунлар, меъёрлар, шартномалар асосида мувофиқлаштиришнинг расмий тизимини яратилиши замонавий жамиятларнинг халқчил бўлишига замин яратди.

Маълумки, инсон ўзининг ижтимоий мавжудот эканлиги ва ўз моҳиятидан келиб чиқиб, табиий равишда сиёсий ва ижтимоий муносабатларда иштирок этишга интилади. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларда фаол иштирок этишга ундовчи эҳтиёжлари ва зарурияти эса уларнинг ҳар бири манфаатларини гурухий ҳаракатларда инфодалаш ва қондирити мумкин эканлигини англаб этишига замин яратди.

Турли хил ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг турли-ча манфаатларининг ўзаро тўқнашувлар ва зиддиятларга киришиши, шунингдек, уларни ўзаро келиштириш ва мувозанатлаштиришисиз ҳаётни изга солиб бўлмаслигини англаш жараёнлари жамият ва сиёсий ҳокимиятга бўлган эҳтиёжларни шакллантириди. Чунки, турли манфаатлар мувозанатини таъминлашни фақат фуқаролик жамияти билан давлат ҳокимияти ҳамкорлигига амалга ошириш мумкин эканлигини тарихий тажрибалар исботлаб берди. Шу сабабли ҳам сиёсий онгни ўсиб бориш жараёнлари натижасида турли хил ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий институтлар ва сиёсий субъектлар билан ўзаро мулоқот ва муносабатларга киришиши учун зарурий эҳтиёжларни расмийлаштиришга имкон яратди.

Фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашда инсоннинг табиий ҳуқуқларини ётиборга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қадимги антик даврдаги файласуфлар талқинича, инсонлар туғилишлариданоқ табиатан бир хилда бўлиб, бу

пайтда улар ўзларининг табиий ҳуқуқларига эга бўладилар. Шунингдек, даврлар ўтини билан ижтимоий шартномалар асосида қонун ва давлат пайдо бўлди. Аристотелнинг фикрича, кўпчилик инсонларни мулк, обрў-эътибор ва лаззатланиш каби олий фаровонликлар сари интилишлари уларнинг ўзини ўзи севишига асосланади. Қолаверса, ана шу табиий интилишлар, хусусий мулк жозибаси, умуман шахсий манфаатлар инсоннинг жамиятдаги ижтимоийлашуви ва фаоллашувига олиб келади¹.

Тор маънодаги инсон ҳуқуқлари тушунчасига фақат давлат ҳимоя қиласидиган ва кафолат берадиган ҳуқуқлар кириб, ҳозирги даврда уларни конституцион-ҳуқуқий асосларда давлат белгилаган чегаралар билан чеклаб қўйиш осон вазифа эмас. Бу ҳуқуқларга барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, уларнинг яшаш ва жиесмоний даҳлсизлик ҳуқуқи, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсонларни ўзбошимчалик ва ноқонуний ушлаш ёки қамашининг тақиқлапиши, виждан ва дин эркинлиги, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбия қилиш ҳуқуқлари, ҳар бир инсоннинг зулмкорларга қаршилик қилиш ҳуқуқи каби турли ҳуқуқлар ва имтиёзлар киради. Кенг маънодаги инсон ҳуқуқлари эса ўзида шахе эркинлиги ва ҳуқуқларининг кенг мажмуаси ва турларини инфодалайди.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат шароитида барча инсон ҳуқуқларини негатив ва позитив йўналишларга бўлишга доир таснифлаш ҳам кенг тарқалди. Мазкур ҳуқуқларни бу каби бўлиниши эркинликни негатив ва по-зитив жиҳатларини инфодалашга асосланади. Маълумки, эркинликнинг негатив аҳамияти нуқтаи назарига биноан шахсга нисбатан мажбурлаш ва чеклашларнинг йўқлиги тушунилади. Позитив нуқтаи назардан эса инсоннинг танлаш эркинлиги, асосан, инсоннинг ўз мақсадларига эришиш қобилияти, унинг индивидуал ривожланиши ва умуман, унинг қобилиятларини пайдо бўлиши тушунилади.

Эркинликларини мазкур бўлинишидан келиб чиқиб, негатив ҳуқуқлар деганда, давлат ва бошқа инсонларнинг

¹ Карапай: Аристотель. Никомахова этика. // Соч. в 4-х т. Т. 4. – М.: Мысль, 1984. 257-бет.

индивидга нисбаган у ёки бу ҳаракатлардан ўзини тийиб туриши тушунилади. Бу ҳуқуқлар шахсни нохуш таъсиirlардан, унинг эркинлигини бузиши мумкин бўлган ноқонуний аралашиб ёки чеклашлардан ҳимоя қиласди. Бу ҳуқуқлар асос бўлувчи, муҳим ва мутлақ ҳуқуқлар сирасига киради. Мазкур ҳуқуқларни таъминлаш давлат ресурслари ёки мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаларига боғлиқ эмас. Негатив ҳуқуқлар эса шахс эркинлигининг асосидир.

Негатив ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ, позитив ҳуқуқлар фуқарога уни ўёки бу неъматлар билан таъминлаш, унинг маълум ҳаракатларини амалга ошириши учун давлат, шахслар ва ташкилотларнинг мажбуриятларини ифодалайди. Булар, масалан, ижтимоий ёрдам ва таълим олиш, соғлиқни сақлашни ҳимоя қилиш, муносиб яшаш даражасини таъминланшини каби ҳуқуқларни ифодалайди.

Инсоннинг фуқаролик (шахсий), сиёсий, иктисолий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари амалга ошини йўналишларидан келиб чиқиб негатив ва позитив ҳуқуқлар соҳаларига бўлинадилар. Уларнинг ичida фуқаролик ҳуқуқлари инсоннинг табиий, асос бўлувчи ва ажралмас негатив ҳуқуқлари доирасига киради.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий асослари ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий қадриятлар талаблари даражасида шаклланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қабул қилилган қонунлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг демократик принципларига асосланди. Конституциянинг 24-моддасидаги "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига сунқасд қилиш энг оғир жиноятдир"¹, 25-моддасидаги "Ҳар ким эркинлик ва шахсий даҳисизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибетга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас"², 27-моддасидаги "Ҳар ким ўз шаъни ва обрусига қилилган тажовузлардан, шах-

сий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва тураржойи дахлизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, бирорвнинг тураржойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас"³, 31-моддасидаги "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қараашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди"⁴, 33-моддасидаги "Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар"⁵, 36-моддасидаги "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади"⁶, 37-моддасидаги "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда иш сезликтан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир"⁷, 44-моддасидаги "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади"⁸, 46-моддасидаги "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар"⁹ каби инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этишни, шунингдек, фуқароларнинг жамиятни бошқаришдаги фаолликларини оширишни таъминлай оладиган демократик қадриятлар асосидаги тамойиллар ва қоидаларнинг киритилиши Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этишда фуқароларнинг фаоллигини ошиши ва кенг иштирок этишларининг ҳуқуқий асосларини ташкил этди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 7—8-бетлар.

² Ўша жойда. 8-бет.

³ Ўша жойда. 8-бет.

⁴ Ўша жойда. 9-бет.

⁵ Ўша жойда. 9-бет.

⁶ Ўша жойда. 10-бет.

⁷ Ўша жойда. 10-бет.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 7-бет.

² Ўша жойда. 7-бет.

Таниқли АҚШ социологи ва сиёсатшуноси Талкотт Парсонс жамиятда барқарорликни сақлаш шартларидан бири сифатида фуқаролар манбаатлари билан уларнинг бурчлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжуд эканлигини чуқур таҳлил этиб, қуйидаги фикрларни билдиради: "Агар фуқаролар манбаатлари ҳамкорлик, ички лояллик ва бурчлар билан боғланмаган бўйса, хеч бир жамият турли хил эҳтиёжлар ва тангликлар олдида барқарорликни кўллаб-куватлай олмайди"! Кўриниб турибдики, фуқаролар эркинлигини таъминлаш унинг бурчиари билан мустаҳкам боғлангандан гина реал воқеликка айланиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда фуқаро бурчларига қонунларга амал қилин, бошқа шахслар хуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилин, солиқларни тўлаш, ҳарбий мажбурият, табиат, атроф-муҳит, тарихий ёдгорликларни асрараш кабилар киради. Бальзи мамлакатларда эса давлат ҳокимияти органларига сайлоштарда овоз бериш ҳам муҳим фуқаролик бурчларидан бири ҳисобланади.

Демократик жамият қуриш тажрибалари шуни кўрсанадики, қайси бир жамиятда мансаби, ирқи, жинси ва бошқа ижтимоий даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, фуқаролар конституция ва қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган ўз бурчларини амалда бажарганиларидагина ўзлари учун тегишли бўлган эркинликлари ва хукуқларидан фойдалана олишлари мумкин. Акс ҳолда, бу демократик қадриялар кўпоп равилда бузилиб келганилгига доир тарихдан кўплаб мисолиар келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясининг маҳсус XI боби "Фуқароларнинг бурчлари" деб номланиб, у 6 та моддадан иборатdir. Хусусан, Конституциянинг бу бобидаги 48-моддаси қуйидагича ифодаланади: "Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг хукуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар"¹².

Жамиятни ташкия этиш қонуниятларига биноан, маълум бир сиёсий тизим доирасида турган индивид ва ижти-

¹ Парсонс Т. Понятие общества: компоненты и их взаимоотношения. // Американская социологическая мысль. — М., 1996. 503-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -- Т.: Ўзбекистон, 2003. 10-бет.

моий гурухлар ижтимоий-сиёсий жараёнга бир хилда тортилмайцилар. Уларнинг баъзилари сиёсатга бефарқ қарайдилар, яна бошқалари баъзи пайтларда ижтимоий-сиёсий жараёнда иштирок этадилар, учинчилари эса доимо сиёсий курашга интиладилар. Ҳаттоқи, сиёсий ва ижтимоий ҳодисаларда фаол роль ўйнаётганлар ичida ҳам фақат уларнинг баъзилари ҳокимиятта ёки жамоатчилик фаолиятига жонжаҳдлари билан интилади.

Ўзбекистонда XXI аср бошларидаги сиёсий ислоҳотларнинг муҳим аҳамияти шунда бўлдики, бу пайтга келиб ҳалқ оммасининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар сиёсий маданиятини юксалтириш ва демократиянинг энг муҳим тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш учун шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатда сиёсий жараёнларни демократлаштиришнинг ўзига хос қадриялари шаклланди. Фуқароларнинг ўз сиёсий фаолликларини юксалтириши, юқоридан қабул қилинадиган қарорлар қабул қилишда бевосита ёки ўз манбаатлари гурухлари воситасида кенг иштирок этиши мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш кафолатларидан бири сифатида ҳаётга жорий этила бошланди. Айниқса, собиқ тогалиттар жамиятдан мерос бўлиб қолган маъмурӣ-буйруқбозлиқ тизими асоратларидан покланишга, фуқаролар дунёқараши, сиёсий онги ва амалий ҳатти-ҳаракатларида демократик қадрияларни шакллантиришга муҳим аҳамият берилди.

Маълумки, сиёсий онг ва сиёсий маданият юксалишида фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокининг аҳамияти бекиёслидир. Фуқаролар жамоат ташкилотлари фаолияти воситасида ёки бевосита сиёсий қарорлар қабул қилиш жараённида иштирок этар экан, улардан қуйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлиши кутилади:

— фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки уларнинг табиий сиёсий-ижтимоий ҳис-туйгуларини уйғогади, ҳаракатга келтиради, уларда бу ўйналишга доир интилишлар шаклланади. Ёки қисқача айтганда, ҳар бир фуқаронинг ижтимоийлашув жараёни амалга ошади;

— фуқароларнинг қарорлар қабул қилишдаги фаол сиёсий ҳаракатлари; бу жараёнда олдий фуқаролар манбаатла-

ри, эхтиёжлари ва интилишларининг ҳисобга олиниши уларга эркинлик багишлайди. Мұхими, бу қарорларнинг ҳалқ тақдиридаги аҳамияти фуқароларда сиёсий масъулият руҳини шакллантиради;

— фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини турли нодавлат нотижорат ташкilotлар ва сиёсий партиялар воситасида ифодаланишидан қониқишлиари уларни янада фаоллаштиради; нотижада ўзаро манфаатлар келишуви оқибатида жамиятнинг барқарор бўлишига катта ҳисса қўшилади;

— бу каби иштироклар ҳар бир фуқарони ўзлигини англашга, унинг жамиятдан ўзига муносиб ўрин эгаллашига шарт-шароитлар яратади, ўз мамлакатига эгалик ҳиссini шакллантириб, миллий ифтихор туйгуларининг юксалишини таъминлаиди;

— давлат ҳокимияти жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва турухлар манифаатларини ўз сиёсий қарорларида ифодаланишига эришилади; мазкур қарорларнинг ҳаётда амалга ошиши нотижасида сиёсий ҳокимият янада легитимлашади; даъват органларининг фуқароларни бошқариш, сиёсий қарорларни бажаришни таъминлашга доир жараёнлар ва маъмурий тадбирларни амалга оширишдаги фаолиятини жамият ҳеч бир зўриқишиз ва ихтиёрий равиша қабул қўшиади; шунингдек, бу фаолият фуқаролар томонидан кенг кўллаб-кувватланади;

— бу жараёнлар жамиятдаги кўпчилик фуқароларнинг сиёсий иродасини ифодаланишига шарт-шароитлар яратиб, жамият ва давлат ҳокимиятининг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиш салоҳиятини оширади.

Фуқаролар фаоллигини оширишда уларнинг сиёсат ва ҳокимият ҳодисаларига нисбатан шахсий муносабатларини ифодаловчи баҳолаш ҳукмлари аҳамиятга молик маънавий ҳодисадир. Бундай шахсий — мазмуний муносабатларнинг мавжудлиги инсоннинг ўз фуқаролик бурчини англаб етган сиёсий субъект сифатида фаолият кўрсата олишини ифода этади. Шунинг учун инсоннинг қадриятларга доир муносабатларининг турлича шаклда рўй бериши (масалан, ҳокимиятга, давлатга, партияларга ва институтлашмаган субъектларга нисбатан) сиёсий маданиятнинг мұхим тузилишини тавсифлаб беради.

Умуман, сиёсий маданият инсоннинг сиёсий ҳодисалар ҳақидаги қадриятларга доир тасаввурлари ва унинг амалиётда намоён бўладиган хулқининг кодекси ёки унинг сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолиятининг услубидир. Шу маънода, сиёсий маданият фуқаронинг умуминсоний аҳамиятга молик бўлган сиёсий фаолият намуналарини қай даражада эгаллаганлигини намойиш қиласи. Шунингдек, у инсоннинг тафаккур ва амалий фаолият меъёрларининг жамият маданий, деб тан оладиган субъективлигини қанчалик даражада ошира олганлиги ҳамдир.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ижтимоийлашув ва камолотга эришиш жараённада ижтимоий-маданий мавжудот сифатида шаклланади. Шунингдек, инсон жамиятда ҳукмрон бўлган ижтимоий-маданий тизимнинг асосий хусусиятларини ўзида уйғунаштиради ва умумлаштиради. Айни пайтда ҳар бир индивид сиёсий маданият ташувчи ҳисобланади ва шу сабабли у сиёсий-маданий тизимнинг умумлантирувчи, бирлаштирувчи қисми деб қарашади. Сиёсий маданият — бу муносабатлар тизими ва айни пайтда авломлар алмашинуви нотижаси, уни ташкил этувчи унсурларни ишлаб чиқиш ва қайта ишлаб чиқиши жараёнидир. Сиёсий маданият ривожланиб борувчи динамик ҳодисадир¹.

Сиёсий маданият ўзида сиёсий тизимдаги таяниш, эътиқодлар, кўрсатмалар, йўналишлар, интилишлар тимсоллашими акс эттиради ва бирлаштиради. Америкалик сиёсатшунос Д. Дивайнинг фикрича, сиёсий маданият маълум ижтимоий-сиёсий тизим аъзолари ёқладиган, "кенг тарқалган, фундаментал сиёсий қадриятларнинг тарихий тизими-дир"². Сиёсий маданият "сиёсий мафкура", "легитиммен", "суверенитет", "қонун бошқаруви", "сиёсий партия" каби категорияларни ўрганишини ҳам тақозо этади.

Сиёсий маданият маълум даражада жамият аъзолари олдига чегаралашлар қўяди. Сиёсий жараёнлар ва сиёсий хулқда намоён бўладиган эътиқодлар, ҳис-туйгулар ва қадриятлар олдидағи бундай чегаралашлар ҳам, ўз навбатида, сиё-

¹ Қирнибоеев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. -- Т.: Шарқ, 1998. 83—85-бетлар.

² Қарашт: Devine. The Political Culture of the United States. -- Boston, 1972. 3—7-бетлар.

сий маданиятнинг муҳим унсури ҳисобланади. Алоҳида шахснинг, гурухнинг ва бошқа ижтимоий бирликларининг умумий дунёқарашининг таркибий қисми бўлган сиёсий дунёқарашиб сиёсий маданиятнинг муҳим компоненти бўлганлиги учун сиёсий маданиятни шакллантиришда мафкуранинг ўрни бекиёсdir.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва яшаши учун сиёсий маданиятнинг плоралистик турининг шаклланишига эҳтиёж сезилади. Сиёсий маданиятнинг плоралистик тuri кўйидаги муҳим шарт-шароитлар яратилгандагина фуқаролик жамиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатишни мумкин:

- иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт плорализми соҳасида — мулкчиликнинг турли шакллари, ёнг аввало, хусусий мулкчилик пайдо бўлиши, хўжалик юритишнинг турли усулларининг амал қилиши;

- жамият ўз ижтимоий структураси ва турли манфаатлари бўйича қончалик ранг-баранг бўлса, сиёсий плорализм ва сиёсий маданият шаклланиши учун шунчалик кўпроқ замин пайдо бўлади;

- фуқаролик жамияти ривожланишининг устуворлигини таъминлаш соҳасида — фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиганилиги; давлат ҳокимиятини шакллантириш асосан сайловлар воситасида амалга ошиши, ҳеч ким, ҳеч бир гурухнинг бу ҳокимиятни на амалда, на ҳуқуқий жиҳатлардан ўз монополиясига айлантиришига йўл қўймаслик;

- гуруҳлар ва уларнинг вакиллари бўлган сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўргасида ижтимоий ривожланишининг асосий қадриятлари, идеаллари ва мақсадларига нисбатан аниқ, келишувларнинг мавжудлиги;

- ҳам ҳуқуқий жиҳатлардан, ҳам ҳаётда шахс эркинлигининг таъминланганлиги.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга фуқаролик жамияти институтларининг ўрни бекиёsdir. Ҳозирги даврда Ўзбекистон жамиятига 7 млн.га яқин фуқаролар касаба уюшмалари аъзолари, 600 мингдан ортиқроқ фуқаролар эса сиёсий партиялар тъозолари сифатидаги жамоатчилик ишларида иштирок этадилар. Шунингдек, мили-

лионлаб фуқаролар ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида иштирок этадилар. Мамлакат вилоятларида 661 та, туманингда 4564 та, шаҳарлarda 831 та вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, шунингдек, фуқароларнинг 10,000 га яқин ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқдалар¹.

Мустақиллик даврида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ҳам муҳим эътибор берилди. Хусусан, мамлакатда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати жамиятининг барча йўналишиарида кенг фаолият олиб бормоқда. Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади — ёшларни бирлантириш, солом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёнг йигит-қизларнинг ўз ақрековати, куч-тайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эталонларни учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат, деб белгиланган.

Ҳаракатта Ватан тараққиётин, юргитинчиги, ҳалқ фаронслиги йўлида меҳнат қилиш ва курашинни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб биладиган, ўқишида, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқармарга ўриқ бўладиган ўн тўрт ёшдан йигитрма саккиз ёшгача бўлгангандай. Ўзбекистон ёшлари аъзо бўлиши мумкин. Ҳаракатнинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари, мактаблар, лицей ҳамда коллежлар, олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда бўлим ва бошлантич ташкилотлари фаолият олиб боради.

Мамлакатда 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёшларнинг сони 7 миллиондан ортиқроқни ташкил этади. Ҳозирги даврда ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари сони 20 мингдан ортиқроқни ташкил этиб, улар 4 млн.дан ортиқроқ ёшларни бирлаштиради. Шунингдек, ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиликни бирлаштирган "Камалак" болалар ташкилоти ўз фаолиятини тарбияянинг ўзига хос ёндашув ва усулиларидан фойдаланган ҳолда, болалар дунёқарашибга ватанинварварлик, иж-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати жорий архиви. Маҳаллӣ докимиёт органлари сайловлари таъсизлари тўғрисида маълумотнома. 2005. 2-4-бетлар.

тимоий тадбирларда фаол иштирок этиш, ўзини ўзи бошқаришни ўрганишни сингдириш каби йўналишларга қаратан¹.

Мамлакатда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Фуқаролар мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий жараёнлар ва ислоҳотларга нисбатан бефарқ эмаслар. Айниқса, фуқароларнинг ўз манфаатларини ижтимоий фаоллик ва гурухий нодавлат ташкилотлар воситасида ифода этиш, уларни қондиришга интилишлари ривожланиб бормоқда. Лекин, шу билан бирга, фуқароларнинг қарорлар қабул қилишдаги фаолигини ошириш учун улар дунёқарашида демократик тамойиллар асосидаги сиёсий ва ҳукуқий онгни сингдириш ҳҳтиёжлари ҳам сезилмоқда.

Сиёсатшунос олимлар сабиқ иттифоқини тургунилликка олиб келган, унинг емирилишига сабаб бўлган жараёнларни ҳали тўлиқ ва чукур таҳлил қилишганича йўқ. Унинг асосий сабабларидан бири — маъмурий-бўйруқбозлик асосидаги тоталитар тизимдаги фуқаролар руҳияти, ижтимоий онгининг барча соҳаларини қамраб олган сиёсий лоқайдлик, ижтимоий пассивлик, бокимандалик, бефарқлик каби ижтимоий иллатларнинг авж олганлигидир. Бу ҳолат сабиқ иттифоқ даврида тараққиёт талаблари ва миллатлар манфаатларига зид бўлган сиёсат учун қулай шарт-шароитлар яратиб берган эди.

Президент И.А. Каримов ўзининг кўплаб маърузаларида "инсон ҳукуқи давлат ҳукуқидан устуворлиги тамоили" хусусида фикрлар билдирамоқда. Фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаронинг ҳукуқи, шаъни, қадр-киммати қадрланади, қонун-қоидалар воситасида қаттиқ ҳимоя қилинади. Бу, аввало, фуқароларнинг ҳукуқий билими, тарбияси, маданияти ва онги қай даражада эканлиги билан белгиланади.

Фуқароларнинг фаоллиги кўпроқ қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнларидағи иштирокида сезилмоқда. Ўтган давр ичидаги қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан тайёрланастган қонунлар лойиҳаларининг аксарияти умумхалқ муҳокамасига кўйилиб, уларни қабул қилишда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ёътиборга олинмоқда.

¹ «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати жорий архиви. Ташкилий тизилма тўғрисида мәълумотнома. 2005 й. I-бет.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги энг асосий вазифа — фуқароларнинг сиёсий онги ва дунёқарашини юксалтириш, миллий ўзликни англашга эришишдир. Чунки, демократияни юқоридан ҳеч қандай фармону қонунлар билан киритиб бўлмайди, балки, унинг заруриятини ҳар бир фуқаро онгли равища идрок этиши лозим.

Миллий мустақилликнинг ўтган даври ичидаги мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликлари ўстсанлигини республика "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази томонидан 2004 йил 16—30 июнда ёшлар ўргасида ўтказилган социологик сўровномалар натижаларидан ҳам билиш мумкин. Бу тадқиқотнинг мақсади — мустақил Ўзбекистон ёшларининг маънавий-ахлоқий қадрияларини юксалтириш асосида уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолликларини аниқлашга қаратилди. Тадқиқот ёшларнинг сиёсий фаолиги юқори эканлигини кўрсатди. Сўровномаларда иштирок этган ёшларнинг аксарияти қашдайдир партия ёки жамоат ташкилотининг (18,9% респондентлар) аъзоси бўлишини, ўз партияси ёки жамоат ташкилоти тузишини (18,8% респондентлар), шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатида иштирок этишини (26,2% респондентлар) хоҳладиди¹.

Таҳчилилардан кўришиб турибдики, Ўзбекистондаги жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш жараёнларида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан фуқаролик жамиятининг муҳим талабларидан бири бўлган инсон эркинлигини таъминлаш ва фаолигини оширишта муҳим эътибор берилмоқда. Шунингдек, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамоилини ҳётта тағбиқ этиш мақсадларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг жамиятдаги сиёсий жараёнлар ва сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш, уларга кенг ҳукуқлар бериш, жамоат ташкилотлари ва вакииллик органларига давлат органларини жамоатчилик асосида назорат қилиш ҳукуқини бериш ва унга жойларда амал қилишга доир ислоҳотлар чукурлашиб бормоқда.

¹ Текущий архив ЦИОМ «Ижтимоий фикр». Соц. исслед. на тему: «Молодёжь Узбекистана: социальная активность, духовность и ответственность, планы на будущее». 16—30 июня 2004 г. 29-бет.

Фуқаро өркинлиги ва хукуқларини таъминлаш ва ҳимоя этишга доир ҳалқаро демократик қадриятлар мислий анъаналар билан уйгунашган ҳолда Ўзбекистон Республикасиning Конституциясида ва қонунларида ифодаланиши фуқаролар сиёсий маданиятининг ошишига ва уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол бўлишларига ҳар томонлама имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиб берди. Айниқса, фуқароларнинг подавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органдари фаолиятида кент иштирок этишини таъминлашга муҳим аҳамият берилди.

III боб

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ СИЁСИЙ СОҲАСИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

3.1. Кўппартиявийлик тизимининг фуқаролик жамияти институти сифатида шаклланниш

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятиниң энг муҳим институтларидан биридир. Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятиниң сиёсий тизим билан ўзаро алоқаларишининг доимийлигини таъминлайди. Давлат ҳокимиятнинг жамиятга боғлиқлиги ва унинг жамият томонидан назорат Қилинниши кўп ҳолларда сиёсий партиялар воситасида амалга оширилади.

Хозирги даврдаги сиёсий партияларнинг илк ўтмиш дошлари янги даврга келиб шаклланди. XIX асрда келиб Farbий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидағи сиёсий партиялар сиёсий вакильлик институти характерини қаеб эта бошладишаар. Партиялар иайдо бўлишининг муҳим сабабларидан бири — давлат ҳокимиятини шакллантиришда адолат тамойилларига амал қилиш, шунингдек, жамиятни демократлаштириш заруриятларига бўлган талабнинг ошиб борганилигидир.

Янги даврдан бошлиб сиёсий партиялар турли ижтимоий турархулар ва табакаларининг сиёсий манфаатларини ифодалаб, аста-секин фуқаролик жамияти манфаатларини ифодаловчи мустақил институтларга айланиб борди. Айниқса, сайлов институтларининг сиёсий ҳокимият масъуллигини шакллантириш механизми сифатидаги ўринининг ошиб бориши билан сиёсий партиялар ҳам такомиллашиб бордилар.

XIX аср охири — XX аср биринчи ярмидаги давлат арабблари ва таниқли машҳур олимлар сиёсий партияларни жамият ҳамда давлат бошқаруви учун муҳим бўйган демократик институт сифатида тақониғ эта бошладилар. Жамият ва давлат ҳокимиятининг турли жабҳалари ва да-

ражаларида демократик қадриятларнинг қарор топиб бориши билан сиёсий партияларга бўлган зарурият ҳам кучайиб борди.

Фарб сиёсатшунос олимларининг талқинича, "партиялар (лот., "pars" ("partire") — "қисм" ёки "турух")¹, бу — расмий институтлашган ва давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви устидан назорат қилиш учун функционал жиҳатлардан ихтисослашган ташкилотдир. Сиёсий партияларни тадқиқ этган машҳур сиёсатшунос олим Ж. Сартори партияларга доир қуйидаги аниқликни киритган эди: "Сайловларда иштирок этувчи ва унинг натижасида ўз номзодларини давлат корхоналарига ўтказа олинига қобил бўлган ҳар қандай сиёсий гурух партиядир"².

XX асрнинг сўнгги даврига келиб АҚШ олимлари — Ж. Лапаламбара ва Ж. Андерсон "Бошқарув ва сиёсат энциклопедияси" номли асарида сиёсий партияга қуйидаги таърифни берганлар: "Партия расмий мақом касб этиш ва расмий ташкилот бўлиг билан боғлиқ, марказни периферия билан боғловчи ва давлат органларига ўз номзодларини (эркин ёки ноэркин) сайловлар воситасида ўтказишга қобил бўлган ҳар қандай гурухдир"³.

Фарб сиёсатшунос олимлари сиёсий партияларнинг қуйидаги белги ва функционал жиҳатлари асосидаги сиёсий мақомини қуйидагича таърифлайдилар: "Сиёсий партия — (1) расмий ва ташкилий тизилмага эга, (2) ҳокимият устидан расмий назоратни амалга ошириш учун курашнинг махсус функциясини амалга оширувчи, (3) мафкуравий доктрина белгиси асосида бирлашган, умуммиллий манфаатларни ифодалашга даъвогарлик қилувчи, (4) ҳуқуқий мақомга эга бўлган ва (5) сайлов жараёнларига жалб этилган нодавлат институт тури ва гуруҳий бирлашмадир"⁴.

¹ Қаранг: Недель-Червинская М.А., Червинский П.П. Большой толковый словарь иностранных слов в трех томах. Т.2. — Ростов-на-Дону: Феникс, 1995. 413-бет.

² Sartori G. Parties and Party Systems: A Framework for Analysis. Vol. I. New York, 1976. 64-бет.

³ Lapalambara J., Anderson I. Political Parties // Encyclopedia of Government and Politics. Vol. 1.., New York, 1981. 394-бет.

⁴ Қаранг: Дегтиарев А.А. Основы политической теории. — М.: Высш. шк., 1998. 142-бет.

Хозирги даврда Farb сиёсатшунос олимлари ўргасида «сиёсий партияларнинг сиёсий институтга тегишлими ёки фуқаролик жамияти институтигами?», каби саволларга берилашган жавоблари кўпгаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Кўпчилик ривожланган мамлакатлар конституцияларида сиёсий партиялар жамият институти, яъни ҳалқ сиёсий манфаатлари ифодачиси сифатида талқин этилади. Масалан, Испания Қироллиги Конституциясининг 6-моддаси қуидагича таърифланади: "Сиёсий партиялар сиёсий плюрализм принципларига мувофиқ, равища ҳалқ иродасини шакллантириш ва ифодалашга кўмаклашади, сиёсий иштирокнинг асосий воситаси ҳисобланади. Уларни ташкил этиш ва фаолият юритиши Конституция ва қонунларни ҳурмат қилган ҳолда эркинлик билан амалга оширилади. Уларнинг ички тузилмаси ва фаолияти демократик тарзда бўлиши лозим"¹. Германия Федератив Республикаси сиёсий тизимида ҳам сиёсий партиялар асосан жамият институти сифатида характерланади. ГФР Асосий Қонунининг 21-моддасига биноан: "Партиялар ҳалқ сиёсий иродасини шакллантиришга кўмаклашади. Улар эркин равища тузиладилар. Уларнинг ички ташкилий тизилмаси демократик принципларга мувофиқ келиши лозим..."².

Франция Конституциясининг сиёсий партияларга доир 4-моддаси қуидагича ифодаланади: "Сиёсий партиялар ва гуруҳлар фикрларни овоз бериш йўли билан ифодалашга кўмаклашади. Улар эркин равища тузиладилар ва ўз фаолиятларини эркин амалга оширадилар. Улар миллий суверенитет ва демократия принципларини ҳурмат қилишлари лозим"³.

Сиёсий партияларнинг мавжудлиги — демократик тизимлар ривожланишининг зарурий шарт-шароитларидан биридир. Демократия тамойинлари нуқтаи назаридан ёндашганда эса, сиёсий партиялар давлат органлари тизимига

¹ Конституция Королевства Испании // Конституции зарубежных государств. 2-е изд., испрav. и доп. — М.: Изд. БЕК, 1997. 298-бет.

² Основной закон Федеративной Республики Германии. — Бонн, 1998. 24-бет.

³ Конституция Французской Республики // Конституции зарубежных государств. 2-е изд., испрav. и доп. — М.: Изд. БЕК, 1997. 106-бет.

кирмайди ва бевосита давлат ишларидаги иштирок этмайди. Аммо сиёсий партиялар бир вақтнинг ўзида ҳам давлат соҳасига, ҳам фуқаролик жамиятига тааллукчили институт эканлиги билан ажралиб туради.

Партияларнинг сиёсий тизимдаги ўрнининг кучайиб бориши билан уларнинг ҳуқуқий мақомлари даражаси ҳар бир мамлакатда турлиша шаклларда намоён бўлмоқда. Партияларга доир қоидалар ҳар бир мамлакат ҳуқуқий манбаларидаги турлиша шаклларда талқин қилинади: конституция ва қонунлар, конституциявий меъёрлар; ҳукумат декретлари ва қарорлари; парламент палаталари қарорлари; конституциявий назорат ҳуқуқини амалга ошираётган мамлакатларда эса суд қарорлари ва бошқалар.

Ривожланган мамлакатларнинг аксарият партиялари ўзларida социал-демократик, либерал ва консерватив унсурларнинг ўзига хос синтези сифатида намоён бўла бошлади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ҳозирги давр ГФР сиёсий ҳаётида (шунингдек, бошқа Еарб мамлакатларининг кўпчилигига ҳам) ижтимоий-сиёсий кучлар ўргасидаги аниқ ва кўзга ташланарли фарқларни кузатиш тобора қийишлаб бормоқда¹.

Баъзи бир давлатлар конституцияларига сиёсий партиялар тўғрисида маҳсус қоидалар ёки моддалар киритилмаган бўлса-да, уларга доир меъёрлар уюшмалар ёки жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонунларда ўз ифодасини топди. Бундай ҳолатларда сиёсий партиялар жамоат ташкилотларига хос бўлган меъёрлар талаблари доирасида фаолият кўрсатиши русумга кирди.

Шунингдек, кўнглилик давлатларда эса сиёсий партияларга доир алоҳида қонунлар ҳам қабул қилинган. Бундай қонунлар қуйидаги мамлакатлар учун хосдир: ГФР (1967 й.); Португалия (1975 й.); Австрия (1975 й.); Испания (1978 й.) ва 1981 йилда қайтадан тўлдирилган); Ўзбекистон (1996 йил). Қуйидаги мамлакатларда эса сиёсий партияларни молиялаштиришга доир маҳсус қонунлар қабул қилинган: Швеция (1956 й.); Финляндия (1969 й.); АҚШ (1974 й.);

¹ Қаранг: Димитров М.Д. Политические партии ФРГ. // Партии и партийные системы современной Европы: Проблемно-тематич. Сб. — М.: ИИОН РАН, 1994. 52—62-бетлар.

ГФР (1983 й.); Ўзбекистон (2004 й.). Баъзи бир мамлакатларда эса сиёсий партияларга доир ҳуқуқий қоидалар сайловлар тўғрисидаги қонунларда ифодаланган¹.

Кейинги ўн йилларда Шимолий Америка ва Еарбий Европа мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар кузатилди. Сайловчиларнинг у ёки бу партияга овоз бериши билан уларнинг маълум ижтимоий гурӯхга мансублиги ўргасидаги алоқадорлик аста-секинлик билан бузилиб бормоқда. Социал-демократик партиялар сафида ишчилар сонининг тобора камайиши, аҳолининг йўқсил ва кам даромадли қатламлари либерал ва консерватив йўналишдаги, ўрта қатлам вакиллари эса социал-демократик ва бошқа сўл партияларга овоз бериши одатдаги ҳолга айланди. Бу каби тамойиллар АҚШда ҳам яққол кўзга ташланди. Консерватив партиялар тарафдорларининг аксарият қисми касаба уюшмалари вакиллари ва "кўк ёқалилар" вакилларидан иборатdir.

Хорижий тажрибалардан кўриниб турибдики, сиёсий партиялар асосан жамият аъзоларининг сиёсий иродаларини шакллантириш ва уларни сиёсий жараёнларда ифодалаш эҳтиёжлари асосида фаолият юритадиган жамият институтидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми куйидагича белгиланган: "Сиёсий партиялар турли табака ва гурӯхларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисботлар бериб турадилар"².

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам сиёсий партияларнинг жамият институти сифатидаги ҳуқуқий мақоми шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 12-бет.

¹ Қаранг: Современное буржуазное государственное право: Критические очерки. В 2 т. Отв. ред. В.А. Туманов. Т.2. — М.: Наука, 1987. 156—170-бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 12-бет.

публикаси Конституциясининг 56-моддасига биноан сиёсий партиялар "жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади"¹. Мазкур Конституциянинг 58-моддасида эса "давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди"², дейилади. Бу билан, биринчидан, сиёсий партиялар жамоат бирлашмалари каби жамиятнинг институти эканлиги эътироф этилади; иккинчидан, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги конституциявий меъёрлар билан тақиқланиб, унинг давлат ҳокимиятига дахилдор эмаслиги таъкидланади.

Мазкур хукукий асослардан шундай хулоса чиқадики, сиёсий наргияларнинг "сиёсийлиги" уларнинг сайловлардаги иштироки ва давлат ҳокимиятига номзодлар кўрсатиши билан чекланади. Сиёсий партиялар давлат ҳокимияти бошқарувида иштирок этмайдилар. Сайловларда галаба қозонган партияларнинг вакиллари эса давлат ҳокимияти органларидаги бошқарувда иштирок этадилар. Лекин, бу каби бошқарувдаги иштирок сиёсий партия аъзоси сифатида эмас, балки, бирон-бир мансабни оғаллаган шахе сифатида амалга оширилади.

XX асрнинг 50—70-йилларига келиб сиёсатшунос олимлар демократик принциплар асосида фаолият юритадиган сиёсий партияларнинг асосий функциялари куйидагилардан иборат эканлигини аниқладилар:

— алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий табақалар ва гурӯҳлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтариш, шунингдек, бу уйгунлашган манфаатларни уларнинг ҳаммаси учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлашдир. Партияларнинг яна бир энг муҳим мақсади, бу — ўзи таянувчи ижтимоий табақалар манфаатларини сиёсий тизимда ифода этишдир;

— ҳар бир фуқаро ўзининг устидан ким бошқариши ёки идора этишига бефарқ эмас. Шунинг учун ҳам демократиянинг муҳим мезонларидан бири фуқароларга ўзлари устидан

¹ Уша жойда. 16-бет.

² Уша жойда. 16-бет.

ким бошқаришини таъналай олиш имкониятини беришдир. Бу каби таънаш сиёсий партия воситасида амалга оширилади;

— давлатни бошқаришга доир сиёсий қарорларнинг ҳалқчил ва демократик қадриятлар асосида қабул қилиниши мамлакатдаги фуқаролик жамиятининг нечоғлик ривожланганлик даражасининг ўзига хос мезонидир. Сиёсий қарорларни қабул қилишгача бўлган даврда уларнинг лойихаларини партияларнинг қуий органлари томонидан фуқаролар иродалари ва истакларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, оддий фуқароларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари асосида шакллантириш имкониятлари мавжуддир. Шунинг учун ҳам партиялар бажарилиши шарт бўлган сиёсий қарорларнинг демократик легитимлаштириш, жамият томонидан та олинишини таъминлаш воситасидир;

— партиялар турли даражадаги сайловлар воситасида ҳокимиятни шакллантириш, бошқарув кадрлар тизимини легитимлаштириш, шунингдек, унинг фуқаролар томонидан эътироф этилишини таъминлаш омилидир;

— партиялар ўзларининг қуий ташкилотларида кўп қиррали фаолиятларида ўз партия дастурларини тарғиб этиш, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини баҳолашлари, партиявий йигинлари хуласалари, оммавий ахборот воситааридаги фаол иштироклари асосида жамоатчилик фикрини шакллантириш қобилиятига эга бўлган демократик институтдир;

— партиялар жамиятнинг сиёсий кенгликларида фуқаролар сиёсий онгининг шаклланиши ва сиёсий маданиятининг юксалиши учун ижтимоий, сиёсий, руҳий муҳит, фуқаролар сиёсий иштироки учун сиёсий кенгликлар ташкил қилувчи ташкилотдир;

— партиялар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини илгаб, уларнинг ўзаро ўхшаш манфаатларини бирлаштириб, уларнинг ҳар бир оила ва маҳалла ҳудудида "социалиб" ётган табиий сиёсий интилишларини партиявий дастурларга жамлаб, ўз аъзолари ва хайриҳоҳларини сиёсий жараёнларга сафарбар этувчи, шунингдек, фуқароларни бу жараёнда фаол иштирок этишига янада кенгроқ ундаш учун уларни рафбатлантириш, улар интилишларининг доимийлигини таъминлаш воситасидир;

— партия демократик сайловларда сайланган ўз вакиллари, турли мансабларни эгаллаган партиядошлари, шунингдек партиявий фракциялари ва гурухлари воситасида ўз муқобил дастурларини амалга ошириш, халқ оммасини эътирофига эришиш мақсадларида парламент ва хукуматга ташсир кўрсата олиш қобилиятiga эга институтдир;

— партия ўз сиёсий мақсадларини "давлат иродаси" билан уйгуналаштира олувчи сиёсий кучдир;

— партия фуқаролар билан давлат органлари ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг мувофиқлаштиришни доимий равишда таъминлаб турувчи бўғиндир.

Сиёсий партиялар ижтимоий қатламларнинг у ёки бу сиёсий манфаатларини ифода этибина қолмасдан, балки, бу манфаатларни шакллантиришда ҳам бевосита фаол иштирок этади. Чунки, партия ўзининг ижтимоий базаси бўлган табаканинг сиёсий қарашларини шакллантиришга доир маърифий тадбирлар ўтказиш билан шугулланмаса, у ҳолда фуқаролардаги сиёсий қарашлар ва сиёсий манфаатлар ўз ҳолича барқ урмайди, жуда бўлмаганда, бу манфаатлар гурухий манфаатлар даражасига кўтарила олмайди.

Фуқаролик жамияти шароитларида сиёсий партиялар минтақавий ва маҳаллий тизимлар ҳамда жамоавий бирликлар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, улар умуммиллий мақсадлар руҳини дастлаб шу ҳудудлардаги фуқаролардан оладилар. Қолаверса, партияларнинг бир-бiri билан рақобатдошлиги туфайли ҳам умуммиллий сиёсий тизимлар барча гурухлар ва мансабдорлардан (улар қанчалик катта мансабларни эгалламасин) юқори қўйилади. Шу тариқа сиёсий тизим билан ўз ваколатларини кучайтиришга интилувчи алоҳида олинган мансабдорлар ўртасига аниқ чегара қўйилади.

Сиёсий партияларнинг бир неча асрлардан бўён яшаб ва тобора такомиллашиб келаётганлигининг энг асосий сабаби, бу уларнинг бошқарувчи сиёсий элитани шакллантиришдаги ўрнининг бекиёс эканлигидир. Сиёсий партияларнинг ўз функцияларини тўла бажара олиш, уларни демократик принциплар асосида фаолият кўрсатишнинг кафолати, бу — уларнинг давлат органларидан мустақиллигидир. Партия ўзининг бошқарув кадрларини шакллан-

тиришда, депутатликка номзодлар кўрсатишда, низом ва ластурга оид ҳужжатларини ишлаб чиқишида мутлақ мустақил бўлиши лозим.

Мухолифатдаги партиянинг энг асосий функцияси эса турли фитналарни рад этиш, турли куч ишлатишига асосланган нодемократик ҳаракатларнинг рўй бермаслигини таъминлашdir. Мухолифий партияларнинг сиёсий кураш воситаси ҳам фақат электорат орқалигина амалга оширилиши лозим. Умуман, ҳар бир партиянинг ўз дастури ва мақсадларига мос равишда назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилий функциялари бўлиб, улар партия фаолияти ва ички ҳаётининг ажралмас бўлакларидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида жамиятдаги мухолифий ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақсадларида қуйидаги қоида мустаҳкамланган: "Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шуниндек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас"!

Партиявий рақобатдошликтининг яна бир ижобий жиҳати шундаки, ҳокимиятни эгаллаган сиёсий партия мухолифатга ҳокимиятни бериб қўйишдан, шунингдек, сайловчиларнинг ўзларига бўлган ижобий муносабатини ўзгаришидан "ҳадиксираб", бошқарувни халқчил ва демократик тамойиллар асосида амалга оширишга интилади. Қолаверса, жамият мухолифий партияларнинг турли-туман муқобил ривожланиш дастурлари ва улар ўртасидаги баҳс-мунозаралар асосида тез ривожланиш имконига эга бўлади.

Партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаолият кўрсатишиларининг кафолати, бу — уларнинг молиявий асосларга эга бўлишидир. Ҳозирги даврда Европа, Шимолий Америка, Япония, Австралия, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби демократик мамлакатларда сиёсий партияларнинг турли йўналишлардаги фаолиятининг кенгайиши ва бу соҳада уларнинг сарф-харажатларини йилдан-йилга кўпайиб бориши натижасида уларнинг серқирра фаолиятини давлат

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 9-бет.

маблағлари билан таъминлаш мұаммолари келиб чиқмоқда. Тарихий ривожланиш тажрибалардан маылумки, паргиялар моддий маблагларсиз ўз мақсадларини түлиқ бажара олмаганлар. Шундан келиб чиқиб, аксарият мамлакатларда ҳозирги давр қонунчилігі партияларнинг молиявий манбаларини мувофиқлаشتырға мұхим ахамият бера бошлади.

ХХ асрнинг 90-йилларига келиб партияларнинг давлат томонидан молиялаштириш тамойили умумдунёвийлик характеристерини қасб эта бошлади. 112 мамлакат мұллый парламентлары вакиылары иштирок этап Халқаро Парламентлараро Көнтән (Париж, 1994 йил 26 марта) ўзининг 154-сессиясида қабул қылған "Эркін ва адолатлы сайловлар мезонлары түргисидеги Декларация" сининг 4-моддаси қуйидагича ифодадына: "Сиёсий партияларининг шаклланиши ва эркін фаянияты таъминлансын, имкониятлардан келиб чиқиб сиёсий партияларни ва сайлов кампанияларини молиялаштириш мувофиқлаштырылсın, партияларнинг давлатдан алоқидалиги таъминлансын, шунингдек, ҳокимияттің қонун чиқаруви органдарыга сайловлар жараёнларидаги курашлар да ҳаммага тенг шарт-шароиттар яратылсın"!

Сиёсий партиялар у ёки бу ижтимоий қатламларнинг маңбаатлари ва мұаммоларини ўзида ифода этади, уларни жамиятдаги сиёсий муносабатларда ҳимоя этади. Сиёсий партия маълум бир ижтимоий қатламларнинг сиёсий маңбаатларининг ифодасы сифатида ҳокимият учун курашади, ҳокимиятни әгаллаган тақдирда эса ўзи мансуб бўлган ижтимоий қатлам мұаммолари, шунингдек, сайловларда ўзига хайриҳоҳлик қылған сайловчилар хоҳиш-иродаларини амалга оширишга интилади.

Хулоса қилиб айтганда, демократик принциплар асосида фаолият юритувчи сиёсий партиялар фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатни ўзаро мустаҳкам боевочи, шунингдек, давлат сиёсатини жамият аъзолари маңбаатларига асосланған манбалардан озиқланишини таъминлаб турувчи энг асосий демократик институтлардан биридир.

¹ Карап: Избирательные системы и наблюдение за выборами. Краткий обзор. Фонд Фридриха Науманна. Московск, бюро. — М., 1995. 37—38-бетлар.

Ўзбекистонда Миллый мустақиллик әйлон қилингач, мустақил давлат ти зилмаларининг шаклланиши, Ўзбекистонда собиқ шуро мағкурасига хизмат қылувчи яқкаҳомик коммунистик партия ташкилотларини бугунлай тутатилиши натижасида фуқаролик жамиятининг институтларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатда халқ маңбаатлари ва сиёсий иродаларини эркін билдириш ва уларни эркін ифода этиш учун ҳуқуқий асослар ва эркін сиёсий мұхит яратылышында ҳамоханг тарзда сиёсий партиялар ҳам тузила бошланди.

Ҳозирги даврда жаҳондаги демократиянинг асосий мезонлардан бири — сайловларнинг күнпартияйлик асосида ўтказылышидир. 1991 йилнинг ноябрда ёк "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови түргисида"ти Қонуңда сайловнинг күнпартияйлик асосида ўтказылыш ҳуқуқий жиҳатлардан ётироф этилди. Мазкур Қонуңда сиёсий партиялар мамлакат Президентигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эта эканнаги аниқ ва равишан ифодаланади.

1991 йил 14 февралді қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари түргисида"ти Қонуң мамлакатда күнпартияйлик тизими шаклланишининг ҳуқуқий жиҳатларини таъминлаб бериши натижасида мамлакатда янги сиёсий партияларнинг иакланиши жараёнлари бошланди. Миллый мустақиллик даврида ташкил топган сиёсий партиялардан бири, бу — Ўзбекистон Халқ демократик партиясидир. Партияга 1991 йилнинг 1 ноябрда бўлиб ўтган таъсис курултойида асос солинди.

Ўзбекистон ХДП сиёсий ҳаётда иштирок этиш, халқ билан ҳокимият тизими ўргасида воситачилик қилиш, партияйлик сиёсий фаолият юритишнинг янгича услубларини шакллантиришга доир қуйидаги мақсадларни илгари сурди: "Ўзбекистон Халқ демократик партияси шунга аминки, бундан бўён ҳеч қандай сиёсий партия бевосита ҳокимият ваколатларини ўз зиммасига олмаслиги керак. Биз ҳар қандай ижтимоий-сиёсий кучнинг ҳақиқат ва ашолатни ўз монополиясига айлантиришига, мухоффисликка ва сиёсий келишмовчиликларни ҳал этиши усули сифатида "душман образы"ни шакллантиришинга қаршимиз. Партия қонунга мувофиқ равишда ўз номзодларини ҳокимият органларига сайловларда кўрса-

тади ва уларнинг қўллаб-қувватланиши ва сайланишини тъминлайди¹.

Ўзбекистон ХДП таркибида зиёлилар, тадбиркорлар, ёшлар сони йил сайн кўпайиб борди. Унинг таркибида ишчи ва деҳқонлар салмоғининг 52,6 (1992 йил 1 январга) фоиздан 39,3 фоизгача (2005 йил 1 январга) пасайиши эса партия аъзолари орасида хизматчилар салмоғининг муттасил ошиб бориши (41,1 фоиздан 46,5 фоизгача) билан изоҳланди. Мамлакатда ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи қатор сиёсий партияларнинг тузилишига қарамасдан, ХДП сафига зиёлилар кириши оргиб борди².

Ўзбекистон ХДП фаолиятининг дастлабки беш йили ичida 218 та Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, 13665 та бошланғич, жумладан, 3952 та ҳудудий ташкилотлари ташкил этилди. 2006 йилга келиб партия аъзоларининг сони деярли 420 миннитани ташкил этиди³.

Ўзбекистон ХДПнинг "Ўзбекистон овози", "Голос Узбекистана" газеталари ва "Мулоқот" журнали қисқа давр ичida мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари ўргасида катта таъсир ва мавқега эга бўлган марказий матбуот нашри сифатида фаолият кўрсата бошладилар⁴.

Ўзбекистон "Ватан тараққиёти" партияси (ВТП) 1992 йилнинг 24 майида ташкил топди. ВТПнинг дастурида белгиланганидек, партия жамиятнинг сиёсий тизимидағи фаолиятини парламент партияси сифатида ташкил этади. Партия ўз сиёсатини давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига сайдланган вакиллари орқали ўтказади. Бунинг учун барча даражадаги ваколатли ҳокимият органлари сайловига ўз номзодларини тавсия этади ва уларни сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланиши учун курашади.

¹ Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси дастури. — Т.: 1995. 14-бет.

² Курбонов С. Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси. — Т.: Университет, 2001. 80-бет.

³ Ўзбекистон ХДП марказий кенгаши жорий архиви. Партия ташкилий-оммавий ишлари ҳақида маълумотнома. 2006 й. 21 ноиб. 2-бет.

⁴ Жалолов А. Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси. Ўзбекистон Республикаси. // Энциклопедия. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов (масъул муҳаррир) ва бошк. — Т.: Қомуслар Бон таҳририяти. 1997. 218-бет.

ВТП таркибида 2000 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, 12 вилоят, 220 дан зиёд шаҳар ва туман кенгашлари фаолият кўрсатдилар. Партия аъзоларининг сони қарийб 35 мингга етди. Партияниң марказий матбуот нашри — "Ватан" ижтимоий-сиёсий ҳафталиқ газетаси 2000 йил априлга қадар фаолият кўрсатди.

Мамлакатда Ўзбекистон Ҳалқ демократик ва "Ватан тараққиёти" партияларининг ташкил тоиниши билан бир партиявий-љик тизимига бутунлай барҳам берилди. Шунингдек, жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятдаги манфаатларини ифода этадиган сиёсий оқимлар ва ташкилотлар шакиланди. Ўзбекистон Конституциясидаги демократик тамойиллар, шунингдек, амалга оширилган ҳукукий ва сиёсий ислоҳошлар мамлакатда яиги партияларнинг тузилишига кенг имкониятлар яратиб берди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси (СДП) 1995 йил 18 февралда ташкил топди. Партия ўзининг дастурий мақсадлари ва вазифаларини қўйидагича белгилади:

— Ўзбекистонда ҳукукий демократик давлат барпо этиш борасида Ватанга садоқатли хизмат қиласидиган кишиларни тарбиялаш;

— миллатлараро муносабатларни яхшилаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, ҳар қандай миллатчилик тоғисига қарши кураш олиб бориш, тинчлик ва барқарорликни, миллий ҳамжиҳатликни тарғиб қилиш;

— иқтисодий стратегияни ишлаб чиқиши ҳамда унинг амалга оширилиши учун курашиш;

— республика фуқароларининг турмуш даражасини кўғариш, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳолининг муҳофазасини таъминлаш борасида таклифлар ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш;

— Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ўз ўрнини эгаллаши, дунёдаги илғор давлатлар билан ҳалқаро ҳукуқ талаблари асосида ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантириш учун фаолият кўреатиш, миллий манфаатларга мос келадиган ташки сиёсатни қўллаб-қувватлаш⁵.

⁵ Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг низоми. — Т.: 1995. 1---2-бетлар.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Қорақалийнистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятларда, шунингдек, 174 та шаҳар ва туманларда партия кенгашлари тузилди. Партиянинг 1020 бошлангич ташкилоти бўлиб, улар 30 мингдан ортиқроқ аъзоларни ўз сафларида бирлаштириди. Партиянинг марказий матбуот нашри — "Адолат" ижтимоий-сиёсий ҳафталиқ газетасидир¹.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси (МТДП) 1995 йил 3 июнда ташкил топди. Партиянинг таъсис қурултойида қабул қилинган дастурда партиянинг мақсадлари куйидагicha белгиланди:

Партия олий мақсад — "Миллий тикланиш гоясини амалга ошириш йўлида ўз ҳаракатининг асосий йўналишлари деб куйидагиларни белгилайди: 1) Миллатнинг маънавий бирлиги; 2) Ватан (Туркистон) — ягона оила; 3) Кучли демократик давлат; 4) Миллий қадриялар; 5) Илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция; 6) Замон кишиси; 7) Миллий истиқбол. Партия мана шу йўналишлар миллий тикланишимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади, деб ҳисоблайди².

Партия таркибидағи 103 та вилоят, шаҳар ва туман партия ташкилотлари 30 мингга яқин партия аъзоларини ўз сафиди бирлаштириди. Партиянинг матбуот нашри — "Миллий тикланиш" ҳафталиқ газетаси таъсис этилди.

"Фидокорлар" Миллий демократик партияси (ФМДП) 1998 йил 28 декабрдаги таъсис қурултойида ташкил топиб, 1999 йилнинг 3 январида Адия вазирлиги рўйхатидан ўтди. Партия аъзоларининг сони бир йил ичida 31 мингга етди.

Партиянинг асосий мақсади — бозор иқтисодиётiga асосланган, мулкчиликнинг турли шакллари амал қиладиган жамиятга ўтишдир. Партия Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий кафолатлари адолат, эркинлик ва ҳамкорлик қадрияларига амал қилишдир, деб билади. Партиянинг ижтимоий идеали — бу инсоннинг ўз-

ўзини камол топтириш, шахс манфаатлари унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқариш учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитларни кафолатловчи фуқаролик жамиятини барпо этишдир¹.

Партиянинг вужудга келиши ва фаолият кўрсатишидан мақсад мамлакатда янги шаклланаётган кичик ва ўрга мулкдорлар ижтимоий табақасининг сиёсий манфаатларини ифода этишдир. Шунингдек, партия ўз фаолиятида кўпроқ ёшлирга таяниб иш олиб боришини таъкидлайди. Шу пайтга қадар республиканинг барча туман ва шаҳарларида қуийи партия ташкилотлари тузиб бўлинди.

Ўзбекистондаги кўп партиявијийлик тизимидағи муҳим янгиликлардан бири — сиёсий партияларнинг давр талаби, ижтимоий-сиёсий вазият шароитларидан келиб чиқиб, бир-бирлари билан бирлашишлари каби сиёсий воқеиликлар ҳам рўй берса бошлади. 2000 йил апрель ойидаги "Фидокорлар" Миллий демократик партияси ва "Ватан тараққиёти" партияси вакиллардан иборат қўйма қурултойи қарори билан иккала партия бирлашиб, партиянинг номини "Фидокорлар" Миллий Демократик партияси, деб аталди. Албагта, бу бирланувда ҳар иккала партиянинг дастурий мақсаатлари и мушгараклик, ҳар иккайла партияларнинг ҳам таянилган ижтимоий табақалари тадбиркорлар ва ишбилармонлар эканлиги муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, қўйма партиявијий анжуман ФМДП шаклланишида муҳим ижобий жиҳатларни кўрсатиш билан бирга, партия фаолиятида шошма-шошарлик, нала-партийлик каби ҳолатлар кузатилганинг таъкидлаб ўтди.

Қорақалийнистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар, шунингдек, 203 та шаҳарлар ва туманларда партиянинг маҳаллий органлари тузилди. Иккита партия қўшилганидан кейин ФМДПнинг биринчи чақириқ Олий Мажлисдаги фракцияси аъзолари 50 тага етди. Партия аъзоларининг сони 60 мингга етди. Партиянинг марказий органи сифатида "Фидокор" газетаси таъсис этилди².

¹ «Адолат» социал-демократик партиясиининг жорий архиви. Партиянинг ташкилий ишларга доир фаолияти ҳақида маълумотнома, 2004 й. 1—2-бетлар.

² Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясиининг инзоми ва дастури. — Т.: 1995. 2-бет.

¹ Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси дастурини. — Фидокор, 1999, 11 февраль.

² Қаранг: Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партиясиининг сайлоновлиқ ҳаракат дастури. — Т.: Е.Гулом нашр., 2004. 19—20-бетлар.

Ўзбекистонда қисқа давр ичидә сиёсий партияларнинг сиёсий тизим субъектлари сифатида фаолият кўрсатишлари, уларнинг сиёсий тизимга таъсир эта олиш қобилиятларининг шаклланиши натижасида демократик тамойиллардаги кўппартияйлик тизими шаклланди. Сиёсий партиялар жамиятнинг институти сифатида ҳар бир партия ўзи таянган ижтимоий қатламлар ва гурӯҳлар манфаатларини бирлаштириш ва инфодалаш, шунингдек фуқаролар сиёсий маданиятини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоликларини юксалтириш соҳасида кантта ишларни амалга ошира бошлади.

Мамлакатда парламент ислоҳотларининг бошланиши, икки палатали парламентни шакллантириш учун хукукий асосларнинг ишлаб чиқилиши муносабати билан сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва давлат қурилишидаги ўрни янада юксалди. 2004 йил декабрдаги парламент ва маҳаллий вакиалик органларига бўлған сайловларда парламентнинг кўйи палатаси — Қонунчилик палатаси депутатларига номзодлар кўрсатиш хукуқининг сиёсий партияларга берилиши, маҳаллий вакиалик органларидан парламент депутатларига номзод кўрсатиш хукуқининг бекор қилиниши муносабати билан партияларнинг қонуни чиқарувчи ҳокимиятни шакллантириш соҳасидаги янги даври бошланиди.

Сиёсий партияларга янги ваколатларнинг берилиши билан ўз-ўзидан уларнинг жамият олидаги масъуллиги кучайди. Умуман, сиёсий партиялар ваколатларининг кенгайтирилиши жамият сиёсий соҳасини эркинлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" сиёсий концептуал дастурнинг асл мақсади ҳам асосан ана шу йўналишга қаратилди.

2003 йил 15 ноябрда Ўзбекистон сиёсий тизимида яна бир сиёсий партия — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топди. Партияни тузиш ташаббускорлари асосан мамлакатдаги ўрта қатлам — тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг ишбор вакиллари бўлиб, партия ўрта ижтимоий қатлам сиёсий манфаатлари ва иродаларини ифода этишини ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеп)ни ташкил

этиш мамлакатда Фуқаролик жамияти ва хукукий давлат қуриш ислоҳотларининг чукурлашиб бориш жараёнлари тарихий зарурият сифатида кун тартибига кўйилди.

Ўтган аср охирига келиб, мамлакатда 260 мингдан кўпроқ ўрта ва кичик тадбиркорлар, 85 мингдан ортиқроқ фермерлар бизнес фаолиятини юритмоқда эди. Ўрта ва кичик мулкдорларнинг ўрта ижтимоий қатлам сифатида шакланиш зарурияти ва эҳтиёжлари уларнинг сиёсий куч сифатида бирлашишларини, иқтисодий жиҳатлардан ривожланиш учун ўз сиёсий манфаатларини ифода эта оладиган сиёсий ташкилотга эга бўлишларини тақозо этмоқда эди.

ЎзЛиДеп ўрта ижтимоий қатлам ғоялари ва манфаатлари ифодачиси сифатида сиёсий майдонта чиқди. Шунингдек, партия қўйидаги мақсадларни ўз олдига қўйди: партиянинг сиёсий мағкураси — либерал ғоялар ва қадриятларни кенг тарғиб қилиш; ўрта ижтимоий қатлам қарашларини ифодаловчи либерализм мағкураси мақсадларини, унинг ҳалқаро тажрибасини ёйиш, шу мақсадларда партия мағкураси тизимиши ишлаб чиқиш; ишбор демократик мамлакатлардаги либерал партиялар билан алоқаларни йўлига қўйиш; партия ғояларини бошқа партиялар билан мағкуравий рақобатдошлиқ асосидаги сайловлар кампанияларида сайловчилар онги ва дунёқарашига сингдиришга интилиш; партия ғоясини ифодаловчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар вакиллари ва партия фидойилари номзодларини парламент, вакиалик органлари ва ижро ҳокимияти органларига сайланишлари учун кенг фаолият юритиши¹.

Партия умуммиллий сиёсий ташкилот сифатида мулкдорлар қатлами, кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, умумий тарзда ишбилармон ва тадбиркорларни ўзининг ижтимоий таянчи, деб эълон қилди.

Албатта, мазкур сиёсий партияни мамлакат сиёсий тизимидан ўрин олишига ижтимоий-сиёсий зарурият ҳам тугиғлан эди. 2003 йилнинг ўзида мамлакатда 35 мингдан зиёд ўрта

¹ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси застурини. — XXI аср. 2004, 1 ёнъ.

ва кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил топди. Кичик ва ўрга бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар республика ялпи ички маҳсулотининг 34,4 фоизини ташкил этди. Ишга лаёқатли аҳолининг 57 фоизи хусусий ва нодавлат секторда меҳнат фаолияти юрита бошлади¹.

Тадбиркорлар ва ишбильармонлар парламент ва ижроия ҳокимияти тизилмаларида ўзларининг манфаатларини инфодалайдиган, ўзларининг ижтимоий қатлам сифатидаги мавқеларининг ўсишига кўмаклашадиган вакиллари бўлишига зарурият сезмоқда эди. Чунки, ўрга мулқорлар қатламини шаклтаниш жараёнида муаммолар тўпланиб, уларнинг ечимлари эса кўп жихатлардан давлат ҳокимиятида тадбиркорларнинг иштирок этишларига боялиқ бўлиб қолмоқда эди. Айниқса, уларнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоя этадиган бирон-бир сиёсий куч йўқ эди.

Партияниң сиёсий мағкураси сифатида либерализм тояси қабул қилинди. Шу билан бирга, партия нафақат тадбиркорлар ва ишбильармонлар манфаатларини, балки аҳолининг бошқа гурӯҳ ва қатламлари, хусусан, ёшлар, аёллар, ишчи ва хизматчилар, зиёлилар, ногирошлар ва қарияларининг манфаатларини ва ёхтиёжларини ҳам ҳимоя қилишини эълон қилди. Чунки, ижтимоий ҳимояга муҳтож гурӯҳ ва қатламларнинг турмуш даражасини яхшилаш, улар руҳий ва маънавий дунёсини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш либерал гояларнинг тарқибий қисмларидан бири эди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатдаги мулқорлар ижтимоий қатламини сиёсий куч сифатида интеграция қилиш, уларнинг ҳар бирида сочилиб ётган сиёсий манфаатларини партия тимсолидабир жойга тўплаш, ана шу пайдо бўлган катта сиёсий куч ёрдамида мулқорларнинг муаммоларини бартараф этишга ҳар томонлама кўмаклашишга қаратиши.

Шу мақсадда партия ўз олдига турли назорат идоралари ва турли даражадаги мансабдорларининг кичик ва ўрга биз-

нес корхоналари фаолиятига асосиз аралашувига барҳам бериш соҳасида ҳам аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш вазифасини ҳам қўйди. Хуллас, партия тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, тадбиркорлар ҳукуқ ва манфаатларини барча даражаларда ҳимоя қилиш каби йўналишларни ўзининг асосий мақсади сифатида белгилади.

2004 — 2008 йиллар давомида партияниң 218 та Қоракалиоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, 6500 дан ортиқ бошлангич ташкилотлари ташкил этилди. Партия аъзоларининг сони қарийб 150 мингга етди. Уларнинг 70 фоизини тадбиркорлар ва ишбильармонлар ташкил этди. Партия 2003 йил 15 ноябрдан бошлаб ўзининг бош нашри — "XXI аср" газетасини таъсис этди².

2008 йил июнь ойида "Фидокорлар" миллий демократик партияси билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бир партияга бирлашишига доир тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Мазкур икки партияниң курутгойлари ўз таъсирларини ошириш, электоратнинг кўпроқ қисмини жалб этиши мақсадида ягона партияга бирлашдилар. Тузилган янги партияниң номини Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси леб аташга қарор қилинди. Партияниң марказий, мингақавий ва бошлангич ташкилотлари ҳар икки партия вакилларидан иборат ҳолда қайтадан ташкил этилди. Партия дастури энди жамиятдаги кўпроқ ижтимоий қатламлар ва гурӯҳлар манфаатларини ифода эта бошлади.

Мамлакатда мустақиллик йилларида сиёсий партияларининг давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда ривожланиши ва кенг фаолият кўрсатиши учун ижтимоий-сиёсий кенгликлар яратилди. Шу билан бирга, Олий Мажлиснинг Конунчилик палатаси "ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявилийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир

¹ Қаранг: Тониматов Қ.Ф. Мақсад — жамъияти эркинлаштиришга ҳисса қўшиш. — XXI аср. 2004, 1 янв.

² Аҳмеджанов М.А. Сўллик гоясига муросасизмз. — XXI аср. 2004, 11 нообрь.

юз йигирма депутатдан иборат¹ бўлиши бу қоидани Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши сиёсий партияларнинг мамлакат қонун чиқарувчи ҳокимиятини шакллантиришдаги ролини оширди.

Мамлакатда Миллый мустақиликнинг ilk даврида давлат томонидан амалга оширилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларнинг демократик қадриятлар асосида фаолият юритишлари учун хукуқий асослар яратилди. Қисқа давр ичida мамлакатда бешта сиёсий партия ташкил этилиб, кўпартиявийлик тизими сиёсий ҳаётга кириб келди. Парламент, Президентлик сайловлари ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар асосан кўпартиявийлик асосида ўтказилиши анъанага айланди.

3.2. Сиёсий партиялар фаолиятини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги фаолиятини эркинлаштириш, кўпартиявийлик тизимини такомиллаштириш ислоҳотларини чукурлаштиришга доир муаммоларни бартараф этишда Президент И.А. Каримов томонидан илгари сурилган кучли фуқаролик жамияти қуриш гояси муҳим аҳамият касб этди. Унда эътироф этилишича, жамиятда "...ислоҳотлар жараённада республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди, деб хулоса чиқариш мумкин. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқариша фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди"².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №9—10 (1329—1330), 2003, 9-бет.

² И.А. Каримов. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг муҳим вазифалари. // Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр таъаби. Т. 5. — Т.: Ўзбекистон, 1997. 120—121-бетлар.

Шунингдек, маърузада жамиятда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва кўпартиявийлик тизимини такомиллаштириш соҳасидаги муаммолар ва унинг ечимларига доир мулоҳазалар билдирилди: "Шуни эътироф этиш керакки, аҳолининг аксарият қисми кундалик юмушлар, одатдаги турмуш ташвишлари, иқтисодий муаммолар билан яшайди. Одамларнинг янги демократик қадриятларни идрок этиши кўнгилдагидек эмас. ... Сиёсий партияларнинг шаклланиш ва қарор топиш жараёни боят суст кечмоқда, уларнинг сиёсий ва иқтисодий ластурлари ҳам заифдир. Мамлакатни сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг муқобил (амалий) турларини ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишда улар етарлича фаоллик кўрсатмаяптилар. Бу партияларнинг айби эмас, аниқроги кулфатидир. Бундай аҳвол партия етакчиларининг фаоллиги ва шиҷоати талаб даражасида эмаслигидан дарак бериб, биз бугун чинакам демократик жамиятни қарор топтиришнинг бошлангич босқичига эндиғина қадам қўйтанимизнинг далолати ҳамдир"¹.

Ўзбекистонда кўпартиявийлик тизимини қарор топшида 1996 йил 25 декабрида Олий Мажлис қабул қилган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун муҳим ўрин тутди. Қонун 17 та моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг демократик қоидалар асосида фаолият юритишлари учун ривожланган мамлакатлар мезонлари талабларига хос бўлган хукуқий асослар яратилди. Қонуннинг 5-моддасига биноан, "давлат сиёсий партиялар хукуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг хукуқий имкониятлар яратиб беради"². Шунингдек, сиёсий ҳаётда биринчи марта қонуннинг 12-моддасида сиёсий партияларнинг хукуқлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилди: "Сиёсий партиялар қуйидаги хукуқларга эга:

¹ И.А. Каримов. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг муҳим вазифалари. // Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр таъаби. Т. 5. — Т.: Ўзбекистон, 1997. 120—121-бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №2 (1250), 1997, 12-бет.

- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз қоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;
- сайлаб қўйиладиган давлат органларицаги ўз вакилари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;
- қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;
- партия фаолияти билан боелиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш¹.

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларида бири, бу — сиёсий институтларда ва сиёсий жараёнларда турли хил фикрларининг эркин ифода қилинишига ҳукуқий асослар яратиб бериш, шунингдек, ҳукуқий давлат фуқаролари — илоралистик фикрлашга қобил бўлган шахсларни шаклантиришдир. Шу мақсадларда қонунининг 13-моддасида Олий Мажлисидаги партия фракцияларининг эркин фаолият юритишилари, уларнинг ҳозирги давр илгор мамлакатларидаги меъсрлар талабларига мувофиқ жамиятининг сиёсий ривожланишига ҳисса қўша олиш даражасига кўтарилишларини ҳукуқий жиҳатлардан таъминлашга асос солинди: "Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракциялари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади".

Шунингдек, қонунда сиёсий партияларнинг демократик тамоиллар асосида фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ҳукуқий асослар ўз ифодасини топди. Жумладан, қонунда сиёсий партияларни тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари, партияга аъзолик, сиёсий партия фа-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №2 (1250), 1997, 15-бет.

лиятининг кафолатлари, устави, рўйхатта олиш, партияларнинг мулкий муносабатларига доир барча ҳукуқий мақомларнинг мужассамлашгани Ўзбекистонда кўп partiyaviylik тизимини қарор топтиришнинг кафолатларидан бирига айланди.

Мазкур қонунга биноан сиёсий партиялар фуқароларнинг демократик иродалари шаклланишини таъминлашда эркин фаолият юритиш ҳукуқига эга бўлдилар, партияларнинг ўзаро ҳукуқий тенглиги, шунингдек, уларнинг жамият олдидаги вазифалари ва масъулияти қонунлаштирилди.

Сиёсий партиялар фаолиятининг фақат ҳукуқий жиҳатлардангина кафолатлашнинг ўзи уларнинг кенг қиррали фаолиятлари йўналишларини амалга ошириш учун етарли эмас эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва сиёсий муносабатлардаги функцияларини тўла бажара олиш қобилиятини шаклантириш учун уларнинг фаолиятларини молиявий жиҳатлардан ҳам кафолатлаш тажрибаси Ўзбекистонга ҳам кириб келди. 2004 йил 30 апрелда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессияси "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Маълумки, ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш қонунчилиги такомиллашиб бормоқда. Партияларни давлат томонидан молиялаштиришнинг ҳукуқий асослари сиёсий партияларни фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида тан олинишини таъминлаб, бу билан партияларнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги ўрни анча юксалишига замин яратади. Бу каби молиялаштириши давлат томонидан тан олиш сиёсий партияларнинг ўз функцияларини унумли амалга ошириши натижасида уларнинг давлат олдидаги масъулият сезиш бурчини шаклантиради.

Кўпчилик фуқаролик жамияти институтлари ривожланган мамлакатлар сиёсатшунос олимлари партияларни давлат томонидан молиялаштиришни демократия муаммолари билан ҳам боғлайдилар. Жумладан, таниқли олим Ж. Маслоунинг кўрсатишича, бирлашма ва уюшмаларнинг конституциявий эркинлиги нафақат партиялар ташкил топишнинг

эркинлигини тақозо этади, балки, улар томонидан ўз функцияларини амалга ошириш имкониятларига кафолатлар берилшини ҳам талаб этади. Баъзи бир ҳолатларда давлат томонидан берилётган ёрдамлар сиёсий демократияни реал мазмунлар билан тўлдиришнинг шарти бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин¹.

Хусусан, сиёсий партияларга молиявий ёрдам бериш партияларнинг сиёсий рақобатдаги имкониятлар нотентлигини камайтиради, уларнинг алоҳида жисмоний ёки ҳукуқий шахслар гуруҳларига нисбатан қарамлигини йўқотади. Натижада сиёсий партиялар коррупцияга қарши курашнинг тасирчан воситасига айланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ти Қонун мамлакатдаги партияларни демократик қадриятлар талаблари даражасида ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб беришга катта ҳисса қўшиди. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, "Сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияйи қонунига мувофиқ Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тушиб учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблагларини олиш ҳукуқига эга бўлади". Шунингдек, қонунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат маблагларини "олиш ҳукуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида уларнинг Қонунчилик палатасида олган депутатлик ўринлари миқдорига мутаносиб равишда тақсимлайди"².

Шу билан бирга, мазкур қонунга биноан сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этиши,

¹ Каранг: Демократик кўпартиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантириш масалалари. // Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари. — Т.: Шарқ, 2003, 212-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ти Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №5 (1337), 2004, 32—33-бетлар.

шунингдек, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолияти ҳам давлат томонидан молиялаштирилади. Албатта, сиёсий партиялар фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни амалга ошириш сайловларни демократик тамойиллар асосида кечишини ҳар томонлама кафолатлади. Партияларнинг марказий ва маҳаллий органлари сайловчилар билан ҳар томонлама алоқа боғлаш, ўз фаолиятларини сайловчилар хоҳиш-иродалари асосида кечишини амалга ошира олиш имкониятларига эга бўладилар. Муҳими, партияларнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошира олишнинг молиявий асослари яратилди.

Мамлакатда икки палатали парламентни шакллантириш ислоҳотларини амалга ошириш натижасида сиёсий партияларни жамият институти сифатида кенг фаолият кўрсатиши учун барча ҳукуқий, сиёсий ва молиявий асослар яратилди. Албатта, мустақиллик даврида фуқаролик жамияти талабларига жавоб бера оладиган сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёнлари ҳали ҳам давом этайтиларининг объектив сабаблари ҳам мавжуд. Жумладан, сиёсий партиялар миллият менталитетига эндиғина кириб келмоқда; собиқ шўро давридаги бир партиявийлик тизим асоратлари ҳали ҳам ўзини кўрсатмоқда; эски тузумдан мерос бўлиб қолган ижтимоий лоқайдлик, сиёсий пассивлик, иқтисодий боқимандалик ва мутелик руҳияти ҳамон баъзи партия раҳбарлари ва ходимлари фаолиятида, афсуски, сезилмоқда.

Лекин, бу каби сабаблар сиёсий партияларнинг ўз ваколатларини тўла бажара олмаётганиларини оқладай олмайди. Мустақилликнинг ўтган даври ичидаги олдинги ҳаёт тарзимизда ҳали синааб қўрилмаган бутунлай янги миллий давлат барпо этилди. Энг замонавий талаблардаги икки палатали профессионал парламент шакллантирилди. Мамлакатда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт ривожланиб бормоқда. Хорижий ва халқаро ташкилотлар тажрибаси ҳам фуқаролар дунёқарашига сингиб бормоқда.

Бироқ шуни қайд этиш лозимки, ҳозирги даврга қадар мамлакатда замонавий сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёнлари давом этмоқда. Шимолий Америка ва Европа давлатларида илк сиёсий партиялар пайдо бўлганида уларга шубҳа билан қараш, "турли сиёсий кучлар бузғунчиликка

олиб келади, барқарорлик бузилади, шунинг учун партияларни кучайтирумаслик лозим, партиялар — бўлиниш воситаси", каби фикр-мулоҳазаларга асосланган партияларга нисбатан қараашлар ўша даврларда партиялар ривожланишини анча кейинга сурib юборган эди¹. Ҳозирги даврда Ўзбекистон жамиятида ҳам ана шу каби қараашлар билан "касалланган" баъзи мансабдорларнинг учраб туриши сиёсий партиялар фаолияти сустлигини "таъминлаб бераётган" омиллардан биридир.

Ривожланган мамлакатларда сиёсий партияларнинг юксалиши, уларнинг давлат билан жамият ўргасидаги муносабатларни таъминлашдаги ўринин юксалиб бораётганинг асосий сабабларидан бири — уларни давлат ҳокимиятни шакллантиришдаги ўрни билан изоҳланади. Ҳали инсоният тарихида партияларсиз сиёсий элитани адолатли тарзда шакллантиришнинг бирон-бир воситаси иктиро қилинмаган. Фуқаролик жамияти ва ҳукуқий давлат куриш амалиёти шуни кўрсатдики, фақат сиёсий партиялар воситасида шаклланган сиёсий элита ҳам давлат, ҳам жамият манфаатлари асосида фаолият кўрсата олишга қобилдир.

Сиёсий партиянинг ташкилот сифатидаги нуфузини таъминлаб бериш манбаи, бу унинг қуий ташкилотларидаги ва аъзоларнинг фаоллигидир. Партия аъзоларини фаоллаштирувчи омил эса паргиянинг амалий фаолиятида ва унинг дастурий ҳужжатларида оддий аъзоларнинг манфаатлари нечоғлик инобатга олинганини билан ўлчанади.

Партияларнинг энг асосий функцияларидан бири бу нафакат ўз аъзолари ва таянч базаси бўлган ижтимоий қатламнинг манфаатларини ифодалаш, балки уларнинг ўз манфаатларини англаш даражасига эришишига ҳам кўмаклашишдир. Ҳеч бир шахсда сиёсий манфаатлар ўз-ўзидан шаклланмайди. Бунинг учун шахс билан партия ўргасида доимий тарзда мулоқот ва муносабат бўлиши, шахснинг жамоат ташкилотларидаги иштироки, шахс фаоллиги учун ижтимоий-сиёсий кенгликлар яратилиши таълаб этилади. Ҳар бир шахснинг партия ташкилотлари фаолиятида иштирок этиши учун

¹ Скидмор М. Дж., Трипп М.К. Американская система государственного управления. -- М.: СП «Квадрат», 1993. 129-бет.

мазкур ташкилотларда унинг ўз манфаатларини ифодаланиши ва амалга ошишига ишонч руҳияти шаклланиши таълаб этилади.

Бошқача айтганда, ҳар бир партиянинг қуий ташкилотлари сайлов округларида, маҳаллаларда, меҳнат жамоалирида ва ёшлар ўртасида узлуксиз ва муттасил равишда сайловчилар манфаатлари ва орзу-истакларига уйғун бўлган дастурий вазифаларини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш ва рёубга чиқариш натижасидагина сайловчилар эътиборини ўзига жалб эта олиши мумкин.

Ҳали демократик жамиятда яшаб кўрмаган, узок даврлар тоталитар тузум зулми остида бўлган халқлар онгиди миллий, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар намоён бўлиши мумкин, аммо, ташкилашган сиёсий ижтимоийлашув жаранларисиз уларни интеграция қилиш жараёнлари қийин кечади. Бунинг асосий сабаблари ўнцаки, инсон сиёсий онги ва қараашлари фақат унинг гуруҳий ташкилотлардаги фаол иштироки натижаси ўлароқ шаклланishi мумкин. Ҳали сиёсий онги старли даражада шаклланмаган инсонда бирон-бир партияда иштирок этиши учун ҳеч қандай эҳтиёжнинг ўзи йўқдир. Кўриниб турибдики, мамлакатдаги партияларнинг бошлангич ташкилотлари ёки вакиллари фуқароларнинг яшаш ва ишлаш жойларида кенг фаолият кўрсата олмаса, сайловчилар дунёқарашига таъсир этиш қобилиятига эта бўлмаса, партиялар ўз функционал ваколатларини ҳётга тўлиқ татбиқ эта олмайдилар.

Мамлакатдаги баъзи сиёсий партияларнинг сайлов округлари, участкалари тузилиши мумкин бўлган ҳудудларда бошлангич ташкилотлари ёки бошқа шаклдаги таъсир кўрсатиш қобилиятига эта бўлган гуруҳларининг етарли даражада ҳали мавжуд эмаслиги бу партияларнинг сиёсий саҳнадан ҳали анча йироқ эканлигини англатади. Фуқаролар ўртасида ўз бошлангич ташкилотларига эта бўлган сиёсий партиялар аъзоларининг аксарият қисмидаги ҳали ҳам партияйликка дахлдорлик туйғуси эмас, балки кўпроқ расмийчilik характерига эга бўлган, фақат тоҳида эсга олинадиган оддий носиёсий корпоративликка мансублик ҳолатларини кузатиш мумкин.

Шунингдек, бъзи партияларда нафақат аъзолар ёки бошланғич ташкилотлар расмийлашмаган, балки кўпчилик туман ва шаҳарларда уларнинг маҳаллий партия ташкилотларининг фаолияти умуман сезилмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, бу партияларнинг жойлардаги маҳаллий стакчилари кўпинча юқори партия органлари кўрсатган номзодлар (ижроия ҳокимият билан келишилган ҳолда) ичидан сайланади. Шунингдек, кўн жойларда партия аъзоларининг мавжуд эмаслиги ёки партияга аъзоликнинг ўта расмийлиги натижасида ҳали партиявий омма назоратини ўзида ҳис этмаган партия раҳбарларининг ўзибўларчилик кайфиятига мослашиб қолганилиги оқибатида қўйи партия ташкилотларининг шаклланishi қийин кечмоқда.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2003 йилда ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларига биноан сўровномаларда иштирок этган фуқароларнинг 57,7 фоизи Ўзбекистон ХДП, 44,2 фоизи "Фидокорлар" МДП, 36,3 фоизи "Адояат" СДП, 30,2 фоизи "Миллий Тикланиш" ДП фаолият кўрсатишидан хабардорлигини билдирганилар. Тадқиқотда сўралигинларининг аксарият қисми (75,3 %) мавжуд партиялар дастурларида фарқланишлар борлигини сезмайдилар. Шунингдек, сўралигинларнинг 61,0 фоизи мамлакатда қанчя партиялар мавжудлиги аҳамиятсиз эканлигини билдирганилар. Мамлакатда кўипартиявийлик тизими мавжудигининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини фақат 23,8 фоиз респондентлар ўтироф этганилар, холос. Тадқиқотда иштирок этган фуқароларнинг кўпчилиги (71,4 %) Ўзбекистонда фаолият юритаётган партияларнинг бир-бирларидан қайси жиҳатлари билан фарқланишларини билмасликлари аниқланган¹. Кўриниб турибдики, сиёсий партиялар аҳоли ўртасида ўзининг дастурий мақсадлари ва қайси ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ифода этишларини камдан-кам тарғиб қиласидар. Бъзи сиёсий партиялар эса ҳали ўзларида жамиятдаги ўзгаришларга таъсир эта олиш қобилиятини шакллантира олмаганилар.

¹ Қаранг: Ҳаджимуҳамедов М. Политические партии в общественном мнении Узбекистана. — Ижтимоий фикр. Итсон ҳукуқи. №3. 2003. 59—60-бетлар.

Сиёсий партиянинг маълум ижтимоий қатламлар ёки гуруҳлар фаоллик билан иштирок этадиган ташкилотларга айланиши учун, авваламбор, мазкур қатлам ва гуруҳларнинг сиёсий манфаатлари интеграция қилиниши ва улар партия дастурлари ҳамда партия амалий фаолиятида ифодаланиши талаб этилади. Ана шундагина партия ижтимоий қатлам ёки гуруҳларни ўз фаолиятига жалб этиш қобилиятiga эга бўлни мумкин.

Шунингдек, партия ижтимоий қатламларнинг қандай манфаатлари ва қарашларини ифодаланига эришганлиги, партия томонидан жамият ва давлатчилик ривожланишининг конструктив ва муқобил ўйларини ишлаб чиқсанлиги, партиялар ўртасидаги ҳақиқий маънодаги мухолифий муносабатларнинг шаклланishi каби йўналишларда партия фаолиятининг мавжудлиги унинг мустақил институт сифатида ўтироф этилишини таъминлайди.

2004 йил декабрдаги сайловлар кампанияларида Ўзбекистон ХДП раҳбарияти томонидан ўз парнияси тоғсинининг "сўл" оқимга мансублигини эълон қилиниши, ЎзЛиДПни эса Ўзбекистон ХДПга мухолифатда эканлигини эълон қилиниши кўичилик сайловчиларнинг ўтиборини ўзига қаратди. Лекин, мазкур партияларнинг қўйи ташкилотлари ва сайловлар участкаларида ўзаро баҳс-мунозаралар аксариёт ҳолларда партиялар ўртасидаги эмас, балки номзодлар ўртасидаги курашлар характерини касб эта олди, холос.

Мамлакатда жамиятни янгилашга доир амалга оширилаётган ислоҳотларда сиёсий партияларни демократик таомийлар асосида таомиллаштириш масаласининг нечоғлилк аҳамиятли эканлиги Президент И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маъруzasida очиқ ва ойдин кўрсатиб берилди: "Биз барчамиз шуни яхши тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаолигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётидаги нечогли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ. Бу масалани ечишда биринчи галса мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар — буни тан олиб айтишимиз керак — ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятини жоплантириши,

тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий кўп партиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат мұхитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган оппозиция пайдо бўлишига ҳисса қўшиши лозим”¹.

Мазкур фикрдан кўриниб турибдики, сиёсий партияларнинг сиёсий тизимга кириши суст кечмоқда. Уларнинг мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидаги фаол иштироклари сезилмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири — партиялар ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатларини ва иродаларини тўла ифодалай олиш даражасига кўтарила олмаганилигидир.

Ҳар бир сиёсий партия мустақил сиёсий институт сифатида ўз ижтимоий базаси бўлган ижтимоий қатламлар манфаатлари, дунёқарали асосида ҳаракат дастурларига эга бўлиши сиёсий тигорализмни шакллантириб, турлича қарашлар рақобати ва мусобақаси асосида фуқаролик жамияти шаклланиши учун замин тайёрлайди. Шунингдек, бу каби демократик тамойиллар мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга ижобий таъсир этади.

Мамлакатдаги сиёсий партияларнинг сиёсий мағкурлари ҳали мустаҳкам эмаслиги, уларнинг сиёсий назария ва мағкуралар шакллантириш соҳаларида деярли фаолият кўрсата олмаганиликлари оқибатида улар ўртасидати гоялар кураши ва рақобатчилиги унчалик авж олмаган. Бу ҳолат партия аъзолари ва уларнинг хайриҳоҳлари бўлган фуқароларнинг сиёсий маданиятлари шаклланиш жараёнларини ҳам қийин кечишини тақозо этмоқда.

Президент И.А. Каримов ўзининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маъруzasида (2005 йил 28 январь) жамият сиёсий соҳасини эркинлаштиришнинг энг муҳим йўналиши сифатида "сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни яшалаш чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. // Биз таълаган йўл — демократик гарәққиёт ва матрифий дунё бўлан ҳамкорлик йўнан. Т. II. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 26—27-бетлар.

таъсирини тубдан кучайтириш"¹ вазифасини изгари сурди. Шунингдек, Президент мамлакатдаги сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятининг ҳақиқий институтига айланниши учун "партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониши мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба ортириши, сиёсий етукликка инилиши ва энг мұхими, молиявий мустақилликка әришиш, жамиятда ўз ўринини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак"², деган фикрни билдири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2006 йил 9 ноябрда қонунчилик ташаббуси билан парламентга киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қўшишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ти Конституциявий Қонуннинг қабул қилинини мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш учун хукуқий асосларни мустаҳкамлаб, сиёсий партиялар демократик тамойиллар асосида фаолият юритилилари учун имкониятлар яратади.

Мазкур Конституциявий Қонунинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати тасдиқлаши учун киритилиши қоидасини ўрнатилиши, шунингдек, мазкур Қонуннинг 6-моддасига биноан вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгащларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг тегишли ҳалқ депутатлари Кенгащларига тасдиқлаш учун тақдим этилиши қоидасининг қабул қилиниши, сиёсий партияларга маҳаллий ҳоки-

¹ И.А. Каримов. Бирянин бош мақсадимиз — жамиятни демократизацияни ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишилар. // Ўзбек халқи ҳеч қанон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. I3. — Т.: Ўзбекистон, 2005. 181-бет.

² Ўни жойда, 181-бет.

мият органлари фаолияти устидан назорат этишни ҳуқуқий жиҳатлардан мустаҳкамлаб қўйилиши¹ каби янги ўзгаришлар сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантириш ва давлат аҳамиятига ога бўлган сиёсий қарорларни қабул қилишдаги иштироклари учун кенг шарт-шароитлар яратади. Албатта, мазкур Қонуннинг энг асосий мақсади – халқ иродасини давлат ҳокимиятини шакллантиришда ифоданишига Эришишдан, давлат бошқарувини халқ назорати остида амалга оширишни йўлга қўйишдан иборат бўлди.

Мамлакатдаги сиёсий партиялар фаолиятини эркинлаштиришга доир ислоҳотлар натижасида уларнинг жамиятдаги ўрни анча ошиб бормоқда. Сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият кўреатишлигини таъминлаш мақсадларида уларнинг қонунчилик асослари янада ривожлантирилди. Мамлакатда икки палатали парламентни шакллантириш ислоҳотларини амалга оширишга боғлиқ ҳолда сиёсий партиялар Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий вакиблик органлари депутатлари номзодларини танлаш ва кўреатиш, сайлов кампанияларини ўтказишда асосий сиёсий институт функциясини бажариша ўтдишлар.

Кўриниб турибдик, XXI аср бошларида мамлакатда жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш, бунинг учун аввало жамиятда кўшипартиявийлик тизимини янада демократлаштириш вазифалари сиёсий ислоҳотларнинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга ошириш мамлакатнинг "Ўзбек модели" асосида фуқаролик жамияти сари инициаётланлигини ифодалайди.

Мамлакатда сиёсий партияларнинг муҳим давлат қарорларини қабул қилишдаги ўрнини оширишдан асосий мақсад — мамлакат тараққиётида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, давлат сиёсатини халқ иродаси асосида юритиш амалиётини ўрнатиш, қабул қилинаётган қонун-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлантириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишида сиёсий партияларини ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонули // Ўзбекистонда сиёсий партиялар. - Т.: Минтақавий сиёсат жамгармаси, 2007. 243–247-бетлар.

ларда аҳоли умумманфаатлари кенгроқ ифодаланишига эришиш, жамиятдаги ижтимоий қатлам ва турұхларнинг манфаатларини муганосиблаштириш ва келиштириш, ҳокимият органларига янги ва соглом күчларнинг кириб келиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш ва ниҳоят, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантиришdir.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ҳаётта татбиқ этилиши натижасида мамлакатда сиёсий партияларнинг ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини шакллантиришдаги роли ошади, давлат ҳокимияти органлари халқ иродаси асосида шаклланади, мамлакатдаги сайловчиларнинг сиёсий иродаси ҳокимият тақдирини ҳал этиш асосий қарори даражасига кўтарилиши. Умуман, сиёсий партиялар фуқаролик жамиятиягининг институти сифатидаги ҳуқуқий мақомни өтказлаштиришади.

3.3. Фуқаролик жамияти институтларини эркинлаштиришида парламент ислоҳотларининг ўрни

Фуқаролик жамияти яшовчанилигини таъминлашни муҳим шартларидан бири давлат ҳокимияти сиёсати ва қонунларда халқ манфаатларининг кенг ифодаланишидир. Жамият аъзоларининг эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва таъминлаш, шахснинг ўз фаровонлигини таъминлаш кафолатларида бири бўлган щахсий мулкчиликни ривожлантириш каби ҳуқуқий давлатга хос бўлган белгиларнинг шаклланиши учун ҳам парламент тизимининг халқчилик даражаси юқори бўлиши тақозо этилади. Ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган икки палатали парламентнинг жамиятдаги барча ижтимоий табакалар манфаатлари ва сиёсий иродаларини тўлиқ ифодилашга қобиллиги фуқаролик жамияти яшовчанилигини таъминлаштириди.

Француз матриғитпарвари Шарль Луи Монтескье (1689–1755 йй.) икки палатали парламентнинг ижроия ва қонунчиқарувчи ҳокимиятларини ўз функцияларини бажаришла-

ридаги "четта чиқишилардан ушлаб турувчи" самарали восита сифатида талқын эттан эди. Унинг қарашича, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг аристократик қатлами — юқори палатаси қарорлар қабул қилиш хуқуқи асосида эмас, балки қарорларни бекор қилиш хуқуқи асосида курилмоғи керак. Монтескье "эркинликни таъминлашта қобил" бўлган ҳокимият қўйидаги қоидани ўзида мужассамлаштириши зарурлигини кўрсатган эди: "Бунда қонун чиқарувчи мажлис ўзларига тегишли бўлган бекор қилиш хуқуқлари асосида бир-бirlарини ўзаро ушлаб турувчи икки қисмдан иборат бўлиши лозим. Уларнинг ҳар иккаласи ўз ўрнида ижроия ҳокимият билан боғланадилар. Шунингдек, ўз паватида, ижроия ҳокимияти ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятга боғлиқ бўлади".

АҚШ давлат курилиши назариётчиси Томас Жефферсон икки палатали парламентни таърифлаб, шундай деб ёзган эди: "Сенат ва депутатлар Палатаси ўз тузилишиари жихатидан деярли бир хилдиirlар. Модомики, сайловчилар бир вақтнинг ўзида бир хил номзодлар ичидан ўзлари хоҳлаганиларини сайлар эканилар, албатта, бунда ташловлар деярли бир хил сифатларга ега бўлган кишилар устига тушади. Турли қонун чиқариш палаталарини тузишдан асосий мақсад — турли манфаатлар таъсирини таъминлашга эришишдир"¹.

Европадаги парламентлар амал қиласидан демократик принциплар — умумийлик, тўғридан-тўгри ва билвосита сайловлар, овоз берининг яширилиги, сайлов кунларини тайинлаш қоидалари турлича шаклларда намоён бўлмоқда.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамияти ва хукукий давлатнинг шаклланиши, бунинг натижасида парламент тизимини такомиллаштиришга бўлган сиёсий эҳтиёжларнинг ўсиши сабабли икки палатали парламентга бўлган зарурият кучайди. Давлат ҳокимияти ва жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили сифатида жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг

¹ Монтескье Ш. Избр. пр. — М., 1955. 298—299-бетлар.

² Джейферсон Т. Автобиография. Заметки о штате Виргиния. Ленинград: Наука, 1990. 196-бет.

манфаатларини янада кенгроқ ва чуқурроқ ифодалаш сари интилишлар икки палатали парламентларни фуқаролик жамияти куришнинг муҳим шартларидан бирига айлантириди.

ХХ асрнинг 70—90 -йиларида дунёдаги икки палатали парламентлар 45 тадан 67 тага ўси. Жаҳондаги бир палатали парламентларнинг деярли учдан икки қисмидан кўпроғи асосан ривожланётган давлатлар ҳиссасига тўғри келади: агар ҳозирги даврда жаҳонда 90 га яқин бир палатали парламент фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 62 таси ўтган асрнинг 60-йилларида мустақилликка эришган учинчи дунё мамлакатларига тегишилди¹.

Икки палатали парламентларнинг ривожланиш ва такомиллашиш тажрибасини ўрганиш натижаси шуни кўрсатдик, бу каби парламентларда жамиятдаги турли-туман ижтимоий табақалар манфаатларини ифодалаш, минтақалар атъяналарини сақлашга интилишлар ва ҳудудий манфаатларни парламентга ташиб, ҳар икки палата ўзаро зиддиятлари ва келишувлари асосида турли манфаатларни ўзаро мувозанатлаштириш, шунингдек, бу манфаатларни ўзаро келиштириш ҳаётий воқеликка айланди.

Ўзбекистонда икки палатали профессионал парламентни шакллантириш ислоҳотлари ўзида фуқаролик жамияти ва хукукий давлат куришга доир стратегик мақсадларни амалга ошириш сари интилишни ифодалайди. Мамлакатда икки палатали парламентни шакллантиришнинг дастлабки хукукий асоси иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонунда (2002 йил 4 апрель) ифодаланиб, ундаги парламентга доир принциплар Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилди. Конституциянинг 76-моддасида мамлакатда янги ташкил этиладиган икки палатали парламентнинг тузилиши қўйидагича таърифланди: "Ўзбекистон Республикасининг Олий

¹ Демократик кўнспартиявийлик ва парламентаризм тамойилари ни ривожлантириш масалалари // Ўзбекистон фуқаролик жамияти сари. — Т.: Шарқ, 2003. 222-бет.

Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан — Қонунчилик палатаси (кўйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат"¹.

Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисинг X сессиясида қабул қилинган (2002 й., декабрь) "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Конунчилик палатаси тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий Қонунларда янги, икки палатали парламентни шакллантиришнинг асосий принциплари ва ҳуқуқий асослари мужассамлашди. Бунда Қонунчилик палатасининг кўпартиявийлик асосида шакллантирилиши ҳақидаги қоида асосий принциплар қаторида мустаҳкамланди. Парламентта доир қонунларда илк марта сиёсий партияларнинг парламент фракцияларини тузиш ва уларни мувофиқлаштирувчи меъсрлар ва тамойиллар ифодаланди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куришини таъминлашга қаратилган мазкур Конституциявий қонунлар икки палатали парламентнинг тизилмаси, таркиби, ҳар бир палатанинг ҳуқуқий мақомлари ва функциялари, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, умуман, парламентнинг қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида тутган ўрнининг конституциявий асосларини янада мукаммалаштириди.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига икки палатали профессионал парламентта доир киритилган қўшимчалар ва тўлдиришлар ҳамда янги шаклланган қонунчилик асослари демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг қўйидаги йўналишларда ҳуқуқий асосларини таъминлаб берди:

— мамлакатда ҳақиқий демократик кўпартиявийликни таъминлаш мақсадларида сиёсий партияларнинг ҳокимиятни шакллантиришдаги ўрнини кескин ошириш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 14-бет.

— маҳаллий вакиллик органларининг парламент депутатларига номзод кўрсатиш ваколатига барҳам бериш асосида қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларнинг бир-бирларидан ўзаро мустақиллигини таъминлашни ниҳоясига етказиш;

— маҳаллий ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг ҳам манфаатларини қонун чиқариш жараёнларида ҳисобга олишнинг ҳуқуқий асосини яратиш;

— минтақалар ва ҳудудлар манфаатларини парламентда қабул қилинган қонунларда ифодаланишини таъминлаш;

— парламент юқори палатасига давлат раҳбарининг бা�ъзи ваколатларини бериш ҳисобига қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг сиёсий мавқенни ошириш;

— парламентда янада кўпроқ ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатлари ифодаланишини таъминлаш;

— қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари бир-бирларини "ушлаб туриш" тамойилини амалга оширишнинг реал имкониятлари ва ҳуқуқий асосларини яратиш;

— парламентнинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришдаги ўрнини янада оширишга эришиш.

Ривожланган давлатлар тажрибалари билан миллий айнаналарни ўйғунлаштирган ҳолда Сенатта ижро ҳокимиятининг бা�ъзи ваколатлари берилди. Шунингдек, Сенатнинг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрни оширилди. Сенатта ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти тизимлари раҳбарларини шакллантиришдаги иштироки билан боғлиқ ваколатлар берилиши уни мустақил палата сифатидаги мавқенин кўтарди¹.

Икки палатали парламентта доир қонунларда ҳукumat ва унинг органлари устидан парламент назоратини амалга ошириш мақсадларида маҳсус "парламент сўрови"га доир қоидалар киритилди. Мазкур қоида қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижроия ҳокимиятлари ўртасидаги ўзаро муов занатлашув жараёнларини таъминлаб бериши шубҳасизdir. Бу қоида ҳуқуқий давлатнинг муҳим принципларидан бири бўлиб, у фуқаролик жамияти институтларининг мустақиллигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Шунингдек,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 17—18-бетлар.

бу иккала ҳокимият ўртасидаги муносабатлар ва мувоза-натлар, ўз навбатида, кейинчалик суд ҳокимиятининг мустақиллиги учун шарт-шароитлар яратиб беради. Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларининг ижроия ҳокимияти ва унинг органларидаги мансабдор шахсларига нисбатан парламент сўрови билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланди. Бошқача айтганда, қонунлардаги бу демократик тамоийл ҳокимиятларни бир-бирларини "ушлаб туриш" функцияларини тўлиқ бажарилишининг ҳуқуқий асоси ҳамdir.

Икки палатали парламентда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар ҳам иљор халқaro тажрибалардан келиб чиқиб белгиланди: Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпогистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Баш прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади¹.

Конституцияга биноан, Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп partiyийlik асосида сайдана-диган 120 депутатдан иборат бўлиб, мазкур палата депутатларини мамлакат фуқаролари ялпи, тенг ва тўғридан-тўғри сайдаш ҳуқуқига мувофиқ, яширин овоз бериш йўли билан сайдайдилар. Сенатнинг 100 аъзо(сенатор)дан таркиб топган ҳудудий вакиллик палатаси бўлишилиги қонунда белгилаб кўйилди. Сенат аъзолари тенг миқдорда — 6 кишидан — Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайданади. Улар Қорақалпогистон Республикаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида, мазкур депутатлар орасидан, яширин овоз бериш йўли билан ҳаммаси

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 14—15-бетлар.

бўлиб, 84 та сенатор сайданади. Шунингдек, 16 сенатор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқарни соҳасида, давлат ва жамиятнинг бошқа жабхаларида алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли, катта амалий тажрибага эга фуқаролардан тайинланади².

Қонунчилик палатасининг иши барча депутатларнинг доимий профессионал фаолиятига асосланади. Улар ўз ваколатлари даврида илмий, педагогик ва ижодий ишдан бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шугулланишлари мумкин эмас. Юқори палата фаолияти сенаторларнинг Сенат ялни мажлислари ва қўмиталари (комиссиялари) йиғилишларига вақти-вақти билан чақириладиган сессиялари, шунингдек, доимий ишлайдиган Сенат раҳбарияти, қўмита ва комиссияларнинг доимий ишлайдиган раҳбарларининг профессионал меҳнати билан амалга ошади.

Шунингдек, қонунлар қабул қилиш жараёнилари ҳам ўзгарди. Парламентда қонун фақат Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланади, сўнгра мамлакат Президенти имзо кўйганидан кейин у ҳуқуқий кучга эга бўлади. Ҳар бир қонун Қонунчилик палатасида, одатда бир неча ўқиш муҳокамасидан кейин қабул қилиниши лозим. Сенат Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунни маъқуллаши ёки қайтариши мумкин. Қайтарилган қонун Қонунчилик палатасига қайта кўриб чиқиш учун тақдим этилади ва у Қонунчилик палатасида иккинчи марта депутатлар учдан икки қисмининг овози билан қайтадан қабул қилинганидагина Олий Мажлис томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади².

Ўзбекистонда профессионал икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ бўлган қонунчилик асослари ва конституциявий ҳуқуқий асослар жаҳондаги ривожланган давлатларнинг парламентчилик тажрибалар ҳамда мустақиллик йилларида шаклланган мамлакатдаги миллий парламентчилик анъаналарига асосланди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 14—15-бетлар.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисинда»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. №9—10 (1329—1330), 2003. 45—48-бетлар.

Парламентнинг умуммиллий палатаси — Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гурухлари томонидан кўрсатилган номзодлари асосида шаклланиси мазкур палатани фуқаролик жамияти билан бевосита алоқадорликда бўлишини таъминлайди. Жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва гурухлар сиёсий партиялар ҳамда сайловчиларнинг ташаббус гурухлари воситасида ўз манфаатларини парламента етказиш имкониятига эга бўлди-лар. Сиёсий партияларнинг бош вазифаларидан бири — давлат билан жамият ўргасидаги воситачилик функцияларини бажарини учун кенг имкониятларга эга бўлди.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадларидан келиб чиқиб, парламент орқали давлат қурилиши ва жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш, сиёсий ва демократик институтларни ривожлангаш мамлакатлар даражасига олиб чиқиш, подавлат тузилмашар фаолиятини фуқаролик жамияти таалаблари асосида йўлга қўйиш, давлат ҳокимияти ваколатларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига ўтказиб бориш соҳаларида ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда.

Ўзбекистонда икки палатали профессионал парламентни шакллантириш ислоҳотлари сиёсий партиялар фаолиятнинг меъёрий-хукуқий цегизларини кенгайтириша ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат"¹ эканлиги тўғрисидаги тамойил сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини кескин оширишга олиб келди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ти Конституциявий Қонунининг 16-моддасидаги "Қонунчилик палатаси Кенгаши таркибига сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари киради"², 17-моддасидаги "Қонунчи-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 14-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ти Қонуни. — Т.: 2002. 9-бет.

лик палатаси қўмиталари раислари, уларнинг ўринbosарлари ва аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гурухга мансублигини ҳамда сайловда қанча сайловчилар овозини олганлигини инобатга олган ҳолда белгиланади"¹, 28-моддасидаги "Фракциялар қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишида иштирок этишга ҳақли"², 23-моддадаги "Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манбаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Депутатлар гурухларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳақли", 24-моддасидаги "Қонунчилик палатасининг камидаги тўқиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гурухини тузиш хукуқига эга"³ каби хукуқий қоидларнинг киритилиши 2004 йил декабрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловларда депутатликка номзодлар кўрсатишда ва парламент фаолиятида сиёсий партияларнинг нуфузини кўтарди ва уларнинг мустақил демократик институт сифатидаги хукуқий мақомини таъминлади.

Шунингдек, ҳалқаро тажрибалар, ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ўзаро мустақиллиги принципларидан келиб чиқиб, парламентнинг ижроия ҳокимиятини назорат қилишини таъминлашга доир хукуқий асослар ҳам шаклланди. Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Реглamenti тўғрисида"ти Қонунининг 31-моддасида кўйидаги қоида белгиланди: "Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни юборади. Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагидаги

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ти Конституциявий Қонуни. — Т.: 2002. 10-бет.

² Ўша жойла. 14-бет.

³ Ўша жойла. 12-бет.

ижросининг боришини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, масъул қўмитанинг хulosаси эшитилади, муҳокама ўтказилади ва тегишли қарор қабул қилинади¹.

Шу билан бирга, парламент томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш ваколатларининг берилиши билан қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш имкониятлари шаклланди. Фуқаролик жамияти ва ҳукуқий давлатнинг ишлари, авторитар тизимнинг барҳам топиши учун ҳар учала ҳокимиятнинг ўзаро бир-бирларини назорат қила олиш қобилиятларига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳукумат фаолияти устидан назорат қилиш мақсадида қонунчиликка маҳсус парламент сўровига доир модда киритилди: "Қонунчилик палатаси, шунингдек, Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқарувি органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунитириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли"².

Мамлакатда икки палатали парламентга доир ҳукуқий асосларнинг ривожлантирилиши натижасида фуқаролик жамиятининг институтлари — нодавлат ташкилотлар ва сиёсий партиялар жамиятдаги индивидлар, ижтимоий гурӯхлар ва қатламлар манфаатларини парламентда қабул қилинадиган қонунларда ифодаланишига эришиш учун зарур шарт-шароитлари шаклланди. Янги парламентнинг қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ва жонли ўзаро ҳамкорлик қилиши учун барча имкониятлар яратилиди.

Мамлакатда амалга оширилган икки палатали парламентни шакллантириш ислоҳотлари натижалари шуни кўрсат-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Реглamenti тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №9—10 (1329—1330), 2003. 57—61-бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Реглamenti тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №9—10 (1329—1330), 2003. 60—61-бетлар.

дики, жамият институтларини қонун чиқариш жараёнларига жалб қилиши қонунларнинг ҳалқчил бўлишига, уларнинг жамиятдаги барқарорлик ва демократик тамойилларни қарор топишига имкониятлар ва шарт-шароитлар яратади. Муҳими, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки янада кенгайиб боради.

Ўзбекистонда амалга оширилётган парламент ислоҳотларида ҳамда ҳалқчил қонунлар қабул қилиш жараёнларида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш ва улар фаолиятини демократик тамойиллар асосида такомилластириш масаласининг нечоёлик аҳамиятни эканлигини Президент И.А. Каримов қўйиладигча ифодалаб берган ёди: "Парламент — бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиядда қандай интилини, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шундай парламент ҳалқининг хоҳини-иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади"¹.

Ҳуоса қилиб айтиш мумкинки, икки палатали парламентнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гурӯҳларнинг турли-туман манфаатларини кенинг ифода этиш салоҳиятига эгалиги бўлса, иккинчи томондан, мазкур парламент қонун ишлаб чиқариш фаолиятининг фуқаролик жамияти институтлари ўз функцияларини бажара олиш қобилиятларини шаклланиши билан боғлиқдир. Чунки, фуқаролик институтлари ижтимоий қатламлар ва гурӯҳларнинг манфаатларини мужассамластириш ва уларни парламентда қабул қилинадиган қонунлар лойиҳаларига киритишта интилишлари натижасидагина ҳақиқий ҳалқчил қонунлар қабул қилинишига эришиш мумкин. Кўриниб турибдики, парламент фаолиятига нисбатан фуқаролик жамияти институтларининг таъсирини кучайтириш "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сарі" тамойилини амалга оширишнинг муҳим ва асосий шартларидан биридир.

¹ И.А. Каримов. Бизнинг боли мақсадимиз — жамиятни демократластириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этинидир // Ўзбек ҳалқи ҳеч қаноғи, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. — Г: Ўзбекистон, 2005. 171-бет.

3.4. Сайловлар тизимини демократлаштириш — фуқаролик жамиятини шакллантириш омили

Жамият аъзолари томонидан давлат ҳокимиятини шакллантириш мақсадида ўтказиладиган сайловлар фақат демократиянинг белгиси бўлишидан ташқари, унинг зарурӣ яшааш шарти ҳамдир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрида қабул қилинган "Инсон ҳукуқларининг умумжоҳон Декларацияси"нинг 21-моддасида демократик тамойиллар асосидаги сайловларнинг инсон ҳукуқи сифатидаги ўрии қўйидагича таътифланади: "Ҳар бир инсон бевосита ёки эркни сайланган вакиллари орқали ўз мамлакати бошқарув ишида қатнашин ҳукуқига эгадир. Ҳалқ иродаси ҳукumat ҳокимиятининг асоси бўлиши керак; бу ирова яширин овоз бериш ёки овоз бериш эркинлигини таъминловчи бошқа шунга тенг аҳамиятга эта бўлган умумий ва тенг сайлов ҳукуқи асосида ифодаланиши лозим"¹.

Сайловлар тизими — ҳукуқий меъёрларда мустаҳкамлаб қўйилган, давлат ва жамият институтлари фаолиятлари тажрибасида шаклланган вакиллик органлари ёки айрим раҳбарлик вакилини сайлашини ўтказиш ва ташкил этишга доир гартиботдир.

Фуқароларнинг сайлов ҳукуқи уларнинг сайловлардаги иштирокини, сайловчилар ва сайланувчи органлар ўргасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳамда кеъинчалик сайловчилар ишончини оқламаган вакилларни чақириб олувчи тартиботларнинг ҳукуқий меъёрлари мажмусидир. Фуқароларнинг сайлов ҳукуқи тушунчаси фуқароларнинг сайловларда иштирок этиш ҳукуқи сифатида тор маънода — сайловчи сифатида (фаол сайлов ҳукуқи) ёки сайланувчи сифатида (пассив сайлов ҳукуқи) ҳам кўйланади.

Демократик сайловлар давлат ва жамиятни ҳамда уларнинг такомиллашган моделларини шакллантириш мақсадидаги тарихий ривожланишининг зиддияти изланишлари натижаси ўлароқ пайдо бўлган институтдир. XX асрга келиб

¹ Инсон ҳукуқларининг умумжоҳон Декларацияси. — Т.: 1998. 30-бет.

давлат ҳокимияти органларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган демократик сайловлар жаҳондаги аксарият мамлакатлар сиёсий ҳаётидаги табиий бир жараёнга айланди. Шу билан бирга ҳар қандай сайловларни демократик қадриятлар қаторига киритиши ҳам қийин масаладир.

Умумэътироф этилган ҳалқаро демократик тамойиллардан бири қўйидагича ифодаланади: "Демократик идора этиш эркин ва адодатли сайловлар давомида муттасил ифодаланиб борадиган ҳалқ иродасига асосланади"². Турли мамлакатларда ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражасини сайлов ҳукуқи тамойилларига мувофиқ равишда, яъни, уларда ўтказилган сайлов тизимини ифода этувчи сайловларни таснифлаш асосида белгилаш мумкин. Сайловларга доир қўйидаги бир-бирига қарама-қарши бўлинган жуғрилик асосида қабуя қилинган тушунчалар у ёки бу мамлакатнинг демократик ривожланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Унга мувофиқ сайловлар қўйидагича ўтказилиши мумкин: умумий — чегараланган (цензли); тенг — потенг; тўғри -- билвосита; яширин — очиқ овоз бериш. Бу сайловлар таснифланган ҳар бир жуғриликнинг чар томонидаги тушунчаларга амал қилинган мамлакатларда демократик қадриятлар асосидаги сайловлар ўтказилиши.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш демократик сайловлар воситасида рўй беради. Авторитаризмдан демократияга ўтиш муддати эса бир неча ўн йиллар, авъюллар алмашинуви ва қатор демократик сайловлар ўтказилиши билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам ҳар мамлакатда ўтказилган ҳақиқий демократик сайловлар ҳукуқий давлат қуришнинг машаққатли йўлидаги кичик, лекин шу билан бирга, энг зарурӣ бўлган муҳим қадамдир².

Ривожланган мамлакатларда сайловлар ўзаро сиёсий муҳолифатдошлика асосланади. Демократик сайловларни ўтказилади.

¹ Парижская хартия для новой Европы. 21 ноября 1990 г. // Объединительства ОБСЕ в области человеческого измерения. Справочное пособие. — Варшава: БДИПЧ ОБСЕ, 2001. 258-бет.

² Общая и прикладная политология: Учебное пособие. / Под общим редактором В.И. Жукова, Б.И. Краснова, — М.: МГСУ: Союз, 1997. 254—256-бетлар.

зишда ҳокимиятга даъвогарлик қилаётган турли сиёсий кучлар ўзаро бир-бирига ишонч билдирган ҳолда бошқарув ҳокимиятини эркин демократик сайловлар воситасида шакллантиришнинг анъанавий қоидаларини ҳурмат қиладилар. Ривожланган мамлакатлардаги сайловчилар ва депутатликка номзодлар хулқи автоном ва рационал-мақсадлилк характерига эгадир. Бу мамлакатларда сайловлар сиёсий элитани шакллантиришнинг реал механизми сифатида намоён бўлади. Бунда сайловлар аҳолига расмий сиёсат йўналишларига таъсир этиш учун имкониятлар яратади, уларни ўзининг манфаатларига монандлаштира олади¹.

Овоз бериш якунлари бўйича сайловлар натижаларини аниқлаш асосан иккита катта сайлов тизими асосида кечади: мажоритар ва пропорционал тизимлар. Мажоритар тизимда номзод ёки номзодлар рўйхати қонунда белгилангандек, энг кўп овоз олгандагина у ёки бу сайланадиган вакиллик органига сайланган, деб ҳисобланиши билан тавсифланади. Кўпчилик овоз олиши ҳам ҳар хил бўлади. Мутлақ кўпчиликни ($50\% + 1$ овоз) талаб этувчи сайлов тизимлари ҳам учрайди. Мажоритар тизимдаги сайловларда муайян кўпчиликнинг ўз рақибларига нисбатан кўпроқ овоз олиши улар номзодининг ғалаба қилганлигини билдиради.

Сайловнинг пропорционал тизимида берилган овозларнинг миқдоридан келиб чиқиб, барча мандатларнинг анашу берилган овозлар ўртасида аниқ пропорционал тақсимланиши рўй беради. Бу тизим ҳозирги замонда анча кенг тарқалган².

Мажоритар ва пропорционал тизимлар ўзининг ютуқ ва камчиликларига ҳам эгадир. Мажоритар тизимнинг ижобий хусусиятлари шундаки, унда самарали фаолият юритувчи ва барқарор ҳукumatни шакллантириш имконияти борлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, уйирик ва яхши ташкиллаштирилган сиёсий партиялар учун сайловларни муваффақиятли ўтказиш имкониятларини яратади.

¹ Ўна жойда. 257—258-бетлар.

² Демократик сайловлар: ҳалқаро тамойиллар ва миллӣ ўзлик. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2000, №1—2, 44—48-бетлар.

Мажоритар тизимнинг асосий камчиликлари куйидагилардир: мамлакатдаги сайловчиларнинг кўпчилик қисми (баъзан 50 %га яқини) ҳокимият органларида ўз вакилларига эга бўлмай қоладилар; сайловларда ўз рақибига нисбатан кам овоз олган партия парламентда кўпчилик депутатлик ўринларга эга бўлиши мумкин.

Пропорционал тизимнинг устун томонлари тўғрисида куйидагиларни келтириш мумкин: унинг ёрдамида жамият сиёсий ҳаётидаги сиёсий кучлар жойлашишининг реал ва аниқ манзараларини кўриш мумкин. У фикрлар хизмат-хиллиги ва кўп partiyaийlikning rivojlaniшини, шунингдек, давлат билан фуқаролар ўртасидаги узвий алоқадорликни таъминлаб беради.

Пропорционал тизимнинг асосий камчиликлари эса куйидагилардир: ҳукumatни шакллантиришда мураккабликлар юзага келади (сабаби: бирон-бир устунлик қиласидан партиянинг йўқлиги, ҳар хил мақсад ва муддаодардаги партияларнинг кўп partiyaийlik асосидаги коалициясини тузишига мажбур бўлиш, бу эса ҳукumat бекарорлитини келтириб чиқариши); овозларнинг аниқ номзодларга эмас, балки, партияларга берилиши, партиялар билан депутатлар ўртасидаги алоқанинг сустлиги; депутатларнинг ўз партияларига анча боғлиқ бўлиб қолишилари¹.

XX асрнинг иккичи ярмига келиб сайлов тизими ўз тараққиёти ва ривожланиши йўлида катта жараёнларни босиб ўтиб, бой тажрибалар тўплади. Мажоритар ва пропорционал тизимларнинг яхши томонлари бир-бири билан уйгунлаша бошлади. Аралаш тизим доирасида маълум бир қисм депутатлик мандатлари мажоритар тамойиллар асосида тақсимланиши, қолган қисм мандатлар эса пропорционал тизим асосида тақсимланиши русумга кирди. Сайлов тизими демократлаштириш ва такомиллаштиришда шу аралаш сайлов тизими сиёсий барқарорликка эришиш йўлидаги энг самарали йўл эканлигини ривожланган мамлакатлар тажрибалари исбоглаб бермоқда.

¹ Қаранг: Сайдов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистан. Вопросы реформы законодательства и зарубежный опыт. — Т.: Узбекистон, 1993. 9 -11-бетлар.

Демократик сайловларнинг вакиллик механизми сифатида амал қилишини бетакрор қадриягта айлантирган, умумъ эътироф ўтган қатор тамойиллар мавжуд. Бу тамойиллар сайлов қонунчилигига ўз ифодасини топади ва улар муҳим инсон ҳукуқларидан бири бўлган — сайлаш ҳукуқи ёки овоз бериш ҳукуқини таъминлайди.

Парламент демократиясига асосланган конституцион мамлакатларда, аввало, вакиллик органларининг сайланиш тамойили ва уларни шакллантиришдаги халқнинг ҳеч бир бўлинимас ҳукуқи ҳар томонлама мустаҳкамланади. Бу мамлакатлар конституцияларида, одатла сайловларнинг умумийлиги принципи мазмуни очиб берилади. Умумийлик тамойили барча аҳолининг сайловчи сифатидаги иштироки унини фаол ҳукуқини ифодаласа, аҳоли вакилларининг ҳокимият органларига сайланиш учун сайловларда номзод сифатидаги иштироки нассив сайлов ҳукуқини англаади¹.

Хозирги давр демократик сайловлар тамойилларидан бири — тенг сайлов ҳукуқи ҳисобланади. Унинг амалдаги ифодаси шундан иборатки, қонун чиқарувчи органга сайланган ҳар бир деңгутат бошқа депутатларга нисбатан деярли тенг миқдордаги фуқаролар вакили ҳисобланади. Шунингдек, ҳар бир сайловчи умумий сайлов қарорларига бир хилда таъсир этиш ларажаларига эга бўлади.

Демократик сайловларнинг мезонијаридан яна бири — сайловларни тўғридан-тўғри ўқазиш тамойили ҳисобланади. Парламент демократияси ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигига сайловчилар тўғридан-тўғри (делегатлар ёки вакиллар воситасиз) президент, парламент ва бошқа сиёсий ҳокимият органларини сайлайдилар².

Вакиллик органларига сайланашётган номзодлар ўртасидаги мусобақадошлик ёки ўзаро рақобатдошлик ҳам демократик сайловларнинг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Яъни, у сайловларда турли хил ижтимоий гурухлар

¹ Руководство БДИПЧ по наблюдению за выборами. — БДИПЧ ОБСЕ, 1990. 7—8-бетлар.

² Избирательное право и принципы его реализации. // Россия: партии, выборы, власть. Под ред. Краснова Б.И. — М., 1996. 18—23-бетлар.

ёки қатламлар манфаатларини ифодаловчи турли партиялар номзодларининг иштирок этишини англаади¹.

Барча демократик мамлакатлар томонидан тан олинган тамойиллардан яна бири, бу — сайловларда яширин овоз бериш ҳисобланади. Сайловларда яширин овоз бериш нагижасида сайловчига ташқаридан тазиқ ёки таъсир ўқазишнинг олди олиниади, ҳар бир сайловчининг эркин бўлиши, ўз хоҳиши-ихтиёрини амалга ошириши учун имкониятлар яратилади.

Шунингдек, сайловлар устидан халқ назоратини амалга ошириш ҳам демократик тамойиллар сирасига киради. Шу билан бирга, сайловлар кампанияларида миляй ва хорижий кузатувчиларнинг кўироқ иштирок этиши ва уларнинг холис эътирофи сайлов ўқазышётган давлатнинг обрӯзгиборини оширади.

Сайловларнинг эркинлиги ва уларда фуқароларнинг иштирок этишиларининг ихтиёрийлиги ҳам сайловлар ўқазишнинг демократик тамойилларида бири ҳисобланади. Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, ҳеч ким фуқаронинг сайловда эркин ҳолда ўз хоҳишини билдиришига ёки сайловуда иштирок этиши, ёки отмаслигига таъсир ўқказга олмайди.

Демократик сайловларнинг яна бир муҳим тамойили — номзодларнинг сайловояди кураши учун тенг имкониятлар яратишdir. Бутамойил номзодлардаги турли моддий ёки сиёсий имкониятларнинг нотенг бўлишини ҳамда уларнинг бальзиларига устунликлар ёки имтиёзлар яратилишининг олдини олади ва барча номзодлар учун тенг имкониятлар яратади.

Шунингдек, яна бир тамойил — сайловлар ўқазиш кунини бошқа муддатларга кўчириш ёки уни бекор қилишга йўл кўймаслик мақсадидаги сайловлар муддатини чеклаш тамойили ҳисобланади. Чунки, сайловларни ўқазиш муддати айрим сиёсий кучлар хоҳишига боғлиқ бўлса, сайловлар ўз қадр-қимматини йўқотиши турган гап. Сайловларнинг аниқ бир муддатларда ўқазилиши сайловчиларнинг ўз манфаатлари асосида ҳокимият органларини янгилаб қа саралаб туришига кенг имкониятлар яратиб беради².

¹ Общая и прикладная политология: Учебное пособие. // Под общ. ред. В.И. Жукова, Б.И. Краснова. — М.: МГСУ: Союз, 1997. 261—266-бетлар.

Демократик сайловлар тамойиллари ва бу соҳада шаклланган қадриятларни таҳлил этиш натижасида фуқаролик жамиятининг муҳим жиҳатларидан бири бўлган — фуқароларнинг сиёсий жараёйлардаги иштирокининг нечоғлик аҳамият касб этишига доир хуносалар шаклланади. БМТнинг "Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси"да ифодаланган "халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши керак", деган демократик қоидага асосан, сайловлар воситасида жамият аъзоларининг ҳоҳиш-истакларига мувофиқ сиёсий ҳокимиятининг шаклланиши рўй беради. Ана шу қоидани амалиётда қўллаш натижасидагина фуқаролик жамиятининг ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилишлари учун шарт-шароитлар яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган сайловлар ўтказишнинг демократик тамойиллари ҳам фуқаролик жамияти яшовчалигити таъминлай олиш қобилиягини ўзида ифодалайди. Айниқса, у мамлакатда демократик сайлов тизимининг шаклланиши учун қулай ҳукуқий шарт-шароитлар яратиб бериши билан ажralиб туради. Мамлакатда шаклланган сайлов тизимига доир ҳукуқий асослар парламент, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларини шакллантириш тамойиллари ва фуқароларнинг сайловларда қатнашиш ҳукуқини, мамлакатда халқ ҳокимиятини амалга ошириш ва давлатнинг умуминсоний мағфаатлар тамойиллари асосида ташкил этишининг муҳим демократик пойдеворидир.

Республикада сайлов тизимининг ҳукуқий асослари парламент ва бошқа вакильлик органларига сайловларда жамоатчилик фикрини ҳар томонлама аниқлаш, номзодларнинг шахсий фазилатларини билиш, сайловчиларнинг фақатгина овоз беришгина эмас, балки уларнинг сайлов кампаниясида бевосита иштирок этиши учун ҳам демократик муҳит яратишига йўналтирилганadir.

Ўзбекистонда шаклланган демократик сайловларнинг муҳим демократик тамойилларидан бири шуки, мамлакат Президенти муқобиллик асосида, бевосита сайловчилар томонидан сайланади. Шунингдек, Олий Мажлиснинг кўйи палатаси — Қонунчилик палатаси депутатлари бевосита сайловчилар томонидан сайланнишни анҷаҳатга айланади. Шунинг-

дек. Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари ҳам тўғридан-тўғри халқ томонидан сайланади.

Ўзбекистонда сайловлар халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш заруриятидан келиб чиқиб, унда халқ томонидан давлат ҳокимиятини шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат этишини халқчилик асосида амалга ошириш мақсадлари мужассамлашган. Шунингдек, сайловлар даврида "халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир"¹, деган демократик тамойилни амалга ошириш имкониятлари тунилади.

Фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироклари сайловлар даврида аниқ ва равшан намоён бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида "бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади"², дейилади. Мазкур конституциявий қоидадаги "давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш" сўзининг асл маъноси давлат органлари халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланисини ашлатади.

Ўзбекистонда сайловлардаги тенглик ҳукуқи тамойили Конституциянинг 117-моддасида куйидагича мустаҳкамланган: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакильлик органларига сайлаш ва сайланниш ҳукуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳукуқи, ўз ҳоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. ...Сайловлар умумий, тент ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади"³.

Ўзбекистонда сайловларнинг ҳукуқий асослари ривожланган мамлакатларда кенг ёйилган демократик тамойиллар асосида шаклланди. 2003 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекис-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 4-бет.

² Ўша жойда. 8-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 31–32-бетлар.

тон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Конунинг янги таҳрири қабул қилиниши натижасида унга демократик қадриятларга хос бўлган янги тўлдиришлар ва ўзгартишилар киритилди. 1994 йил 5 майда парламент томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Конуни қабул қилинди. Шунингдек, 2003 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Конунига (1994 йил 5 май) ҳам ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритилди. Мазкур қонуилар демократик сайловларни амалга оширишнинг демократик тамойиллари асоси сифатида кагта синовлардан ўтди.

Ўзбекистонда Сенатни шакллантиришда маҳаллий вакиллик органларига Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиши ваколатлари берилиши — ҳудудий манфаатларнинг қонуиларда ифодаланиши учун шарт-шароитлар яратди. Шу билан бирга, маҳаллий ҳалқ депутатларининг Сенат аъзоларини сайланашда бевосита иштирок этиши вакиллик демократиясининг шаклланишига, шунингдек, уларнинг умуммиллий давлат бошқаруви фаолиятларида бевосита иштирок этишлари учун ҳуқуқий имкониятлар ҳам яратди.

Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Конунига биноан ҳалқ депутатлари Кенгашларига "сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган"¹ фуқаролар сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Олий Мажлис умумдавлат аҳамиятига эга олий қарорлар қабул қилувчи орган бўлгани учун ҳам Конституцияда (77-модда) унинг ҳар иккала палатаси — Конунчилик палатасига депутат ва Сенатга аъзо бўлиб сайланиш ҳуқуқини 25 ёшга тўлган фуқароларга берилиши мустаҳкамланди².

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (ўзгартиришлар билан) Конуни. // Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонуилар тўллами. — Т.: ТДЮИ, 2004. 38-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 15-бет.

Ўзбекистон сайлов тизимидағи тенг сайлов ҳуқуқи қўйидагиларни англатади: "Ҳар бир фуқаро бир овозга эга. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар"¹.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилишини англатади: беистисно барча Кенгашларнинг депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар².

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги (янги таҳрири) Конунинг 5-моддасида сайловларда яширин овоз бериш қоидаси қўйидагича ифодаланган: "Конунчилик палатаси депутатлари сайловида ёркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиши-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди"³. Ўзбекистонда бошқа қуий вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги қонуиларда ҳам яширин овоз бериш тамойили мустаҳкамланди.

Миллий мустақилик йилларида маҳаллий вакиллик органларига сайловларга доир ҳуқуқий асослар ҳам такомиллаши. Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Конунинг (1994 й. 5 май) 1-моддасида Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг асосий тамойиллари демократик қадриятлар талаблари даражасида белгилаб қўйилди: "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатта ўтказилади. Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) Конуни. // Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонуилар тўллами. — Т.: ТДЮИ, 2004. 6-бет.

² Ўша жойда. 6-бет.

³ Ўша жойда. 6-бет.

тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар"!

Демак, Ўзбекистонда вакиллик органларига сайловларнинг ҳуқуқий асослари ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти талаблари даражасида ифодаланди. Вакиллик органлари депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши бу органларнинг қуидаги демократик қадриятлар асосида фаолият кўрсатишга шарт-шароитлар ва имкониятлар яратади:

— уларнинг нисбатан мустақил қарорлар қабул қилишлари ва маҳаллий ижроия ҳокимияти фаолиятини холисона баҳолашлари;

— жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва гурухлар манфаатлари ҳамда сиёсий иродаарини вакиллик органларига "ташиб", улар қарорларида ифодалаш;

— вакиллик органларидаги турли партиявий фракциялар ўргасидаги мулоқотлар, баҳс ва мунозаралар асосида оптимал қарорлар қабул қилиш;

— сайловчиларнинг номзодлар орасидан ўзларига муносибларини ташлаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш;

— ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этган, сайловчилар "танлови"дан ўтган, тажрибали ва ҳалқчил номзодларни депутат бўлиб сайланишларига имконият яратиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунларга киритилган ўзgartирishlar ва тўлдиришлар, "Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши билан маҳаллий вакиллик органларини сайлаш жараёнларини демократик принциплар асосида ташкил этиш шарт-шароитлари шаклланди. Маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратиуди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (ўзgartирishlar билан) Конуни. // Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунлар тўплами. — Т.: ТДЮИ, 2004. 38-бет.

Шу билан бирга, фуқароларнинг бевосита ташаббускор гурухлари воситасида маҳаллий органлар депутатлигига номзод кўрсата олиш ҳуқуқи ҳам кафолатланди. Мамлакатда амалга оширилаётган сайловларга доир қонунчиликни тақомиллаштириш жараёнлари фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролар эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш билан узвий боғлиқликдаги ўзгаришлардир. Маҳаллий вакиллик органларини сайлаш кампанияларида сиёсий партиялар, жамоат ва подавлат ташкилотлар, фуқаролар фаолигини ошириш, бу жараёнларнинг демократик қадриятлар асосида кечишини таъминлаш учун сайлов тизимини фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан ўйғунаштира олиш қобилиятига эга бўлган ҳуқуқий асосларни ривожлантирилиши билан мамлакатда фуқаролик институтлари ҳам фаоллашиб борди.

Ўзбекистон парламентига демократик тамойиллар асосидаги сайловлар илк бор 1994 йил 25 декабрда ўтказилди. Мустақиллик даврида Олий Мажлисга ўтказилган биринчи сайлов мамлакатда тобора тараққий топаёттан демократик жараёнларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Кўнпартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтган сайловларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан қадрланди¹.

1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган демократик қадриятлар асосидаги сайловга тайёргарлик кўришга доир ташкилий-оммавий ишлар натижасида мамлакатда 250 та ҳудудий сайлов округлари тузилди, 7723 та сайлов участкаси ташкил этилди. Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибида 100 мингдан зиёд масъул фаоллар фаолият кўрсатдилар. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган 12,5 миллиондан ортиқ фуқароларнинг рўйхати тузилди.

Олий Мажлис депутатлигига 1200 дан ортиқ номзодлар кўрсатилиб, ҳар бир ўрин учун ўртача 5—7 тадан номзодлар ўзаро рақобатлашидилар. Ҳар бир округда тўртта сиёсий партия ва ҳокимият вакиллик органлари фақат биттадан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган бўлсалар, оддий ҳалқнинг саъй-ҳаракатлари билан вужудга келган сайловчилар ташаббускор

¹ Қаранг: Файзиев М. Сайлов тизими. // Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедия. — Ўзбекистон, 1997. 196—197-бетлар.

гурухлари бир округда бир нечтадан номзодлар кўрсатиш имконига эга бўлдилар. Зоро, айрим жойларда икки-уч ташаббускорлар гурухлари фаолият кўрсатди. Сайловда иштирок этиш хукуқига эга бўлган фуқароларнинг 95 фоиздан ортиқроғи овоз беришда иштирок этдилар. Сайлов кампанияси жараёнларида 250 та Олий Мажлис депутатлари сайланди.

Сайлов жараёнлари натижаларига биноан (2000 январдаги ҳолат) Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 48 та, "Ватан тараққиёти" партиясидан 20 та, "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 10 та, "Адолат" социал-демократик партиясидан 11 та, "Фидокорлар" миллий-демократик партиясидан 34 та, сайловчилар ташаббускор гурухларидан 16 та, ҳокимият вакиллик органларидан 110 та депутатлар сайландилар. Уларнинг 18 таси аёллардан иборат бўлди.

Шунингдек, 1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ҳам демократик тамойиллар асосида ўтказилди. Бу сайловларда 5 та сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гурухларидан депутатликка номзодлар кўрсатилишининг қонуний асослари ўрнатилиб, унда турли хил ижтимоий қатлам ва гурухлар ўз вакилларининг депутат бўлиб сайланышлари учун курашдилар¹.

1999 йил 5 ва 19 декабря ўтказилган икки тур бўйича овоз бериш натижаларига кўра, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига — 661, туман Кенгашларига — 4564, шаҳар Кенгашларига — 831 депутат сайланди. Маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлардан 61 нафари — "Адолат" социал-демократик партияси, 85 нафари — "Ватан тараққиёти" партияси, 20 нафари — "Миллий тикланиш" демократик партияси, 509 нафари — "Фидокорлар" миллий демократик партияси, 1997 нафари эса Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларидан иборат бўлди. 360 нафар депутат — вакиллик органлари, 2943 нафари — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 81 нафари — сайловчиларнинг ташаббускор гурухлари вакилларини ташкил этди².

¹ Сайловлар: хорижий тажриба ва амалиёт. — Миллий тикланиш, 2003, 27 май.

² Вакиллик органларига сайловлар. — Ўзбекистон овози. 2004, 28 окт.

2000 йил 9 январда мамлакатимизда ўтказилган Президентлик сайлови ҳам демократик тамойиллар — кўпартиявийлик ва муқобилик асосида ўтказилди. Номзодларнинг сайлововоди ташвиқотлари ошкоралик ва тенгхуқуқлилик асосида олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг юксак даражада ўтиши учун барур шарт-шароитлар яратилди.

Ўтказилган Президентлик сайлови натижалари кўйида-гича бўлди: сайловда 12746.903 сайлов хукуқига эга фуқаролардан 12123.199 та сайловчилар иштирок этдилар. "Фидокорлар" миллий демократик партияси номзоди Ислом Абдуганиевич Каримов учун 11147.621 сайловчи, яъни сайловчиларнинг 91,90 фоизи овоз бердилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзоди Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов учун 505.161 сайловчи, яъни сайловчиларнинг 4,17 фоизи овоз берди. Марказий сайлов комиссияси 2000 йил 11 январда ўтказган навбатдаги мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ, Ислом Абдуганиевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисидаги қарорини қабул қиласди¹.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланишига уйғун равишда фуқароларнинг сиёсий ва хукуқий маданияти ҳам юксалиб борди. Айниқса, мустақиллик йилларида фуқароларнинг сайловлардаги иштирокининг фаоллиги, уларнинг сайловларга нисбатан муносабатларининг ўзгариб бориши, халқнинг демократик қадриятларни ўз турмуш тарзига сингдириб бориши аниқ сезилди.

2004 йилги парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар арафасида — шу йилнинг 20—27 июнясида Ўзбекистон "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда мамлакат аҳолисининг демократик сайловлардаги фаолликлари яққол ифодаланди. Социологик тадқиқотларда "Сизнинг фикрингизча, Олий Мажлисни ислоҳ этишдан асосий мақсад нимадан иборат?" деган саволга респондентларнинг 44,8 фоизи "Қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини

¹ Демократик сайловлар. — Адолат, 2003, 24 окт.

ошириш", 27,5 фоизи "Жамият ҳәтигининг барча соҳалари учун ҳуқуқий асослар яратиш учун зарур бўлган қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш", 16 фоизи эса "Қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун тасирчан назоратни амалга ошириш", деган жавобларни берганлар.

Шунингдек, респондентларнинг берган жавоблари сиёсий партияларнинг ҳали ҳалқ ўртасида яхши обрўга эга эмаслигини кўрсатди: "Агар эртага Олий Мажлисга сайловлар бўлса, Сиз қайси сиёсий партияга ўз овозингизни берган бўлар эдингиз?" деган саволга 54,8 % респондентлар "Жавоб беришим қийин", 22,6 % сўралганлар "Ўзбекистон Ҳалқ демократик партиясига" деган жавобларни бердилар. Бошқа тўртта партия ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига овоз беришини хоҳлаган респондентларнинг сони эса 3,2—5,0 % атрофидада бўлди.

"Олий Мажлис депутатлигига номзодлар учун ўз овозингизни беришингизда уларнинг қўйидаги сифатларидан қайсилари Сиз учун муҳим аҳамият касб этади?" деган саволга 40,8 % респондентлар "У ўз мамлакатининг ватаннавари, ҳәётни тушунган, доно ва ақли бўлиши лозим", 38,6 фоиз сўралганлар эса "Қонунчилик, ҳуқуқ ва давлат бошқаруви соҳасида билимларга эга ва профессионал бўлиши керак" деган жавобларни бердилар.

Социологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдик, сўралганларнинг 80 фоизи бўлажак сайловларда иштирок этиш истагини билдирганлар. Аксарият респондентларнинг парламент ва маҳаллий вакиллик органлари сайловлари моҳиятини чуқур англаганлилари маълум бўлди¹.

2004 йил 26 декабрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловлар жараёнлари Конституция ва қонунлар таблари даражасида ўтказилди. Мазкур Қонунга киритилган янгиликлар — вилоят, туман ва шаҳар ҳалқ депутатлари Кенгашларининг парламент қуви палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқининг қонундан чиқарилиши, сиёсий партиялар депутатликка номзодлари рўйха-

¹ Электорат Узбекистана в предверии выборов в двухпалатный парламент (социологический анализ). — Т.: УЗЦИОМ, 2004. 11, 15, 17-бетлар.

тида хоғин-қизларнинг камида 30 фоиз бўлиши шарт этиб қўйилиши, шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштиришга донир маҳсус қонуннинг қабул қилиниши сайловларнинг демократик мазмунини бойитди.

Сайловда Парламент Қонунчилик палатасидаги 120 та депутатлик ўринларига 489 номзод кўрсатилди. Жумладан, сиёсий партиялардан — 435 номзод ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан — 54 номзод сайловларда депутатлик ўринлари учун курашдилар. Сайловда 12197159 (барча сайловчиларнинг 85,1 фоизи) сайловчилар қатнашиди.

Ўтказилган сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қонунчилик палатасидаги 41 ўринни (34,2 %) эгаллади. Ўзбекистон Ҳалқ демократик партиясидан 28 та депутат (23,3 %) сайланди. Шунингдек, "Фидоркорлар" миллий демократик партиясининг 18 та номзоди (15,0 %), "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 11 та номзоди (9,2 %), "Адолат" социал-демократик партиясининг 10 та номзоди (8,3 %) Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди¹.

Сайлов округларининг деярли 77 фоизида бир депутатлик мандати учун 4—6 та номзодлар ўзаро кураш олиб борди. Жумладан, 55 та сайлов округида бир депутатлик мандати учун 4 тадаи, 32 та сайлов округида 5 тадаи, 5 та сайлов округида 6 тадаи номзодлар депутатлик ўринлари учун курашдилар. Сайлов кампаниясидаги ўзаро баҳс-мунозаралар, шунингдек, овоз бериш натижалари шуни кўрсатдик, сайловчилар кўпроқ сайловолди дастурлари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга қаратилган, демократик ислоҳотлар тарафдори бўлган номзодлар учун хайриҳоҳ бўлдилар. Бу сайловда оддинги парламентнинг фақат 18 та собиқ депутати Қонунчилик палатаси депутати этиб сайландилар.

Сайловда сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳларнинг 32 мингдан ортиқ кузатувчилари сайлов кампаниясида фаол иштирок этилилар. Уларнинг сайлов қонунчилигига қатъий амал қилишини таъминлашдаги ҳиссаси катта бўлди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси, №1-2 (11-1), 2005. 92—97, 107—113-бетлар.

Сайлов қонунчилигига янги киритилган — сиёсий партияларнинг депутатликка номзодларининг камидаги 30 фоизи хотин-қизлар бўлишини шарт қилиб қўйилганини ўзининг ижобий натижасини берди. Қонунчилик палатасига 159 та хотин-қизларнинг номзодлари қўйилиб, улар ўзларидағи кучли фаолликни намойиш этдилар. 21 та аёл (17,5 %) Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланди.

Сайловда ташаббускор гуруҳлар номзодларининг кенг иштирок этиши Ўзбекистонда партиясиз номзодлар ҳам парламентга депутат бўлиб сайланишлари учун ҳуқуқий жиҳатлардан кафолатланинглигини кўрсатди. Фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан бевосита кўрсатилган мустакил номзодларнинг аксарият қисми сиёсий партиялар номзодлари билан бўлган кучли рақобатларда ютиб чиқишига эришдилар. Сайловчилар ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 54 номзоддан 12 таси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланди.

Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар таркиби профессионал депутатлар ҳисобига анча бойиди. Сайланган номзодларнинг 18,3 фоизи ҳуқуқшунос, 21,7 фоизи иктисадчи мутахассислигини эгаллаган депутатлардан иборат бўлди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси таркиби жамиятдаги турлича ижтимоий қатламларининг вакилларини ташкил этди. Депутатларнинг 10 фоизи саноат, курилиш, транспорт ва алоқа соҳаси, 7,5 фоизи қишлоқ хўжалиги, 12,5 фоизи тадбиркорлар, 20 фоизи таълим, фан, маданият ва соғлиқни саклаш соҳаси вакиллари ташкил этди. Сайланган депутатларнинг 16 фоизи эса нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат бўлди¹.

2004 йил 26 декабрдаги, шунингдек, 2005 йил 9 январдаги такрорий сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси 120 депутатдан иборат таркибда сайланди².

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. №1-2 (11-1), 2005, 92-97, 107-113-бетлар.

² Мустафоев Б. Ўзбекистон парламенти сайлови якунлари. // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. №1-2 (11-1), 2005, 33-34-бетлар.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 58-моддасига мувофиқ 2005 йил 17-20 январда Олий Мажлис Сенатига вакиллик органлари — Коракалпогистон Жўқори Конгреси, вилоят, туман ва шаҳар ҳалқ депутатлари иштирокида яширин овоз бериш йўли билан сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловлар кампаниясида маҳаллий депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари — 84 та сенаторлар сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Олий Мажлис Сенатининг 16 та аъзоси тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар очиқ ва ошкоралик руҳиги остида ўтди. Сайловлар кампанияси жараёнлари 493 та маҳаллий, 107 та хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритилди. Шунингдек, сайловлар жараёнларида 40 та мамлакатдан 228 хорижий кузатувчилар иштирок этдилар¹.

Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилган номзодларнинг ўз дастурларини ташвиқот қилишлари, сайловчилар билан учрашувлари учун тенг имкониятлар яратилди, уларнинг оммавий ахборот воситаларида фойдаланишлари учун ҳам тенг ҳуқуқлар берилди.

Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, округ ва участка сайлов комиссиялари сайловларнинг ошкоралик ва очиқлик шароитларида ўtkазишга муҳим аҳамият бердилар. Интернетнинг ҳалқаро тармолигида Марказий сайлов комиссиясининг маҳсус вебсайти очилиб, у муттасил равишда янгилиниб борилди. Бу сайтда сайловларга доир янгиликлар ўз вақтида бериб борилди. Нагижада журналистлар ҳамда сайловларнинг бориши билан қизиқсан барча жамоатчилик вакилларининг ахборотлардан фойдаланишлари учун кулай шарт-шароитлар яратилди².

¹ Мустафоев Б. Ўзбекистон парламенти сайлови якунлари. // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. №1-2 (11-1), 2005, 33-34-бетлар.

² Нурматов И. Парламент сайловинин очиқниги ва ошкоралиги. // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. №1-2 (11-1), 2005, 38-39-бетлар.

Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2004 йил 26 декабрдаги, шунингдек, 2005 йил 9 январдаги тақорий сайловлар ҳам демократик тағомайлар асосида ўтказилди. Сайловларда 5 та сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гурухларидан депутатликка номзодлар кўрсатилиб, унда турли хил партиялар ва ташаббускор гурухлар ўз номзодларини депутат бўлиб сайланишлари учун курашдилар¹.

Ўтказилган икки тур бўйича овоз бериш натижаларига кўра, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига — 661, туман Кенгашларига — 4564, шаҳар Кенгашларига — 831, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Конгресига ҳаммаси бўлиб 6114 та депутат сайланди. Маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлардан 172 нафари (2,8 %) — "Адолат" социал-демократик партияси, 1909 нафари (31,3 %) — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, 137 нафари (2,2 %) — "Миллий тикланиш" демократик партияси, 581 нафари (9,5 %) — "Филокорлар" миллий демократик партияси, 2525 нафари (41,4 %) — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, 736 нафари (11,9 %) — ўзини ўзи бошқариш организари, 54 нафари (0,9 %) — сайловчиларининг ташаббускор гурухлари вакилларидан иборат бўлди. Сайловларни барча депутатларининг 923 нафари (15,1 %) хотин-қизларнинг вакилларини ташкил этди².

Ўзбекистонда мустақиллик даврида ўтказилган сайловлар натижалариниң таҳдили шуни кўрсатдикни, мамлакатда демократик қадриятларни миллий анъаналар билан уйгунаштириш асосидаги ислоҳотлар тобора чукурлашиб бормоқда. Мамлакатдан сайловларга доир қонунчилик асосларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сонининг 120 тадан 150 тага оширилиши, жумладан, Ўзбекистон экология ҳаракатига ўзининг 15 та вакилини Қонунчилик палатаси таркибига депутат қилиб киритиш ҳуқуқининг

¹ Сайловар: хорижий таҳриба ва амалиёт. — Миллий тикланиш, 2003, 27 май.

² Ўзбекистон Республикаси Сенатининг жорий архиви. Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Конгреси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов натижалари тўғрисида маълумотнома. 2005 й. 10 февраль, 1-бет.

берилиши, 2009 йил 27 декабрдаги сайловда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини фақат 4 та сиёсий партияларга берилиши (бу сайловда ташаббускорлар гурухларидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини бекор қилиниши) Қонунчилик палатасининг янги таркибини янада сифатли бўлишини таъминлаши, шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловчилар иродасини қонуналарда янада кўпроқ ифодалай олишлари учун янада кепроқ шартшароитлар яратиши шубҳасиз бир ҳолдир.

Умуман, сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар демократик сайловлар институтини давлат органларини шакллантиришининг муҳим военгаси сифатидаги ўринни янада мустаҳкамлаци, жамият аъзоларини манифатлари ва иродасини сиёсий қарорларда ифодаланиши жараёнларини таъминлаб бера олиш мақсадида ҳуқуқий асосларни янада тақомиллашишти имконият яратди. Шунингдек, қонунчиликдаги бу ўзгаришлар фуқароеварнинг демократик сайловлар военгасида олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қила олишлари учун кеп имкониятлар яратди.

Мамлакатда сайловларнинг фуқаролик жамияти институти сифатида шаклланшиши, уларнинг хазқ томонидан эътироф этилиши, шунингдек, сайловлар жараёнларига замонавий демократик тағомайларнинг жорий этилиши натижасида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоликлари, сиёсий жараёнлардаги иштироклари ошиб бормоқла.

Умуман олганда, мамлакатда демократик сайловларнинг ҳуқуқий асосларини демократик қадриятлар ва миллий анъаналар уйгунилти асосида ривожланиши натижасида фуқаролик жамиятига хос бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатлар шаклланди. Мамлакатда сайловларнинг адолат тағомайлари ва халқчизлик асосида ўтказишга доир ислоҳотларнинг тобора чукурлашиб бораёттаниши юзбекистон мамлакатининг ировару стратегик мақсади фуқаролик жамияти қуриш эканлигини англашади.

Мамлакат парламентти ва маҳаллий вакиллик органлариши шакллантиришининг асосий военгаси бўлган демократик

сайловлар тизими, бир томондан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида шаклланган демократик қадриятларни ўзида мужассамлаштириб борган бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистонда бир неча минг йиллардан бўён яшаб келаётган адолат ва халқчиллик каби миллий қадриятларни ўзлаштириб борди.

Муҳими, мамлакатда ўтказилган сайловлар фуқаролик жамиятининг институти сифатида мамлакатдаги барча ижтимоий қатламлар ва гурӯҳларнинг сиёсий иродасини ифодалай бошлади. Жамият аъзолари иродасининг сайловлар воситасида давлат сиёсатига ифодаланиши натижасида фуқаролик жамиятига хос бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг шаклланиши учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

IV 6 б

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛАРИНИГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

4.1. Нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимининг ривожланиш жараёнлари

Нодавлат нотижорат ташкилотлар дастлаб жамиятини ўзини ўзи бошқариши асосида, яъни фуқаролик жамиятининг мустақил ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари ва мағфаатлари асосида пайдо бўлди. XX асрга келиб нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг муҳим ва асосий институтларидан бирига айланди.

Фуқаролик жамиятининг илк шаклланиши даври нодавлат ташкилотларнинг пайдо бўуниши билан бўлиқдир. Сиёсий тизимда демократик қадриятлар кенг ўринига эга бўлиб боргани сари муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда "учинчи сектор" деб аталувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар муҳим ўрин тута бошлади. Ҳозирги даврда "учинчи сектор" тушунчаси дунёдаги барча мамлакатларда хайрия мақсадларида ташаббус кўрсатаётган ва кенг фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларга (ННТ) нисбатан кўлланиши кенг тус олди (биринчи сектор — давлат, иккинчи сектор — тижорат сектори ёки шахсий сектор дейилади).

Ҳозирги даврда фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий давлат куриш вазифалари нодавлат нотижорат ташкилотларни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Фуқаролик жамияти шароитларида фуқароларнинг турли-туман ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги, уларнинг ихтиёрий равишда жамият бошқарувида иштирок этиши жараёнлари асосан нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Давлат билан жамиятининг бир-бирларидан бетоналашмаслиги ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятгининг ривожланиши билан бўлиқдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида тасаввурга эга бўлини учун, аввало, мағфаатлар, шунингдек, ижтимо-

ий ва сиёсий манфаатлар тушунчаларига аниқлик киришига эҳтиёж сезилади. Маълумки, манфаатлар — индивидлар ва гуруҳларнинг ижтимоий ҳатти-ҳаракатларини белгиловчи сабаблардир. Ўз вақтида Томас Гоббс "ҳокимиятга интилиш, инсон хулқини ҳаракатта келтирувчи кучларнинг ўзаро душманлиги — шахсий манфаатларнинг мантиқий натижасидир"¹, деб кўрсатган эди.

Гегель эса: "инсон ўз эркинлигини ҳаётга татбиқ қилиши лозим, бу унинг бош манфаатини ташкил қиласди, унинг фаолияти шундан ташкил топади... Манфаат, "interest mea"², мен фақат ҳаракатламан, менинг ҳаракат қилиш ва манфаатли бўлишимнинг субъектив иродаси шунга тенгки, мен ҳаракат қилаётганимда мен иштирок этишим лозим"³, — деб кўрсагтан эди.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда ҳукумат алоҳида олинган фуқароларга иисбатан улар аъзо бўлган ижтимоий гуруҳлар воситасида таъсири кўрсатади. Ижтимоий гуруҳларни бирлашишинга, ҳаракат қилинига ундошти күч, бу уларнинг манфаатлариидир. Манфаатлар алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари сифатида шаклланган бўлса-да, бу гуруҳларнинг алоҳолари фақат мазкур бир гуруҳнинг эмас, балки бир вақтнинг ўзида бошқа ижтимоий гуруҳларнинг ҳам аъзоси бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг магълум бир ижтимоий гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб подавлат нотижорат ташкилотларга уюшиши натижасида манфаатлар уйғунлашуви рўй беради. Қайси индивиддинг қандай ижтимоий аҳамиятли гуруҳга аъзолиги, унинг манфаатларининг қай бири устувор ва барқарор аҳамиятга эта эканлигидан келиб чиқиб, у ўзининг муҳимроқ бўлган ижтимоий гуруҳ аъзолигига кўпроқ эътибор беради. Ана шундай аҳамиятли гуруҳлар таъсири ижтимоий тузулмалар иродасини ифодалайди.

Институтлашган ижтимоий гуруҳлар шаклини олган манфаатлар гуруҳлари турли мамлакатларда уларнинг тарти-

¹ Фромм Э. Бегство от свободы. Пер. с англ. — М.: Прогресс, 1989, 16—17-бетлар.

² «Interest mea» — «мен учун муҳим», (лат.). Қаранг: Гегель Г.В.Ф. Философия права. — М.: Мысли, 1990. 499-бет.

³ Гегель Г.В.Ф. Философия права. — М.: Мысли, 1990. 418-бет.

хий тажриба ва айъаналаридан келиб чиқиб турлича номларда аталади. Масалан, АҚШда манфаатлар гуруҳлари фуқаролик институтлари, волонтёрлар ташкилотлари, умумий манфаатлар гуруҳлари, босим ўтказиш гуруҳлари, деб аталса, Фарбда нодавлат нотижорат ташкилотлари, хайрия ташкилотлари, жамғармалар каби номлар билан аталади. Шунингдек, АҚШ ва Фарб социологиясида эса бу ташкилотлар "манфаатлар гуруҳлари" номи билан кенг тарқалди. Ўзбекистонда эса мустақилликнинг ilk давридан бошлаб бу ташкилотлар жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ижтимоий ташкилотлар, жамғармалар, уюшмалар каби номлар билан кенг оммалаши.

Ривожланган мамлакатларда ишчилар, дехқонлар, фермерлар, ишбизлармонлар, турли касбларга доир уюшмалар, хотин-қизлар, ёшлар, фахрийлар, диний бирлашмалар каби юз минглаб жамоат ташкилотлари бўлиб, улар ўзларига аъзо бўлган индивидларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришнинг ўзига хос зарурий фаолият кўрсатиш майдонига айланган. Ижтимоий фангарининг сўнгти натижаларига муовфик, манфаатлар гуруҳлари, бу — унга аъзо бўлган кишиларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар ва сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатларида, шунингдек, ўз гуруҳи ичидага ифода қилиш учун тузилган ихтиёрий ташкилотлардир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар жамиятда мавжуд бўлган барча манфаатларни қамраб олиб, уларни ифодалагандагина, улар ўз мақсадларини самарали бажарадилар. Жамиятда турлича, жумладан, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, миллий, мағкуравий, маданий, экологик, ҳудудий, минтақавий, диний ҳамда яна ўнлаб айрим соҳаларга доир манфаатлар мавжуддир. Манфаатлар гуруҳлари ана шу манфаатларнинг ифодачиси сифатида пайдо бўлади ва фаолият юритади. Манфаатларнинг гуруҳлар воситасида ифода этилиши сиёсий қарорлар қабул қилиш учун ёрдам беришдан ташқари, улар давлат ва ҳукумат органлари учун зарур бўлган ахборотлар ва бошқа маълумотларни етказиб бериб туриши мумкин⁴.

⁴ Основы политической науки, часть II. — М.: МГУ, 1996. 7—8-бетлар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар индивидларнинг ихтиёрий бирлашмалариdir. Улар сиёсий партиялардан фарқ қилиб, ҳокимиятни эгаллаш, лавозимларга номзодлар кўрсатиш билан шугулланмайдилар. Лекин, улар хукумат ва бошқа сиёсий ташкилотларга таъсири қилиш учун ҳаракат қилалилар. Бу соҳадаги фаолият сиёсий ташкилотлар воситасиз бўлиши лозим. Манфаатлар гурухларининг ҳаракат усуллари давлат органларини ишонтириш, маслаҳат бериш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, сиёсий арбобларига ижтимоий гурухларнинг ёхтиёжларини етказиш, ўз манфаатларини қондириш учун ташкилий тадбирлар ўтказиш билан чегараланди¹.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг функциялари турли тумандир. Бироқ, уларнинг асосий функцияларидан бири — турли ижтимоий гурухлар ва қатламлар манфаатларини артикуляция² қилишдир. Манфаатлар гурухлари индивидлардаги турли йўналишдаги қарашлар ва фикрларни бир тизимга келтиради, бирон-бир ташкилотнинг бир қолинiga солинган манфаатлар тизими асосида ташкилотнинг ҳаракат дастурининг шаклланishiга ёрдам беради. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар кўплаб айрим манфаатларни агрегация қилиш (муносабалар ва муҳокамалар ёрдамида турли манфаатларни уйтуналтириш ва улар ўртасида маълум бир муносабатлар тизимини ўрнатиш) фаолиятини ҳам олиб боради. Бу жараёнда энг асосий ва муҳим аҳамият каеб этадиган, гурух аъзоларининг кенг қатламлари қарашларини ифода эта оладиган манфаатлар танлаб олиниди ва уларни амалда қондиришнинг зарурий чора-тадбирлари кўрилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан маълум бир ижтимоий гурухнинг турли манфаатлари бир тизимга солиниб, уларнинг кенг жамоатчиликнинг ҳоҳиш-иродаси сифатида давлат ва хукумат органларига етказилиши — сиёсий қарорлар қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Қолаверса, бунда кўплаб манфаатлар гурухлари ва ижти-

¹ Ористейн Н. Демократик жамиятда қонун чиқарувчи ҳокимият ўрни. — Озодлик рисоласи. — Вена: АҚШ информация агенсииги, 1994. 8—9-бетлар.

² Артикуляция (лот.) — книжаларнинг бир-бiriга ўхшаш манфаатларини гурух ёки ижтимоий қатлам миқёсida бирлаштириш.

моий қатламлар ўртасида ўзаро келишув ва мувофиқлашув рўй беради.

Манфаатлар гурухларининг яна бир функцияси — манфаатларни интеграция қилишдир (бир бутунликка бирлаштиришдир). Бу — айрим ижтимоий гурухлар ташқарисида ўз аъзолари манфаатлари асосида фаолият кўрсатаётган турли ижтимоий гурухлар билан бошқа бир гурух манфаатларини яқинлаштириш демакдир. Ана шу жараёнда турли гурухлар ўртасида битимлар тузилиб, ижтимоий келишувлар ва муросасозликлар мустаҳкамланиб боради¹.

Ҳозирги даврда АҚШда тадбиркорлар доираси манфаатларини ифода этиучи манфаатлар гурухлари Мустақил Бизнес Миллий федерациясига бирлашганилар. ГФРда эса Немис касаба уюшмаси федерал бирлашмаси, Немис иш берувчилари уюшмаси федерал бирлашмаси, Германия саноатчилиари федерал бирлашмаси, Солик тўловчилар уюшмаси, Демократик олимлар уюшмаси, Немис спорт уюшмаси каби бир қанча манфаатлар гурухлари фаолият кўрсатади. Ҳудудий, минтақавий ва федерал даражаларда ҳам ҳунармандлар, талабалар, врачлар, маданият арбоблари, турли истеъмолчилар уюшмалари ва ташкилотлари фаолият кўрсатади. ГФРда 4 — 5 минг атрофида ана шундай бирлашмалар фаолият юритмоқда.

Боліқа ривожланган мамлакатларда ҳам манфаатлар гурухлари жамияттининг асосий қисмини ташкил этади. АҚШда 1 миллиондан кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритадилар. Уларда мамлакат аҳолисининг 7,8 % и хизмат қиласи. Дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатлари хукуматлари ҳам муҳим иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоат тузилмалари, биринчи навбатда нодавлат нотижорат ташкилотларига таянадилар. Ривожланган 22 та мамлакатда иш билан банд аҳолининг 4,9 фоизи бевосита нодавлат соҳада меҳнат қиласидилар. Бу кўрсаткич Нидерландияда 12,4, Ирландияда 11,5, Бельгияда 10,5, Исландия 9,2, Австралияда 7,2, Буюк Британияда 6,2 фоизга тенгдир².

¹ Хейвид Э. Политология. Учебник. Пер. с англ. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. 344—355-бетлар.

² Ахайер Х. Гражданское общество и «третий сектор». — Deutschhend. №5. 2000. 22—23-бетлар.

Хозирги давр сиёсатшунослари ва социологлари А. Токвиль қолдирған меросдан келиб чиқиб, АҚШ ва Европадағи сиёсий ташкилотлар табиатидаги фарқланишларни күрсатар эканлар, күпілаб мамлакатларнинг фуқаролари ихтиёрий ташкилотлар фаолиятига турлича тарзда жалб қилинishiга зытибор қаратмоқдалар.

Италиялик сиёсатшунос олим К. Рэнсининг ёзишича, Италияда жамоат ташкилотлари тез ўсиб боришига қарамасдан, улар сонининг ўсиши жиҳатдан бошқа мамлакаттарга нисбатан орқаша қолмоқда. Мунтазам ўтказиб туриладиган социологик тадқиқотларга биноан, 18 ёшдан 74 ёшгача бўлган Италия аҳолисининг фақат 12 фоизи ихтиёрий нодавлат нотижорат ташкилотларда иштирок этадилар. АҚШда эса бу кўрсаткич 20 фоиз атрофидадир (агар АҚШда сайловлар кампанияси бошланса, бу кўрсаткич икки марта кўпайди). Италияда келтирилган ана шу 12 фоиз иштирокчиларнинг фақат учдан икки қисмигина "учинчи сектор"да фаол қатнашади. Иштирокчиларнинг қолган учдан бир қисми эса нодавлат нотижорат ташкилотларда фақат номигагина қатнашади. Ундан ташқари, Италияда хайрия ёрдамлари уюстириш ҳам нисбатан паст даражада бўлиб, ўртача 46 фоиз Италия аҳолиси хайрия эҳтиёжларига нул билан кўмаклашадилар. Бу каби кўрсаткич АҚШда 55, Буюк Британияда эса 65 фоизга тенгdir¹.

Собиқ тоталитар тузумдан халос бўлган Польшада ҳам кейинги ўн йилликда нодавлат нотижорат ташкилотлар тезлик билан ривожланиб бормоқда: "Klon/Jawor" ахборот марказининг матъумотига кўра, уюшма ва жамғармалар 18,5 мингдан 48 мингтага кўпайди. Мамлакат бўйича ҳар 10 минг аҳолига 6,14 та нодавлат нотижорат ташкилоти тўғри келди².

Бугунги кунда 5 мингдан ортиқ халиқаро ННТлар бирон-бир маълум мамлакатда рўйхатдан ўтганлигига қарамай, уларнинг аксарияти доимий равишда бошқа мамла-

¹ Ропси К. Демократия в действии: социальное участие и «третий сектор» в Италии. // Гражданское общество и право. — М.: РАГС, Реф. бюлл., №1(47), 2003, 88—92-бетлар.

² Курчевски Й., Курчевски Я. Гражданское общество в Польше. // Гражданское общество и право. — М.: РАГС, Реф. бюлл., №1(47), 2003, 24—25-бетлар.

катларда ўз фаолиятларини амалга ошироқдалар. Турлича омилларни ўзаро мувофиқ келиши натижасида ҳамда "совук уруш"дан кейинги сиёсий чеклашларнинг тутатилиши, янги коммуникациявий ва ахборот технологиялари, паст транспорт харажатлари ва демократиянинг кенг тарқалиши оқибатида ННТларнинг ўз таъсирини кенгайтиришлари ва давлатлараро иттилоқлар, бирлашмалар ва коалициялар түзиллари учун қулаги шарт-шароитлар шаклланыди.

Хозирги даврда ривожланган мамлакатларда нодавлат нотижорат ташкилотларни ҳар томонлама такомиллашибди. Натижасида кучли фуқаролик жамияти қуришга эришилди. Ўз ўрнида, бу жамият фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг сиёсий қарорлар қабул қилинда фаол иштирок этишини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасидаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар"¹ каби фуқароларнинг жамият институтларида иштирок этишини таъминлаб берадиган ҳуқуқий асосларнинг эътироф этилиши республикада жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнидаги тажрибалари ва синовларидан мудаффақиятили ўтган эркинлик жамияти — фуқаролик жамияти сари интилаёттанилигини анилатади.

Хозирги даврда Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар фаолияти 1991 й. 14 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонуни (1997 й. апрелда қўшимча ва ўзгартиришлар киригилган), Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни (1992 й. июль), Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуни (1996 й. декабрь), Ўзбекистон Республикаси-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 9-бет.

нинг "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" янги таҳтиридаги Қонуни (1998 й. май), Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларниң ўзини-ўзи бошқариш органдари тўғрисида" янги таҳтиридаги Қонуни (1999 й. апрель), Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни (1999 йил апрель) каби Қонунлар воситасида мувофиқлашади.

Ўзбекистонда нодавлат ташкилотларга доир қонунчилик ривожланган мамлакатлар тажрибаси, халқaro ҳукуқий меъёрлар ва миљий аңъиналар асосида шакллантирилган бўлиб, у ўзида демократик принциплар ва қадриятларни мужассамлаштирали. Мамлакатда давлат бош ислоҳотчи сифатида нодавлат ташкилотларнинг қонунчиялик асосларини ҳар томонлама ривожлантиришга муҳим аҳамият бермоқда. Парламентда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга доир юзлаб қонулар ва бонса ҳукуқий меъёrlар қабул қилинган бўлиб, унаргини ичизда Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни (1999 йил 14 апрель) нодавлат нотижорат ташкилотларнинг серқирига фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштириш ва ҳукуқні жиҳатлардан таъминлашга қаратади.

Қонуннинг 1-моддасида нодавлат нотижорат ташкилоти тувишнинг умумий мақсади ижтимоий фойдали манфаатларнинг қонцирилиши эканлиги ётироф этилиб, бу билан нодавлат ташкилоти ўз фаолиятида халқчиллик принципига амал қилиниш шарт эканлиги белгилаб қўйилди¹.

Мазкур Қонуннинг 2-моддасида "Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси"нинг таърифи демократик қадриятлар асосида таъкид қилинади: "Нодавлат нотижорат ташкилоти -- жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромаларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўргасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳдар. -- Т.: Аюлат, 2001. 15-бет.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади².

Ушбу қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан давлатнинг ҳамкорлиги шундай ўз ифодасини топганки, давлат органи, яъни парламент қонун қабул қиласди, бу қонунга биноан "учинчи сектор" аъзолари ва жамият манфаатлари учун хизмат қиласди. Қонунда қайд этилган ижтимоий фойдали мақсад тушунчаси нодавлат ташкилотлар фаолиятини аҳолининг почор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтиради. Давлат органларининг муҳим функцияларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиши эканлигини ётиборга олсак, бу соҳада давлат органлари билан нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун ҳукуқий асосларнинг яратилганилиги намоён бўлади.

"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунга биноан нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсадлари куйидаги йўналишлардаги фаолиятлар бўйича амалга оширилади:

— биринчидан, кенг маънодаги маданий мақсадларга эришиш кўзлаб тузилган. Бунда маориф, илм-фан, маданият соҳаларида фаолият олиб борилади;

— иккинчидан, мамлакат аҳолисининг сиҳат-саломатлигини таъминлашни кўзлаб фаолият юритиш (спорт ва жисмоний тарбия билан шугулланувчи, турли хил хасталикларнинг оддиини олиш ва уларни даволашнинг илгор тажриба ҳамда усувларини тарғиб этувчи ташкилотлар);

— учинчидан, турлича фаолият йўналишидаги ҳукуқни муҳофазаловчи ташкилотлар (масалан, истеъмолчилар ҳукуқини ҳимоялаш жамияти);

² Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳдар. -- Т.: Аюлат, 2001. 14-бет.

-- тўргинчидан, фуқароларнинг маънавий ва бошқа хилдаги номоддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ташкилотлар (носиёсий уюшмалар, ижтимоий жамғармалар ва бошқалар);

— бешинчидан, хайр-эҳсон ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар¹.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги ушбу Қонуннинг 4-моддасида қўйидагича таърифланади: "Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг хукуқий имкониятлар яратиб беради. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўреатиши мумкин.

Қонуннинг мазкур 4-моддаси нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабати асосларини белгилаб беради. Давлат, бир томондан, қонуний асосда нодавлат нотижорат ташкилотларининг хукуқи ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлайди, иккинчи томондан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг хукуқи ва қонуний манфаатларини хукуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг хукуқи ва қонуний манфаатлари амалга ошишини кафолатловчи шарт-шароитлар яратади, барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига қонун талабларини сўзсиз ижро этиш вазифасини юклайди, зарур ҳолатларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг хукуқи ва қонуний манфаатларини ҳар хил тажовузлардан ҳимоялайди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз хукуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя этилишини мавжуд барча хукуқий усууллар билан муҳофазалашга ҳақлидир.

Шунингдек, қонуннинг 4-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг молиявий манбани

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳлар. — Т.: Адолат, 2001. 16-бет.

щакллантириш, ички тизилма ва асосий фаолият йўналишларини ўз ихтиёри билан ўзи белгилаш масалаларида тўла мустақилдир¹.

Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлар ва ҳалқаро хукуқ меъёрлари ва миллий қонунчиликдан келиб чиқиб давлат қўйидаги йўналишларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини назорат этиш хукуқига эгадир:

— нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида амалга ошириш лозимлиги давлат томонидан назорат этилади (Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ)²;

— нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олган давлат органи мазкур ташкилотлар фаолиятлари йўналишлари улар низоми доирасида бўлишини назорат этади (Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ)³;

— нодавлат нотижорат ташкилотларини анжумашлари ва ташбирларида давлат органлари вакили иштирок этиши мумкин;

— нодавлат нотижорат ташкилотлари статистика ва солиқ органларига ўз вақтида ҳамда тегишини тарзда ҳисобот беришларини назорат қиласи (Қонуннинг 33-моддасига мувофиқ)⁴;

— нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўз навбатида, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ишига аралашмайди⁵, яъни, улар давлат органларининг иши устидан назорат ўрнатиш, ҳисобот талаб этиш, молиявий назорат ўрнатишга ҳақли эмас.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳлар. — Т.: Адолат, 2001. 22—23-бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳлар. — Т.: Адолат, 2001. 129—130-бетлар.

³ Ўша жойда. 90-бет.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳлар. — Т.: Адолат, 2001. 126-бет.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 12-бет.

Лекин, бизнингча, ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, бу қоидага ўзгартишлар киритишга эҳтиёж сезилмоқда. Чунки, бу қоида подавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни қийинлаштирмоқда. Шунинг учун ҳам бу қоида "подавлат нотижорат ташкилотлари, ўз навбатида, жамоатчилик назоратини амалга оширишдан бошқа мақсадларда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ишига аралашмайди", деган таҳрирда берилса, бу соҳадаги муаммоларга барҳам берилиши мумкин.

"Подавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунинг 7-моддаси давлат органлари билан подавлат ташкилотлар ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги фаолиятини ҳукуқий жиҳатлардан мувофиқлаштиради. Бу модда шундай талқин этилади:

"Подавлат нотижорат ташкилоти қўйидаги ҳукуқларга эга:

- ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;
- ижтимоий ҳаётининг турли масалаларига доираташаббуслар билан чиқиши, давлат ҳокимиюти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимиюти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишида қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш¹.

Шунингдек, подавлат ташкилотлар тизимини янада мустаҳкамлаш, мазкур ташкилотларнинг жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини ифода этиши мақсадларида 2003 йил 29 августида Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат жамгармалари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Унинг 3-моддасига биноан жамоат жамгармаси леб, юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар асосида

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Подавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. // «Подавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳи. — Т.: Алоат, 2001. 28—29-бетлар.

тузилган, ўзининг аъзоларига эга бўймаган, хайрия, ижтимоий, маданий, таълим ёки болиқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзда тутган подавлат нотижорат ташкилотнга айтилади. Шунингдек, вилюятлар, шаҳарлар ва туманларда ҳам маҳаллий жамоат жамгармалари тузиш мумкин¹.

Мамлакатда подавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг фуқаролик жамияти институти даражасида бўлишининг ҳукуқий асосларини ривожлантириш мақсадларида 2005 йилнинг бошидан Ўзбекистон Республикасининг "Подавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунининг лойиҳасини тайёрлаши жараёнлари бошланди. Бу қонун лойиҳасини ишкаб чиқиша Олий Мажлис Қонунчилик налатаси депутатларидан ташқари юзлаб подавлат ташкилотлари ўз тақлифлари, тавсиялари, турли тўлдиришлар ва қўшимчалари билан иштирок этмоқдалар. Мазкур қонун лойиҳасина подавлат ташкилотларни кўллаб-куватланиш ва уяренинг эркин ҳамда мустақилик фаолиятиларини мавжуд қонунчилик ва давлат органлари томонидан кафолатланишин асосий мақсал қилиб олини.

Мамлакатда подавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳукуқий асослари мустақилик йилларида узункенз равишда ривожланшиб борди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантирилиб масалалари, унинг демократик тамойиллари Президент И.А. Каримовининг VI (1996 йил август) ва XIV сессиялари (1999 йил апрель), иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг I (2000 йил январь), VIII (2002 йил апрель) ва IX (2002 йил август) сессияларидаги маърузаларида назарий ва концептуал жиҳатлардан ҳар томонлама асослаб берилди.

Мамлакатда подавлат нотижорат ташкилотлар мустақилигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг фуқаролик жамиятининг муҳим институтига айлананини таъминланни мақ-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жамгармалари тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинин Ахборотномаси, №9—10 (1329—1330). 2003. 89—90-бетлар.

садида давлатнинг "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал сиёсий дастури қабул қилинди ва у мамлакатда жамиятни ривожлантиришнинг асосий тамойилига айланди. Жамият сиёсий тизимини янада эркинлашириш масалалари мазкур сиёсий дастур қабул қилинганидан кейин янада долзарб аҳамият қасб эта бошлиди.

Мамлакатда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган демократик институтларни шакилантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислоҳотлар ҳам тобора чукурлашиб бормоқда. 2005 йиғига келиб республикада 402 та республика аҳамиятгига мөлнк подавлат жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатса бошлиди. Улардан 81 таси ҳалқаро ташкилотлар маҳомига эгалидар. Нодавлат ташкилотларнинг 48 таси жамгарма, 78 таси жамият, 5 таси сиёсий наргия, 42 таси федерация, 16 таси қасаба ўюнмачари, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси асоциация, 20 таси ўюнчима, 5 таси кўмита, яна 37 таси турли номларда расмий рўйхатдан ўтганлар. Шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда давлат рўйхатига олинган 1957 та, шунингдек, ҳисоб рўйхатига олинган 2911та, ҳаммаси бўлиб 4868 та маҳаллий аҳамиятга эга бўлган жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда¹.

Мамлакатда миллий мустақиликнинг дастлабки даврларида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамгармаси ташкил топди. Ўтган давр ичида "Соғюм авлод учун" ҳалқаро ноҳукумат хайрия жамгармаси, "Экосан" ҳалқаро экология ва саломатлик жамгармаси, Марказий Осиё ҳалқлари машанияти Ассамблеяси, Ҳалқаро Амир Темур жамгармаси, Ҳалқаро Ином Бухорий жамгармаси, "Олтин мерос" жамгармаси, республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, "Ҳалқ бирлигиг" ҳаракати, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-куватлаш "Нуроний" жамгармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганини маркази, Товаришилаб чиқарувчилар ва тад-

¹ Ўзбекистон Республикаси Админи вазириянги жорий архиви. Давлат рўйханидан ҳисоб рўйхатиган ўтган ҳамда фаолият кўрсатётган подавлат нотижорат ташкилотлар умумий жадваги (2005 й., 12 майдаси ҳозати), 2—3-бетлар.

биркорлар Палатаси, Миллий матбуот маркази, Байналмилал маданий марказ, республика "Истеъодод" жамгармаси каби нодавлат ташкилотлар тузилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси эса демократик принциплар асосида бутунлай қайтадан ташкил этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон "Тадбиркор аёл", Ўзбекистон Болалар жамгармаси, "Аёл ва саломатлик", "Мехр", "Аёллар ресурс маркази", "Аёл ва жамият" институти каби хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишига қаратилган ва улар манфаатларини ифодалайдиган нодавлат ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини фуқаролик жамияти институти сифатида ривожлантиришда 2005 йилнинг 10 июнида "Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси"нинг ташкил топиши муҳим аҳамият қасб этиди. Унинг асосий мақсадлари сифатида қўйилдаги фаолият йўналишилари белгиланди:

— ихтиёрий равишда аъзо бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларниш жамият ҳаётини янада эркинлашириш ва демократлашириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, демократик қадрияларни мустаҳкамлашдаги иштирокини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётдати фаолиятини, ҳукуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш ва инсон ҳақ-ҳукуқларини ҳимоя қилишдаги ўрнини янада кенгайтириш;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан мувознатда ўзаро ва икки томонлама манфаатли музокаралар орқали жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари манфаатларини ифода этишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш¹.

Хозирги даврда келиб "Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси"га 370 дан ортиқ турли республика миқёсидаги ва вилоятларда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар аъзо бўлиб кирдиар.

Мамлакатда мустақил, барқарор, аҳолингин турли қатламлари қўллаб-куватлайдиган фуқаролик жамияти инсти-

¹ Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-куватлани фенли установи. — Т.: 2005, 3—4-бетлар.

тутларини шакллантиришга, ижтимоий аҳамиятли муаммоларни ҳал этишдаги, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва иш фаолигини оширишдаги ролини кучайтириш мақсадларида 2005 йил 26 юлда "Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-кувватлаш фонди" ташкил тогди. Унинг асосий вазифалари сифатида кўйидагилар белгиланди:

— зарур мoddий воситалар ва молиявий маблайларни йиғиш, жумладан фуқаролик жамияти институтларининг, энг аввало, аҳоли қўллаб-кувватлайдиган, мустақил республика фуқароларининг ўёки бу манфаатларини қондириш ва ҳимоя қилиш бўйича уларнинг олдида турган вазифаларни мустақил ҳал этиувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланишини раъбатлантириш учун мўлжалланган маҳаллий, чет ёл, ҳалқаро ташкилотлар ва молиявий институтларнинг транспортларини жайб этиш;

— энг муҳим туманинтар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ижтимоий аҳамиятли муаммоларни ҳал этишдаги фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишига, фуқаролик жамиятининг институтларини ривожлантиришга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотлар лойиҳалари ва дастурларини молиязаш¹.

Шунингдек, Ўзбекистонда БМТнинг Ривожланиш Даструрлари асосида ўнлаб хорижий нодавлат ташкилотлар ўз ваколатхоналари ва бошқа вакиллик идораларини ташкил этди. Жумладан, Жаҳон соглиқни сақлани ташкилоти ваколатхонаси, БМТнинг Болалар жамгармаси (ЮНИСЕФ) ваколатхонаси, Ҳалқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлиги ваколатхонаси, "Британия Кенгаши" ("British Council"), Конрад Аденauer жамгармасининг Марказий Осиё ва Қозогистон мамлакатлари бўйича ваколатхонаси, Фридрих Эберт жамгармаси ваколатхонаси, Ҳалқаро таълим бўйича Америка Кенгаши ("ACCELS"), Марказий Осиёга беғараз ёрдам ташкилоти ("CAFE"), Германия Агроакция ташкилоти, ЮНЕСКО ваколатхонаси, "Глобал Инволмент" номли таълимга доир ташкилот, Осиё маданияти ва ривожланиш институти, АҚШнинг "Мехр-мурувват корпуси" ва экологияга оид "КОФУТИС" ташкилоти, фуқаролик жамияти куришига кўмакла-

¹ Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-кувватлаш фонди устави. — Т.: 2005. З.-4-бетлар.

шувчи "Кросслинк Девелопмент Интернэшил" ҳалқаро ташкилоти, Ҳалқаро ривожланиш ассоциацияси, Буюк Британиянинг "Ривожланиш учун ҳамкорлик" ташкилоти, АҚШнинг Ҳалқаро тадқиқотлар ва ўзаро алмашишлар кенгаши (IREX), Евроосиё жамгармаси, Германиянинг "Гёте институти", Франциянинг "Альянс Франсе" ташкилоти, Ҳалқаро ҳамкорлик бўйича Корейс агентлиги, Ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича Туркия агентлиги, Ҳалқаро ҳамкорлик бўйича Япония агентлиги каби юздан ортиқ хорижий мамлакатлар нодавлат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиаллари турли соҳаларда кенг фаолият юритмоқда¹.

Мамлакатда XXI аср бошларида "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" концептуал сиёсий дастурни амалга ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органилари ва подавлат нотижорат ташкилотларга босқичма-босқич бериб бориши асосида жамият курилишини эркинлаштириш жараёнлари бошланди. Бу соҳада кўйидаги йўналишларда ислоҳотлар босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда:

— биринчидан, жамият аъзоларининг онги, иродаси, маданияти, маънавияти ва билими юксак даражада бўлинингта эришиш, уларнинг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданиятига алоҳида эътибор бериш;

— иккинчидан, жамият аъзоларининг манфаатлари ўйтгунлашви жараёнларини шакллантириш, жамият манфаатларининг шахсий манфаатлар билан муштараклигига эришиш;

— учинчидан, жамиятнинг такомиллашви ва янгилаши учун кучли ва реал сиёсий, иқтисодий, маданий имкониятларни шакллантириш;

— тўртинчидан, жамият аъзолари ва тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик асосида жамиятнинг умумий манфаатларини ўйгунаштириш;

— бешинчидан, жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи ҳукуқий қондалар таъсирини кучайтириш, уларга онгли равишда бўйсуниш амалиётини вужудга келтириш;

¹ Профили организаций оқайзываючих содействие Республике Узбекистан. Сборник. — Т.: 2004. 10--46-бетлар.

— олтинчидан, сиёсий ҳокимиятнинг ўз вазифаларини тўлиқ бажаришига кенгроқ ва қулайроқ имкониятлар яратиш, сиёсий ҳокимиятга нисбатан жамият аъзолари ишончи ни кучайтириш, унинг аҳоли томонидан кенг ва фаол қўллаб-кувватланишига эришиш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Ҳозирги ислоҳотларни янада чукурлаштириш даврида "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш жараёнларидаги муаммолардан бири, бу — турли ижтимоий қатламлар шаклланишининг секин кечиши натижасида уларнинг турли манфаатлари нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида ифодаланиши қийин кечмоқда. Чунки, "учинчи сектор" ташкилотлари у ёки бу ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини ифодалай олиш қобилиятига эга бўлғандагина фуқаролар улар фаолиятида иштирок этишга мойил бўладилар. Акс ҳолда эса фуқаролар нодавлат нотижорат ташкилотларига бефарқлик билан қрайдилар.

Мамлакатдаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг аксарият қисми ҳали ўзлари таянадиган ижтимоий қатламларни аниқлаштириб олмаганиликлари ёки ўзларини бирон-бир ижтимоий қатлам манфаатларини ифодаловчи ташкилот даражасига етказа олмаганиликлари учун ҳам улар фаолиятига фуқароларни жалб этиш муаммолари ўз ечимини тоғганича йўқ. Айниқса, ҳали ҳам аксарият жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотларнинг раҳбарлари ва фаолиярнинг эски бюрократик номенклатура тизимида ортирган руҳияти ва иш услубларидаги тажрибалари, худди давлат органларига хос раҳбарлик каби фаолияти ҳамон сакланиб қолаётганилиги ачинкарли ҳолдир. Уларнинг бაъзилари эса ҳали ҳам давлат ҳокимияти органларини ўзларининг бевосита раҳбарлари — назоратчилари деб билмоқдалар.

Кучли жамият куриш эҳтиёжлари касаба уюшмаларини демократик тамойиллар асосида ислоҳ этиш заруриятини ҳаёт кун тартибига қўймоқда. Агар ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасига эътибор берилса, уларда барча меҳнат билан банд ишли, хизматчи ва ходимларнинг 12 — 40 фонзи касаба уюшмалари аъзоси бўлгани ҳолда, мамлакатдаги касаба уюшмалари меҳнат жамоатларидаги ишли, хизматчи ва ходимларнинг барчасини расмий равишда ўзларининг аъзолари, деб биладилар.

Шунингдек, ҳозирги мавжуд ҳолатда мамлакатдаги тармоқлар касаба уюшмаларининг мустақиллиги ва эркин фаолият юритиш муаммоси ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Хорижий тажрибадан мътумумки, у ёки бу касбларга доир тармоқлар касаба уюшмалари деярли мустақил ташкилот сифатида фаолият юритадилар. Уларни расман бирлаштириб турувчи конфедерация, иттифоқ ёки федерациялар фақат ҳукумат билан мулоқотлар олиб бориш ваколатлари ва касаба уюшмаларининг ташкилотларини йўлга қўйиш фаолияти билан чекланиб, тармоқлар касаба уюшмалари ички фаолиятига аралашмайдилар. Бунинг сабаби шундаки, агар тармоқлар касаба уюшмаларининг мустақил фаолият юритиш қобилияти чекланса, улар ўз аъзоларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қила олиш қобилиятини йўқотадилар.

Демократик принциплардан келиб чиқиб, меҳнат жамоатларидаги бошланғич касаба уюшмаларининг ташкилий ва ижтимоий ҳимояга таалуқни фаолиятини юксалтириш, ижтимоий шерикчиликда ҳам уларнинг ҳал қилувчилик ролини кўтариш, мустақил ташкилот сифатидаги мақомини таъминлаш, шунингдек, тармоқлар касаба уюшмалари атрофига жипелсантириш фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўғалишиларидан биридир.

Мамлакатда фуқаролик жамияти қуришдаги яна бир муҳим муаммолардан бири, бу — фуқаролар сиёсий маданияти ва ҳукуқий маданиятлари демократик асосларда шаклланишига эришишdir. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоийлашув жараёнларини амалга оширишда нодавлат ташкилотларнинг ўрнини ошириш ҳам ҳозирги даврнинг дол зарб вазифаларидан биридир.

"Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ижтимоий-сиёсий ҳаётга қўллаш воситасида сиёсий ҳокимият органларининг маҳаллий тизимини мустаҳкамлаш, уларга марказий ҳокимият ваколатларини бир қисмини берib бориш асосида номарказлаштириш ислоҳотларини ўтказиш, ижроия ҳокимият тизимларини вакиллик органлари ва нодавлат ташкилотлар томонидан кучли назорат этиш механизми ва ҳукуқий асосларини яратишга доир ислоҳотларни амалга ошириш фуқаролик жамияти қуришнинг шарт-шароитларини яратиш йўлидаги илк қадамлардир.

Хуоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг демократик таомийлар асосидаги ҳуқуқий асослари шаклланди. Қисқа давр ичидаги мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг пойдевори — конституциявий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ислоҳотлар натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими шаклланди. Муҳими, "учинчи сектор" билан давлат ҳамкорлиги натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мустақил фаолият юритиши, давлат ва жамият ишларини бошқариши учун кенг имкониятлар яратилди.

XXI аср бошларига келиб Ўзбекистон давлати ва ҳалқи илгор ривожланган мамлакатларда фуқароларга эркинлик бағишлаган, шахснинг эркин камол топиши учун барча шарт-шароитларни яратган, жамиятнинг ҳамма жабхаларини демократиялаштиришга қобил бўлган, ўзида ҳалиқчили миilliй мерос ва анъаналярни ифодалаган фуқаролик жамияти барто этиши йўлидаги ислоҳотларнинг янги босқичини чукурлаштиришга киришди.

4.2. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини эркинлаштиришга доир ислоҳотлар

Ўзини ўзи бошқариш органлари бир неча асрлар илгари давлатнинг қуий маҳаллий бошқарув функцияларини бажарувчи сиёсий ташкилот сифатида шаклланган бўлса, улар XX асрга келиб фуқаролик жамияти институтига айланишгача бўлган катта тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Фарб сиёсатшunosларининг фикрича, "ўзини ўзи бошқариш" тушунчаси давлатга нисбатан фуқаролар жамоалари мустақиллигининг шаклланиши билан боғлиқдир. Бу ўзини ўзи бошқариш институтига хос бўлган имкониятлар шу қадар юксакки, у фуқароларнинг кенг сиёсий иштироки учун шарт-шароитлар яратиб бериб, фуқаролар сиёсий маданияти унсурларини шакллантиришнинг ҳам бекиёс омили ҳисобланади. Охир-оқибатда бу органлар фаолияти сиёсий тизимнинг бир бутун барқарорлиги ва мослашувчанлигини

таъминлаб беради. Алексис де Токвиль ёзганидек, "миллат жамоавий институтларсиз ҳам эркӣн ҳукумат шакллантириши мумкин, лекин у эркинликнинг ҳақиқий руҳиятига эга бўла олмайди"¹.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (ёки муниципал — "municipal" (инг.) — "ўзини ўзи бошқариш") деб, у ёки бу маъмурий-худудий бирликлардаги аҳолининг ваколатларини ифодаловчи сайланган органлар ва уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқаришга айтилади².

Муниципал бошқарув — бу давлат бошқарувининг ҳам нисбатан помарказлашган шаклидир. Шу билан бир вактнинг ўзида бу бошқарув фуқаролик жамияти учун ҳам таалуқидир. Бундай бошқарув органларининг асосий белтилари, бу — уларнинг сайланнишлиги ва ўз ҳудудидаги аҳоли манфаатлари асосида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларга раҳбарлик қилишга нисбатан мустақиллигидир.

Ўзини ўзи бошқарув органлари ўзларининг сайланнишлиги ва маҳаллий аҳолининг вакиллари сифатидаги расмий ўринларига биноан вакиллик тизимининг таркибий қисмларидан биридир. Уларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги фаолиятлари аҳоли учун муҳим аҳамиятга эгадир. Муниципал органларда давлат бошқарувининг бошқа бўгинларига нисбатан бюрократизм таъсири камроқ бўлаши. Ана шу барча фазилатлар сайланувчи маҳаллий бошқарувни демократия қадриятларидан бирига айлантириди. Шунингдек, муниципал бошқарув бир томондан, маҳаллий ҳудудларда давлат бошқарувининг баязи ваколатларини амалга ошира, иккинчи томондан, фуқаролик жамияти институти сифатida аҳоли манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қиласи.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб АҚШ ва Европада муниципал бошқарув тушунчаси мазмунан ўзгариб борди. Чунки, бу даврда Фарбий Европа мамлакатларида бу соҳани чуқур ислоҳ этишига киришилган эди. Кўп ўтмасдан бутун Фарбий Европа бўйлаб помарказлаштириш ислоҳотлари

¹ Токвиль А. Старый порядок и революция. — М.: 1991. 26—28-бетлар.

² Основы государственного и муниципального управления. — М.: Институт труда, 1997. 13—14-бетлар.

бошланди. Шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига қўйидаги талаблар қўйилди: фуқаролар эҳтиёжларини қондира олиш қобилияти; фуқаролар эҳтиёжларини қондириш воситаси; ўз ҳамжамиятida етакчилик қилишининг қонунийлиги; жамиятдаги ўзгаришларга мослаша олиш қобилияти; ўз ҳамжамиятининг ўзига хос эҳтиёж ва талабларига нисбатан маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда таъсирланиш эркинлиги¹.

Ривожланган мамлакатларда муниципал органларни шакллантириш усувлари ҳам ривожланиб борди. 1985 йил 15 октябрда Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган "Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа хартияси"нинг 3-моддасида бу тушунча қўйидагича ифодаланади: "Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, деганда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз масъуллигига, маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида, қонунлар доирасида давлат ишиларининг аксарият қисмини бошқариш ва уни реал уддалай олиш қобилиятига айтилади. Бу ҳукуқлар эркин, яширин, тенг, тўғридан-тўғри умумий сайловларда сайланган аъзолардан иборат кенгашлар ёки мажлислар томонидан амалга оширилади. Кенгашлар ёки мажлислар ўзларига ҳисоботлар бериб борувчи ёки ижроия органларига эга бўлиши мумкин. Бу қоидалар фуқаролар мажлисларига, референдумларга ёки фуқаролар тўғридан-тўғри иштирок этишининг қонун йўл қўйган бошқа шаклларига мурожаат этишини истиносно этмайди"².

Ривожланган мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш тизими бир неча юз йилликларда шаклланиб, у XX асрга келиб демократик характер касб эта бошлади. Бу мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш органларини сайловлар йўли билан шакллантириш, улар фаолиятини молиялаштириш, фуқароларни ўзини ўзи бошқаришда, сиёсий қарорлар қабул

¹ Янг Р. Децентрализация и общественное управление в Объединенном Королевстве. // Органы государственной власти на местах. Часть 2. Международный опыт. Проект TACIS №EDUZ 9802. — Т., 1999. 6—8-бетлар.

² Европейская хартия о местном самоуправлении. // Холлис Г., Плоккер К. На пути к демократической децентрализации: перестройка региональных и местных органов власти в новой Европе. Приложение III. — Brussels: TACIS series DGIA European Commission, 1995. 315-бет.

қилиш жараёнларидаги иштироки, мазкур органларни аҳоли ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашдаги ўрини юксак мақомга кўтарилиди. Бу органларнинг ана шу жиҳатларини ўрганиш ва уларни Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнларида кўллаш долзарб вазифалардан биридир.

Миллий мустақиллик даврида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятни ва ҳукуқий давлат барпо этиш ислоҳотлари жараёнлари шуни кўрсатдики, эски тоталитар тузумдан демократик жамиятга ўтиш тадрижий характерга эга бўлиб, бу жараёнларда муаммоларни бартараф этиш фуқароларнинг бошқарув ва сиёсий қарорлар қабул қилишдаги кенг ва фаол иштирокини таълаб этади.

Ўзбекистонда кучли жамиятга ўтиши даврида ўзини ўзи бошқариш органларини замонавийлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар жараёнлари натижасида миллий айнаналар ва халиқаро тажрибаларни уйгунаштиришга асосланган фуқаролик жамиятни қуришга доир ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Ўзини ўзи бошқариш органларини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаширишда давлатининг бош ислоҳотчи сифатида амалга оширган чора-тадбирлари натижасида мамлакатда фуқаролик жамиятининг пойдевори шаклланди.

Фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги иштироклари — муҳим демократик қадрият сифатида ҳар қандай мамлакатда ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари воситасида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг демократлашуви ва ҳукуқий давлат мақомига эришуви кўп жиҳатдан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишларидаги нечоғлиқ кенг иштирок этишларига боғлиқдир. Шунингдек, демократиянинг моҳияти — фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги иштирокларида ўзаро тенглик бўлишини ва бу жараёнларда доимо озчилик ҳукуқларини ҳимоя қилишни назарда тутган ҳолда кўпчилик овози асосида ҳукуқий қарорлар қабул қилинадиган ўзини ўзи бошқаришга бўлган қобиллиги билан ифодаланади.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланган мамлакатларга хос ҳукуқий мақоми ва миллий жиҳатлари мустақиллик даврида тикланди. Ўзбекистон Республикаси Кон-

ституциясининг 105-моддаси ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукуқий мақоминиң қуйидагича белгилайди: "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқони) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланиди"¹. Ўзини ўзи бошқариш органларининг асосини маҳалла фуқаролар йигинлари ташкил этади.

Ўзбекистонда маҳалла қадимги даврлардан бошлиб ҳалқининг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистонда Давлат мустақиллигининг ўлон қилинishi билан маҳалла ўзининг қадимий, анъанавий ва ҳукуқий мақомларига эриша бошлади. Шу билан бирга, давлат ва унинг органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг ҳукуқий мақомини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ, овлу ва шаҳарча фуқаролар йигинларини фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир чуқур ислоҳотлар ҳам амалга оширилди. Мустақиллик даврида 10 мингта яқин маҳалла, қишлоқ, овлу ва шаҳарча фуқаролар йигинлари — ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил этилиб, шундан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йигинлари ташкил этади.

Мустақиллик йилларида маҳаллалар ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатида ўз ҳудудицаги фуқаролар ўртасида анъана ва урфодатлар ҳамда инсоний, хўжалик, ҳукуқий муносабатлар бирлигини ташкил эта бошлади ва улар фуқаролар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириб турувчи ўзини ўзи бошқариш органларига айланди.

"Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал сиёсий дастурга биноан маҳаллалар фуқаролик жамиятининг асоси деб, эътироф этилди. Президент И.А. Каримов маҳаллаларнинг фуқаролик жамиятидаги ўринини шундай баҳолайди: "Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса ҳалқи-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 29-бет.

мизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётининг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-куватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп киррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсиран чук бўлиб хизмат қилиши лозим".

Мустақиллик даврида маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фуқаролик жамиятининг институти даражасига кўтарилиши мақсадларида давлат томонидан чуқур ислоҳотлар амалга оширилди. 1992 йилда Ўзбекистон Президентининг "Республика "Маҳалла" хайрия жамгармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"²ги Қарори, 1998 йилда Ўзбекистон Президентининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-куватлаш ҳақида"³ги, 1999 йилда "Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий маадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ӯзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида"⁴ги Фармонлари ўлон қилиниди. Шунингдек, кам таъминланган ва кўп болали оиласарни ижтимоий ҳимоя қилинда маҳаллаларнинг ўрнини оширишга қаратилган қатор қонуналар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниди.

Мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш мақсадларидан келиб чиқиб, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"⁵ги (янги таҳрири) Қонуннинг I-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг ҳукуқий тушунчasi қуйидагича таърифланди: "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуналари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъана-

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. // Ватан саждагоҳ каби муқаддаслар. Т. 3. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 10-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»⁶ги (янги таҳрири) Қонуни. // Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳақиқий қафолати. (Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами). — Т.: 1999. 62-бет.

лардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир².

Кўриниб турибдики, мамлакатда ўзини ўзи бошқариш органлари тизими тушунчаси ва унинг ҳукуқий мақомлари ривожланган демократик мамлакатлардаги ҳукуқий мезонлар билан деярли бир хил тарзда белгиланган. Шунинг учун ҳам қисқа даврда — мустақиллик йилларида мамлакатдаги маҳаллалар олдинги тоталитар тузумдаги партия ва давлат органларининг ҳалқни мутеликда ушлаб туриш воситаси сифатидаги вазифалари бекор қилиниб, улар гадрижий рашида фуқаролик жамиятининг институти сифатида ривожлана бошлади.

Хозирги даврда Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариши органлари — маҳалла, овул, қишлоқ, шаҳарча фуқаролар йигинлари тизимининг ўзини ўзи бошқаришга доир ваколатлари икки йўналишни назарда тутади: биринчи йўналиш — маънавий соҳадаги вазифалар бўлиб, уларга ҳалқнинг бир неча минг йиллик тарихидаги ноёб, ҳалқният анъаналарни, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборатdir. Иккичи йўпуалиш — сиёсий вазифа бўлиб, ўзини ўзи бошқариш институтларини ҳозирги давр талабларига мувофиқ тарзда қайтадан тиклаш билан бирга, вилоят, шаҳар, туман ҳокиммилклари ваколатларининг бир қисмини ўзини ўзи бошқариш органларига, жумладан, маҳаллаларга беришdir. Ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи сифатида бевосита давлат ва жамият ҳаётига оид бўлган масалаларни мустақил рашида ҳал қилиш қобилиятини эгаллаши уларнинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги мақомини белгилаб беради.

Маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йигинлари фаолият кўреатётган худудларнинг кўлами, унда яшовчи аҳолининг миқдори, мазкур йигинларнинг фуқаролар ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий, сиёсий мағкуравий эҳтиёжларини қондириш йўлидаги фаолиятлари уларни маҳаллий ҳалқ ҳокимияти тизимининг ҳақиқий субъектига айлантируди. Миллий қонунчиликда ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари демократик қадриятлар талаблари даражасида ҳукуқий жиҳатдан мустаҳкам-

ланди. Унда қуйи бошқарув тизими ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органларига кенг ҳукуқлар берилди. Жойлардаги жамоатчилик вакилларининг давлат ва жамиятни бошқариш ишларида тўла иштирок этилари кафолатланиб, бу органлар давлат маҳаллий бошқарувидан ажратилиди. Улар ҳар қандай тазйиклар ва қарамликлардан халос бўлган мустақил орган сифатида фаолият юритиш имкониятларига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ти (янги таҳрири) Қонунидаги 10- ва 11-моддаларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига кирувчи Қонун ҳужжатлари асосида берилган барча ижтимоий-иктисодий, сиёсий, ҳукуқий соҳаларга, улар фаолият юритадиган худушлари ташкилот, муассасаса ва корхоналар билан ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш, ташкилий, хўжалик ва бошқа масалаларни ҳал қилишта оид ҳукуқлар ва ваколатлар аниқ ва разишан ифодаланган¹.

Айниқса, ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлови комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тавсия этиш, ҳалқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашини депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига тақлифлар киритиш тўғрисидаги ҳукуқларнинг берилиши бу органларнинг фуқаролик жамияти инсегитути сифатидаги ўрнини янада ошириди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ти (янги таҳрири) Қонуни-

¹ Ўзбекистон Республикасигининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ти (янги таҳрири) Қонуни. // Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳақиқий кафолати. (Қонунчилик ва меберий ҳужжатлар тўплами). ... Т.: 1999. 65--69-бетлар.

да маҳалла фуқаролар йигини кенгашининг ваколатлари демократик қадриятлар талаблари асосида белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йигини кенгаси қарорларини бажаради ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йигини мажлиси ўртасидаги даврдаги жорий фаолиятини бошқаради. Маҳалла фуқаролар йигини кенгаси таркибини йигин оқсоқоли, унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тузилган комиссияларининг раислари, йигиннинг маъсул котибидан иборат жамоавий ўзини ўзи бошқариш вакиллари таникли этади.

Маҳалла фуқаролар йигини кенгашининг қонунда белгилантган муҳим ваколатлари қўйилагилардан иборат: фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштиради, хайрия ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказади; фуқаролар йигини кенгашининг девонини шакллантиради; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришида қўмаклашади; оммавий-сиёсий, маънавий-мъарифий, маданий, спорт тадбирлари ва бошқа тадбирларни ўтказишида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қўмаклашади; ҳоғин-қизларинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидан мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради; фуқаролар диний эътиқод эркинлиги ҳукуқларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради, виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши билан bogliq bўlgan бошқа масалаларни кўриб чиқади; икки ёшга тўлмаган болалари бор, вақтинчалик ишламайдиган оналарга нафакаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда тўладиди; мазкур худудда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлашга қўмаклашади; болалар спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўл, кўпик, кўча, йўлаклар, коммунал тармоқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлани, тарих ва маданий ёдгорликларни таъми-

мирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида қатишади, дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга қўмаклашади; тегишли ҳудуддаги ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза этиш устидан жамотчилик назоратини амалга оширади¹.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуни қабул қилишдан асосий мақсад фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини таъминланада аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг ҳукукий асосини яратишдан иборат эди.

Мамлакат Президенти И.А. Каримов ўзининг иккничи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маъруzasida ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат бошқарувидаги ўринини оширишга доир қўйидаги фикри билдирган эди: "Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли — марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуий тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиши таъминланадир"². Албатта, давлат томонидан маҳаллаларга бальзи бошқарув ваколатларини беришда фуқаролар йигинларининг аҳоли фаоллигини оширишдаги ўринини юксалтириш кўзда тутилди. Чунки, маҳалла фуқаролар йигинларига етарли бошқарув ҳукуқлари ва ваколатлари берилмаса, улар ўзини ўзи бошқариш функцияларини бажара олмас эдилар. Шунингдек, маҳаллаларнинг жамият ва давлат олдидаги масъулиятли бўлишлари учун ҳам, авваламбор, улар мустақил фаолият юритиши ҳукуқларига эга бўлишлари зарур.

ХХ аср охирида бошланган жамиятнинг сиёсий соҳасидаги эркинлаштириш мақсадидан келиб чиқиб, маҳалла фуқароларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни. // Маҳалла: ўзини ўзи бошқарип ҳақиқий кафолати. (Қонунчилик ва мөъёрий хужжатлар тўплами). — Т.: 1999. 69—72-бетлар.

² И.А.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни яшада чукурлаштириши ва фуқаролик жамиятги асосларини шакллантиришнинг асосий йўнаданилари. // Биз ташлабди йўл — демократик тараққиёт ва мъарифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. II. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 29-бет.

ролар йигинларига янги бошқарув ваколатлари берилди. Маҳалла ўз ҳудудида яшаётган фуқароларнинг турли ижтимоий муаммоларини ҳал қилиб беришда бевосита иштирок этиб, у қариялар, фахрийлар, байналмилал-ҳарбийлар, кам таъминланган ва кўп болали оиласлар ва ҳар бир фуқаро манфаатларини ҳимоя қиласди, маҳалла фаолларининг бу соҳадаги фаолиятига бошчилик қиласди.

Маҳалла фуқаролар йигини кенгаси мавжуд қонунчиликка биноан ижтимоий таъминпот органдари ва бошқа ҳомий ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий ёрдам, кам таъминланган оиласлар ва ёлғиз кишиларга давлат ва маҳалла фуқаролар йигини номидан молдий ёрдам ажратини ишининг барча ташкилий жиҳатларини амалга оширадилар.

Шу билан бирга, Олий Мажлис қабуғи қиласданган қонунлар лойиҳалари, Конституцияга киритиладиган ўзгаришлар юзасидан ўтказиладиган умумхалиқ референдумларига тайёргарлик кўрини ва ўтказини, аввало, маҳалла аҳли ва фаоллари томонидан муҳокама қилинади ва қўллаб-кувватланади. Маҳалла фуқаролар йигинлари сиёсий қарорлар қабул қилини жараёнларища фуқароларниғ фаол иштироқлари учун шартшароитлар яратишда муҳим ўрин тутади.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида маҳалла фуқаролар йигинларининг нуфузини кўтариш, уларниг ўзини ўзи бошқариш фаолиятларига кўмаклашиб, шунингдек, фуқароларларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш мақсадларида 1992 йил 12 сентябрда Республика "Маҳалла" хайрия жамгармаси ташкил қилинди. Жамгарма фаолиятини қўллаб-кувватлаш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳсус Фармонлари (1992 йил 12 сентябрь ва 1992 йил 8 октябрь) эълон қилинди. Шунингдек, 1992 йил 17 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Республика "Маҳалла" хайрия жамгармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ти қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, жамгарма низомида унинг қўйидаги йўналишлар бўйича фаолият юритиши белгилаб қўйилди:

-- тарихан шаклланган миллий ва маънавий қадриятларни кенг таринб қўйини;

-- энг яхши миълий урф-одатлар ва анъаналарни кенг ёйиш, аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни йўлга кўйиш;

-- хайр-саҳоват ва инсонпарварлик, одамлар орасида бирбирини тушуниш ва яхши қўшничилик гояларини тушунтириш учун фаол тарбибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

-- кам таъминланган оиласлар, погиронлар, қариялар ва болалар ҳуқуқларини ҳар томонлама ижтимоий ҳимояланни ва ҳоказо¹.

Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва барча шаҳар ва туманларда жамгарманинг бўлимлари фаолият кўрсатадилар. Шунингдек, жамгарманинг асосий мақсади маҳалла фуқаролар йигинлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-кувватлашдан иборатидир. Жамгарма 1996 йилдан бўён ўзининг "Маҳалла" тизетасини нашр этиб келади.

Республика "Маҳалла" хайрия жамгармаси, унинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари билан ҳокимликлар ҳамкорлигida ҳар йили "Энг яхши маҳалла", "Энг ибратли оқсоқол", "Маҳалла жонкуяри", "Энг таъбиркор маҳалла оқсоқоли" ишиори остида муттасил кўрик-тапловлар ўтказиб туриш айтсанага айланади.

Хозирги даврга келиб Республика "Маҳалла" хайрия жамгармасининг аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини ошириш мақсадида маҳаллашарда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш комиссияси томонидан ишлаб чиқилган "Маҳалла дарҳонаси"нинг дастурини бажариш режасини муттасил равишида "Маҳалла" газетасида эълон қилиб бориш анъанага айланган. Барча маҳалла фуқаролар йигинларида Конституцияни ўрганишни ташкил этиш учун ҳуқуқий маълумотга эга бўлан мутахассислар, сиёсатшунослар, амалиётчилардан иборат тарбибот ва ташвиқот гуруҳи фаолият кўрсатиб келмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 й. 17 октябрдаги «Республика "Маҳалла" хайрия жамгармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ти қарори. // Маҳалла ўзини бошқарини ҳуқуқий қафолати (Қонуқроизик ва меберий қўжжатлар тўшами). -- Т., 1999, 87 - 89-бетлар.

Маҳалла аҳлиниңг ижтимоиј фикрлашига демократик қадриятлар сингиб бормоқда. Ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаси шуну кўрсатдики, ҳар бир оила, маҳаллада яшаетган фуқаро ўз ҳаёти ва тақдирини маҳалласиз тасаввур қила олмайди. Республика "Ижтимоиј фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2003 йил январда ўтказган социологик сўровномасида "Маҳалла оиласидаги ички муаммоларни ҳал қила оладими?" деган савол берилган эди. Бу саволга сўралган фуқароларнинг 63,1 фоизи ижобий жавоб бердилар. Шу билан бирга, сўралганларнинг 82,5 фоизи маҳалла йигинининг қўни-қўшинилар ўтасидағи келишмочиликни бартараф этишга, 84,4 фоизи esa тўй, маърака, дағи ва бошқа маросимларини ташкил этишга бошчилик қилишита ишонади¹. Кўриниб турибиди, маҳалла фуқароларнинг бирламчи ҳаётй ёхтиёжлари ифодасига айланаб бормоқда.

2003 йилда қабул қилинган "Обод маҳалла йили" дастурдан келиб чиқиб ўзини ўзи бошқариш органларини мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг тузилиши мунисабати билан "Маҳалла" жамгармасининг асосий вазифалари ва ваколатлари қайтасан кўриб чиқиши. Ўзини ўзи бошқарини бўйича Республика кенгаши ҳамда Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлари тузилиб, "Маҳалла" жамгармаси, унинг жойлардаги қўйи таркибий тузилмаларига мазкур кенгашларнинг ишчи органи функцияларини бажариш ваколатлари берилди².

Мустақиллик даврида маҳаллалар фуқаролар йигинлари оқсоқоллари, "Маҳалла" жамгармаси ва унинг маҳаллий ташкилотлари раҳбарларининг сифат таркиби яхшиланиб борди. 2001 йил май—июнь ойларida мамлакатда ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, овул, қишлоқ, шаҳарча

¹ Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоиј фикр» марказининг жорий архиви. 2003 й. январда ўтказилган «Маҳалла — жамоатчилик фикри кўзигусида» мавзусидаги социологик сўровлар матерналари, 3—5-бетлар.

² Республика «Маҳалла» хайрия жамгармаси жорий архиви. Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишларини мувофиқлаштирувчи кенгашларини асосий вазифаларига доир лиқюм, 1--2-бетлар.

фуқаролар йигинларига ўтказилган сайлов бу соҳа раҳбарларини етуқ кадрлар ҳисобига сифат-жиҳатдан ўзгаришига олиб келди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ижтимоиј-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ва фуқароларнинг ижтимоиј фаоллиги ўсган ҳолда бўлиб ўтди. Сайловларда 12 млн.га яқин фуқаролар, яъни мамлакат катта ёшли аҳолисининг қарийб 90 фоизи иштирок этди. Сайловлар 9627 та фуқаролар йигинларида, шу жумладан, 1556 та шаҳарча, қишлоқ ва овул йигинларида, 4151 та қишлоқлардаги маҳаллалар ва 2138 та шаҳарлардаги маҳаллалар йигинларида, шунингдек, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган 1782 маҳалла фуқаролар йигинларида бўлиб ўтди. Ҳисобот-сайлов мажлисларида фуқаролар йигинлари раислари ва оқсоқолларининг олдинги сайловдан бошлаб ўтган давр мобайнида қилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари муҳокама этилди. Фуқаролар йигинлари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича олиб борилган ишлар атрофлича ва чукур таҳлия этилди.

Шунингдек, 2003 йилнинг ноябрь — декабрь ойларida ўзини ўзи бошқариш органларига нақбатдаги сайловлар кампанияси бўлиб ўтли. Мазкур сайловларда 12 млн.дан ортиқ сайловчилар, яъни мамлакатдаги катта ёшли аҳолининг қарийб 97 фоизи иштирок этди. Уларда мамлакатдаги фуқаролар йигинларининг 8360 та раислари (оқсоқоллари), шунингдек, уларнинг 80 мингга яқин маслаҳатчилари сайланди.

Ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган ҳисобот-сайлов йигилишларида жами 120 мингдан ортиқ фаоллар сўзга чиқиб, улар кўтарилиган турли масалалар юзасидан ўз фикр мулоҳазаларини билдирилар. Уларнинг аксарияти мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни сақлаб туриш, аҳолининг турли қатламларини ижтимоиј жиҳатдан кўллаб-куватлаш юзасидан амалга оширилаётган ижтимоиј-иктисодий ислоҳотларни кўллаб-куватлаб чиқдилар, бу соҳалардаги муаммолар ечимларига доир ўз тақлифларини билдирилар³. Ўзини

³ Республика «Маҳалла» хайрия жамгармаси жорий архиви. Ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов якунларига доир маълумотнома. 2001 й. 5 септ. 2--4-бетлар.

ўзи бошқарици органларига бўлган сайловлар аҳолининг кенг қатламлари учун ижтимоий-сийесий фаоллик бағишлади ва ўзига хос демократия мактаби вазифасини ҳам ўтади.

Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларигинг ваколатлари муддати тугаганлиги муносабати билан 2006 йилнинг май—июнь ойларида мамлакатнинг барча ҳудудларида навбатдаги сайловлар ўтказилди. Улар илгари ўтказилган сайловлардан фарқли равишда, биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли)" ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида¹ қонуни асосида ўтказилди. Мазкур қонундан келиб чиқиб, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳарлар, шунингдек, Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарори билан 199 та туман ва шаҳарларда фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиши ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузилиди. Шунингдек, 8843 та, яни ҳар бир фуқаролар йигинида раис (оқсоқол) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиши ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гурӯҳи тузилиб, улар сайловчилар ўртасида кеңг қамровли ташкилий ва тарғибот ишларини олиб борди.

Ўзини ўзи бошқарип органларига сайловлар кампаниясининг асосий мақсади сайловларни қонунга амал қўйган ҳолда, ижтимоий адолат, ёркин фикр билдириш ва ошкоралик тамоилияларига риоя этган ҳолда ўтказиш, муқобил номзодлар кўрсатиш ўйли билан раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни сайлаш имкониятини яртишидан иборат бўлди.

Туман ва шаҳарлarda сайлов кампаниясини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзолари ва Қонунчилик нафасати депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилган ишчи гурӯҳи аъзолари, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ўз сайлов округларида, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, ҳокимликлар, "Маҳқила" жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий кўллаб-кувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Ҳотигин-қизлар қўмитаси ва "Камолот" ёнлар ижтимоий ҳаракати ҳулудий бўлинмаларининг вакиллари фаол иштирок этдилар.

Сайловларда 12 млн.дан ортиқроқ сайловчилар иштирок этдилар. Сайловлар кампаниясидаги йигилишлар, учрашувлар ва бошқа тадбирларда ўтган 2,5 йил ичида ўзини ўзи бошқаришга доир амалга оширилган ишлар юзасидан берилган ҳисоботлар муҳокама қилинди. Сайловларда мамлакат бўйича ҳаммаси бўлиб 8843 та фуқаролар йигинлари раислари ва оқсоқоллари (2003 йилдаги сайловга нисбатан 483 та кўп), 84 минг маслаҳатчи сайланди. Кўпчилик фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) лавозимига сайловлар номзодларнинг муқобиллиги асосида ўтказилди².

Мамлакатда 2008 йилнинг ноябрь—декабрь ойларида фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларига сайлов бўлиб ўтди. Сайловда 18 млн.дан ортиқ сайловчининг 576509 та вакиллари иштирок этib, бу жараён ўзига 10124 та фуқаролар йигинида, жумладан, 101 шаҳарча, 1333 та қишлоқ, 154 та овул ва 8536 та маҳалла фуқароиар йигинини қамраб олди. Мазкур сайлов фуқароларнинг сийесий маъданияти ва ҳукуқий оғигини ошиб бораёттанилигини кўреатди. 64 та фуқаролар йигинида раисликка (оқсоқолликка) кўрсатилган номзодлар барча талаб этилган овзозларни олишга эриша олмади.

Сайлов натижалари шунун кўреатди, сайланган фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари)нинг сифат таркиби анча яхшиланди: улардан 6119 таси (60,4 фоизи) олий маълумотли номзодлардан иборат эди. Сайланган фуқаролар йигинлари раисларидан 1160 таси (2006 йилда 981 та эди) хотин-қизлардан иборат бўлди. Сайланган раислар (оқсоқоллар)нинг 4263 таси (42,1 фоизи) 50 ёшга етмаган номзодлар ичидан сайланди².

Фуқаролар йигинларига бўлган сайловлар кампаниясида раис ва оқсоқолларнинг ҳисоботлари қизғин муҳокамалар остида ўтди. Йигилишлар иштирокчилари фуқаролар йигин-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий архиви. Сенатининг 2006 й. 10 августдаги «Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг якунлари ҳақида» қарори. 1-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий архиви. Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якуплари тўғрисида ахборот. 3—4-бетлар.

лари фаолиятларидаги камчиликларни танқид қилилар, уларни такрорламаслик мақсадида минглаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилар. Йигиниларда фуқаролар йигинларининг асосий фаолиятларини ҳудудлар аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилишга қартиш зарурлигига доир кўплаб фикрлар айтилди. Айниқса, баъзи жойларда кам таъминланган оиласларга моддий ёрдамлар кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга мухтож оиласлар болаларига нафакалар тайинлашда адолат таъмилларини бузиш ҳоллари қаттиқ танқид остига олинди. Фуқаролар йигинлари билан ҳусусий уй-жой мулқдорлари ўртасидаги номувофиқликлар ва тушунмовчиликларни бартараф этишга доир масалалар атрофлича муҳокама қилинди¹.

Мамлакатда ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган сайловлар фуқаролик жамиятининг ривожланиб борётиғанлигини, жойларда фуқароларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда фуқаролар йигинларининг ўрни ошиб бораётганлигини, аҳолининг бу соҳадаги фаолиятининг кучайғанлигини кўрсатди. Шунингдек, сайловлар жараёнлари ва уларнинг натижалари ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг ижтимоий-сиёсий ҳёстининг ҳамма жабхаларига кириб бораётганлигининг яна бир ифодаси бўлди.

Мустақиллик даврида ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институти сифатида ислоҳ этиш ўзининг самараларини бера бошлади. Маҳаллалар мамлакатдаги аҳолининг ўзини ўзи бошқариш жараёнларида иштирок этишлари, сиёсий қарорлар қабул қилишда фуқаролар хоҳиш ва истакларини эътиборга олишга имкониятлар яратиши билан фуқаролик жамияти институтига айланиб бориши тамойили асосида ривожланди.

Маҳаллалардаги тинч ва осойишта ҳёётни таъминлаш, оиласларни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш, етимлар ва ёлғиз қолган фуқароларга меҳр-мурувват кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир интилишларни қондириш каби серқирра жамоавий бошқарув ҳам маҳалла фуқаролар йигинлари фаолиятининг асосий йўнали-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий архиви. Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунлари тўғрисида ахборот. 5—6-бетлар.

шини ташкил этмоқда. Лекин, ўзини ўзи бошқариш органларини демократлаштириш жараёнлари ҳали ўз ниҳоясига етгани йўқ. Айниқса, аҳоли ҳукуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, сиёсий қарорлар қабул қилишда маҳаллаларининг ўрнини юксалтириш, маҳаллаларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тўла мустақил бўлишини таъминлайдиган ҳукуқий механизмлар яратиш, фуқароларни маҳаллалар воситасида қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларидаги умумхалқ муҳокамаларида фаол иштирок этишларини таъминлаш каби вазифаларни бажариш қобилиятини шакллантириш яқин истиқболдаги ислоҳотларнинг асосий вазифасидир. Шу билан бирга, маҳалла фуқаролар йигинлари фаолиятини молиялаштириши кафолатглаш, уларни фуқароларга турли ижтимоий ва маший хизмат кўрсатга олишларига имкониятлар яратиш учун солиқ имтиёзларини таъминлаш каби ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни давлат томонидан "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини жамият сиёсий соҳасини эркинлаштиришга доир ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнларига татбиқ этиш асосида ҳал этилиши кутгилмоқда.

Мамлакатда ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукуқий мақомини мустаҳкамлаш жамиятни эркинлаштириш ҳамда бошқарувни номарқазлаштириш омили эканлигига муҳим аҳамият бериш ислоҳотларининг устувор йўналишига айланди. Маҳалла фуқаролар йигинларининг фуқаролик жамиятининг институти мақомига эришишини таъминлашга доир ислоҳотларнинг чуқурлашиш жараёнлари авж олиб бормоқда. Ислоҳотлар жараёнларида ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини тиклаш, уларни давлатнинг кўйи органлари эмас, балки, фуқаролик жамияти институти сифатидаги фаолиятини таъминлаш фуқаролик жамияти куришнинг энг асосий кафолатларидан биридир. Ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларининг молиявий асосларига эга бўлиш, шунингдек, давлат маҳаллий ҳокимиятидан мустақил равищда фаолият юритишга эришиш натижасидагина фуқаролик жамиятининг институтига айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўзини ўзи бошқарувидаги ўрнини юксалтириш ҳозирги даврда давлат томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланди.

4.3. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш жараёнлари

Фуқаролик жамияти шароитида оммавий ахборот воситалари демократик институт сифатида жамиятнинг ўзини ўзи бошқаришининг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади. Улар жамият аъзоларига ахборот етказиш ва уларни ахборот билан таъминлаш воситаси функциясини бажаришдан ташқари, жамиятдаги мавжуд муаммоларни баргараф этишда ҳам муҳим аҳамият қасб этади. Шунингдек, улар мустақил сиёсий куч сифатида ҳокимият томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг жамиятт манфаатларига уйғун бўлишига таъсир кўрсатади. Оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ) ана шу функцияларни бажариши қобилиятини шакллананиши унинг фуқаролик жамиятининг муҳим институти эканлигини ифодалайди.

ОАВ фаолиятининг демократик қадриятлар асосидаги хукуқий асослари БМТнинг "Инсон хукуқлари умумжаҳон Декларацияси", "Фуқаровий ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактта факультатив протокол"и, шунингдек, бошқа халқаро хукуқий хужжатларда ҳар томонлама мустаҳкамланган.

Оммавий ахборот воситалари, бу — маҳсус техника воситалари ёрдамида ахборотларни ошкора ва очиқ тарзда узатиш мақсадларида жамиятда ташкил этилган муассасалар тизимиdir. ОАВ — телевидение, радио, матбуот орқали оммавий маълумотномаларни йигиб, қайта ишлаб жамиятга тарқатувчилардан иборат. Шунингдек, ОАВ — фуқаролар манфаатларининг вакиллик тизими унсури ҳамdir. Чунки, улар аҳоли манфаатлари ва эҳтиёжларини ифода этишнинг бетакрор механизми сифатида сиёсий қатламлар ва расмий институтларнинг доимий дикқат марказида туради. Бир вактнинг ўзида ОАВ жамиятни бошқариш тизилмаси унсури ва жамиятнинг маърифийлигини таъминлаш тизимининг таркибий қисмидir¹.

Ўзбекистонда Миллий мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар ва хукуқий меъёрий хужжатларда халқаро хукуқий актлар талабларига ҳар томонлама жавоб беради.

¹ Политические коммуникации: Учебное пособие. — М.: Аспект Пресс, 2004. 74—75-бетлар.

оЛадиган демократик тамойиллар асос қилиб олинди. Шунинг учун ҳам мамлакатдаги ОАВ фаолияти қисқа давр ичида демократик қадриятлар асосида бутунлай янгидан ташкил этилди. Мустақиллик арафасидаёт, яъни 1991 йилнинг 14 июнида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ти қонун қабул қилинди.

Мамлакатда миллий ва демократик қадриятлар асосида ОАВнинг шаклланишида Президент И.А. Каримов илгари сурʼон фуқаролик жамияти қуришга доир концептуал назарий қонданар муҳим аҳамият қасб этди. Унинг Олий Мажлис таъвилюлтари ҳалқ депутатлари кенгашлари навбатдан ташқари сессияларида ҳар бир маъруzasидаги ОАВни эркинлаштириш ва ислоҳ этишга доир фикр-мулоҳазалари ва таклифларни мамлакатда ОАВни ривожлантириш назарияси ва амалийтими бойитишга кайта ҳисса қўши.

Президент И.А. Каримов ОАВ тизимини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш, журналистлар хукуқларини оиниришга муҳим аҳамият бериб, бу ҳақда қўйидаги фикрни билдирган эди: "Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини ва уларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш муаммоси ҳам долзарб бўлиб бормоқла. Айни чорда оммавий ахборот воситаларининг манфаатларини ва уларнинг вакилларини қонун ёрдамида ҳимоя қилиш, уларнинг ахборот олиш манбаларидан фойдаланиш хукуқини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга ога"¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маъруzasida оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги энг муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланиши ва бу жараённинг фуқаролик жамиятининг узвий таркибий қисмига айланиши лозимлиги алоҳида таъкидланниши Ўзбекистонда ОАВни "тўртинчи ҳокимият" сифатида этироф этилишини англалади¹.

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 558-бет.

ОАВ фуқаролик жамиятида мустақил институт сифатида фоалият юритар экан, бу жараёнда улар ҳокимиятни ташкил этишда иштирок этадиган сиёсий субъектлар — давлат, унинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятлари, сиёсий партиялар ва бошқа ижтимоий-сиёсий ташкиллар билан бевосита муносабатларда бўлади. ОАВнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, давлат ва жамиятта нисбатан таъсир доираси ана шу муносабатлар замирида шаклланади. Бошқача айтганда, ОАВ фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан биридир.

ОАВнинг жамият ҳаётиниң яшовчалигини таъминловчи асосий омиллардан бири, бу — турии ижтимоий қатламлар ва гурухларнинг ўзаро манфаатлари зиддиятлари ва бу зиддиятларнинг ўзаро мувофиқлашувидир. Демократик жамиятда бу зиддиятлар гоҳ ошкора, гоҳ яширин ҳолатда рўй берса, тоталитар ёки авторитар режимлардаги ҳокимият шароитларидаги жамиятда бу зиддиятлар, асосан яширин тарзда кечади. Демократик жамиятларда ўзаро манфаатлар кураши кўпинча оммавий ахборот воситалари иштирокида кечадиган ижтимоий жараёнлар бўлиб, улар жамият ривожланишини таъминловчи ижобий ҳодисадир. Жамиятдаги ўзаро зиддиятларининг конструктив ҳал этилиши жамиятининг маданиятга орншагилик даражасини ҳам белгилаб беради. Жамиятдаги турли манфаатларнинг ўзаро зиддиятларни мувофиқлаштириш, келиштириш ёки ўзаро мувоза-натлаштириш жараёнларида ОАВнинг ўрни бекиёсdir.

Ривожланган демократик жамиятларда оммавий ахборот воситалари кўпинча сиёсий партиялар ёки маълум ижтимоий гурухлар манфаатларини ҳимоя қилишга интилиши, маълум ижтимоий-сиёсий нуқтаи назарларни ёқлашга ҳаракат қилиши табиий бир ҳолга айланди. Кўпинча ОАВ ўзига тарафдор бўлган сиёсий партия ёки ижтимоий гурухлар манфаатларини ҳимоя қилиш доирасида чекланиб қолмасдан, умумжамият манфаатларига ҳам хизмат қиласди, ўз ўқувчи-

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий бўйнанилари. // Биз танлабан ўйл — демократик тараққёт ва маъриғий лунё билан ҳамкорлик ўйли. Т. II. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 23-26-бетлар.

лари эътиборини жалб этишга интилади. Давлат сиёсатини тарғиб этувчи, унга хайриҳо бўлган ОАВ давлат органларининг расмий нашри ҳисобланади¹.

Матбуот конференциялари давлат сиёсатини кенг жамоатчиликка етказишда, жамоатчилик фикрини шу сиёсатга яқинлаштиришда, жамиятнинг барқарорлигини таъминлашда давлат раҳбарлари учун энг қулай воситадир. Журналистлар унун бу каби анжуманлар сиёсий жараёнларни таҳлил қилишга манба вазифасини ўтайди.

Фуқаролик жамияти асосларини шакллантираётган Ўзбекистонда ҳам ОАВни жамият манфаатлари билан давлат манфаатларини уйгунаштириш институти сифатидаги мақомини оширишга катта эътибор берилмоқда. Миллий матбуот марказининг ташкил этилишидан кўзланган энг асосий мақсад ҳам жамиятда рўй берётган ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисаларни ОАВ вакиллари иштирокида таҳнил этиш, сиёсий институтлар — вазирликлар, йирик ўюшма ва компаниялар ҳаётидаги янгиликларни кенг жамоатчилик эътиборига холис ҳавола этишдан иборатdir.

Оммавий ахборот воситалари билан сиёсий институтлар муносабатларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги шартларидан яна бири жамоатчилик фикрининг жамият ҳаётида муҳим аҳамият қасб этишига эришишдан иборатdir. Сиёсий қарорлар қабул қилинишида фуқароларнинг кенг иштироки ва жамоатчилик фикрига устувор тарзда аҳамият берилгандағина ОАВга бўлган эҳтиёж кучаяди, матбуотнинг таъсир доираси ортади. Ва табиийки, сиёсий институтлар ўз дастурлари ва ғояларини ҳаётга татбиқ этишда оммавий ахборот воситаларига мурожаат этадилар. Мухими, сиёсий элита ОАВда иштирок этишга интиладилар ва улар воситасида жамоатчилик фикрига таъсир ўтказишдан манфаатдордирлар. Бу каби ўзаро муносабатларни йўлга кўйиш учун фуқаролик жамияти ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бериши мумкин. ОАВ ҳақиқий "тўртинчи ҳокимият" сифатида айнан фуқаролик жамиятидагина мавжуд бўлади ва ана шундай жамият яратган муҳитдагина

¹ Политические коммуникации: Учебное пособие. — М.: Аспект Пресс, 2004. 7—13-бетлар.

матбуот жамоатчилик фикрини шаклантириш ва унга таъсир кўрсата олишга қобил бўйган кучга айланади.

Умуман олтандар, фуқаролик жамиятни ва ҳукуқий давлат қуришга доир ислоҳотларининг муваффақияти ОАВнинг фаолиги билан чамбарчас боғлиқдир. ОАВ ўз ижтимоий нуқтаи назарининг очик-ойдинлигиги, қатъйилиги билантина жамиятда нуфузли мавқетга эга бўлиши мумкин. Шу ўринда ОАВнинг ҳалқ, назоратининг энг сизданган ва муносабиб воқиси экациини таъкидлану лозим.

Инглиз мутафаккири Эдмунд Бёркдан кейин, яхни 1840 йилда машҳур француз ёзувчisi Оноре де Бальзак ОАВни бежиз "тўртичини ҳокимият", деб атамаган "эди" ОАВнинг жамиятидан мувозанани сайдай олини унит том маънодаги "тўртичини ҳокимият" даражасига қутарилиши билан боғлиқдир. Ҳокимияттини асосий белгиларидан бири – ўз режасигини амалга ошириш йўлида одамларга йўлбошлилик қилиш, йўнагтириш, бошқариш эканини назарда тутсак, оммавий ахборот воситалари ҳам маънум маънода шу вазифани амалга оширишига ҳисса қўнади. Шунингдек, ОАВ – ахборот ва янгилик улашини манбаи ҳамdir. Ҳозирги даврдаги фуқаролик жамиятни қуриш жарайёларида ахборотга эҳтиёж тобора кучайиб бормоқда. Ҳозирда жамият ҳаётни ва фаолияти ахборотга асосланган ва таянган ҳолда кечмоқда. Шунингдек, ахборот ижтимоий-иқтисадий тараққиётининг муҳим омили сифатида ҳам ўз мавқеига эга. ОАВнинг жамиятдаги ўрнини ошиб бориши билан "ахборот асли"га айланган ҳозирги даврда ахборотнинг устуворлик мавқеи ошиб боради, ахборот воситасида жамиятни бошқариш, уни ривожлантириш имкониятлари яратилади. Матбуотнинг қудрати ҳам айнан шу – сўз ва ахборот воситасида фуқаролик жамиятига маънавий-ғоявий таъсирини ўтказа олиш қобилиятига эгалигидарид.

ОАВнинг жамиятга нисбатан таъсирининг кенг имкониятларидан фойдаланиш мақсадларида сиёсатчилар коммуникация масалаларига жиддий эътибор бера бошладилар.

¹ Политические коммуникации: Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2004. 72-бет.

Ривожланган мамлакатларда сиёсий технологиялар, жамоатчилик билан алоқалар тез ривожлангаётган фан сифатида ўз услублари ва фаолиятларини шаклантирилилар. Бу соҳага лавлат ва сиёсатчилар томонидан катта маблаглар сарфлани одатдаги бир ҳолга айланади. ОАВ ҳам сиёсий коммуникация ва маркетинг қуороли сифатида жиддий тадқиқотлар обьектига айланди.

ОАВнинг жамоатчилик фикрини шаклантиришидаги ўрни ҳам бекиёс ўсли. Матъумки, жамоатчилик фикри, бу – бир томондан, жамият ҳаётининг ҳамма даражаларида қонунлантирилган, таш олиниш қарорлар қабул қилиши механизmlаридан бири бўлиб, ҳокимиятни амалга оширишда барқарор ва самарали интирок этиб келаётган сиёсий институтлар. Иккичини томондан ёса у турли-туман ижтимоий бирликларининг у ёки бу воқеа ва ҳодисаларга нисбатан билдирган умумий фикрлари ва баҳолашларицир.

Ривожланган демократик мамлакатларда жамоатчилик фикрини билдиришнинг одатдаги оқимлари ва шакллари қуйидагилардан иборатлир: ҳокимият органлари сайловлашари, фуқароларининг бошқарушиаги тўрилан-тўғри иштироки, матбуот ва бошқа оммавий коммуникация воситалари, мажлислар, магистралар, билдиришлар ва бошқалар. Жамоатчилик фикрини ўрганиш матбуотда ўзлони қилинган фикрлар ва фуқаролар билан тўрилан-тўғри алоқаларининг бўлиши билан бир қаторда аҳолигиниң ҳоҳини, умииати, кутаётган истаклари ва принципиал шуқтаи назарларини ифодалашнинг муҳим манбасидир. Агар репрезентив сўровларда кўп сонли фуқаролар иштирок этсалар, билдирилган фикрлар умумий фикрни ифодалаб бера олади.

Сиёсий жараённи матбуот, радио ва телевидениесиз тасаввур этиш қийин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бунгунги кунда жамиятимизда содир бўлаётган улкан ўзгаришларда ОАВнинг алоҳида ўрни бор. Бундан ташқари, тогалитар ёки авторитар тузумларда унга қарши овоз бера оладиган қашдайцир салмоқча эга ташкилот ва бирланималарда бир-бирига муҳолифатда бўйган сиёсий партияларининг йўқдиги боис ОАВ ўзига хос ташкилотчи ва қурдатли қўзиатувчи ролини бўлжарib, охир-оқибатда бу тузумнинг ишқирозга учрашига ўз ҳиссасини қўшиб келганини бежиз эмас.

Машхур сиёсатшунос Г. Ласуэлл ОАВларнинг тўртта энг асосий вазифасиги алоҳида кўрсатиб берган эди: 1) дунёга теран нигоҳ билан боқиш (ахборот йиғиш ва ёйиш); 2) умумхалқ фикрини шакллантириш; 3) муҳаррирлик (ахборотни танлаш ва таҳдил этиш); 4) маърифат ва маданиятни тарбиб этиш¹.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги ОАВнинг сўз ва фикр эркинлигига эришиши асосий вазифалардан биринга айланди. 1990 йилнинг январида собиқ тоталитар тузум мафкурасидан бутунилай холи бўлган "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таъсис этилди. 1991 йилнинг 14 июнида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Шунингдек, 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши ва 1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиниши оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги муҳим воқеа бўлди. Конституциянинг махсус XV боби "Оммавий ахборот воситалари" деб номланишининг ўзи оммавий ахборот воситалари демократик тузумнинг энг муҳим конституциявий институти эканлигининг эътироф этилиши эди. Шунингдек, ОАВга катта хукукий мақом берилиши натижасида мамлакатдаги барча турдаги ОАВ демократик қадриятлар асосида фаолият юритиш учун кенг имкониятларга эга бўлдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида ОАВга доир қуйидаги қоида мустаҳкамланди: "Оммавий ахборот воситалари эркинdir ва қонунга мувофиқ, ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл кўйилмайди"².

Конституциянинг 29-моддасидаги қуйидаги қоида Ўзбекистонда ОАВнинг демократик қадриятлар асосида фаолият юритишиларининг асосий мазмун ва моҳиятини ташкил этди: "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хукуқига

¹ Lasswell H.D. The Use of Content Analysis in Studying Social Change. // Social Science Information, 1968, №1. 18-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 13-бет.

оға. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш хукуқига эга...". Шунингдек, Конституцияда мустаҳкамлаб кўйилган виждан эркинлиги, фуқароларниң сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий хукуқлари кафолатлари оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркин ва мустақил кечиши учун хукуқий кенгликлар яратди.

ХХ асрнинг 90-йиллари ўртасига келиб мустақил демократик оммавий ахборот воситаларининг хукуқий асосларини шакллантиришнинг янги босқичи бошланди. Бу даврда Олий Мажлис томонидан оммавий ахборот воситаларининг хукуқий асосларини шакллантириш, уларнинг демократик принциплар асосида фаолият юритишиларини таъминлаш билан боғлиқ қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, "Ноопирилик фаолияти тўғрисида" (1996 й. 30 август), "Муаллифлик хукуқи ва турдош хукуқиар тўғрисида" (1996 й. 30 август), "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида" (1997 й. 24 апрель), "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида" (1997 й. 24 апрель), "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" (1997 й. 26 декабрь) каби қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар мамлакатда ОАВнинг фуқаролик жамияти таълабларига мос фаолиятларини ўйла қўйиш, матбуотни замонавийлантириш учун хукуқий асос вазифасини бажарди.

Лекин, шу билан бирга, мазкур қонунлар оммавий ахборот воситалари фаолиятига кенг имкониятлар очиши билан бир қаторда улар зиммасига катта масъулнинг юклиди. ОАВ давлатнинг мафкуравий куроли сифатидаги ўзига хос бўлмаган вазифалардан ҳалос бўлиши ва жамиятнинг демократик институти сифатида "тўргинчи ҳокимият" функцияларини ўз зиммасига олиши учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

Шунингдек, ОАВни иқтисодий қийинчиликлардан ва ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадларида 1996 йилнинг ноябрidda "Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўлжаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси" таъсис этилди. Ўзбекистон мамлакати матбуоти тарихида биринчи марга мустақил "Хуррият" газетаси таъсис

¹ Уша жонда. 8-бет.

этиди. Шунингдек, ОАВни жамиятдаги ўрнини ошириш, "тўртинчи ҳокимиёт"нинг мамлакатдаги ислоҳотларга ишбатан таъсирини кучайтириш мақсадларида Миллий матбуот маркази ташкил этилди. Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш ишларига ҳам муҳим аҳамият берилди. Бу соҳага доир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (1999 й. февраль) маҳсус қарори қабул қилиниди. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Миллий Университетининг журналистика ва Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари университети халқаро журналистика факультетлари бутунлай қайта ташкил этилди ва уларнинг таълим базаси мустаҳкамланди. Янги руҳдаги дарслар, янгича ўқитиш услубларини яратиш жараёнлари бошлианди.

XXI аср бошлиаридан жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш ислоҳотларининг бошланиши билан бөглиқ ҳолда ОАВ фаолиятини демократлаштиришга янала муҳим ётибор берила бошлианди. Президент И.А. Каримов ташаббуси ва маҳсус Фармони билан 2002 йил май ойига келиб ОАВ устидан ҳар қандай цензурани амалга ошириши мумкин бўлган бошқарув органларининг бутунлай тутатилинини натижасида матбуотни эркинлаштириш соҳасида янги бир давр бошлианди. Шунингдек, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясида фуқаролик жамиятги асосларини барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бениҳоя катта эканлиги ёътироф этилди, уларга катта масъулият ююланди.

2002 йылнинг 3 июляда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оммавий ахборот воситаларининг бошқарувини такомиллаштириш" тўғрисидаги Фармони ёълон қилиниди. Мазкур Фармонга биноан Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига айлантирилди. Президентининг мазкур Фармони мөҳияги оммавий ахборот воситалариниң эркинлаштириши, уларнинг фаолиятига давлатнинг араганинг чеклани мақсадларини кўзда тутган эди. Шу давргача ўзининг катта ваколатларидан фойдаланиб порасмий цензурани амалга ошириб келин Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасининг Матбуотда давлат сирларини сакдан бошқармаси фаолияти бутунлай тутатилиди. Давлат томонидан ОАВнинг

эркин фаолият юритилари учун барча шарт-шароитлар яратилди¹.

1995 йилда мамлакатда 384 та газеталар, 66 та журналлар натижада 19 та телестудиялар, 2 та радиостанциялар, 3 та подавлат электрон ОАВ, 1 та ахборот агентлиги фаолият юритган бўлеа, 2005 йонга келиб газеталар сони 597 тага, журналлар 145 тага, телестудиялар 43 тага, кабель телевидениелари 34 тага, радиостанциялар 12 тага, подавлат электрон ОАВ 93 тага, ахборот агентликлар сони 4 тага стди. Мамлакатнинг турли минтақаларида 70 та хусусий телевидение ва радио компаниялари фаолият юритиб, улар Ўзбекистон ҳудудининг 70 фойзига ўз ахборот ва бонса кўреатув ҳамда ёниттирувларини тарқатиш қобилиятига эгадирлар².

Лекин, мамлакатда подавлат ва хусусий ОАВнинг жамиятдаги таъсир доираси жула ҳам секундик билан ўсаётганлигини кузатиш мумкин. Жамоатчилик фикрини ўрганиш "Ижтимоий фикр" маркази томонидан 2003 йил 3–10 сентябрда ўтказилган "ОАВ ва жамоатчилик фикри — 2003" мавzuсидаги социологик сўровномаларида берилган "Сиз Ўзбекистон ичке ҳаётига доир ахборотлар ва халқро ҳаёт тўғрисидаги воқеаларни ОАВнинг қайси манбаларидан оласиз?" деган саволга респондентларининг жавоблари куйидагича тақсимланган: 92,6% республикадаги жамият телевидениеларидан, 35,3% давлат радиостанцияларидан, 32,3% давлат ОАВдан, 21,2% Россия ОАВдан, 5,8% подавлат телевидениелардан, 6,9% мустақили ОАВдан, 4,8% подавлат радиостанцияларидан, 0,2% хорижий -- "Би-Би-Си" ва "Озодлик" радиостанцияларидан.

"Сиз Республика ОАВ тақдим этгётган ахборотларининг тезкорлиги, сони ва сифатидан қониқасизми?" деган саволга респондентларнинг жавоблари куйидагича тақсимланган:

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати жорий архиви. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 й. 3 ноңдаги «Оммавий ахборот воситаларини бошқарувини такомиллаштириш» тўғрисидаги Фармони. 1–2-бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президентинин Матбуот хизмати жорий архиви. Ўзбекистон ОАВ тўғрисида маълумотнома. 2005 йил 16 янв. 6-бет.

ланган: 38,2% мутлақ қониқаман, 48,8% қисман қониқаман, 5,9% қониқмайман, 3,9 % жавоб беришга қийналаман, деб жавоб берганлар, 3,2 % и жавоб беришдан бош тортганлар¹. Социологик тадқиқотлар натижалари кўрсагиб турибдики, мамлакат ОАВ фуқаролик жамиятининг ҳақиқий институти сифатида фаолият юритишлари учун, авваламбор, уларнинг нодавлат турларини кўлайтириш орқали ОАВнинг фуқаролар ва жамиятдаги турли-туман ижтимоий қатламлар ва гурухлар мағфатларини ифодаловчи ва уларнинг муаммолари ечимларини топишга йўғилиган фаолиятини шакллантириш зарурияти туғилмоқда.

Қисқа давр ичидаги оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти учун хукуқий асослари яратилиди, унинг стратегияси, йўналиши, жамият ҳётидаги ўрни белгиланди. Шунингдек, ОАВнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришдаги ўрнига муҳим аҳамият берила бошланди. Фуқаролик жамиятидаги жамоатчилик фикри асосида шаклланган таъаб ва таклифлар ҳокимият томонидан ўрганилади ва шу таклифлар асосида қабул қилинган қарорлар жамиятга тақдим этилади. Демократиянинг моҳияти ҳам жамиятни шу услубда бошқариша намоён бўлади. Америкалик социолог Уолтер Липпман пуктаи назарича, "жамоатчилик фикри кишиларининг умумий, жамоавий мағфатлари ифодасидир"².

Оммавий ахборот воситалари эса бу жараёндаги энг муҳим бўгин ҳисобланади. Яъни, жамоатчиликнинг, ҳалқнинг ҳокимиятта нисбатан фикрини эркин, холис ифода этади ва ҳокимият билан жамият ўртасидаги воситачи вазифасини ўтайди. Оммавий ахборот воситалари ўз саҳифаларида жамоатчилик фикрини акс эттирадиган шахсларнинг чиқишлиарни уюштириш, умуман, жамиятдаги энг долзарб масалаларни кўтариш орқали ҳокимиятта жамоатчиликнинг тақлиф ва талабини етказиб бера олиши лозим. Шу билан бирга давлат томонидан қабул қилинган қарорларни амалга оширишда ҳам жамоатчилик фикрини йўналитиришга хиз-

¹ Текущий архив ЦИОМ «Ижтимоий фикр». Анализическая справка по результатам опроса общественного мнения «СМИ и общественное мнение -- 2003». 2--4-бетлар.

² Lipmann W. Public opinion — N.Y., 1992. 96-бет.

мат қила олиши, жамият олдида турган энг муҳим вазифаларни амалга оширишда жуда катта роль йўнаши керак.

Президент И.А. Каримовнинг қўйидаги сўзлари фикримизнинг далилидир: "Оммавий ахборот воситалари ҳамиша жамоатчилик фикрига кучли таъсир ўтказишга қодир бўлган фаол қурол бўлиб келганини унумаслигимиз керак" ¹. Бошқача айтганда, ОАВ одамлар орасидаги ўзаро мулоқотларнинг кенг шаклидир. Уларнинг ёнига яна бир муҳим жиҳатини қўшиш мумкин: жамият аъзолари сиёсий маданиятини ошириш ва ижтимоий фикрни шакллантириш. Шу билан бирга матбуот, радио ва телевидение фуқаролар ҳақ-хукуқларининг ҳимоячиси сифатида жамиятининг кўзи ва қулоги бўлиб, унда содир бўлаётган ўзгаришлар, масалан, иқтисоддаги ўсиш ёки пасайиш, наркомания ва жиноятнинг кўпайиши, ҳокимият вакилларининг порахўрликлари ҳақида биринчилардан бўлиб ҳаммани хабардор этувчи восита сифатида майдонга чиқади. Лекин бунинг учун ОАВ, аввало, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишлари даркор.

ОАВдаги мақола, репортаж, таҳлилларда ҳокимият органлари фаолиятидаги кўпинча кўзга кўринмайлигидан башзи иллатларни фош этиб, уларни ошкор этадилар. Бошқача айтганда, ОАВ орқали акс эттирилган умумхалқ фикри у ёки бу аниқ шахсларнинг "ортиқча кудратитин" бирмунча камайтиради ёки қонуни бузувчиларни доимо фош қилиб туради.

Хозирги даврдаги оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги муаммоларидан бири — бу жамоатчилик фикрини ўрганиш масаласидир. Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини ёритиш, уни шакллантиришга хизмат қилиши билан бир қаторда, унинг келиб чиқиши сабаблари ва у билан боғлиқ бошқа ҳолатларни чуқур ўрганиши ва таҳдил қилиб бориши лозим. Оммавий ахборот воситалари ўзининг фаолиятини шу мақсадларга қаратиши лозим.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузасида жамоатчилик фикрининг аҳамияти тўғрисида шундай деган эди: "...жা-

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. // Биз келажатимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. Т.7. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 391-бет.

мизгидан оникорагиқ жаңа оңайлықтың таъминданын масаласи жаңа оңайлық фикрини ўрганиниң усун-үслубларининг қайдағы дағындағы ривожланғаннан билдиң бевосита болғандыр. Таъбир жоғыз бұлса, жамоатчылық фикри - фуқаролық жамияттегің ҳолаттегің ўзілдік аниқтаса оттирилған бәмисоли бир күзгү. Лекин бизде жамоатчылық фикрини ўрганини ҳам, уни шаклланғаннан ҳам яхши йүлға қўйилмaganини, бундай ёндашув сиёсий ҳәётимизнинг лоимий белгисига айлашиб улгурмаганини таассуф билан қайл этинимиз лозим¹.

Дарҳақиат, ҳозирги ОАВнинг ҳолаты бу фикрни тасдиқтайды: марказий газетадардан кўтарилаётган бальзи фикрлар ёки телевидение орқали жамияттаги маълумотлар уларнинг жамоатчылық фикридаги узилиб көлтенидан даюзат бермоқда. Жамоатчылық фикри ўрганилмаслиги, тақдим этилиёттеги ахборогининг бир томонигама нуқтаи нигариданғина талқит ўтишини жамоатчылық фикрингитте яхши шаклланған маслигига сабаб бўлмоқда. Натижада, омманинг яратувчилик кучи, жамият тараққиёті йўлнаги нигилиншари ўрини фаолсизлик ва бефарқлик аломатлари өтказданғига шартшаронлар яратылади.

ОАВнинг халқ ётиборидан чедла қолини, улар тиражлари кескин даражада тушиб кетип сабаблари, бу — уларнинг кенг ўқувчилар мухлислар оммасини жалб эта олмадан тағдилладыр. Шунингдек, берилёттеги ахборотлар қанчалик тўтири ёки адолатли бўлмасин, биринчидан, у бир ёқлама бўлиб, уларни ўзаро солиштириш, "тарозила ўччани" имконияти яратилмаса, иккинчидан, ОАВ томонидан жамоатчылық фикри жилдий ўрганилмаса, улар халқ тарабада тақлифларини ишобатга олмаса, у ҳолда ОАВ жамият институтти сифатида фаолият кўрсага олмайды. Шунингдек, бу каби ОАВ жамият ривожланishiни йўлидаги тўсиқ бўлиб қолиши ҳам мумкин. ОАВ фақат маълум бир воқеа-ходиса ҳақида ахборот беригина қолмасдан, шу ахборотга бўлган муносабатни ҳам ифодалашни лозим.

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгарнишларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий нўналинишлари. // Биз таисланган йўл -- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик нузи. Т. II. -- Т.: Ўзбекистон, 2003. 26-бет.

Шунингдек, сабаб иттифоқ давридаги иш услугбларига ургандан ОАВ раҳбарларинин бозор иқтисодиётин шартига кўникиши қийин кечмоқда. Ҳозирги даврда ОАВ фаолиятидаги бальзи сабаби ҳолатлар негизининг бир томони "тарихий анъана"ларга бориб тақдиса, иккинчича томонини, ОАВ раҳбарларинин бозор иқтисодиётин муносабатлари шароитларни фаолият юритивига нокобилганини уларда юксак малака. Маҳорат ва маслужиятнинг етимиссанги сабаб бўлмоқда зеро бу ҳақда Президент И.А. Каримов кутида ти фикрларни тишилларди: "Шунда очик, анъинимиз керакки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узек вакът зар довомидаги мағкурларни ва мавмурини изорни остилашни даганинг тифозларни ўзарининг ҳали бери бу ҳолатдан чиқарин, анигаю, ислоҳотлик жиҳатдан узинот ёркни дре яхши қолин кечмоқда. Шу сабабдан улар узи утун янини булати ҳоярги таъиятда бальзи ҳали ҳам тима қилини ёки шима қилмаслик ҳақида юқоријади курсатма кутиб ўтиришлек куриналди".

Кейинши йилларда ўз ўқувчиларни кўништирайтган, то бора оммалашшиб бораётган ОАВ фаолиятни ўранишса, уларни мустақил ривинидаги иқтисодий фаолият юритиш таъжирасини өтказашини таънироф этамиш. Ҳозирги даврда ОАВни нашр этиши ва тарқатиш тизимидағи бу каби ижобий ўзгарнишларни мавжудлиги ёркни матбуот яратишни йўлидаги ишлар қадамлардир. ОАВни ёркништириш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири уларнинг мөдлий-техника базасини яратиш, мустақил иқтисодий асосларини барпено этишдан иборатдир.

Мамлакатда 2005 йилнинг бошидан ОАВни ривожлантиришнинг янги босқичи бошланди. Президент И.А. Каримов 2005 йилнинг 28 январида Олий Мажлис Конуничилик палатаси ва Сенатининг кўшима мажлисидаги мапрузасида ОАВни мамлакатда амалга оширилёттан ислоҳотларнинг узвий қисми сифатида ривожлантириш борасидаги қўйидағи вазифаларни қўйди: "Ўзбекистонда демократик янтила-

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгарнишларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий нўналишилари. // Биз таисланган йўл -- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик нузи. Т. II. -- Т.: Ўзбекистон, 2003. 23--24-бетлар.

нишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг фоят муҳим шарти — бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир¹.

Жумладан, Президент И.А. Каримов томонидан ОАВнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, уларнинг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши мақсадида ОАВни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик жамғармаси тузиш, давлат телевидениеси негизида жамоатчилик телевидениесини шакллантириш, телерадиоиндустрия бозорини ривожлантириш, тижорат ва ҳудудий нодавлат телерадиостудияларнинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, замонавий рақамили ахборот технологияларини жорий этиш каби вазифалар кўйилди².

Шунингдек, 2005—2006 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситаларида давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини ёритиш", "Телерадиокўрсатувлар ва энгиттирувлар тўғрисида", "Жамоатчилик телевидениеси тўғрисида", "Кабель кўрсатувлари тўғрисида", "Оммавий коммуникациялар соҳасидаги иқтисодий асослар тўғрисида" қонуулар қабул қилиш режалаштирилган³. ОАВнинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги таъсир доирасини кучайтиришга доир ислоҳотлар "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг таркибий қисмларидан бирига айланди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда демократик оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асослари яратилиши билан жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида маълум ўзгаришлар рўй бермоқда. Матбуот соҳасида жиддий ўзгариш-

¹ И.А. Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. // Ўзбек халқи ҳеч қаён, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. — Т.: Ўзбекистон, 2005. 190-бет.

² Қаранг: Ўша жода. 193—194-бетлар.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 й. 10 марта «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш Дастири тўғрисида»ги 24-рақамили Қарорига 4-илюва. 2-бетлар.

ларни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар шаклланди. Давлат ва жамоат ташкилотлари оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда хусусий матбуот тизими яратилди. Эркин матбуот бозори шаклланди, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган мустақил нашрлар сони кенгайди ва дастлабки рақобат муҳити куртаклари пайдо бўлди. Матбуотнинг иқтисодий асосларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш ва мустақил нашрлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳали миллий матбуот оидида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш, муассис ва таҳририят ўзаро муносабатларини янги босқичга кўтариш масалалари ҳам ўз ечини кутмоқда. Муҳими, мустақиллик йилларида эркин оммавий ахборот воситалари фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар шаклланди. ОАВнинг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиш ислоҳотлари давом этмоқда. Диққатта сазовор муҳим томони шундаки, эркин матбуотни ривожлантириш турлиб, фуқаролик жамияти қуриш ва инсон эркинлиги, ҳуқуқларини таъминлаш мумкин омаслигини жамоатчилик англай бошлади.

4.4. Маърифийлик ва дунёвийлик — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омили

Инсоннинг жамиятга уюшиб яшаш зарурияти унинг маърифий-маънавий дунёсининг юксалиши натижаси ўлароқ шаклланди. Чунки, инсоннинг ақл-идроқи ривожланиб бориши билан у ўзининг манфаат ва эҳтиёжларини шакллантира олади ва уларни ёлғиз ўзи қондира олмаслигини англай бошлади. Инсон дунёкараши маънавий ва маърифий қадриятлар билан бойиган даврдан бошлаб у ўзининг атрофидаги муҳитга, инсон ва инсоний муносабатларга зарурият сеза бошлади. Инсон ўз манфаатлари ва орзу-истакларини амалга ошириш учун ҳам ўз атрофидаги жамият аъзоларининг умумий манфаатлари ва эҳтиёжларини худди ўзиникидек қабул қилиши, умумманфаатлар йўлида беихтиёр иштирок

Этишни англай бошланни билан унинг ҳәтида маъриғин манавий юкалини босқынчи бошланади.

Күриниб турибдики, ҳар қандай ижтимоий мұхит ёки инсоний мұносабаттар мажмусаси манавий-маъриғин юқсалин манбаиди. Манавий қадрияттар жамият ҳәти билан уйғулапашып мұхитта түрли инсоний манбааттар да бошқа күрүй өхтіжілар ҳеч бир сибесатен, тазінілар ёки күч ишлатының қолнириши. Манавий қадрияттар да амал құрылымдат жамияттарда әса бу каби жарағылар тегалитар ёки авторитеттер үсуялар – күч ишлатып билан ҳүргізілади.

Сисстік тұзымдар инқиrozға ноз тутиши, яғни тұзумдар нағыл құланин ышап манавий қадрияттар мезонларини тубанды үзарыриша өхтіжілар сезишшіліккін асосий сабактарын шундаки, ҳар бир жамият үз ривожланишинин қайсыннан босқынша манавий қадрияттар – ал олар мезонлары бузылған, инсон әркінлігінің тәлемнілігін мүмкін бўлмай қолади, зұм авж олади. Даңыт органшаридан ғана саборларда ахлоқтың танытуға бошланади. Натижада, жамият азоварыда бу каби манавий инқиrozға нисбатан норомирик нағыл бўлған, нағұрат күчайиб боради. Жамиядан ижтимоий барқарорлықка нутур етади.

Инсон манавиятты минглаб йиллар тажрибаси, шимуғаннан патижайлары да жотуқтары асосида тобора тәкомишка ишіб, мазмұнан бойиб борди. Инсоният тарихида илк бор манавий қадрияттар, инсон ахлоқи ва этиката дөир үлкен илмий излаништарни амалға оширган мутафаккирлар Платон ва Аристотелдір. Албатта, бу даврда манавият түшүнчесі түғридан-түғри ишлатылмаса ҳам, унинг қадриятлари ва мазмұн түрли хил ифодаларда үз аксессүрттегінде.

Қадимги юонон мутафаккирлари үз даврларыда этика, фалсафа ва сиёсат фанлари воситаидан манавияттіннің түрли қирраларини изоҳлаб, уларнинг инсон юкалинишатындын да ахамияттін очиб берган әдилар. Платон этикадан амалий фалсафалық мұхим жиҳатларидан бири сибатта ифодалаб, "у характерни тарбиялайди"¹, деб күрсантан ән.

¹ Платон. Диалоги. – М.: Мысль, 1986, 8-бет.

Аристотель манавий мұносабатларда "ихтиёрий" ва "бейхтиёрий" каби түшүнчаларни ишлатади. Бейхтиёрийлик шуки, у күч ишлатып ёки билмаслик оқибатида амалға ошади. Лекин, шу билан бирга, ҳеч қандай күч ишлатыб, ҳеч қаңон мажбурлаб бўлмайдиган нарсалар ҳам мавжудки, бунда бу воқеликка тортилган ўзликни ҳам, ташқи шартшароитларни ҳам айблаб бўлмайди².

Ахлоқий ва манавий сибатлар инсон томонидан ўзлаштирилган руҳий сибатлардир. Табиатан ёки бейхтиёр киши яхши бўлиб қолиши мүмкін эмас. Аристотелнинг таъкидлашича, эзгулик сибатлари бизга табиат томонидан инъом этилмайди, балки у бизга уни ўзлаштириш имкониятнинг беради ва бу фақат ахлоқнинг хусусиятигина бўлиб қолмайди. Чунки, "биз табиатдан олған нарсаларнинг ҳаммасини дастлаб имкониятлар шаклидагина оламиз ва оқибатда уларни воқеликка айлантирамиз". Шунинг учун "умуман биз эзгуликларни руҳнинг мақтovга сазовор ўзлаштирган хусусияти, деб атаймиз"³. Аристотель манавиятли ва хушхулқын инсонни бошқа инсонлар учун меъер, у доимо ўзи билан уйғунылк топа олади ва "важдан таънасидан холидир", деб баҳолайди⁴.

Аристотель манавиятли ва ахлоқли инсоннинг жамият ривожидаги ўрпини юксак баҳолайди: "Эзгуликни касб этган инсон ҳеч кимга зарар етказмайди, аксинча, эзгуликдан узоқ инсон энг гуноҳкор ва ёввойи мавжудотдир, жинсий лаззатланиш ва еб-ичишиг жаңынан у ҳар қандай ҳайвондан ҳам тубандир. Ахир, турли ҳайвонлардан инсон эзгулик ва ёвзлик, адолатлилик ва адолатсизлик кабиларни идрок этиши билан фарқланади"⁵.

Манавий қадриятлар назарий ва амалий жиҳатларини юкалтиришда Абу Наср Форобийнинг ўрни бекиёсdir. Форобийнинг фикрича, инсон мавжудот оламининг якуний ҳосиласи бўлиб, у ақл-идроқи шакланиши баробаридан инсоний фазилатларни эгаллади, дунёни англай бошлади. Ман-

¹ Аристотель. Никомахова этика. // Соч. В 4-х т. Т. 4. – М.: Мысль, 1984, 97-бет.

² Уша жойда. 78-бет.

³ Аристотель. Никомахова этика. // Соч. В 4-х т. Т. 4. – М.: Мысль, 1984, 67-бет.

⁴ Аристотель. Политика. Пер. Н. Скворцова. – М.: 1965, 118-бет.

шавиятни эгаллаш, маърифатга интилиш, ахлоқли бўлиб, илм-ғанни ўзлаштириш воситасида эзгуликка хос фазилатлар инсонни барқарорликка етказади. Инсоннинг асл мақсади ўз юксак фазилатлари туфайли ҳам баҳт-саодатли жамоани барпо этишдир.

Мутафаккир фалсафани инсон руҳиятини ва жамият ҳаётини соғломлаштириш воситаси, деб қарайди. Форобий нағсни тийишни инсон маънавий юксаклигининг мезони сифатида баҳолайди. У ўзининг "Китоб фусус-ал-мадания" номли китобида шундай деб ёзган эди: "Инсон нағсига (руҳига) худди унинг вужудига ўхшаш, соғлиқ ва ҳасталик ҳам хосдир. Нағсенинг соғломлиги шунда ифодаланадики, унинг ички ҳолати ва турли қисмлари ўргасида уйтушилик вужудга келади. Бунинг натижасида инсон доим фазилатли, олижаноб ишларни қилиди ва гўзал хулқдар соҳиби бўла олади. Нағсинг (руҳининг) ҳасталигига шунда ифодаланадики, нағсинг ички ҳолати ва қисмлари ўргасида мувозанат бузилган бўлади, шу туфайли одам доим разил ишларни, хунук ҳатти-ҳаракатларни қилишга одатланаб қолади"¹.

Маънавиятни умуминсоний қадриятларнинг энг олий мақоми сифатида илк бор тараниум этган буюк мутафаккир Алишер Навоийдир. У ўзининг "Ҳайратул-аброр" асаридаги маънавиятни инсонни қўйидагича тасаввур қиласан эди: "Сен инсонларга фойда етказиши ўзингга шиор этдинг; шундан келадиган нағини ўзингга ёр айладинг. Сенинг ҳалиқ-қа кўреаттан фойданг шак-шубҳасиздир; лекин билиб қўйки, бундан ўзингга тегадиган нағъ кўпроқдир. ...Кимки бошқаларга зарар етказишини одат қиласа, бундан элта эмас, аввало ўзига жабр этган бўлади. ...Кимнинг ҳалиқ ғамидин гами бўлмаса, ҳақиқий одам бўлсанг, уни одам дема"².

Инсониятнинг жамиятта уюшиб яшаши, кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, жамият ҳаётининг барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг ички манбаи ҳам маънавийлик, ҳам маърифийликдир. Маънавий бойлик чегара билмайди, миљлатни таң олмайди, у қайси мамлакат ёки жамиятда

¹ Фараби. Социально- этические трактаты. —Алма-ата: Наука, 1975. 172-бет.

² Навоий А. Ҳайратул-аброр. Насрий баён қилюви А. Ҳайитметов. — Т.: Е.Гулом номидаги шашр. 1974, 95, 97–98 бетлар.

бўлмасин, бу ўша жойдаги маънавий комил инсонлар мулкидир. Умуминсоний қадриятлар қайси ҳудудда ривожланган бўлса, ўша жойда маънавиятнинг униб-ўсиши учун муҳит, ҳар томонлама шарт-шароитлар туғилади. Лев Толстой маънавий бой ва маънавий қашшоқ одамни шундай таърифлаган эди: "Энг яхши одам — ўз фикри ва ўзгалар ҳис-туйгулари билан яшаётганидир, инсоннинг энг паст тоифаси эса — ўзгалар фикри ва ўз ҳис-туйгулари билан яшаётганидир"¹.

Машхур адаб Чингиз Айтматов маънавий қадриятларни қўйидагича баҳолайди: "Инсоният идеаллари ютуқлари сифатидаги моделларда бизнинг ижтимоий тузумимизни характерлайдиган маънавий принципларнинг баҳридан ўтмаслигимиз лозим. Бу принциплар ичida энг асосийлари — жамият фаровонлиги йўлидаги ҳалол меҳнат, кишилар ўргасидаги инсоний муносабатлар ва ўзаро ҳурмат, ҳалоллик ва ҳақиқийлик, адолатсизлик билан келишмаслик кабиладир. Аслида, булар диёнатнинг таркиблари бўлиб, ўз ўрнида, диёнат фуқаровийликни ҳаракатта келтирувчи кучдир... Маънавият — бу инсон учун дастлабки ва энг асосий мавжудлик қонунидир. Уни ҳар бир авлод, ҳар бир ицдивид ўтмини аждодларнинг муқаддас ва бузиямас мөроси сифатида қабул қиласадир"².

Машхур Европа файласуфи Жан Поль Сартр ҳам маънавий қадриятларга доир чуқур талқиқотлар олиб борган эди. Жумладан, у шундай деб ёзган эди: "Инсон ўзини ўзи яратади, у олдиндан яратилмаган. У маънавиятни танлаб, ўзини ўзи яратади. Атрофдаги шарт-шароитларнинг инсонга тазиики шундайки, инсон қандайдир маълум бир маънавий қадриятларни танламай иложи йўқ. Биз инсонни қандайдир нуқтани назарларни эгаллашга доир қарорига боғлиқ ҳолда аниқлаймиз. Шунинг учун ҳам танлашнинг иҳтиёрийлигидан бизга нисбатан таъна қилиш бемаънилиkdir"³.

¹ Толстой Л.Н. Собр. соч. В 22-х т. Т. 22. Дневники. 1895–1910. — М.: Худож. лит., 1985. 130-бет.

² Айтматов Ч. Верю в человека. // Собр. соч. В 7-ми т. Т. 7. — М., 1998. 478-бет.

³ Сартр Ж.П. Экзистенциализм — это туманизм. В кн.: Сумерки богов. — М.: Политиздат, 1989. 139-бет.

Албатта, маънавият фақат инсондаги шахсий фазилатлар, унинг моҳият ва мазмунинигина белгилаб қолмасдан, балки, у ижтимоий-сиёсий характер касб этади. Инсонийлик нуқтаи назаридан қараганда, кишиларни бошқариш хукуки уларнинг бошқарувчиларга ўзлари берган ваколатлар доирасида амалга ошиши талаб этилади. Бу хукуқ доирасидан чиқмаслик учун ҳам маънавиятли сиёсатга эҳтиёж сезилади. Лекин бу хукуқ доираси ўзбошимчалик билан кенгайиб борса, бошқарув, шу жумладан, сиёсий ҳокимият тоталитаризм ёки авторитаризм сари интилади. Инсоннинг ахлоқи ва маънавий дунёсини юксалтиришга иисбатан ҳокимиятни ўз ваколатлари чегарасидан чиқмай ишлашини таъминлаш энг қийин муаммолардан биридир. Бунинг учун нафақат олий даражадаги, балки барча даражадаги бошқарув раҳбарлари ҳақиқий инсонийликдаги маънавий қадриятларни ўз дунёқарашларига сингидирган бўлиши зарур.

Бундан шундай холоса чиқадики, адолатли ва фозил жамият қуриш учун давлат бошқаруви, ҳокимият ва сиёсат маънавий қадриятлар асосида қурилмоғи ва фаолият кўрсатмоғи лозим. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврга келиб сиёсат билан маънавий қадриятларнинг уйғунлашуви умуминсоний қадриялар талабларидан бирига айланди.

Шу билан бирга, маънавият фақат меросий, тарихий ва анъанавий қадрият эмас, балки доимо ривожланиб, такомиллашиб, янги ҳаёт тарзи билан уйғунлашиб борувчи воқеликдир. Аксарият олимлар маънавиятга доир ўз изланишларини фақат ўтмиш билан чеклайдилар, ҳозирги куннинг долзарб мақсад ва вазифалари билан боғламайдилар. Ваҳоланки, француз мутафаккири Монтень "Бизда — Францияда фанларга оид изланишлар, одатда тўғридан-тўғри фойда олишдан бошқа ҳеч қандай мақсадларни кўзламайди", деб ёзган эди. Бундан шундай холоса чиқадики, ҳар бир назарий изланиш бугунги кун амалий ҳаёти талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққандагина, у янада ривожланиш ва ислоҳотлар учун муҳим аҳамият касб этади.

¹ Монтень М. Опыты. Избранные главы. — М.: Правда, 1991. 110-бет.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиши мақсадини ҳаётга татбиқ этиш билан ҳамоҳанг тарзда бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик қадриятларни эгаллаш, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, кўп partiya вийлик тизимини демократик меъёрлар асосида такомиллаштириш каби янгидан-янги долзарб вазифалар пайдо бўлди. Янги жамият қуришдаги бу омилларнинг барчаси умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан қараганда кўпроқ маънавиятга яқин бўлган мезониардир.

Ҳозирги даврга келиб ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамияти қадриятлари — ҳалқ ҳокимияти, ҳокимиятнинг фуқаролар манфаатлари асосида фаолият юритиши, сиёсий қарорлар қабул қилишини кўпчилик овози билан ҳал этиш, озчилик хукуқларининг хурмат қилиниши, асосий инсон хукуқларини амал қилинишига кафолатлар яратилганилити, эркин ва адолатли сайловлар тизимини аңъанага айланганилиги, қонуннинг барча учун тенглиги, одил суд ҳокимиятнинг ўрнатилиши, хукumat функцияларининг Конституция билан чеклаганилиги, дунёқарашлар плюрализми, турли хил қарашлар ва фикрларининг ўзаро бир-бирига чидамли бўлиши каби қадриялар ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзи, маънавияти ва маданиятигининг узвий ва ажралмас бўлакларига айланди. Албатта, бу қадриятлар XX асрда ўз такомилига етган, ўз ривожланишини қадимги даврдан бошлаган маънавий юксалишнинг сўнгти босқичи маҳсулидир.

Инсоният тарихидаги ривожланиш сари интилиш тажрибалари ва сабоқлари маънавий қарашлар ва амалиётни авлоддан-авлодга мерос этиб қолдирди. Уларнинг энг инсоний, олий эзгуликка доир нодир жиҳатлари тўпланиб, ҳаётга зид томонлари унугилиб, маънавий қадриятлар такомиллашган тизимга айланди. Шунинг учун ҳам мамлакат Президенти И.А. Каримов "тарих — ҳалқ маънавиятининг асосидир",¹ деганда бутунлай ҳақ эди. Маърифатни юксалтиришда тарихийликнинг, тарихий онгнинг ўрни бениҳоя каттадир.

¹ И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Биз келажагимизни ўз қўлимиз ғибради. Г. 7. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 146-бет.

Шарқ мутафаккирлари "маърифат" тушунчасининг мазмунини жуда ҳам кенг маънода тушунганилар. Жумладан, машхур олим Зуинун ал-Мисрий маърифатни "билиш нури", деб билган. Илк ислом алиомалари маърифатни ("аърафа", кўғлика "маърифатун") "билиш", "билим", "биддириш" маъноларида кўллаганилар. Лекин, IX–XII асрда араб тилида ижод этган файласуфлар ва бошқа олимлар "маърифат" дегандан билим ва илмни тушунганилар. Масалан, ал-Кушайрий "ҳар бир илм — бу маърифат, маърифат эса илм, ҳар бир Худони англовчи маърифатлайдир", деб ёзган эди. Ал-Мухасибий эса "Кўркув илм маҳсулидир, шунингдек, хотиржамлик зоҳидлик патижаси бўлса, тавба-тазарру маърифат оқибатидир", деб талқин қиласди. Кўичилик ҳолларда эса маърифатни англаш араб тилида ижод этган олимларнинг юнон тилинга қилинган таржималарида эса гносис ("gnosis" — билим) тарзида берилган. Сукротининг қўйидаги фикрлари арабча таржимада ("Китоб ас-съы"да) шундай ифодаланган эди: "Барча өзгуликлар фақат маърифат воситасида найдо бўлади"!¹

Маърифат инсоннинг ўз эркинлигини ҳис этиши, мутелик руҳиятидан покланиши, миллат, жамият ва ўз Ватаннинг иисбаган муҳаббат ва өзгуликка эришиш кафолати ҳамдир. Фақат маърифатли инсон ўз шахсий манфаатларини жамият манфаатларидан наст кўя олади. Инсон жамоа, миллат ва давлат манфаатларини ифода этиши ва қондириш учун фаоллик кўрсата олса, ўзининг ҳам манфаатларини англашда маърифатлилар даражаси юксалиб бораверади. Ҳакиқий баркамол ва маърифатли инсонда жамиядаги барча манфаатлар ва эҳтиёжларни мувофиқлаштиришга интизиш, бу фаолиятни у худди ўзининг умри мазмунидек ҳис қилиш характеристи шакланади.

Албатта, маърифатли инсонни шаклантириш табиий ҳолда, яъни ўз-ўзидан рўй бермайди. Бунинг учун жамият, давлат, жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликдаги кенг ва чукур сабй-ҳаракатлари ва фаолиятларига эҳтиёж сезилади.

¹ Роузентай Ф. Терминовъ знания. Концепция знания в средневековом исламе. -- М.: Наука, 1978. 289-бет.

Фуқаролар дунёқараши, ўй-фикрлашида ўғмиш авлодларнинг маънавий мероси, жамият мақсадларига уйғун келувчи илғор хорижий қазриятлар — фуқаролик жамиятни ва демократияга доир билимлар мажмуининг сингдирилиши, эски тоталитар жамиятта хос яшаш усувлари руҳиятидан покланиши каби кенг қамровли маърифий жараёнларни амалга ошириш ўтиш даврининг долзарб вазифасидир. Шунинг учун ҳам Президент И.А. Каримов қўйидаги фикрни билдирган эди: "жамият тараққиётининг асоси, уни муқарар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ятона куч — маърифатидир".

Маълумки, инсон ўзлигини анҷамаса, у ҳеч қачон эркин инсонга айланга олмайди. Маърифатни бўлишининг бош шарти эса эркин фикрлари, ўз мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлишилар. Шунинг учун ҳам маърифатли жамиятдагина эркин фикрлари, сиёсий иллюрализм, умуман, демократия учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Бундай жамиятни бошқарни давлат учун ҳеч бир қийинчликлар туғизирмайди. Маърифат туфайли фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маънавияти юксалади. Эн олий ҳокимият фақат қонунлар тимсолилагина намоён бўлади. Нагижада, кишишлардаги мутелик, лоқайлик, боқимашдалик руҳияти барҳам тониб, улар табиатидаги истеъмолчилик кайфияти ўринига яратувчанилик, меҳнатга ва ҳаётдаги юмушларга ижодий муносабатда бўлиш майлари юксалади.

Инсон фақат маърифатли бўлини патижасидагина ўзи курмоқчи бўлган улкан бино — янги жамиятни тасаввур қила олади. Ана шундай тасаввургина инсонга иштилиш, янги яратувчанилик кучини баҳи этади. Агар инсон ўз келаҷак баҳту соодатини тасаввур қила олмаса, унда иштилишлар шакланмайди. Чунки, ўзи йўқ нарсанинг на жозибаси, на жалб этиш кучи мавжул бўлади. Қолаверса, фақат маърифатли инсонгина жамият ва давлат ривожланишидаги демократик ва сиёсий жараёнларга ихтиёрий равишда иштирок эта олади.

¹ И.А. Каримов. Еаримий хотираист ҳезиҳак йўқ. // Биз келижамиши ўз қўдимиёт билан қурами. Т. 7. - Т.: Ўзбекистон, 1999. 134-бет.

Миллий истиқолол мағкурасининг энг асосий мақсадларидан бири — биз ўтмоқчи бўлган фуқаролик жамиятини тасавур қилиш, халқимизга руҳий жиҳатдан маънавий озиқ бериш, янги ижтимоий-иктисодий муносабатлар ўрнатишга доир ислоҳотлар жараёнларига фуқароларнинг сафарбарлигига эришиш, фуқаролик жамиятининг халқ фаровонлиги, давлат мустақиллиги қафолати эканлиги гоясими сингдиришdir.

Мамлакат Президенти И.А. Каримов ҳозирги ўтиш давридаги ислоҳотларни чукурлаштиришда ижтимоий-сиёсий муносабатлар ўрнини характерлар экан, жамият мағкураси тушунчасига ҳам аниқлик киритади: "Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мағкураси шу жамиятнинг таяничи бўлмиш оддий инсон ва унинг маиғағларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушта эришиши учун куч-тайрат манбаи бўлиш лозим... Миллий мағкура, авваламбор, ўзлигимизни, мұқалдас анъаналаримизни англари түйгуларини, халқимизнинг кўн асрлар давомида шакъланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт"!

Президент И.А. Каримов ташаббуси билан 1994 йилнинг 23 апрелида республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ташкил топди. Бу марказ узоқ давр мустамлака бўлган мамлакатимизда халқимизга ёт бўлган дунёқараш ва мағкура тазикини остида йўқолаётган миллий маънавиятни юксалтириш, фуқароларнинг ўзлигини англари жараёнларига таъсир кўрсатиш, сабиқ тузум дунёқарашидан покланиш, ўзбек халқининг маънавий-маданий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳига мос ғояларни шакълантириш ва ҳаётга татбиқ этиш, минтақа халқларининг муштарак маънавий, маърифий, маданий илдизларини таққиқ ва таҳлил қилиш асосида тарғиб этиш каби дастурий мақсадларни ўз олдига қўйган эли¹.

¹ И.А.Каримов. Жамиятимиз мағкураси ҳаққини — ҳаққ, миллатни — миллат қизинига хизмат этисин. // Биз келажагимизни ўз қўйимиз билан қурамиз. Т. 7. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 91-бет.

² Қаранг: Республика «Маънавият ва маърифат» маркази низоми. — Т.: 1995. 2-бет.

Лекин, "Маънавият ва маърифат" маркази фаолиятида эски жамиятдан қолган бюрократик иш услублари, унинг маҳаллий ташкилотлар билан алоқаси яхши йўлга қўйилмаганилиги натижасида дастурий мақсадлар амалиётда ўз ифодасини топиш жараённида кўплаб муаммолар пайдо бўлди.

Ўз ҳаракат дастурининг давр нафаси ўзгариб туришига монанд равишда такомиллаштиришга яхши аҳамият бермаганилиги, марказ кенгаши аъзоларининг пассивлиги, бошқарувдаги буйруқбозлик ва фаолиятнинг фақат маъмурий томонларига берилиш, ташкилий ва мағкуравий ишларда янги услубларни қўлламаслик натижасида "Маънавият ва маърифат" маркази халқ ичига чуқур кириб бора олмади. Марказ ва унинг маҳаллий ташкилотлари раҳбариятида мустақил фикрлаш, ташаббус кўрсатишининг етишмаслиги натижасида уларнинг маҳаллий ҳокимиятнинг ижрочилари сифатида фаолият юритиш каби салбий ҳолатлар пайдо бўлди.

Республиканинг баъзи ҳудудларига мамлакат тарихи ва жамиятга бутунлай ёт бўлган диний оқимлар, экстремистик ташкилотлар ва ақидагарастлик гоялари кириб кела бошлидилар. Улар мамлакат тинчлиги ва осойиштаги учун ҳаҷф түдрираётган оғир пайтларда ҳам марказ томонидан уларга қарши пухта назарий изланишлар ва маърифий чоратадбирлар кўрилмади. Афсуски, марказ ўзининг беш йиллик фаолиятида (1994 — 1999 й.) жамиятнинг асосини ташкил этган маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва Қишлоқларда маънавий ва маърифий тадбирларни ҳозирги давр талаблари асосида йўлга қўя олмади. Мактаблар, лицейлар, коллежлар ва бошқа ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида ташкил этилган маънавият ва маърифат бурчаклари ёки хоналари ташкил этилган бўлса-да, қути ташкилотлардаги маънавий-маърифий ишларда расмиятчилик ва маъмуриятчилик устуворлик қылди. Марказ ва унинг жойлардаги ташкилотларига кўпроқ назарий жиҳатдан яхши тайёргарлиги бўлмаган, ишлари давлат ва партия идораларида тажриба ортитирсан кадрлар раҳбарлик қилишлари натижасида маънавий-маърифий ишларда расмиятчилик авж олди.

Мамлакатда маънавият ва маърифатга доир ишларни тубдан яхшилаш, уни янги босқичга кўтариш мақсадларида Республика хукумати ташаббуси билан 1999 йил август ойидаги "Маънавият ва маърифат" Республика қенгалии тузилди. Қенгашининг мақсади жамият аъзолари, айниқса, ёшлил ўртасида миллӣ ғоя ва миллӣ мағкурага таянган ҳолда, миллӣ ва умумбашарий қафтияларга асосланган демократик тамоилиларни қарор топтириш орқали инсонни улуғлашига жисмонан солом, дунёқарашни терапи фуқароларни камол топтириш, деб топилди.

Шунингдек, қенгашининг мамлакат аҳини Миллӣ истиқлол ғояларига садоқат, Ватан ва угув мақсадга эътиқод, фидойилик руҳида тарбиялашга доир тарбибот-ташвиқот ишларининг асосий йўналинилари белгиланди. Республикаси ва ғошкент шаҳрида "Маънавият ва маърифат" қенгалилари ташкил этилди. Ҳар бир корхона, муассаса, ширкат хўжалиги, ўрга мактаб, лицей, коллеж, гимназия, олий ўқув юрти, ҳарбий қисмийар, хукуқии муҳофаза қилиш организацияси "Маънавият ва маърифат" бошлангич ташкилотлари фаолият юрита бошлади. Олий ўқув юртларининг биринчи проректорлари маънавий-маърифий ишларга мустаҳдиф қилишиб белгилаб қўйилди. Натижада, 2005 йилга келиб, мамлакатдаги ҳар бир ўқув юрти, меҳнат жамоасида маънавий-маърифий ишларга доир ташкилотлар ва маҳсус маънавият ва маърифат хонкалари ташкил этилди¹.

Шунингдек, мамлакат ёшларининг ижтимоий фаолигини ошириш, уларнинг маънавий дунёқарашларини юксалтириш мақсадларида маърифий фаолият олиб боришада нодавлат нотижорагаташкилотларнинг ўрини бекиёсdir. Ёшларнинг янги ташкилот тузили истакларидан келиб чиқиб, 1996 йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси тўғрисида"ти Фармони асосида янги ёшлар ташкилоти шаклланди. Жамғармага "ёш авлодининг ҳар томонлама камол тошиши, чуқур билим, қаеб этавлаши, ўзларига

¹ Республика «Маънавият ва маърифат» марказиги жорий архиви. «Маънавият ва маърифат» марказининин вилоят, шаҳар, туман бўйимлари тўғрисида 2000–2005 йиллар учун матбуотнома. 2–3-бетлар.

да юксак маънавият, ватанпаварварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг изчил давомчилари бўлиб етишишларидага кўп қиррали ёрдам кўрсатишни ўзининг ластурий вазифаси қилиб белгилаганлиги" маъқулланди.

Шунингдек, жамғарманинг ёшлилни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ишларидага қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бошқа конституциявий хукуқларини тўла амалга ошира олишлари учун ёшларда умуминсоний қадриятлар, миллӣ ахлоқ, одоб, демократик йўналашмаларни такомиллаштириш асосида баркамои маънавий хислатлар, юртта муҳаббат, Ватанга садоқат, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаштирун зарур муҳит ва шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклаштириш вазифаси белгиланди. Жамғарма фаолиятининг тўлақоили бўлишини қафолатлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармасини кўллаб-куватлаш тўғрисида"ти қарори асосида жамғармага Вазирлар Маҳкамасининг захири фонди ва бошқа вазирликлар, давлат кўмитаюари, марказий давлат идораларидан катта миқдордаги маблаглар ажратилди². Жумладан, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳам ўз худудларидаги "Камолот" жамғармаси бўлимларининг фаолият юритилилари учун молиявий жиҳатлардан ёрдам кўрсатдилар.

Бирок, "Камолот" жамғармаси ва унинг жойлашудаги бўлимлари мамлакат ёшларига етакчилик қилиши, ёшларининг ижтимоий фаолиятини мувофиқлаштириш каби ташкилий ишларни билан кўпчилик ёшларни ўзига қамраб ололмади. Ҳаттоқи, жамғарма ва унинг маҳаллий бўлимлари ёшлар ўртасида маънавият ва маърифат ишларини олиб боришада ҳам сусткашлик қилди. Жумладан, ўтган асрнинг 90-йиллари охирига келиб, жамғарманинг кўпчилик ташкилотлари ўз

¹ Жамиятии ислоҳ қилини йўлида. Жамоат ташкилотлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. – Т.: Шарқ, 1998. 12-бет.

² Жамиятии ислоҳ қилини йўлида. Жамоат ташкилотлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. – Т.: Шарқ, 1998. 63-бет.

фаолиятларини молиявий жиҳатлардан таъминлаш қобилиятини ҳам йўқотиб қўйди. Мамлакат Президенти И.А. Каримов "Камолот" жамгармасининг 1996—1999 йиллардаги фаолиятини таҳлил этиб, унга нисбатан ўзининг кўйидаги танқидий фикрларида ҳақ эди: "Жамгарма фаолияти, шуни ҳам тан олишимиз керак, ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ёшларни юкеак мақсадларга даъват этиш, маънавий-маърифий тарбия ишлари бир четда қолиб кетган. Ўз вақтида бу ташкилот сиёсатдан ҳоли, яъни жамгарма сифатига тузишган эди. Бундан кўзланган мақсад — эски комсомол тизими, умрини ўтаб бўлган коммунистик мағкура асоратларидан ёшларни халос қилиш эди. Бироқ бу — Жамгарма мамлакатимиздаги ижтимоий жараёнлардан, таълим-тарбия ишларидан, маънавий ҳаётдан, умуман, бугунги бошимиздан кечираётган муаммолардан бутунлай четда туради, дегани эмас-ку"¹.

Жамгарма ва унинг бўлимлари етакчилари ўз фаолияти даврида ёиларнинг асосий масканилари — маҳалла, қишлоқ, меҳнат жамоатларидағи йигит ва қизлар билан мустаҳкам алоқалар боғлай олмади. Унинг ҳаракат қилиш доираси йирик олий ўқув юртлари, туман ва шаҳарлардаги корхоналардаги фаолиятлар билан чегараланиб қолди.

Мамлакатда минглаб ёшларнинг ваҳҳобийлик, турли диний экстремистик гуруҳлар фаолиятида иштирок этишига йўл қўймаслик, улар ўртасида дунёвий жамиятга доир маърифий ишлар олиб боришга яхши аҳамият берилмади. Ёшларни бу йўлдан қайтариш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, адабиёт ёшларни аниқлаш ва улар ўртасида маҳсус тадбирларни амалга ошириш каби ёшлар жамгармасига хос бўлган дастурий мақсадлар ҳам амалда ўзижро-сини топмади. Шунингдек, жамгарма ўз етакчиларини янгича фикрлайдиган, дадил, маърифатли, мустақил ташаббуслар асосида ўз ишини ташкия қила оладиган ёшлар ҳисобига янгилай олмади. Жамгарма ва унинг бўлимларига етакчилар танлашда фақат уларнинг ижрочилик сифатларига ҳамда уларнинг юқори ташкилотлар топшириқларини амалда

¹ И.А. Каримов. «Камолот» — ёшларнинг чинакам суюнчи ва таяни бўлсан. // Ватан равиби учун ҳар биримиз маъбулмиз. Т. 9. — Т.: Ўзбекистон, 2001. 193-бет.

бажариш салоҳияти бўлмаса-да, бу топшириқларни ҳеч бир эътиrozсиз қабул қилишга ўрганганд. фақат ишнинг ташкилий шаклларини бажаришга мойил бўлган ёшларга катта эътибор берилган эди.

1999 йил 16 февралда Тошкентда содир бўлган нохуш воқеалар шуни кўрсатдики, мамлакат ёшлари ўртасида ҳақиқий маънавий, мағкуравий ва маърифий тадбирлар олиб бормай туриб, ёшлар ўртасидаги мағкуравий бўшлиқларни тўлдирмасдан, турли диний ақидапарастлик ва бошқа ёт тояларга қарши кескин курашмай туриб, фуқаролик жамиятида яшайдиган баркамол ёшларни шакллантириш вазифасини амалга ошириш қийин кечади.

Дунёда кенг тарқалган террорчилик турларидан бири, бу диний террорчиликдир. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида ислом фундаментализмiga доир террорчилик турлари кўпайди ва улар кенг тарқалдилар. Мазкур террорчилик тури радикал фундаментал тоялар асосида, мусулмон халқлари яшайдиган мамлакатларда исломнинг илк давридаги шариат тартиботларини ўрнатишга уринмоқдалар. Ислом динини ўзига пиқоб қилиб олган бу диний фундаменталистларнинг асосий хуруж қилиш нишонлари турли мўътадил тузумлар, ривожланаётган мамлакатлар, дунёвий тузумда яшаётган давлатлар, диний озчилик гуруҳлари, ноисломий тузумлар билан ҳамкорлик қилаётган давлатлар фуқаролари бўлиб қолмоқда. Фундаменталистларнинг ваҳҳобийлик ақидалари, яъни жамиятни илк ислом давридаги шариат мөъёлларига мувофиқлаштиришга интилишлар бирлаштиради¹.

Экстремистик дунёқарашга эга бўлган киши бошқача қарашлар билан умуман келишмайди ва ўз қарашларини амалга ошириш учун энг сўнгги чоралар — мавжуд тузумни кескин равища ўзгартириш, ўз қарашларини куч ишлатиш ёрдамида сингдириш, бошқача фикрлайдиганларни йўқ қилишгача бўлган амалиётни қўллайди. Экстремизм, мағкуравий жиҳатдан олиб қараганда, бу оқим фақат ўзининг

¹ Қарант: Кожушко Е.П. Современный терроризм. Анализ основных направлений. — Минск: Харвест. 2000. 11-бет.

сиёсий ва диний қарашлар тизимини тан олиб, бошқа қарашларни бутунлай рад этади.

Кўпингчә экстремистик ақида ва ҳаракатларнинг тарқалиш худудлари кўпроқ ҳали шаклланиб улгурмаган ва жамият эътиборидан четда қолган ижтимоий гуруҳлар, шунингдек, люмпенлашган кишиларни ўз ичига олмоқдаки, улар ўзларига хос экстремистик ақида ва куч ишлатиш во-ситаси орқали жамиятда ўз ўрнини кўрсатишга ва ўзларини эътироф эттиришга интияди. Шунингдек, баъзан экстремистик қарашлар таъсирига зиёлилар, диндорлар ва ҳарбийларнинг вакиллари ҳам тушиб қолмоқда¹.

Ўзбекистондаги беҳисоб табиий бойликлар, мамлакатнинг геосиёсий аҳамияти диний ақидапарастларнинг мамлакатга нисбатан қора ияяларини янада авж олдирмоқда. Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрнига эътибор берсанак, унинг этник, диний мажаролар авж олган, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар қуриловида қолган турлича тузумлардаги хорижий мамлакатларга яқин жойлаштирилиги яққол кўринаци.

Ўзбекистон давлатининг нироард асосий стратегик мақсади — фуқаролик жамиятни ва ҳуқуқий давлат барни этиш, леб ёълон қилиниши, дунёвий жамиятни ва давлат шакллантиришга доир ислоҳотларнинг чукурлашиб бориши мамлакат жанубидаги ва бошқа турли диний мағкура кенг ривожланган давлатларда ин қурган, ашаддий диний ҳалифалик қуриш тарафдори бўлган турли террорчи ва экстремистик кучлар томонидан ёмон кўз билан кутиб олинди. Террорчиларнинг 1999 йил февралдаги хуружлари уларнинг ҳакиқий ниқобини очиб ташлади.

Террорчи ва экстремистик кучлар мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликларидан фойдаланиб, ўтган асрнинг 90-йиллари бошидан бошлаб Ўзбекистон худудида яширин фаолият олиб бордилар. Маълумки, уларнинг асл мақсади ислом ақидалари ниқоби остида мамлакатдаги сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, шунингдек, ўзла-

рининг ўрта асрларга хос ҳалифалик ҳокимиятини ўриятишилар.

Экстремизм ва террорчилик актлари ўтказишдан манфаатдор қора кучларнинг яна бир мақсади, бу — уларнинг ичида ҳалқаро қурол-яроғ бизнеси билан шуғулланувчи турли криминал гуруҳларнинг кенг фаолият олиб бораётганлигидир. Шунинг учун ҳам улар Марказий Осиё худудида, хусусан, Ўзбекистонда доимо қуролли зиддиятлар уошиб-риб туришга уринадилар. Чунки, улар қуролли тўқнашувларсиз ўз қурол-яроғларига бозор тога олмайдилар.

Албатга, эндиғина мустақил давлат, эркин дунёвий жамият қуришга иштилаётган Ўзбекистон ҳалқини улуғ йўлдан чағиришга уришиш, унга ўзбек ҳалқининг миллий меросин ва тарихига хос бўлмаган мағкурашлар ва ҳалифалик тузумини куч билан тиқингиришга уришини хомхайдан ўзга нарса эмас. Ўзбек ҳалқини дунёвий фуқаролик жамиятини барни этиш йўлдан хеч қандай куч орқага қайтара олмаслиги ҳам аниқ ва равшанир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва мавжуд қонуучилик асосларида мамлакатда дунёвий давлат ва жамият қуриш ҳар томонима мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси қўйидағича ифодаланади: "Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайсан динга эътиқод қилемаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди"¹. Кўриниб турибдик, Ўзбекистонда бирон-бир динга асосланган диний давлат ёки жамият қуриш тақиқланган ҳамда фуқароларнинг ўзларини қандай динга эътиқод қўйишиларини ўзлари ҳал этишлари ҳуқуқий жиҳатлардан мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур ҳуқуқий қоида ҳуқуқий давлат ва жамиятнинг муҳим белгиларидан бирилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуучилик 5-моддаси Ўзбекистон давлати ва жамиятининг дунёвий эканлигини белгилаб беради: "Ўзбекистон

¹ Қаранг: Терроризм и террористы. Ист. справочник. — Минск: Харвест, 1999. 26-бет.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 8-бет.

Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди... Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун хужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди”¹.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон давлати ва ҳалқи ўз олдига дунёвий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадини қўйган. Мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳукукий давлат қуришини пировард стратегик мақсад сифатида эълон қилиниши ҳам Ўзбекистонда дунёвий давлат ва жамият қуришини англатади. Чунки, ҳар қандай фуқаролик жамияти ва ҳукукий давлатнинг дунёвий характерда бўлиши шарт этиб қўйилган. Шунинг учун ҳам террорчи ва экстремистларнинг Ўзбекистонда халифалик тузумини ўрнатишга доир хаёллари реал ҳаётдан узоқдир.

Фактлар кўрсатиб турибдики, энди террорчилик ҳаралтлари таркибини фуқаролиги, дини, ирқи, миллати, ёши, жинсидан қатъи назар, ашалдий жиноятчи, экстремистик гуруҳлар ва турли криминал шахслар ташкил этмоқда. Россия, Испания, Филиппин, АҚШ, Индонезия, Буюк Британия, Ўзбекистон каби мамлакатларда рўй берган террорчилар актлари фикримиз далилидир.

Бир неча йиллардан бўён Ўзбекистонга қарши хуруж қилиб келаётган террорчилар ва экстремистларнинг асосий мақсади Ўзбекистондаги барқарорлик ва мавжуд сиёсий тузумни ағдаришга ва ислом халифалигини ўрнатишга қаратилгандир. Диний экстремистлар ва террорчиларнинг Қирғизистоннинг Боткен, Ўзбекистоннинг Сарисиё ва Узун туманлари, Бухоро вилоятининг Ромитан туманида, Тошкент ва Андижон шаҳарларида олиб борган босқинчилик ва қўпорувчилик ҳаракатлари шуни

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни. // Ислом матрифати (Назарий-услубий қўйланима). — Т.: Тошкент Ислом Университети. 2005. 79-бет.

кўрсатмоқдаки, улар нафақат мамлакатдаги сиёсий тузумни ўзгартиришга, балки Афғонистондан наркотик моддаларни ўтқазиши мақсадларида ҳам турли тартибсизликлар чиқаришга уринмоқдалар.

Террорчилик ва экстремизм қайси минтақаларга ёйилган бўлса, ўша ерда наркотик моддаларни етишириш, истеъмол қилиш, ундан миллионлаб, ҳаттоқи, миллиардлаб доллар фойда олинаётганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Наркотик моддалар етишириш ва ишлаб чиқиш терроризмнинг кенг тарқалиши ва авж олишига мутаносиб равища кўпайиб борди. Масалан, БМТнинг наркотик воситаларни назорат қилиш бўйича ҳалқаро дастури эксперталари маълумотларига биноан 1987 йилда 2800 тоннага яқин наркотик моддалар ишлаб чиқилган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилга келиб 6 минг тоннадан ҳам ошиб кетди. Шундан 4500 тоннадан ортиқрори Афғонистон ҳиссасига тўғри келди¹. 2003 йилда олдинги йилга нисбатан наркотик моддалар етишириш 6%га кўпайиб, 3600 тоннани ташкил этди. 2004 йилда бу кўрсаткич 4000 тоннадан ҳам ортиб кетди. Бир килограмми Афғонистон чегарасида минг АҚШ доллари турдиган наркотик модда Лондонда 210—220 марта қиммат нархларда сотилиши уни ишлаб чиқиш, керакли ерга етказиши ва сотиш атрофида ўзига хос жиноий уюшмаларнинг яшириш шоҳобчалари ўргимчак уясидек тармоқланиб кетишига олиб келди. Террорчилик хуружлари ва фаолиятини молиялаштириш, шахсий даромадлар олиш учун наркотик моддалар етишириш ва сотишни авжига чиқариш билан бирга дунё миёсида миллионлаб ёшлар ўртасида наркотик моддаларни тарқатиб, ўзлари эълон қилган диний мағкураларга тескари иш қилаётганлиги бугун ҳаммага аёndir.

Наркотик моддаларнинг аксарият қисми Марказий Осиё минтақасига яқин чегарадош жанубий ҳудудларда етиширилиши сабабли ҳам уларнинг фаол ҳаракатлари Ўзбекистон, Қирғизистон каби давлатлар чегараларига қаратилмоқда. Чунки, наркотик моддаларни Марказий Осиё ва Россия ҳудудлари орқали Европадаги истеъмолчиларга ет-

¹ Терроризм ва экстремизм: асосий тушунчалари ва йўналишлари. — Т.: Абу Али ибн Сино номли нашр., 2001. 14—15-бетлар.

казиб бериш арzon ва қulайдир. БМТнинг расмий ахборотларида кўрсатилишича, жаҳондаги наркотик моддаларнинг 75 фоизи Афғонистонда ишлаб чиқарилиб, уларнинг деярли 90 фоизи истеъмолчилари Европа мамлакатларидаги гиёҳвандлардир.

Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йиллари бошидан ўзини "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб атовчи экстремистик ташкилотдан ташқари, яна "Ҳизбут-тахрир ал-исломий" ташкилоти ноқонуний тарзда яширин фаолият олиб бора бошлигани. Бу ташкилотлар мамлакатимиздаги айрим ёшлар ўргасида иш олиб бориб, ҳали бирон-бир гояга берилмаган ёшларга таъсир қила олди. Бу ташкилотлар Ўзбекистонга хорижлан кириб келди. "Ҳизбут-тахрир ал-исломий" ташкилоти мағкураси ҳам "Ўзбекистон ислом ҳаракати" амал қилаётган ваҳҳобийлар каби ҳукуматни ағларип, давлат сиёсий бошқарувини эталлаш орқали ислом халифалиги давлати ўрнатишга асосланган.

Андижон шаҳрида 2005 йил 13 майдаги террорчилик хуружларини ўюнтирган акромийлар оқими 1997 — 1999 йилларда ташкил тонди. Акромийлар бугунги мавжуд барча тузумларни тан олмайди. Уларнинг ваҳҳобийлик оқими таълимоти асосида 1992 йилда ёзилган ташкилот асосчиси Акромжон Йўлдошев томонидан 12 та дарсдан иборат "Имонга йўл" деб номланган дастурида акромийлар оқимининг пировард мақсади ислом халифалиги давлатини барпо этишиндан иборат экани таъкидланган.

Акромийлар ўз дастуридаги ҳаракат қилишнинг бешинчи — "тўнтириш" — босқичида асосий мақсадлари — мавжуд конституциявий гузумни ағдариб ташлаб, ўзларининг ҳокимиятларини ўрнатиш каби ноқонуний ҳаракатлари белгилаб кўйилган. Акромийларнинг Андижон вилояти ва Кўкон шаҳри атрофида оз сонли ўз маслакдошлари бўлиб, улар алоҳида йўналишдаги диний ўқишлар билан шугулланниб келдилар.

Албатта, диний террорчилик ва экстремизм иллатини таг-томири билан йўқотиб ташлаш учун давлат ва жамият томонидан ҳали ағча ишларни амалга ошириш талаб этилади. Мамлакат чегараларини мустаҳкамлаш, армияни ҳозирги давр талаблари асосида ислоҳ этиш, миллий хавф-

сизлик органлари ишини янада тақомиллаштириш — бу соҳадаги устувор йўналишлардир. Шунингдек, мамлакат атрофидаги вазият ҳам террорчилик ва экстремизмга қарши курашда халқаро ҳамкорлик бўлишини тақозо этмоқда. Терроризмга қарши курашга халқаро жамоатчиликни давват этиш, дунё халқларини ундан огоҳлантириш ташаббуслари ҳам кўпинча Ўзбекистон давлати раҳбарияти томонидан амалга оширилганини бугун жаҳон афкор оммаси эътироф этмоқда.

Мамлакатда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2006 йил 25 августанда қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳмият касб этди. Мазкур қарорда мамлакатда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳолати таңқидий баҳоланиб, бу соҳадаги ишларни ривожлантиришга доир йўналишлар белгилаб берилди. Шу билан бирга, мазкур Қарордан келиб чиқиб Республика Маънавият ва маърифат кенгаши таркиби ташкилий ўзгартиришилар киритилди. Мазкур кенгаш тизимида яшги Миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Бу марказ олдига маънавият ва маърифат соҳасида олиб борилаётган ишларнинг замонавий илмий-назарий асосларига эга бўлиши назарда тутилди. Қарорга мувофиқ Республика "Маънавият ва маърифат" маркази номи билан фаолият юритиб келаётган ташкилотнинг номи Республика Маънавият тарғибот маркази деб ўзгартирилиб, бу ташкилотнинг асосий фаолият йўналиши аҳоли ўргасида маънавий-маърифий тарғибот ишлари олиб бориш деб белгиланди. Шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши таркибида энди иккита ташкилот — Миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази фаолият юритиши белгиланди.

Президент томонидан қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарор республиканинг барча худудларида маънавий-маърифий ишларни кескин яхшилашга қаратилди. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси

Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари лавозими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Маънавият ва маърифат кенгаши раиси, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари эса кенгашининг ҳудудий бўлимлари раҳбари лавозимини бажаришлари белгилаб қўйилди¹.

"Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ти Қарорининг қабул қилиниши мамлакат маънавий ҳаётида муҳим бурилиш бўлди. Маънавий ва маърифий ишларни олиб боришга ҳокимларининг мутасадди этиб қўйилиши натижасида жойларда амалга оширилаётган тадбирлар сифати яхшиланди, уларда фуқароларни қизиқтираётган долзарб масалаларга эътибор бериш кучайди. Зоро, фуқаролик жамияти куриш бу жараёнда иштирок этадиган фуқароларнинг нечоғлиқ маърифийлиги ва маънавий юкеаклигига чамбарчас боғлиқдир.

Президентнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ти Қарорини амалга ошириш жараёнда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий тадбирлар бу соҳадаги фаолиятни жонлантиришга, аҳолини маърифий ишларга жалб этишнинг мазмун-моҳияти ўзгаришига олиб келди. Ўтказилаётган маърифий тадбирларда мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлашириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, бозор иқтисодиёти шароитида пайдо бўлаётган муаммоларнинг ечимини топиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини ошириш, ҳокимият органлари бошқарувида ижтимоий адолат тамойилларига муҳим эътибор бериш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида аҳолининг иштирокини ошириш каби масалаларни муҳокама қилишга жиддий эътибор берила бошланди. Маънавият тарғибот кенгаши ва унинг жойлардаги

¹ Қаранг: Кенгашининг қўш қаноти. — Тафakkur. №1. 2007, 6—11-бетлар.

бўлимлари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Хотин-қизлар қўмиталари қуий ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшлар тарбияси масалалари, диний ақидапарастлик ва экстремизм кириб келишининг олдини олишга қаратилган тадбирларни жонли ўтказишга, уларни мувофиқлаштиришга доир иш фаолиятига муҳим эътибор бера бошлидилар.

Умуман, мамлакатда янги жамият қуриш ва уни ривожлантириш мақсадларида, авваламбор, инсон омилига муҳим эътибор бериш, фуқаролик жамиятини куришга қобил бўлган, маънавий юксак инсонларни шакллантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Чунки, фуқаролик жамияти шароитларида давлат ҳокимиятининг аксарият ваколатларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва подавлат нотижорат ташкилотларга берилиши натижасида бу институтларда фаолият олиб борадиган фуқароларга нисбатан масъуллик ҳис-туйгулари шаклланшишга бўлган талаблар табиий равишида ошиб боради. Бошқарув ва бошқа соҳаларда бериладиган ваколатлар ҳар бир фуқарони ўз шахсий манфаатларини жамоа, шунингдек, давлат ҳамда жамият манфаатлари билан уйғунлаштирган ҳолда ифода этишларини тақозо этади. Шунинг учун ҳам жамиятда яшайдиган фуқароларнинг миллий ва маънавий қадриятлар каби асосий мақсадлар атрофида бирлашиши ва жиселашини улар фаолиятини янада такомиллаштиради, натижада фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш учун шарт-шароитлар туғилади.

Умуман, мамлакатда маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири — ҳалқ ўртасида, айниқса, ёшлар ўртасида муттасил ва самарали маърифий-маънавий ишларни янада жонлантиришdir. Бугунги кунда асосий дикқат-эътиборни меҳнат жамоаларига, маҳаллаларга қаратиш зарурияти сезилмоқда. Айниқса, дунёвий жамият — фуқаролик жамияти асосиарини чукур ўрганиш, унинг институтлари шаклланиш жараёнларида бевосита иштирок этиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Шу мақсадша жамиятининг муҳим институти — маҳаллаларнинг ўзини

ўзи бошқариш органи сифатида ўрнини янада ошириш, маҳалла поебонларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш долзарб вазифадир. Айниқса, маҳалланинг ҳукуқни ҳимоя қилиш органлари билан ўзаро алоқаларини жонлантириш, умуман мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларни терорчилик ва экстремизмга қарши амалга оширилаётган маънавий-маърифий чора-тадбирларда фаол иштирок этишига эришиш нафақат ҳокимият органларининг, балки барча фуқаролик жамиятни институтларининг ҳам бурнларидир.

Мустақиллик даври ислоҳотлари жараёнлари машаққатлари, тажрибалари ва сабоқлари ишуни кўрсатдики, ҳар қандай фаровон жамият қуриш амалиёти мазкур инсоний бирлика яшайдиган кишиларининг ўзининг ҳам маънавий, ҳам руҳий жиҳатлардан камолотга етказишлек улугвор мақсадларни бажариши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги ислоҳотларининг ҳозирги босқичида фуқароларнинг сиёсий ва ҳукуқий маданиятини ошириш, уларнинг давлат ва жамият олдиғаги масъулияти буришини анылаш, ўтиң давридаги ислоҳотларда фаол иштирокларини таъминлашлари учун улар ўргасида маънавий қадриятларини юксалтиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Зоро, факат маънавияти инсонига ўз эркинлигига эришиш учун интилади, юқеак жамият қуришини ўзининг инсоний бурчи, деб билади. Давлат ва унинг органларини бош ислоҳотчи сифатида жамиятдаги маънавий қадриятларни юксалтиришга интилиши замирида ҳам ана шу пурмаъно ҳикмат ётади.

Х У Л О С А

Ер юзида инсоният яратилганидан бошлаб ҳаётий ва инсоний қулайликларга эга бўлган адолатли жамият қуришга интилишлар ҳам шаклланиди. Инсоният тарихининг илк давриданоқ адолатли жамият қуришда жамият барқарорлигини сақлашнинг бебаҳо омили сифатида ахлоқий ва маънавий қадриятларни ривожлантиришга ётибор қаратди. Айнан ана шу асос туфайли идеал жамият орзуидаги тасаввурларга оил сиёсий, фалсафий, линий қарашлар шаклланди.

Умуман, янги даврда яшаган мутафаккирлар фуқаролик жамиятни ва унинг институтларига доир назарияларни шакллантириш билан бир қаторда жамиятни тадқиқ этишининг методологик асосларини яратишга ҳам улкан ҳисса қўшидилар. Узар яратган илмий меросининг аҳамияти шундаки, ҳозирги даврга келиб ҳам фуқаролик жамияти улар томондан шакллантирилган месъёрлар, шуктаи назарлар ва услублар асосида таҳлил этилмоқда.

Шуниндек, фуқаролик жамияти ва унинг унсурларининг келиб чиқиши билан боғлиқ илмий ва методологик маъбаларни ўрганиш, таҳлил этниш ва умумлаштириш асосида ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамияти ва унинг институтларининг шаклланиш тажрибасини ўрганиш ва тадқиқ этиши натижасида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришда ётиборга олишга молик бўлган қуийиаги хуносалар шаклланди:

-- фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва демократик ҳукуқий давлат шароитидагина давлат тасарруфида бўймаган ташкилотлар, уюшмалар, эркин ва тенг ҳукуқли индивидларининг ўзаро илорализмига асосланган муносабатлар уйгунилигидан ташкил тонади;

- фуқаролик жамиятида хусусий манфаатлар ва индивидуализмга хос бўлган эркин муносабатлар беқиёс ривожланади;
- фуқаролик жамияти либерализм даврининг маҳсули бўлиб, унинг ривожланиши индивидларнинг эркинликка интилиши, яъни давлатга қарам бўлмаган эркин мулкдор фуқароларга айланиши, ўз шахсий хурмат-обрўсини ҳис қила бориши, хўжалик ва сиёсий масъулликни ўз зиммасига олишга тайёр бўлиши билан боғлиқдир;
- фуқаролик жамияти мураккаб тузилмага эга бўлиб, у ўз ичига хўжалик, иқтисодий, оиласий-қардошлиқ, этник, диний, хукуқий муносабатлар, маънавий ва ахлоқий қадриятларни қамраб олади;
- XX арнинг 50-йилларидан кейинги тарихий ривожланиш тажрибалари шуни кўрсатдик, дарҳақиқат хукуқий давлат унсурлари пайдо бўлмасдан туриб фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун имкониятлар ва шарт-шароитлар яратгилмайди;
- хукуқий давлатнинг унсурлари ривожланиши билан бир вақтда фуқаролик жамияти қуришга бўлган кучли зарурят пайдо бўлали. Чунки, хукуқий давлат қуриш жараёнлари фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш билан ўйғун ҳолда кечмас экан, бу соҳадаги ислоҳотлар ўз натижасини бермаслиги, ҳаттоқи, ислоҳотларнинг орқага қараб кетиши тарихий тажрибалар асосида исботланди;
- ҳалқ фаровонлиги ва жамиятнинг доимий барқарорлиги фақат фуқаролик жамияти шароитидагина ҳар томонлама кафолатланади;
- фуқаролик жамияти яратган шарт-шароитлар, ижтимоий-сиёсий муҳит инсоннинг ўз манфаатларини кенг ифода этишга замин яратади, ана шу манфаатлар асосида унинг бойлик ортиришга бўлган интилишлари ҳар томонлама қўйлаб-куватланади;
- фақат фуқаролик жамияти шароитидагина давлат ҳалқ суверенитети ва иродаси ифодачисига айланади, давлат тузуми ва қонунлар ҳалқ манфаатлари асосида амал қиласди;
- XX асрнинг 90-йиллари бошида Президент И.А. Каримов томонидан мамлакатнинг тарихий ривожланиш анъаналари, демократик принциплар ва ҳалқимиз дунёқраши, қола-верса мамлакат миллий манфаатларини ўзида ифода этган фуқаролик жамияти, хукуқий давлат ва бозор муносабатларига ўтиш даврининг назарий асослари ишлаб чиқилди;
- ривожланган мамлакатларда шаклланган демократик қадриятлар, фуқаролик жамиятига хос тамойиллар фақат ҳалқаро тажрибаларда синовлардан ўтганлиги учунгина эмас, балки ўзбек ҳалқининг миллий манфаатларига мос келганлиги учун ҳам мамлакатдаги ислоҳотлар жараёнларига босқичма-босқич татбиқ этила бошланди;
- сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг муҳим институтидир. Фуқаролар сиёсий партиялар воситасидагина ўз сиёсий манфаатларини ифодалай олиш, уларни давлат органларига етказиш имкониятига эга бўладилар;
- сиёсий партиялар у ёки бу ижтимоий қатламларнинг манфаатлари ва муаммоларини ўзида ифода этади, уларни сиёсий кентгилкларда ҳимоя этади;
- сиёсий партия ижтимоий қатлам ёки қатламлар сиёсий манфаатлари ифодачиси сифатида ҳокимият учун куранади, ижтимоий қатламларнинг сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида сиёсий жараёнларда фаол иштирок этади;
- мамлакатда қисқа давр ичизда бешта сиёсий партия шаклланниб, жамиятда кўпн partiyaийlik тизими шаклланди. Парламент, Президентлик сайловлари ва маҳаллий вакильлик органларига сайловлар асосан кўпн partiyaийlik асосида ўtkазилиши анъанага айланди;
- мамлакатда иккى палатали парламентга доир хукуқий асосларнинг ривожлантирилиши натижасида фуқаролик жамиятининг институтлари — нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар жамиятдаги индивидлар, ижтимоий груҳ ва қатламлар манфаатларини парламентда қабул қилинадиган қонунларда ифодалашга эришиш шарт-шароитларига эга бўлдилар;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар дастлаб жамиятни ўзини ўзи бошқариши асосида, яъни фуқаролик жамиятини мустақил ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари ва манфаатларига ўйғун ҳолда пайдо бўлди, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг муҳим ва энг асосий институтларидан бирига айланди;

— Ўзбекистонда Миллий Мугақилликнинг эълон қилиниши билан маҳалла ўзини қадимий, анъанавий-хукукий мақомларига эриша бошлади. Шу билан бирга давлат ва унинг органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг хукукий мақомини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йигинларини фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир чукур ислоҳотлар амалга оширилди;

— Ўзбекистонда сайловларнинг жамият институти сифатида шакланиши ҳамда сайловлар жараёнига замонавий демократик тамоилиларнинг кириб келиши натижасида бу институт фуқаролик жамияти ва хукукий давлатни шакллантиришининг таркибий қисми сифатида ўзини оқлади;

— Ўзбекистонда демократик оммавий ахборот военингари хукукий асосларининг яратилиши билан жамият ижтимоий-сиёсий ҳётида маълум ўзғаришлар рўй берди. ОАВнинг "тўртинчи ҳокимият" ва фуқаролик жамиятининг институти сифатидаги ривожланиш ислоҳотлари давом этмоқда.

Мамлакатда ижтимоий барқарорлик таъминлаш зарурати, мавжуд анъанавий институтиларнинг (оила, маҳалла, таълим ва тарбия муассасалари ва бошқалар), турли йўналишлардаги подавлат нотижорат ташкилотларнинг бу борадаги фаолигига эришини ҳамда уларнинг ривожланишини старли даражада кўллаб-куватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий эркинлаштиришининг муҳим йўналишларидан бири бўлган — жамиятининг ўрта қатламини шакллантириш вазифаси айнан шу институтлар иштирокида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бу, жамият томонидан ислоҳотлар жараёнининг кўллаб-куватланиши имкониятларини ҳам кенгайтиради.

Мамлакатда туб сиёсий ислоҳотларни, авваламбор, жамият ҳаётини кенг кўламли эркинлаштиришни оғишмай амалга ошириш — қонун устуворлигига асосланган фуқаролик жамиятини барою этишининг зарур шартларидан биридир. Учбу демократик ўзғаришлар қонунийликка асосланган ижтимоий адолатни, пироқарди натижасида, жамият ҳаётининг асосий мезони ва қондасига айлантиришга қаратилиши дозим. Бу борада аксарият фуқароларнинг сиёсий-хукукий онги ва

маданияти юқори даражада бўлиши ҳам ҳал қўйувчи аҳамиятга эгадир. Бунга эришишнинг энг мақбул йўлларидан бири нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ижтимоий-сиёсий институтларнинг фоалиятини янада эркинлаштириш, уларнинг давлат органлари ва жамоатчилик билан ўзаро муносабатларида ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқдир.

Жаҳонда фуқаролик жамиятини пайдо бўлиши, ривожланиши, шунингдек, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куриш ислоҳотлари жараёнини ўрганиш ва таҳдил этиш натижалари кўрсатдики, фуқаролик жамияти инсон манфаатлари, эркинликлари ва хукуқларини таъминлаш учун энг самарали шарт-шароитлар ва муҳит яратса олишга қобил бўлган инсоний бирликлар. Шунинг учун ҳам мустақилик даврида Ўзбекистон мамлакатининг асосий ривожланиш йўли сифатида фуқаролик жамияти ва хукукий давлат қуришга қаратилди. Албагта, бу стратегик мақсадни амалга ошириш натижасида мамлакат иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, мамлакатнинг дунёдаги ривожланган давлатлар қатогридан ўрин эталлашига эришиш ва халқ фарновонлигини юксалтириши учун барча имкониятлар яратилади.

XXI асрнинг дастлабки ўп йилларни даврига келиб Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг истиқболлари янада равшаналашди. 2009 йил декабрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик налатаси ва маҳаллий вакиллик органларига ўтказилган сайловлар Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти сари интияёттандигини яна бир карра намоён этди. 2010 йил 27 январда мамлакат Президенти И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик налатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзуидаги маъруzasida мамлакатнинг келажак ривожланиш стратегиясини асосий устувор йўналиши сифатида куйидаги фикрни билдири: «Айни пайдада, шуни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керакки, иқтиодий ўсишини таъминлаш, одамларимизнинг ҳёт даражасини янада юксалтириш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий очим топини энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишини тағаб қиласи.

ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб борищдан иборатдир¹.

Ҳозирги даврга келиб мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришнинг «Ўзбек модели»га хос бўлган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамоили асосидаги ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Ислоҳотларнинг бу босқичида инсонни ўзини янги жамият куриш жараёнларига жалб этиш, инсон манфаатларини ислоҳотлар натижалари билан уйғулаштириш, инсонни маънавий қарашларини юксалтириш баробарида унинг яратувчилик салоҳиятини юзага чиқариш, янги жамият куришнинг инсон ёркинлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг асосий кафолати эканлигига муҳим эътибор бериш, умуман олганда, бу мақсадларни амалга ошириш учун инсонни ўзини ижтимоий-сиёсий фаол бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мамлакат ривожланиш стратегиясининг узвий бир қисми сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш жараёнларида фуқаролар сиёсий маданиятни оширишнинг муҳим омиллари — улар сиёсий ва ижтимоий онганини демократик қадриятлар асосида бойитиш, аҳолини давлат бошқаруви ва сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокини ривожлантириш, инсонни ўзининг турли-туман манфаатларини фуқаролик институтлари воситасида ифода этиш ва амалга ошириш амалиётини эгаллашига кўмаклашиш, ҳар бир шахснинг ўз манфаатларини миллий манфаатлар билан муштарак ҳолда ифода эта олиш ҳис-туйгуларини шакллантириш кабилар — келажаги буюк давлат куришнинг энг асосий пойdevорицир. Шунинг учун ҳам мамлакат Президенти И. Каримов фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотларини илгари суради: «Мазмун — моҳиятига кўра, социал-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга кўйдиган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик

жамияти сари» дастурини амалга ошириш бўйича ишларни яна-да фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда. Бу амалда фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантиришни, унинг мамлакатни, маъмурий-худудий тузилмаларни бошқариш жараённига уйғун равишда интеграциялашувини англаради².

Мамлакатда фуқаролик жамияти куриш ислоҳотлари бир томондан, жамиятни ўзини такомиллаштириш соҳасини қамраб олган бўлса, иккинчи томондан, давлат ҳокимиятини органларини номарказлаштириш, ҳокимият органлари ваколатларини бир қисмини фуқаролик жамияти институтларига бериш, подавлат нотижорат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларига давлат органларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини яратиш йўли билан амалга оширилмоқда. Чунки, фуқаролик жамияти фақат ҳуқуқий давлатни амал қилиши шароитидагина яшай олади, ўз ўринда, ҳуқуқий давлатнинг ўзи ҳам фуқаролик жамияти институтларини шаклланниб бориши баробарида қад кўтариб боради.

Хуоса қилиб айтганда, мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ривожланган мамлакатларда замонавий андоzagа айланганлиги учун эмас, балки бу каби давлат ва жамият миллий манфаатларимизга уйтун келганлиги, инсон ҳуқуки ва ёркинликларини демократик қадриятлар асосида таъмишлаш заруратининг наидо бўлганлиги, обод Ватан ва Фаровон жамият қуриш бизнинг олий қадриятимизга айланганлиги учун ҳам асосий стратегик пировард мақсад сифатида ҳаётга жорий этилмоқда. Қадим замонларда Рим мутафаккири Цицерон «халқ олий ҳокимиятдан фойдалана олган жамиятгина ёркинликнинг чинакам масканидир», деганда, албатта, ҳозир биз кураётган жамиятни орзу қилган эди. Зоро, мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш заминида давлатимизни жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносаб ўринни эгаллаши, ривожланган давлатларга хос бўлган иқтисодий салоҳиятга эришиш йўллари интилишлари мужассамлашган.

¹ И.А. Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик налағаси ва Сенатининг кўшма 2010 йил 27 январда ўтказилган мажлисидаги маъруzasи. // Халқ сўзи, 2010, 28 январь.

² И.А. Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мамлакатимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик налағаси ва Сенатининг кўшма 2010 йил 27 январда ўтказилган мажлисидаги маъруzasи. // Халқ сўзи, 2010, 28 январь.

МУНДАРИЖА	
КИРИШ.....	3
I боб. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАНБАЛАРИ	
1.1. Жамиятни тадқиқ этишга доир дастлабки илмий ёндашувлар.....	6
1.2. Шарқ адіомаларининг фозил жамиятта доир тәғдимоти.....	19
1.3. Фуқаролик жамиятини ўрганишининг дастлабки методологик манбаларининг шаклланиси.....	30
1.4. Фуқаролик жамиятини тадқиқ этишда замонавий услубий ёндашувлар ва талқинлар.....	42
II боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ	
2.1. Мустақиллик даврида жамият тизимидағи институционал ўзгаришлар.....	56
2.2. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал тамойил ва унинг моҳияти.....	69
2.3. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлатнинг бош ислоҳотчилик ўрни.....	83
2.4. Фуқаролар эркинлиги ва фаоллигини ошириш жараёнлари.....	92
III боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ СИЁСИЙ СОҲАСИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ	
3.1. Кўллартияйлилк тизимишининг фуқаролик жамияти институти сифатида шаклланиси.....	107
3.2. Сиёсий паргиялар фаолиятини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар.....	126
3.3. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлан- тиришда нарламент ислоҳотларининг ўрни.....	139
3.4. Сайловлар тизимини демократлаштириш — фуқа- ролик жамиятини шакллантириш омили.....	150
IV боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛARIНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ	
4.1. Нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимининг ривожланиш жараёнлари.....	171
4.2. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини эркинлаштиришга доир ислоҳотлар.....	190
4.3. Оммавий ахборот восьиталарини демократлаштириш жараёнлари.....	208
4.4. Маърифийлик ва дунёвийлик — фуқаролик жамия- тини шакллантишининг асосий омили.....	223
ХУЛОСА.....	247

Муқимжон Қирғизбоев

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ:
ГЕНЕЗИСИ, ШАКЛЛАНИШИ
ВА РИВОЖЛАНИШИ**

Муҳаррир *З. Ҳакимова*

Бадий мұхаррир *О. Фозилов*

Техник мұхаррир *У. Ким*

Мусақханалар *С. Салохитдинова, Ф. Норматов*

Саҳифаловчи *Ф. Чанышева*

Босишга рухсат этилди 25.02.2010. Бичими 84×108^{1/32}. Times
Uz гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли б.т. 13,44.
Нашр табори 13,53. Адади 2000 нусха. Буюртма 10-47.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston»
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.